

Рустам  
ЖАББОРОВ



ЗАДИНАТ  
МЕРМАА  
ҚИССАЛАР

**Kitob shu yerda ko‘rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

**Ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--

Рустам ЖАББОРОВ

# ЗУЛМАТ ДИЁРИДА

*Қиссалар*



Тошкент  
«IJOD-PRESS»  
2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Ж13

Жабборов, Рустам

«Зулмат диёрида»: (қиссалар) / Р.Жабборов –Т.:  
«IJOD-PRESS», 2016. – 264 б.

УЎК: 821.512.133-31


КБК: 84(5Ў)7

Азалдан дин, эътиқод инсонларни эзгуликка, ёруғликка даъват этиб келган. Бироқ динни ёвуз мақсадларга эришиш учун ўзларига восита қилиб, минглаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкувчи олчоқ кимсалар ҳар доим бўлган. Бугунги кунда турли радикал оқимлар ўз бузғунчи мақсадларини кўзлаб аҳоли, айниқса, ёшларни ўз сафларига оғдирishi учун турли ҳийла-найрангларни ишга солишмоқда. Рустам Жабборовнинг “Зулмат диёрида” қиссасида ана шундай оқимлар тўрига илинган ёшларнинг аянчили қисмати қаламга олинган. Китобдан жой олган “Ёшлик бебошлиқ эмас” қиссасида ҳам бугунги ёш авлод вакилларининг характеристери, орзу ва интилишлари, улар ҳаётидаги учраб турдиган турли муаммолар, ёшлар тарбиясига қаратилиши лозим бўлган эътибор хусусида сўз юритилади.

Тақризчи:

Шойим БЎТАЕВ – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ISBN 978-9943-994-38-6



© “IJOD-PRESS” наприёти, 2016

## ЗУЛМАТ ДИЁРИДА

**2016 йил, март, Самарқанд...**

...Баҳор атроф-жавонибга ўз сепини ёйиб, ҳар бир қалға бирдек кўтариқилик, тароват улаша бошлаган, тоғ этагидаги дўппидеккина бу қишлоқ аҳли ҳам кўкламнинг мусаффо эпкинларидан баравар баҳра олаётган бир дамда Қумри холанинг ичига чироқ ёқса ёришмасди.

Қумри хола чолидан ажраб қолганидан кейин икки ўғли Исомилдин ва Низомжондан бошқа сұянағын ҳеч кими қолмади. У фарзандларини икки кўзининг оқу қорасидек кўради. Бу ёруғ оламда мана шу икки зурриёдининг бахту саодатини кўришдан бошқа илинжи йўқ унинг. Кетишганига ҳам саккиз ойдан ошди. Бошида оз-моз пул ҳам юборишиди. Аммо нуридийдаларининг ўзини кўрмаганидан кейин Қумри хола учун улар юборган пул кўзига кўринармиди? Аввалига кунда-кунора, акаси бўлмаса укаси қўнғироқ қилиб онаизорнинг аҳволини сўраб туришганди. Вақт ўтгани сайин бу йўқловлар оралиғи ҳам қисқара бошлади.

...Бугун ҳам Қумри хола учун кун одатдагидек бошланди: Аzonда туриб мол-ҳолидан хабар олди, сигир соғди, бели букилиб, ҳайҳотдай ҳовли саҳнини супуришга тушли. У тенгилар ҳозир ҳамма ишни қиз-келинларига топшириб, қўлини совуқ сувга ҳам урмай қўйган. Ҳали бу қулоқсиз ўғиллари Россиядан қайтсин, дод-войига қулоқ солмасдан икковини ҳам уйлантириб қўяди. Ҳа, майли, ҳеч бўлмаса, каттасини. Низомжони ўтган йили қайсиadir институтга ҳужжат топширган, имтиҳонга икки балл етмасдан қайтиб келганди. Бу йил албатта ўқишига кираман, деб ўзига аҳд қилган. Бу йил ҳам ўхшамаса, армияга жўнайди. Майли, қаерда бўлсаям, тану жони соғ бўлса бас.

## Рустам ЖАББОРОВ

---

Қумри хола бели қаттиқ оғриб қолгани учунми ярмігача едирилған чүлтоқ супургини ерга ташлаб қаддини ростлади. Енгил ух тортди. Катта ўғлия� нақ лочиннинг ўзгинаси. Тишлаган еридан узмасдан қолмайди. Жуда келишган йигит. Қумри хола қайси тўй маъракага кирмасин, хотин-халаж “қачон ўғлингизни уйлантирасиз?” деб қисти-бастига олишади. Энди бирорта яхшироқ қизни кўз остига олиб қўймаса бўлмас. Албатта, тўйнинг сарф-харажатларини аёл боши билан қоплаши қийин. Бироқ иккита шердек ўғли шунча пайт ишлаб, битта тўйга етарли гул жамғариб келишса керак?

Шу пайт қийғос гуллаган гилюс шохидаги ҳакканинг хунук қафиллаши хаёлини бўлди. Иримчилик Қумри холанинг қонида бор: аввалдан эрта тонгда ҳакканинг қафиллашини бехосиятликка йўяди.

— Кишт-э, овозгинанг ўчсин! Оғзингга тош!

Қумри хола қўлидаги чўлтоқ супургини ҳакка ўтирган шохга қараб сермади. Ҳакка ҳам аёл билан ўчакишлоқчи бўлгандек яна икки марта норози оҳангда қафиллаб, қанотини ёйганча, қўшни ҳовли томон учиб кетди.

Худди шу аснода атайин қилгандек чап кўзи икки марта устма-уст учди. Аёл “ишқилиб яхшилик бўлсин” деб пицирлаганча, бармоқларини уч марта ўпиб кўзларига сурди.

Миясидаги нохуш ўйларни қувмоқчи бўлгандек, бошини бир-икки чайқаб, белида турган оғриқقا ҳам қарамасдан яна ишга шўнғиди. Ерга уч-тўрт супурги урган ҳам эдики, дарвозахонадан кимнингdir овоз бергани эшитилди. Кафтини пешонасига соябон қилиб, хира тортган кўзларини дарвоза томонга тикди. Таниди: бўсағада Зокир муаллимнинг қишлоқ фуқаролар йигинида ишлайдиган кенжа ўғли Шокиржон велосипед рулига суюниб турарди. Катта ўғли билан бирга тепишиб катта бўлган бола-да! Ўғиллари кетганидан бери қадами узилганди-ку? Нима гап экан-а?

Шокиржон хола билан қисқагина сўрашиб, мақсадга кўчди:

- Хола, сизни Кенжа ака чақириптилар, тез бораркансиз?
- Тинчликмикан? Нега чақиради?

Шокиржон холанинг саволини эшитмадими ё эшитмасликка олдими, ҳар қалай, велосипедини етаклаганча, ортига бурилиб, кўздан йўқолди.

Кенжа акани қишлоқдаги ҳамма “раис” деб чақиради. Бу “унвон” унга бекорга берилмаган. Бир пайтлар у ширкат хўжалигининг раиси эди. Ширкатлар йўқолиб кетгач, уни қишлоқ фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди. Хуллас, беш йилдан бери шу “йиғин”нинг “катта”си. Хуллас, “раис” унвони унинг ўтмишига ҳам, бугунги мавқеига ҳам мос келади.

Иши юқоридагиларга ёққан шекилли, ўтган йилги сайловда ҳам уни раис қилиб сайлашди. Қишлоқда кимнинг бошидаки муаммо бор – унинг ёнига чопишади.

Қумри холанинг уйидан то йиғин идорасига қадар масофа чиқса икки юз қадам чиқади. Аммо негадир холанинг назарида бу масофани босиб ўтгунча анчагина йўл босгандек бўлди. Юрган сайин фуқаролар йиғинининг кўкка бўялган бир қаватли биноси ҳам ортга чекиниб бораётгандек туюлаверди.

Ёши элликлардан ўтиб, пешонаси ярқираб қолган, хийла ранги ўчган марғилонча дўпписини пешонасига бостириб кийган эркак – Кенжа аканинг ёнида қишлоқ милиция таянч пункти бошлиғи, елкасига тўртта юлдуз “қўнган” Файрат мелиса ва яна узун бўйли, қотмадан келган, ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги, оқ кўйлакли бир киши ўтиради.

“Ишқилиб тинчлик бўлсин-да, – холанинг юраги бесаранжом типирчилади. – Ҳовли ўлгурнинг налуғи икки йилдан бери тўланмаган, шуни сўрашармикин?”

## Рустам ЖАББОРОВ

— Келинг, опа ўтиринг! — Кенжা ака камдан-кам ечиладиган дўшписини бошидан олиб, ялтираб турган бошидаги тер резаларини рўмолнаси билан сидириб олди ва нотаниш меҳмонга ўгирилди. — Сизга айтган опамиз шу киши бўладилар.

Оқ кўйлакли йигит “маъқул” дегандек бош ирғади.

— Опажон, — деди қўлидаги қофозга бир қур кўз югуртириб. — Низомжон ва Исомиддин сизнинг фарзандларингиз, тўғрими?

Қумри холанинг юраги шиф этиб кетди: ўғиллари бир ножўя ишга қўл уришдимикин? Кичкинаси Низомжондан-ку кўнгли тўқ — қўй оғзидан чўп олмайдиган бола. Бироқ каттаси жанжални пулга сотиб оладиган йигит эди...

— Менман, тинчликми?

Сўроқ давом этди:

— Ўғилларингиз қаерда ҳозир?

Қумри хола аввалига бир сапчиб тушди, кейин “сизлар билмасмидиларинг?” дегандек бир Файрат мелисага, бир Кенжা раисга қаради.

— Бизда маълумотлар етарли, лекин ҳаммасини ўзингиздан билиб олсан дегандим, — деди ҳалиги йигит опанинг қарашларидан маъно уқиб.

— Шу... Россияга кетган.

— Қачон?

— Саккиз ойча бўлди-ёв. Адашмасам, августда эди. Ҳа, ҳа, август.

— Улар кимнинг таклифи билан кетишган Россияга?

— Катта ўғлим Низомжон... — Қумри хола ниманидир эсламоқчи бўлгандек пешонасини тириштириди. — Оти қурғур нимайди? Ҳа анув тилигромми-баломи ўша ердан битта фирманинг манзилини топиб гаплашибди. Кейин укасини ҳам ўзи билан олиб кетишга кўндириди.

— Улар билан охирги марта қачон гаплашгансиз?

— Бир ойча бўп қолди?

Кенжа раиснинг торгина ҳужрасида ноқулай жимлик чўкди.

— Бир ойдан бери хат-хабар йўқ экан, нега бир оғиз бизга хабар қилмадингиз? — жимликнинг Файрат мелисанинг йўғон овози бузди.

Қумри холанинг диққати сония сайин ўсиб борарди. Унга қадалиб турган уч эркакнинг синчков нигоҳларидан ўзини хиёл йўқотиб қўйганди.

— Билмасам, болаларимнинг ишлари кўпайиб, қўнғироқ қилишга вақти бўлмаётгандир, дедимда, — деди йиғлагудек бўлиб. — Сал тушунтириброқ гапирсанглар-чи? Нима бўлди ўзи?

Шу саволдан сўнг Кенжа раис ҳам, Файрат мелиса ҳам нотаниш йигитга қарашиди. Йигит эса, пастки лабларини тишлаганча бир муддат жим қолди...

### Саккиз ой аввал

— Қани жонинг борми? Мунча қалтирайсан? Э, эрталаб нон-пон еб олганмидинг? Чиранмайсанми мундок! Билагинг шишиб тургани бекор экан-да? Ҳаяша, бўларкан-ку? Бу бошқа гап-да, эркак.

Хонтахта устида укаси билан қўлкураш ўйнаётган Исомиддин унинг билагига бирпас тикилиб турди-да, бор кучини тўплаб, пастга бир қайирганди, Низомжоннинг мушти тарс этиб, хонтахта устига тушди.

— Э, йиқитиш мана бунақа бўпти-да, укам!

Низомжон кулимсираб бошини эгди.

— Ака, айтдим-ку, барибир сизга кучим етмайди, деб. Ўзингиз қўймадингиз.

Исомиддин ғолибона илжайиб, кафтини кафтига урди.

— Яна ҳамма сени мақтайди “жа шу укангиз бақувватда” деб. Бизнинг укамиз бўлганидан кейин канешна бақувват бўлади-да!

## Рустам ЖАББОРОВ

---

Низомжон нимадир демоқقا оғиз жуфтлаган чоғда эшик очилиб, Күмри холанинг боши куринди.

— Бўлди-да, кап-катта эркакларга бошқа иш қуриб кетганми? Ўтин тугаб қолди. Аниви кўркунда тутаб ёнмаяпти. Шуни битталаринг ёриб берсаларинг-чи!

Исомиддин кўзининг учи билан укасига “қани бор” дегандек ишора қилди. Кейин негадир узи ҳам унинг изидан эргашди.

Ховли четидаги ўчоқхона олдида чала ёнган кунданинг бир чети қорайиб турарди. Исомиддин деворга суваб қўйилган болтани олиб, беписандлик билан кундага санчди. Бироқ у кутганидек кунда тарс ёрилиб кетмади. Иккинчи-учинчи уриниш ҳам бекор кетди.

— Ўтин ҳўл экан-да, — деди онаси билан укаси олдида паст кетгиси келмасдан. — Қани укам, жа кучли бўлсанг, битта кўрайлик-чи, ма, ушла!

Низомжон болтани шартта қўлига олди. Кунда унинг биринчи зарбасидаёқ қоқ иккига бўлинди. Шу тариқа бирпасда йўғон, бақувват кунда кичик қаламчаларга ажралиб кетди.

— Барибирам қўлкурашда менга тенг келолмайсан, — укасининг елкасига қоқиб, ундан нари кетди Исомиддин. Укаси эса билаги билан пешонасидаги терни артиб, кулиб қўя қолди.

Исомиддин ховли ўртасидан ўсиб чиқкан кекса тут панасидаги сўридан жой олди. Укасига зимдан кўз ташлаб олгач, жинси шимининг чўнтагидан телефонини чиқариб, кавлаштиришга тушди. Дафъатан сўнгги русумдаги смартфон экранига қараши билан кўзлари чақнаб кетди.

Икки кун аввал интернет сайtlарини титкилаб ўтирган пайтида Россиянинг Қозон шаҳридаги қурилиш компаниясининг сайтига кириб қолган, у ердан бўш иш ўринлари ҳақида хабар тоғлан, у ерда кўрсатилган

рақамлардан бирига телеграм орқали ўзи ва укасининг маълумотларини жўнаттанди.

Мана, ўша рақамдан жавоб келди. “Агар августнинг охирига қадар Қозонга етиб келиб, оғзаки сұхбатдан ўта олсанглар, ишга жойлаштирамиз!”

Табиийки, бунинг учун чипта олиб, Россияга учиш, айтилган манзилга вақтида етиб бориш лозим. Сұхбатдан ўтиш унча қийин бўлмаса керак. Ака-укасининг қурилиш ишларида анча-мунча тажрибаси бор. Яқинда ҳам шаҳардаги бир корхонани яна иккита уста йигит билан таъмирлаб беришган, ҳар қалай яхшигина ҳақ олишганди.

— Низом, бу ёққа қара!

Аканинг ниятини пайқаган Низомнинг ҳафсаласи пир бўлди:

— Ака, сизга айтдим-ку, шу ерда ишлайверамиз, деб.

Укасининг энса қотириши аканинг шаҳдини сўндирамади:

— Сен нимани ҳам тушунардинг? Ўша олган арзимаган чойчақани ҳам пул деб ўйляяпсанми? Ўша ишни бориб мана бу ерда қилганимизда, — Исомиддин шундай дея телефон экранига имо қилди, — нақ пулнинг тагида қолиб кетардик.

Низомнинг яна энсаси қотди:

— Ака, ҳеч қаерда пулни кўчадан супуриб олмайсиз. Ўзимизда топилган пулнинг баракаси бўлади. Четда эса, топган пулингизнинг бир қисмини ижарага тўлайсиз, бир қисми еган-ичганингизга кетади. Бунинг устига ҳужжат тўғрилаш, йўл-кира, бошқа майда-чуйда харажатлар...

— Эй галварс, агар ҳаммаси сен айтгандек бўлса, ҳамма пул топиш учун хорижга югурурмиди? Ана, Эргаш новвойнинг ўғиларини қара! Бир йил деганда отасига машина олиб берди, уйларининг кам-кўстини тўғрилашди. Кузда қайтиб келишса, тўй қилишмоқчи.

Учоқхона тарафдан Қумри холанинг жонсарак овози эшитилди:

## Рустам ЖАББОРОВ

— Ҳа, ака-ука, яна оталарингдан қолган чорбоғни талашяпсанларми? Нима гап ўзи?

Акаси индамай қўя қол дегандек укасига қовоқ уйганди, аммо ука бу ишоранинг моҳиятига етолмади.

— Акам, Россияга ишлагани кетармишлар! — деди хийла киноя билан ва қўшиб қўйди: — Пул топиб келиб кейин уйланмоқчилар.

Исомиддин зарда билан уканинг бошига енгил шапатилади.

— Қовун!..

— Нима? — Қозоннинг тагига қаланган тарашаларни ўт олдиролмай тажанг бўлиб турган Қумри холанинг фифони фалакка чиқди. — Аканг шу гапига номаъқул бузоқнинг гўштини ебди. Россияда унга пишириб қўйган эканми?

— Мен ҳам шуни айтаман, — акасининг қитиқ патига тегишта уринди Низомжон. — Қўйиб берсангиз мени ҳам судраб кетадилар шекилли.

Қумри хола қўлидаги косовни ташлаб, болалари ўтирган сўри тарафга юрди.

— Сени нима жин урли, ярамас? — деди катта ўғли тарафга ҳезланиб келаркан. — Сен тенгиларнинг боласи мактабга борай деяпти-ю, сен ҳалиям такасалтанг юришингни қўймайсан? Россияга кетсаларинг, мен бу ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзим гўрчўпдек қўққайиб қоламанми?

— Ойи! — Исомиддин ўз қарорини ҳимоя қилмаса бўлмаслигини тушуниб етди. — Сизам, укам ҳам тушунмаяпсизлар! Мен Россияга ўйнагани кетаётганим йўқ. Мен ҳам ўзим тенгларни кўриб ҳавасим келяпти. Чет элга бориб ишлаб келаётганларни кўриб, менинг ҳам у ерларга бориб ишлагим келяпти. Мен ҳам, укам ҳам гижинглаган машина минсак дейман.

— Бекор айтибсан, шу кузда сени уйлантириб қўяман,

қаерга борсанг ҳам барибир пешонангга ёзилган ризқни оласан, ундан ортиқчасини ололмайсан. Мен бир-иккитасининг қизига оғиз ҳам солиб қўйганман.

— Йўқ, ойижон, — Исомиддин сўрининг устидан сакраб тушди. — Мен манави ҳовлида йигирма кишини чақириб, алмисоқдан қолган темир стол-стуллар устида ярим-ёрти тўй қилишни истамайман. Қодирқул калтанинг ўғлига ўхшаб, шаҳарда катта ресторонда гумбадангқарс тўй қилсан дейман. Тўйимга энг машҳур хонандаларни чақираман. Келинни Эшмат тоғамнинг эски “Нексия” машинасида эмас, лимузинда олиб келсан дейман. Ахир, буларнинг ҳаммасини ўзим учун қиласанми? Бунинг обрўсини сиз оласиз-ку, ойижон! Даврага чиқиб манавинаقا ўйнаб берасиз!

Исомиддин шундай дея худди ёш боладек иргишлиб, сакраб рақс туша кетди. Она ўғлининг антиқа ҳаракатларини кузатиб туаркан, пиқ этиб кулиб юборди. Кейин эса:

— Башарант қурмасин сен тентакнинг, — дея терс бурилиб кетди ва қўшиб қўйди: — Лекин барибир ҳеч қаерга бормайсан.

— Хўш, сен-чи? — Исомиддин ойисининг сал нарироқ кетишини кутиб, укасига юзланди. — Мен билан кетасанми?

— Ака, билмагандек гапирманг, — Низомжоннинг фаши келди. — Хабарингиз бор, мен институтга имтиҳон топширганман, ҳали жавоби чиққани йўқ.

— Кираман деб ўйлаяпсанми? — ака укасининг юзига бир зум мазахомуз термилиб турди. — Сенга ўқишга кириш чала ёнган тарашани ёришдек осон иш эмас. Бунинг учун ё заринг, ё зўринг бўлиши керак, деб сенга минг марта айтдим. Сен бўлса барибир ҳужжат топширдинг.

— Барибир ўқишга кимдир киради, кимдир йиқилади.

## Рустам ЖАББОРОВ

---

Мен ҳам омадимни си nab кўрдим-да! Яхши тайёрландим.  
Кирсам керак.

— Менга қара, ўв “олим”, — Исомиддин масалани  
кўндаланг қўйди. — Кел. Агар шу имтиҳондан ўтолсанг,  
менам қайтиб Россияга кетишдан оғиз очмаганим  
бўлсин. Бордию, ўқишига киролмасанг, мен билан  
Россияга кетасан, бўптими?

Низомжон тараддуланиб қолди. Агар акаси билан  
гаров бойласа, лафзида туриши шарт. Ўқишига кириб  
кетса-ку, хўп-хўп. Йиқилса-чи? Унда кетадими?

— Ҳа, эркак, нега ўйланиб қолинг? — ҳиринглади  
Исомиддин укасининг нафсониятини қўзғаб. — Ўқишига  
киришингга кўзинг етмаяпти-да? Ҳа укам-а, одам деган  
дангал бўлса-да, ё остидан, ё устидан.

Низомжоннинг ич-ичидан аллақандай ўжар бир туйғу  
тошиб келди-да, акасининг кафтига кафтини босди:

— Бўлди, ака, сизам ваъдангиздан тонмасангиз бас!..

\* \* \*

...Қумри холанинг эри Баҳтиёр aka жигар циррозидан  
қазо қилганида, болаларининг каттаси ўн иккида, кичиги  
саккизга ҳам тўлмаганди. У аёл боши билан шу икки  
ўғлини вояга етказиш учун қўлидан келганини аямади.  
Гарчи ота-онаси яқинлари қистаса-да, болаларим бегона  
отанинг қўлига қараб қолмасин леб, бошқа эр қилмади.

Аёл боши билан эртаю кеч тиним билмади. Даала  
эркаклар қатори ер чопди, уйида мол-ҳолни кўпайтирди,  
мактабда фаррошлиқ қилли, қишининг чилласида  
қишлоқдошларидан арzon-гаровга картошка-ниёз олиб,  
шаҳарга сотиб келди.

Болалари ёнидан кириб, ҳунарли, топармон-тутармон  
бўлган бир пайтда, катта ўғлини нима жин урди — Қумри  
хола билолмади. “Россиядан яхшигина иш тоғдим,

бормасам, иш қўлдан кетади, ўлсам-ўламан, лекин бораман” деб икки оёғини бир этикка тиқди-қўйди.

Ўзи боришга аҳд қилгани етмагандек, укасини ҳам йўлдан урди. Бошида Низомжон “ўз Ватанимини ташлаб қаерга кетамиз, шу ердан яхши жой йўқ”, деб туриб олганди. Балки шу йил ўқишига кириб кетганида ҳам акасига эргашиб кетмасмиди?

Низомжон университетнинг тарих факультетига ҳужжат топширган эди. Не тонгки, ҳатто контрактга ҳам илинолмабди. Тўрт ярим балл етманти. Бир қараашда талаба бўлишига бир қадам қолгандек туюлади. Аммо, ана шу тўрт ярим баллик “масофа”да нақ ўн еттида омадсиз абитуриентнинг исм-фамилияси турибди. Бу эса вакант ўринларга ҳам умид қолдирмайди. Қолаверса, ҳозир контарктга илингани учун ўқишини шарт ташлаб кетадиган замон эмас. Ҳамма чираниб бўлса ҳам барибир ўқийман, дейди.

Энг ёмони, акаси билан баҳс бойлашгани бўлди. Агар лафзидан қайтса, бир умр акасининг олдида тили қисиқ бўлади. Бироқ Низомжон ҳамиша айтган гапида событ туришга ўрганган.

Ниҳоят, ака-уканинг гапи бир жойдан чиқадиган бўлди: Россияга ишга бориши! Бу орада телеграм орқали қурилиш компанияси агенти ҳам уларни тез-тез йўқлаб турди. Яна нима керак? Имкониятни қўлдан бой бериш ақлдан эмас.

Ака-уканинг Россиядан иш топгани тез орада қишлоққа ёйилди. Кимдир “четга бориб ишлаётганларнинг аҳволини кўриб юрибмиз, нима кераги бор?” деб маслаҳат берса, яна бирори “бунақа имконият бошқа такрорланмайди” деб ака-уканинг ичига ўт қалади. Қумри холанинг оҳу нолалари ҳам бекор кетди.

— Узоги билан бир йилда қайтамиз, ойижон, — дея уни ишонтиришга ошиқди Исомиддин. — Кейин

албатта ўзингиз топган қизга уйланаман. Сизнинг орзу-  
ҳавасларингиз ҳам амалга ошади...

## *2015 йил, сентябрь. Қозон...*

Ака-ука Қозонда иш бошлаганига ҳам икки ҳафтадан ошди. Бошида улар, айниқса, Низомжон бу шаҳарга кўниколмай юрди. Бир қараса, ўзимизнинг шаҳарларга ўхшаб кетади: тоза, озода, кўчалари кенг, равон. Аммо барибир бегона юрт Ватан бўлолмас экан. Барибир ўз юртингнинг об-ҳавоси, одамлари, нозу неъматлари бўлакча.

...Уларни Қозон аэропортида Марат исмли йигит кутиб олганди. Кўзлари одамга алланечук сирли, синчков боқадиган, маллатоб, ёқимтойгина йигит экан.

У ака-укаларни “Рено” машинасида шаҳар томон елдириб бораркан, негадир бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат, шаҳар чеккасидаги аллақандай икки қаватли чала битказилган бино олдига боргач, машинадан тушиб, иш билан таништириди.

Маълум бўлишича, бу иморат асли Равшан ҳожи исмли регарлик ўзбек тадбиркорига тегишли бўлиб, йил охирига қадар кўчиб кирмоқчи экан. Айни пайтда бино ичкарисида пардозлаш ишлари бошланган, икки нафар уста мулдатидан олдин кетиб қолгани сабабли қўшимча иш кучи излашга тўғри келибди.

Усталар асосан тоҷикистонлик бўлиб, ичида битта водийлик Ортиқали ака деган киши бор экан. Йигитларнинг ўзбекистонлик эканини эшитиб чеҳраси очилиб кетди. Кўринишидан ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, кўпни кўрганга ўхшарди.

Ака-ука қурилиш яқинида ўрнатилган вагон-уйчалардан бирига жойлашишиди. Бу ерда яна олти киши яшар, хуллас, ётоқ шароити улар ўйлаганидан анча паст даражада экани маълум бўлди.

Иш кунлари бир-биридан деярли фарқ қиласди. Қозонда биз тарафларга қараганда тезроқ тонг отаркан. Тонгги соат учда ҳамма ёқ ёп-ёруғ бўлиб кетади. Ҳамхоналарнинг деярли ҳаммаси намозхон йигитлар бўлгани учун Исомиддин ҳам уларга қўшилиб, намозга туради.

Кун бўйи ишлаб чарабагани учунми, аzon пайтида Низомжоннинг қулоғи тагидан тўп отилса ҳам уйғонмайди. Фақат акасининг қистови билан бир-икки марта жума намозига борди.

Қозон марказида “Қул Шариф” масжиди Россиядаги энг чиройли мачитлардан бири экан. Кремлга яқин жойда қурилган бу гўзал иншоотнинг мовий гумбази ва минораларини шаҳарнинг исталган қисмидан кўриш мумкин.

Ишанча қийин, туар жойларидаги шароит ҳаминқадар, ейиш-ичиш ҳам мақтандарлик бўлмаса-да, негадир Исомиддиннинг кайфияти ёмон эмасди. Бир куни ётиш олдидан укаси унга:

— Ака, мана шу сассиқ қутида ётиб юрганимиздан кўра, ўзимизнинг қишлоқда ишлаганимиз яхшимасми? — дедио балога қолди.

— Бунақа пулни сенга ким беради қишлоғингда? Йигит деган озгина қийинчиликларга чидолмай нолийверадими? — деди Исомиддин ўсган соқолига кафтини ишқалаб.

— Ҳали пулимизни олганимиз ҳам йўқ-ку? — акасининг гапини илиб кетди Низомжон.

— Жа уч-тўрт ой ишлаб қойиллатгандек гапирасан-а, Низом? — Ака эски адёлга бурканганча ҳомуза тортди.

— Ҳожи акамиз жуда инсофли, диёнатли одам эканлар. Болалар айтишяпти-ку, жуда қўллари очиқ деб.

“Ҳожи ака” деганлари ёши элликларга бориб-бормаган, қалин соқолига оқ оралаган, бошига оппоқ

ҳожидўпни қўндириб, оқ яктақ, оқ шалварда юрадиган киши экан. Ҳар ҳар замонда оғзини тўлдириб турган тилла тишларини кўрсатиб илжайишни айтмаганди, уни анчайин босиқ, жиддий одам деб ўйлаш мумкин эди.

У қурилишга келиши билан аввал эски усталар билан тожикчалаб бафуржа сўрашар, кейин уста Ортиқали ва ака-укалар билан соф ўзбекчалаб салом-алик қиласарди.

“Ҳожи ака”нинг хиёл форсий лаҳжада қироат билан, мулойимлик билан сўзлаши, айниқса, Исомиддинга маъқул келар, негадир унинг ҳар бир гапига итоаткорлик билан бош эгарди:

— Баракалло, мулло Исомиддин, — дея унинг елкасига қоқиб қўярди “ҳожи ака”. — Отангизга раҳмат, иним! Аллоҳ йўлида ҳалол меҳнат билан оила тебратишга жаҳд қилган инсон, инишооллоҳ, барака топади. Яратганинг ўзи ишларингизнинг барорини берсин, ўзи куч-куватдан қисмасин!

Негадир Ортиқали ака “хўжайин”ни ёқтирас, у кетиши билан бир четга тупуриб, ўзича сўкиниб ҳам қўярди. Унинг бу ҳаракати Низомжоннинг эътиборидан четда қолмаганди.

— Ортиқали ака, сиз бу одам билан анчадан бери ишлайсизми? — сўради укунларининг бирида икковлашиб, ваннахонага кафель теришаётган пайтда.

— Билмадим, умуман ёқмайди менга бу одам, — деди Ортиқали ака пешонасидаги терни коржомасининг сенгига артаркан. — Тезроқ ишни битириб, пулимни олсан, кетардим. Жонимга тегиб кетди ғурбатда ишлаш.

— Бу ерга ўз хоҳишингиз билан келмаганмисиз? — қизиқсиниб сўради Низомжон.

— Э укам, ҳали ёшсиз, уйланмагансиз! Бизни “хўжайка”га ўхшаган бирорта тилли-жағли аёл учраб қолса, кейин биласиз. Кейинги пайтларда уйимиз

ғалвадан бўшамай қолганди. Ҳали у кам дейди, ҳали бу... Қўшнилар, қариндош-уруғлари, таниш-билишларини мисол қилиб кўрсатавериб, энка-тинкамни қуритворди. Охири бир танишимнинг тавсияси билан шу одамнинг қўлига келиб қолдим. Бошқа юртдан бўлса ҳам ўзбекифат бўлгани учун анча ишониб қолгандим. Лекин унинг айтган гаплари, фикрлари...

— Хўш, хўш? — сиртига бетон қориши маси суртилган кафель парчасини деворга ёпиширилган, Низомжоннинг қизиқиши ошди.

— Э, жуда ғалати одам-да, — Ортиқали ака деворга ўрнатилган кафелларнинг мувозанати, текислик даражасини чамалаб кўраркан, қўлидаги андованинг дастаси билан яқинда ёпиширилган айрим парчаларни уриб-уриб қўйди. — Дин тўғрисидаги қарашлари жуда кескин. Бир куни бизнинг юртимиз ҳақида гап кетди. Айтган гапларига чидаб туролмадим. Ўшанда сал бўлмаса айтишиб қолардик. Агар пулимни олганимдаку, бугуноқ жўнаб кетардим-а!

Бу орада ишлар ҳам анча енгиллашиб қолди. Пардозлаш ишлари ҳам охирлаб қолди. Фақат томига черепица ўрнатилса бўлгани.

Кунларнинг бирида қурилишда “ҳожи ака усталарни бир ресторанга олиб бориб ҳақ берармиш” деган гап оралаб қолди. Ҳар куни уч маҳал “ўзгармас рецепт” асосида овқатланиб ўрганган усталар учун бу янгилик анча ёқиб тушди.

Фақат Ортиқалининг боргиси келмай, ўзини четга олди.

— Йигитлар, ўзларинг бора қолинглар! Шу одамнинг ошини есам қорним оғриб қоладигандек, — дея ҳазиллашди ака-укалар билан.

— Ака, сиз билан биз бир юртнинг одамларимиз, юринг, бормасак бўлмайди, — леди Исомиддин ўжарлик билан.

## Рустам ЖАББОРОВ

---

Низомжон ҳам акасининг гапини қўллаб-қувватлади. Ортиқали ҳам очор уларга эргашди.

Муҳташам меҳмонхонанинг ерости қисмida жойлашган шинам ресторанда тахминан йигирма кишилик жой қилинганди. Дастурхон ҳам маҳаллий пишириқлар, мевалар, турли ичимликлар билан безатилганди. “Ҳожи ака” ҳам кўп куттирмади. Ака-укани аэропортда кутиб олган йигит – Марат билан бирга даврага кириб келганида, ҳамма ўрнидан бир қўзғалиб олди.

“Ҳожи ака” одатига кўра, аввал тожик биродарларига юзланиб, бир нималарни гапирди – ҳар қалай тожикчадан бехабар учала ҳамюрт унинг оғзига тикилиб ўтираверишиди. Ниҳоят, “ҳожи ака” томоқ қириб, учовлон томонга юзланди:

– Азиз биродарлар! Мана, сизнинг хизматларингиз туфайли ишимиз анча осон кўчди. Йил охиригача битади деб ўйлаган уйимизни икки-уч ой олдинроқ битишига ёрдамингиз тегди. Аллоҳ рози бўлсин! Бугунги дастурхонимиз сиз – азизлар билан шунчаки бир дийдорлашиш, дўстона гурунг учун ёзилди.

– “Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур”, – паст овозда Низомжонга қараб пицирлади Ортиқали.

– Ортиқали, бир нима дедингизми? – зийраклик билан у томонга нигоҳ ташлади Равшан ҳожи бироз кинояномуз оҳангда.

– Йўқ, ҳожи ака, ўзим... сизни йигитларга мақтаб тургандим...

– Йигитлар жуда инсофли, иймонли эканликлари кўриниб турибди, – деди Равшан ҳожи гап оҳангини хийла ўзгартириб. – Бундай чайир, бақувват, одобли йигитлар билан ишласангиз юкингиз ерда қолмайди.

Шундан сўнг дастурхонга қуюқ-суюқ таомлар тортилиб, суҳбат бир муддат узилиб қолди. Анча пайтгача залда фақат қошиқ ва санчқиларнинг чинни идишларга урилган овози эшитилиб турди.

Таомдан сўнг яна эътибор зиёфат ташкилотчисига қаратилди. У ўз ҳамюртларига айтмоқчи бўлганларини қисқача тушунтириб ўтгач, яна бу томонга ўгирилди.

— Биродарлар! Мана, ишимиз ҳам охирлаб қолди. Мен янги уйимга кўчиб кираман, сиз эса пулингизни олиб ўз уйингизга қайтасиз, тўғрими? Шу билан қайтиб бир-бирилизни кўрмаймиз ҳам. Тўғри, шу билан сиз бизнинг олди-бердимиз тугаши мумкин. Аммо Яратган Эгамнинг олдидағи ҳисоб-китоб ҳали олдинда. Биз ўзимизни мусулмон деб биламиз. Гоҳида ўқиган намозимиз, тутган рўзамиз билан ғуурланиб ҳам қўямиз. Бу билан бизнинг бурчимиз адo бўладими? Атрофга қарайлик. Қанча биродарларимиз гайридинларинг қўлида хорузор бўлиб, ўлиб кетяпти. Биз эса буларни хотиржам кузатяпмиз. Биз қачон уйғонамиз? Қачон шаҳид кетган биродарларимиз учун ўч оламиз?

У бир муддат тўхтаб даврага сер солди. Кейин ҳозир айтган гапларини ўз ҳамюртларига ҳам ўгириб берди.

— Мана шу шаҳарни олайлик. Бир пайтлар бу шаҳар тўла-тўқис мусулмонларники эди. Энди-чи? Беш юз йилдирки, бу шаҳарни бошқалар идора этмоқда. Сизу биз анавиларнинг сарқити ҳисобига кун кўриб юрибмиз. Ахир, бу зулмга қачонгача чидаймиз, биродарлар?

Ака-ука ҳожининг мақсадини тўла-тўқис ўқиб олмаган бир пайтда Ортиқали шаҳд билан ўрнидан турди:

— Ҳожи ака, бу билан нима демоқчисиз? Одамларни урушга, қирғинбаротга чорляяпсизми? Қанақа бурч хақида гапиряпсиз? Қон тўкиш бурчга кирадими? Сиз бу шаҳарни тилга олдингиз. Шаҳарда мусулмон ҳам, насроний ҳам оға-ини бўлиб яшаб келяпти. Қозон Кремлидаги каттакон дарвозани кўрганмисиз? Ундан мусулмон ҳам киради, насроний ҳам, бири масjidга қадам қўйса, иккинчисига черковга йўл олади. Бир бу

## Рустам ЖАББОРОВ

---

ерда эмас, бизнинг юртимизда ҳам шу! Ҳар бир инсон ўзи истаган динга эътиқод қилади. Ҳеч ким бировни ўз динига киритиш учун зўрламайди. Сиз қаёқдаги гапларни қўзғаб, ҳамманинг дилига ғулғула соляпсиз.

— Ўзингизни қўлга олинг, — деди ҳожи ўзини хотиржам тутишга интилса-да, овози хиёл қалтираб. — Очиқ айтаман, бугунги кунда ҳар бир мусулмоннинг вазифаси қўлига қурол олиб, динимизнинг барқарор бўлиши учун курашишдир.

— Сиз нимани назарда тутяпсиз? — Ортиқалининг чапараста жаҳли чиқди. — Юзлаб бегуноҳ одамлар ичига кириб ўзини портлатишними ё каттаю кичикни аямай қатлиом қилишними? Аслида сиз айтган кимсалар динимизнинг душманлари. Уларнинг қилган ишлари одамларни диндан қайтаради. Бутун дунёда “мусулмонлар мана шундай ярамас, золим одамлар экан” деган қарашларнинг ёйилишига кенг ўрин бермайдими? Менга айтинг, одамлар ўртасида ўзини портлатиб юбориш шаҳидлик экани қайси оят ёки ҳадисда ёзилган?

Равшан ҳожи нимадир демоқчи бўлди, аммо кўзлари, лаблари устма-уст учиб, гапиролмай қолди. Кейин соатига қаради.

— Майли, биродарлар, мен масjidга шошиляпман. Ҳали суҳбатимизни яна давом эттирамиз, — деди юзига фотиҳа ҳам тортмасдан ортига бурилди. Унинг орқасидан малласоч Марат эргашди.

Ҳар доимги ётоқларига қайтаркан, Ортиқали ҳамон ўзини тутолмай сўкиниб борарди:

— Эҳ, имконим бўлганида-ку... Гапини эшитяпсизларми? Бу қайсиdir террорчи гуруҳга алоқадор бўлмаса шу гапларни айтадими? “Қўлингга қурол ол” эмиш! “Шаҳид биродарларига раҳмлари кепти”. Шунчалик жонкуяр экансан, икки қаватли шоҳона иморат қургунча, ўз юртидан қувилиб, юртма-юрт сарсон бўлиб юрган

мусулмон қочоқларга ёрдам бер. Африкада очликдан қорни шишиб ўлаётган болаларга хайр-эҳсон қил!

— Лекин у билан тортишиб барибир яхши иш қилмадингиз, — деди Исомиддин йўл четида такси ушлаш учун тўхтаркан. — Эртага ҳалол ишлаган пулингизни бермай, ҳайдаворса нима қиласиз?

— Бермаса, шу пулни болаларимнинг бош-кўзидан садақа қилдим, — деди Ортиқали қўл силтаб. — Ким билсин, бу уйни кимларни қон қақшатиб қуряпти экан?

Таксида то манзилларига етиб боришларига қадар жим кетиши.

\* \* \*

Исомиддин уйга кетаркан, бутун борлигини қарама-қарши ўйлар чирмаб борарди.

Рост, у динни у қадар яхши тушунмайди. Қишлоғида юрганида икки-уч марта ҳайит намозларига чиққанини айтмаса, пешонаси ерга тегмаган ҳисоб. Аммо қаерда диний маъruzами, чиройли исломий сурат ёки видеолавҳаларми, нашидами топса, дарров телефони хотирасига юклаб оларди.

Аслида у ўйин-кулги, майшатни ёқтирадиган бошқа тенгдошларидан унча фарқланмасди. Баъзи танишибилишларнинг тўйида бўккунча ичиб, думалаб қолган пайтлари ҳам бўлган. Бундай пайтда укаси Низомжон акасининг жонига ора кирап, қаердан бўлмасин, елкасига ортмоқлаб бўлсаям, уйига олиб келар, эрталаб, боши хумдек бўлиб уйғонган Исомиддин қаерда қанча ичганию, уйга қандай етиб келганини ўйлаб, мияси тагин-да оғирлашарди.

Ҳозир ҳам аҳволи худди шундай. Фарқ шуки, бу гал ичгани йўқ. Лекин боши хумдек оғир.

Низомжон эса ичимдагини топ дейдиганлар хилидан.

## Рустам ЖАББОРОВ

То ичидан бир гапни суғуриб олмаса, индамай тураверади.

Таксидан тушганларидан кейин, Ортиқали улар билан хайрлашиб ўзи яшайдиган вагон-уйча тарафга кетгач, ака-ука ўз кулбаларига кириши. Шериклари ҳали қайтмаган. Агар бугун құлларига пул тушган бўлса, эрталабгача шаҳар айланиб, кўнгилхушлик қилишлари Исомиддинга яхши маълум.

Исомиддин кийимларин ечиб, ёйма каравот устида ҳорғин узанаркан, укасига қаради. Низомжон ҳар доимгидек жим, ўйчан...

— Ҳожи ака ростдан ҳам ёмон деб ўйлайсанми?

Кийимларини тартиб билан эски шкафга илаётган Низомжон акасига ўгирилди.

— Сиз яхши одам деб ўйлаяпсизми?

— Сенам Ортиқали аканғга ўхшаб, уни кўрарга кўзинг йўқ шекилли? — негадир беўхшов ҳиинглади. Исомиддин. — Тўғри, ука, ҳақиқат аччиқ бўлади ўзи. Манави, Ортиқали аканғга ўхшаганлар билса-билмаса жўжаҳўроздек бўйинни чўзаверади.

Низомжон турган ерида қотиб қолди:

— Ака, шу гапларни сиз айтапсизми? — сўради акаси ётган ёйма каравотга яқинлашиб. — Мен ҳожи аканинг яхши одам эмаслигини биринчи кўришганимиздаёқ тушунганман. Ортиқали ака жуда тўғри гапларни гапирди. Эсимиз борида этагимизни ёпиб, бу ерда қочишимиз керак. Бунақалар узоққа бормайди.

— Э, тушунмаган нарсанғга бошингни қотириб нима қиласан? — деди Исомиддин ҳорғин уф тортиб. — Ундан кўра ухла, эртага вақтли туриш керак.

Шундай деса-да, Исомиддиннинг уйқуси аллақачон ўчиб кетганди.

Тўғри, бугунги эшитган гаплари унинг учун янгилик эмас. Қурилишда ишлайдиган болалар (улар орасида

ўзбекчани биладиганлари ҳам бор) билан апоқ-чапоқ бўлиб олганидан бери бу мавзууда улар билан кўп гаплашади. Уни ҳам гоҳида ўз сафдошларидан тез-тез эшигани – “Нега ҳамма мусулмонларга қарши? Нега ҳамма жойда диндошларимизни эзишади, хўрлашади?” деган саволлар ўйлантирар, аммо “Ким кимга қарши? Ким кимни хўрляпти?” деган саволга ҳамма қатори унинг ҳам аниқ жавоб йўқ эди.

Ҳозирда Ироқ, Сурия сингари давлатлар ҳудудида бир тўда жангарилар мусулмонлар номидан уришиб, ҳатто ўша ерларда сохта “давлат” қуриб олгани ҳақида Исомиддин анча аввал эшиганди. Интернетда улар амалга ошираётган ишлар, айниқса, қатл манзараларини бир неча марта кўрган. Аммо бу жангарилар ким, мақсади нима, нима учун одамларни бу тахлит шафқатсизлик билан ўлдириб, ўзлари ҳам итдек ўлиб кетяпти, деган саволга жавобни излаб ҳам ўтирасди.

Энди унинг учун масала бир мунча ойдинлашгандек: улар ҳожи ака айтгандек беҳуда қон тўкмаяпти. Чиндан ҳам мусулмонлар бутун дунёни эгаллаши, уларга қарши чиққанларни аямай қиличдан ўтказиши лозим. Ҳар қалай, Исомиддиннинг тафаккурида ана шу машъум фоя тобора чуқурроқ сингиб бораётир...

Низомжон эса бутунлай бошқача фикрда эди. У бир ҳафтада қурилишдаги йигитларга қўшилиб, намозхон бўлиб қолганига унча эътибор бермаганди. Ҳатто бир-икки марта акасининг қистови билан ўзи ҳам намозга турди, жумага борди.

Лекин акасининг фикрлари, дунёқарашида шубҳали ўзгаришларни кўриб, илкис сергак тортди. Акаси бирор зарарли оқим таъсирига тушиб қолган бўлмасин? Ахир, манави ҳожи акаю унинг гумашталари ким, нима иш билан шуғулланиши ака-укалар учун қоронги бўлса...

Боя зиёфат пайтида Равшан ҳожининг гапларига ич-

## Рустам ЖАББОРОВ

и чидан қаршилик билдириб ўтирган бўлса-да, аммо акаси, ўзи катта одамлар олдида одоб юзасидан сукут сақлади. Ортиқалининг шарттаки, шахдам жавобларини ботинан қўллаб турди.

Ўша пайтда акаси ҳам мунозарани жим кузатиб турганди. Мана энди, кулбаларига қайтиб келганида акасининг айтган гапи унинг ҳушини бошидан учирди.

Наҳотки, акаси мана шу иғволарга, фитналарга осонгина учган бўлса? Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Агар ойиси буни билиб қолса не аҳволга тушаркин шўрлик? Жигарбандларини олис сафарга кузатаётиб, озмунча кўз-ёш тўқдими? Бу эса...

- Ака, — Низомжоннинг туйқусдан янграган овози вагон-уйнинг темир деворларига урилиб акс садо берди.
- Сиздан илтимос, ҳожи акадан пулимизни тезроқ олиб, бу ердан қочиб қолайлик. Кўнглим бир ёмонликни сезяпти. Ака, эшитяпсизми?
- Уканинг гапига жавобан торгина вагончани кучли хуррак овози босиб кетди.

\* \* \*

Кейинги пайларда Низомжоннинг ичига чироқ ёқса ёришмасди. Айниқса, акасидаги ўзгаришларни кўриб, ўзини қўярга жой тополмайди. Акаси ўзи билмаган ҳолда ботқоқقا ботиб бораётганини кўриб, бошини қайси тошга уришни билмайди.

Низомжон мактабни ҳам, коллежни ҳам аъло баҳоларга битирди. Университетга киришни астойдил кўнглига тукканди, аммо бу галча нияти амалга ошмади. Гарчи имтиҳондан ўтолмаган бўлса-да, кўнгли чўкмади. Демак, ҳали талабалик мақомига муносиб эмас экан, ҳали бироз жиддийроқ тараддуд кўриши керак экан. Янағи йил албатта ўқишга киради.

Гоҳида шундай деб ўзига таскин берадио, яна ҳафсаласи пир бўлади: ахир, ўқишига кираман деган одам эртаю кеч изланиши, тайёргарлик кўриши керак эди. У бўлса...

Агар акасининг аллақайси ақидапарастнинг найрангларига лаққа тушишини билганида, лафзсиз, бебурд деган ном олса-да, гапидан қайтиб, бу шаҳарга қадам босмаган бўларди. Ҳали ҳам кеч эмас. Нима бўлса ҳам акасини бу йўлдан қайтариб, Ватанга олиб кетолса бўлгани. У акасини яхши билади: ўта таъсирчан! Болаликдан қайсиdir мультфильм ёки кино ёқиб қолса, анча пайт ўшанинг таъсиридан чиқолмай юрарди. Кичкиналик пайтларида Исомиддин бир қараса, Мауглига, бир қараса, Тарзанга тақлид қилиб юрарди. Бир муддат Терминаторга, яна бир фурсат "Титаник"даги Жекка ҳавас қилиб юргани ҳам укасининг эсидан чиққани йўқ.

Наҳот акасининг иродаси шу қадар бўш? Наҳотки, анави "ҳожи ака"нинг уч-тўрт маъruzасини эшитиб, "мужоҳид"га айланиб қолса?

Кечамиди, ўтган кунимиidi, Низомжон акасини хилватга тортиб, масалани кўндаланг қўйди.

— Ака, ҳожининг уйи битди ҳисоб. Тўртта қандил билан деразага карниз ўрнатишни бизсиз ҳам эплашади. Ҳожидан пулни олайлигу тезроқ уйга қайтайлик.

Бу пайтда бошига худди Равшан ҳожи сингари оппоқ дўппи қўндириб, аллақандай юпқа китобни ўқиб ўтиради. Мутолаага берилиб кетганидан бўлса керак, укасининг гапирганини дастлаб эшитмади ҳам.

Низомжон табиатан ўта сертавозе йигит. У акасининг чизган чизифидан чиқмасликка ўрганган. Гоҳида акасининг тутган йўли нотўғри эканини англаса, ётифи билан унга тушунтирас, лекин барибир охир-оқибат акасининг айтгани бўларди. Бу гал унақа бўлмайди.

— Нима ўқияпсиз? — Низомжон акасининг қўлидаги

## Рустам ЖАББОРОВ

оқ муқовали дафтарнусха нашни тортиб олди. — Китобхонлик одатингиз борлигини билмаган эканман, ака!

Китобни вараклаб кўраркан, Низомжоннинг кўзи шокосасидан чиққудек бўлди. Унда... фақат ва фақат жиҳод ҳақида, хунрезлик ва уруш ҳақида сўз борарди. Низомжон худди лахча чўғни тутиб тургандек қўлидаги нарсани улоқтириб юборди.

— Эсингизни йигинг, ака! Сизга нима бўлди? — У шундай дея Исомиддиннинг елкасидан тутиб силкитди.

— Мен буларнинг мақсадини биламан, ака! Минглаб, юз минглаб бегуноҳларнинг қонини тўкиб, ҳукуматни қўлга олишни, юз йиллар аввалги ҳаётга қайтиб, ўзлари билгандек ялло қилиб яшашни исташади.

Исомиддин елкаси устида турган укасининг қўлини нари сурди:

— Укам, ақлинг етмаган ишга аралашма! — шундай полда тўнкарилиб ётган китобчани олиб кўзига сурди. — Сен ҳам анавиларга ўхшаб фикр юритяпсан, — дея эшикдан ташқарига имо қилди. — Ундан кўра, гуноҳларингга тавба қил. Мусулмон бўл!

— Нима, сизнингча, мен мусулмон эмасманми? — Низомжоннинг кўзларида ҳам ҳайрат, ҳам даҳшат акс этарди. — Ака бир гапни эшигтганмисиз? Мушук ўз боласини егиси келса, аввал ўзини ўзи “бу сичқон” деб ишонтиаркану, кейин уни паққос тушиаркан. Биласиз, мусулмон учун мусулмоннинг қонини тўкиш ер юзидали бутун инсониятни йўқ қилишдек оғир гуноҳ эканини. Шунинг учун манави кимсалар — акасининг қўлидаги китобга ишора қилди Низомжон, — ўзларига қўшилмаган, уларга қарши чиққанларнинг барини кофирга чиқаришади, кейин bemalol ўлдираверишади.

Шу онда ака-укасининг кўзлари тўқнашди. Низомжон

акасининг маъносиз кўзларидан ҳеч нарса уқолмади, Исомиддин укасининг нигоҳларидаги мислсиз изтироб ва ҳадикни англамоққа ожиз эди.

\* \* \*

Кутилмагандан қурилишдан Ортиқалининг зимдан гойиб бўлишидан энг кўп хавотирга тушган Низомjon бўлди. Чунки қурилишда ишлаётганлар орасида Низомjon билан дилдан гаплашадиган, уни тушунадиган одам биргина Ортиқали эди. Уйга кетиб қолдимикин, деса, бир кун аввал кечки овқат пайтида бу ҳақда гапсўз бўлмаганди. Қолаверса, иш ҳали тўлиғича тугамаган, ҳеч ким ишлаган пулини олгани йўқ.

Бу ҳақда акасига оғиз очганида “йўқолса йўқолар, сенга нима?” деб тўнфиллаб берганди.

У акасининг худбинлигини яхши билади. Бирорлар, айниқса, етти ёт бегоналар учун қайфуриш унинг табиатига мутлақо зид. Тожик йигитлардан суриштириб кўрди. Улардан ҳам тайинли жавоб ололмади.

Ортиқали қурилиш орқасидаги майдончада қаторлаштириб терилган вагон уйларнинг энг охиргисида бир ўзи турарди. Ҳозир вагонча эшигига чақалоқнинг муштидеккина қулф осиғлиқ турибди.

Қурилишда Равшан ҳожи келиб қолганда бошланадиган “амри маъруф”ларда кескин гаплар билан қарши чиқадиган ҳам фақат шу Ортиқали эди. Низомjon ич-ичидан унинг ҳамма гапларини тасдиқлаб турсада, бир тарафдан қатталар олдида гапдонлик қилишни одобсизлик санаши, иккинчидан акасининг ҳам ўзига қарши чиқишини билиб, индамай ўтиради.

Ҳар қалай бу ер бегона юрт бўлса. Ортиқалининг ҳам бу ерда ҳеч кими йўқ. Ёки ҳалиги кескир гаплари

## Рустам ЖАББОРОВ

учун уни бир бало қилишдимикин? Ахир, буларнинг қўлидан ҳамма нарса келади. Балки ҳожининг радикал қарашлари, мақсадлари ҳақида тегишли идораларга хабар етиб боришидан қўрқишигандир? Ҳар қалай Ортиқалини сувга тушган тошдек изсиз йўқолиб қолиши яхшилик аломати эмасди.

Кимдан билса бўларкин? Э, айтганча Равшан ҳожининг “думини ортмоқлаб” юрадиган Марат-чи? У билмаса ким билади?

Чиндан ҳам Маратнинг табиати жуда ғалати. Ҳар куни ўзининг “Рено” машинасида қурилишга уч марта овқат, егулик опкелади. Ҳар битта хонага кириб, пардозлаш ишлари қандай кетаётганини синчиклаб текширади. Кўзлари ҳаммаёққа олазарак боқади. Айниқса, биронтага тикилиб қолса, нигоҳлари нақ тешворай дейди. Унинг ўткир кўзлари нима биландир... қишлоқдаги қўшнилари Боқи шопирнинг Граф лақабли итининг кўзларига ўхшаб кетади. Граф билакдек келадиган занжирда сақланар, Бой амакининг уйига кимдир кеп қолгудек бўлса, ириллаб ўша томонга отилар, агар занжир бўлмаса ҳар қандай одамни ғажиб ташлашга тайёр эди. Граф фақат ўз хожасига содиқ эди. Марат ҳам Ҳожи акасига ўша итдек садоқат билан хизмат қиласди.

Бугун ҳам туш пайти келиши билан Маратни сўроққа тутди:

— Эрталабдан бери Ортиқали aka кўринмайди?  
— деди Низомжон худди чиқиб кетиш учун йўл бермайдигандек остонаяда, эшик тутқичини ушлаб туаркан. — Кўрмадингми?

Марат одатига кўра, Низомжоннинг кўзларига қаттиқ тикилди. Оббо, малла киприклар орасидаги қув нигоҳлар унга нақ тикандек қадалади-я! Низомжон бу қарашларга дош беролмай кўзини олиб қочди.

— У билан нима ишинг бор? — саволига савол қайтарди Марат.

— Биз бир юртданмиз, бир-биrimизнинг ҳолимиздан хабардор бўлишимиз керак. Айт, Ортиқали ака қани?

— Менга қара, — кутилмагандан Марат йигитчанинг елкасидан тутиб ўзига қаратди. — Мен сенинг “землаг”инга қоровулманми? Менга бунақа оҳангда гапирма, тушундингми? Нақ ичагингни бошингга салла қиласман! Бу ерда саволни сен эмас, мен бераман! Нимага ишлашнинг ўрнига менга ўдағайлайсан?

Бунақа пайтларда Низомжоннинг ич-ичидан аллақандай тўлқин тошиб келади, бўғзидан кўтарилаётган ҳарорат нақ миясига тармашиб, кейин бутун борлиғи аллақандай туғён измига тушади. Кейин эса... қаршисида турган рақиб елкасидан куч билан тутиб, қорнига тизза қўяди. Бундай зарбани кутмаган рақиб, бир зумда букчайиб қолади. Тамом. Бошқа уринишга ҳожат ҳам қолмайди.

Бу гал ҳам шундай... бўлмади. Марат гарчи Низомжоннинг кўзларидан кўз узмай турган бўлса-да, унинг ниятини аввалдан сезгандек, зарбани кафтининг қирраси билан билан қайтарди, аммо ҳужумга ўтмади. Тиззасининг кўзида турган оғриқдан Низомжоннинг кўзлари тиниб кетса-да, сир бой бермади.

Шу биргина ҳимоя ҳаракати Маратнинг рақибидан анча устун эканини кўрсатарди. Марат бу исённи кечирмаслиги аниқ. Айниқса, рақибининг ожизлигини пайқаган бўлса.

“Сен маллавойга бўйин эгадиган аҳмоқ йўқ” — ичидан фижинганча, худди урушга чоғланган хўроздек Маратнинг қаршисида бошини тик тутиб, рақиби ҳужумидан ҳимояланишга шайланди.

Марат ўша кескин нигоҳини унга бир зум қадаб тургач, Низомжоннинг йўғон билакларини чайир бармоқлари билан оҳиста эзиб кўрди.

— Эркак кишининг кучли бўлгани яхши, — деди ҳар бир сўзига ургу бериб. — Лекин бу кучни керакли пайтда,

керакли жойда ишлатиши керак. Ўпкангни қўлга олвол, укам.

Шундай деб эшикни очиб ташқарига йўналди.

Чиндан ҳам ғалати йигит. Яхшигина шуғуллангани кўриниб турибди. “Кучингни керакли пайтда, керакли жойда ишлат” дедими? Нима демоқчи бу билан? Буям анави газандаларнинг бири. Хожасига итдек содик бўлганидан кейин, албатта “кучингни жиҳодда кўрсатасан” демоқчиидир-да? Овора бўласанлар! Ҳеч қайсинг бу қора ниятларнинг билан узоққа боролмайсан!

Хуллас, Ортиқали эртасига ҳам, индинига ҳам келмади.

\* \* \*

Равшан ҳожининг ўйи битганди. Шу боис, бу гал усталар билан “хайрлашув маросими” шуъернинг ўзида — меҳмонлар учун атайлаб қурилган кенг, шинам залда ўтказилди. Мева-чевалар, ширинликлар дўкондан, тайёр овқатлар буюртма асосида ресторандан келтирилди.

Равшан ҳожининг кайфияти чоғ кўринарди. Ўй қисқа муддатда битди. Унинг безаклари, ташқи ва ички кўриниши, ундаги замонавий қулайликлар ўзи ўйлагандан ҳам зиёда эди. Хоналар ҳали бўм-бўш бўлса-да, қисқа фурсатда уларнинг ҳар бири энг сўнгги русумдаги мебеллар, алвои гиламлар, қимматбаҳо уй-рўзғор буюмлари безаб туражагини англаш қийин эмасди.

Зиёфат одатдагидек таркибда бошланди. Фақат бу гал Ортиқали йўқ эди, холос. Қуюқ-суюқ овқатлар тортилиб бўлгач, яна Равшан ҳожи томоқ қириб, усталарга миннатдорчилик билдириди.

— Биродарлар! Мусулмон банда ҳалол меҳнатдан чарчаб ухлаб қолса, гуноҳлари мағфират қилиниши тўғрисида пайғамбаримиздан... — у паст овозда саловат айтиб

қўйди. – ...ҳадислар ҳам бор. Ваъдага вафо, дейлилар. Ҳаммангизга Марат иш ҳақингизни тарқатиб чиқади.

Марат ҳам хожасининг шу амрини кутгандек, стол тагида турган сумкасидан бир даста конверт чиқариб, устидаги битикларга кўз ташлаб тарқатиб чиқди.

Ака-ука ҳам ўз улушини олгач, Исомиддин бошқаларга сездирмасдан, конверт ичига кўз ташлади. Пулнинг чўғи баландроқ эди. Мабодо... адашиб кетишмадимикин?

– Акои ҳочий, маблағ аз рўи маслиҳатамон зиёдтар менамояд, – тожикистонлик йигитлардан бирори ҳам худди Исомиддин сингари шошқалоқлик қилганими, ҳаяжонини ютиб туролмади<sup>1</sup>.

Равшан ҳожи жилмайиб қўйди ва тилла тишларини кўз-кўз қилиб илжайди:

– Зиёдатиаш бароятон аз таҳи дил ҳадъя<sup>2</sup>, – кейин эса ака-укага ўгирилди. – Мўъмин мўъминнинг биродаридир. Шундай экан, бир-биrimiz учун кўмак беришимиш, ҳадялашувимиз жоиз. Ҳар бирингизга арзимас қўшимча – юз доллардан қўшдим, холос. Бу сизнинг ҳалол хизматлатларингиз олдида ҳеч гап эмас. Рози бўлинглар сизлар ҳам.

Залда бир муддат жимлик чўкли. Чамаси, ҳамманинг кайфияти кўтарилган, фақат ким ҳожига қай тарзда миннатдорлик билдиришни билмай турарди. Фақат Низомжоннинг қовоғидан қор ёғилар, чамаси, у ушбу ҳимматни қандай рад этишни билолмас, агар ёнида акаси бўлмаганда, конвертдаги ортиқча юз долларни чиқариб, ҳожининг олдига ташлаб чиқиб кетишга-да тайёр эди.

– Ҳожи ака, – Исомиддин хийла ўнғайсизланиб, қўлини кўксига қўйди. – Биз қилган хизматимизга

<sup>1</sup> Тожикча сўз – Ҳожи ака, пул келишганимиздан сал кўпроқка ўхшаяпти.

<sup>2</sup> Тожикча сўз – Ортиқчаси сизлар учун чин кўнгилдан хади.

## Рустам ЖАББОРОВ

---

мингдан-минг розимиз. Сиздан Аллоҳ рози бўлсин. Бундан-буёғига ҳам қандай хизматлар бўлса, биз ҳамиша ҳозирмиз.

Акасининг бу ялтоқданиши Низомжонни ерга киритиб юборгудек бўлди. Боядан бери тилининг учида турган саволни беришдан ўзини тўхтатиб қололмади:

— Ҳожи ака, узр, лекин бизнинг яна бир шеригимиз бор эди Ортиқали ака деган. Мабодо ўша кишининг сизда қоп кетган ҳақларини бизга бўлиб бермаяпсизми?

Исомиддин укасининг тиззасига бир мунит туширдида, “ҳожи ака”сига қараб узрли жилмайди:

— Ҳожи ака, эътибор берманг, укам... сал шунақароқ... Оғзига келган гапини... қайтариб ўтирумайди. У ҳам аслида сизга раҳмат айтмоқчи эди.

Низомжон нимадир демоққа оғиз жуфтлаган онда акасининг унга қараб қаттиқ қовоқ уйганини кўриб, тилини тишлади:

— Укангиз ўринли сўзлади. Ўзим ҳам айтаман деб эсимдан чиқипти. Ортиқали биродаримиз тўрт кун олдин эрталаб чиқиб кетган, пулини ҳам, ҳадясига қўшиб ўзим берворганман, сиз ҳеч нарсадан хавотир олманг.

“Алламанг, Ортиқали ака билан бир кун аввал гаплашганман. Кетиши нияти бўлганида менга айтган бўларди. У сизнинг қора ниятларингизга қарши чиққани учун уни сиз йўқ қилгансиз!”

Йўқ, бу сўзларни Низомжоннинг тили эмас, кўзлари айта олди, холос. Юрагини кемирган бу гаплар тилига кўчгани ҳамоно акаси унинг юзига қулочкашлаб тушириши муқаррар эди.

— Мўъминнинг моли ҳам, жони ҳам мўъмин учун ҳаром, — деди ҳожи ака нутқини давом эттириб. — Шу боис, биз ҳеч бир биродаримизнинг омонатига хиёнат қилмаймиз. Шу билан бирга Яратганинг ҳам омонатига

хиёнат қилмаслигимиз лозим. Яъни бу умр ҳам аслида биз учун омонат берилган. Биз умримизни бола-чақа, ота-она, қариндош-уруг ёнки ўз майшатимиз, роҳат-фароғатимиз учун ўтказиб юборамиз. Аслида биз ҳаммамиз...

“Бошланди... — ўйлади Низомжон ҳожининг гапиришига монанд кўтарилиб тушаётган сийрак соқолига ўйчан термилиб. — Мақсади аён. Арзимаган юз доллар эвазига ҳаммамизни бир гуруҳ қаззобларниң ҳокимияти ва ороми учун жонини беришга тайёр маңқуртларга айлантириқмоқчи”.

Равшан ҳожи асосан ўзбек тилида, ака-уқага қараб гапирав, бинобарин унинг нишонида Самарқанддан келган шу икки муҳожир тургани аён эди.

\* \* \*

— Ака, қандай катта хатога йўл қўяётганингизни биляпсизми? — деди Низомжон бўғилиб. — Ахир, ҳожи акангиз сизни тириклай жаҳаннамга бошлияпти-ку? Яна сиз “нима десангиз, биз розимиз, хизматингизга тайёрмиз” деб ўтирибсиз-а?

Ака-ука вақтинчалик қўналғаларига киришлари билан Низомжон акасига ёпиша кетди.

— Майли, мени хоин дейсизми, муртал дейсизми, бошқами, фарқи йўқ! Ҳожи билан орамиз очилди. Унинг биздан, бизнинг ундан қарзимиз йўқ. Бир фалокат бошланмасидан кетайлик. Ўзимизда, Самарқандда иштиқилиб ётибди-ку!

Исомиддин эса айни пайтда бутунлай бошқа нарсалар билан банд эди. Укасининг нима демоқчилигини англаши учун унга қулоқ осиши ҳам шарт эмас. Нуқул битта гапни тўтиқушдек қайтаргани қайтарган:

— Ука, наҳотки, бу дунёга нима учун келганингни

## Рустам ЖАББОРОВ

ҳалиям англамаган бўлсанг? – сўради худди ҳожининг овозига тақлидан қироат билан.

– Биламан! – деди Низомжон нафаси бўғзига тиқилиб.  
– Мен ҳам озми-кўпми исломдан хабардорман. Кишида, энг аввало, иймон бўлиши, Яратганинг мавжудлиги ва ягоналигини дилдан тан олиши керак. Мен бу дунёга яшаш учун, ҳаётдан баҳра олиш, яқин инсонларим, онажонимнинг, сизнинг қувончингизни кўриш, ўқиб-ўрганиш, эл-юртга манфаат етказиш, кўнглимдаги инсонни учратиб оила қуриш, эсли-ҳушли фарзандларни дунёга келтириб тарбиялаш учун яшайман. Ака, ахир, ҳамма ақли комил инсон мана шуларни мақсад қилиб яшайди-ку.

Исомиддин асабий қўл силтади вагон-уйчанинг бир бурчагида турган табуреткага ўтирди:

– Хомсан, ука! Сен айтган ҳамма нарса Яратганинг ризолиги олдида бир пулга қиммат.

– Адашяпсиз! Мусулмон одам қайси ишга қўл урса “бисмиллоҳ”ни айтиб бошлайди. Бу “раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан” дегани, тўғрими? Наҳотки, Буюк раҳм-шафқат эгасининг розилигига қон тўкиш орқали эришилса? Бу бир фитна. Сиз билан биз “катта ўйин”нинг кичкина қурбонларига айланамиз. Кўзингизни очинг!

\* \* \*

...Аллақачон жаҳолат зулмати қоплаган кўзларнинг очилиши учун уканинг икки оғиз танбеҳи кифоя қилмади. Аканинг ўй-фикри тамомила бошқа эди.

Исомиддин ўзини худди узоқ вақт изғиб, манзилига олиб борадиган йўлни топган, кучли ташналик сўнгида зилол чашмага етган одамдек ҳис қиласарди. Укаси унинг кўзига худди қутулиб кетиши учун ўзини тинимсиз дераза

ойнасига ураётган ғофил капалакка үхшаб кўринарди.

У ўз олдида Равшан ҳожи ва унинг икки-уч гумаштаси кўрсатаётган йўлдан бошқа ҳеч нарсани кўрмас, бошқача йўл бўлиши мумкин эмасдек эди.

Равшан ҳожи эрталаб Исомиддиннинг бир ўзини ёнига чорлаб, мақсадни узил-кесил баён қилганди:

— Сиз жуда иймонли, тақводор йигитсиз. Укангизда бироз фафлат, жаҳолат унсурлари бор, аммо сиз унинг қалбида иймон чироғини ёқа оласиз. Хабарингиз бор, биродарларимиз минг машаққатлар, шаҳидларимизнинг дарё-дарё қонлари эвазига бир парча ҳудудда “муқаддас халифалик давлати”ни барпо этишди. Бу давлатнинг кенгайиб, куч-қудратга тўлиши учун сиздек довюрак, ботир ва паҳлавон ўғлонлар керак. Бу йўлда ўлган ҳам, ўлдирган ҳам буюк савобга доҳил бўлади. Шу боис мен ўнлаб талабгорлар ичида сиз ва укангизга ана шу шарафли йўлни раво кўрдим. Туркияниң Ироқ билан чегарадош бир ҳудудида махфий лагерда мужоҳидларимиз ҳам сиёсий, ҳам жисмоний тайёргарликдан ўтадилар. Насиб этса, сиз иккингиз Умар ибн Хаттоб, Холид ибн Валид сингари етук саркардалар бўлиб этишасиз ва динимиз йўлида курашасиз.

“Шаҳидлик”, “жиҳод”, “жаннат” сингари жимжимадор сўзлар аллақачон Исомиддиннинг бутун борлигини забт этган, фақат иккита нарсагина бу шавқ ва иштиёққа соя солиб турарди, баайни. Биринчиси укаси Низомжоннинг инжиқлиги бўлса, иккинчиси онасининг ризолиги.

Самарқанддан келишганга икки ойдан ошли. Шу икки ой ичида Исомиддиннинг мақсади ҳам, қарашлари ҳам ўзгариб кетди. У Қозонга ишлаб, қўни-қўнжини пулга тўллириб қайтиш, уйнинг кам-кўстини битириб, данғилама тўй қилиб уйланиш мақсадида келганди.

Кутилмаганда ҳаммаси ўзгарди. Ҳаётда уй-жой, оила, бола-чақа, ота-онадан ҳам муҳимроқ ишлар борга үхшайди.

Тўғри, онаси агар ўғилларининг мана шу йўлда эканини билса, кўзига дунё қоронги кўриниб, юраги тарс ёрилиб кетса ҳам ажабмас. Чунки онаси асл ҳақиқат, тўғрироғи, Исомиддин англаб етган ва тан олган “ҳақиқат”дан бехабар.

Низомни-ку, амаллаб бўлса ҳам кўндириб бўлади. Исомиддин унинг учун ҳам ака, ҳам ота мақомида. Кичкиналигида қандайдир арзимас хато учун укасини жазоламоқчи бўлса, далага олиб чиқиб, қўриқчидек кийинтириб полизга қоровуллик қилдирар, бола бечора боққа онасими ё у-бу ким кириб, бу “хўрлик”дан қутқармагунча қўлида бир пуд келадиган милтиқсифат Темирни қўлтиқлатиб, офтобнинг тифида пахталик чопонни ёпиниб ўтираверарди.

Ўз жигарбандининг қийналиши, ҳали у – ҳали бу оёғини кўтариб туришини кўриб завқланиб, ўзича қийқириб ҳам қўярди.

\* \* \*

Раҳматли отаси ҳамиша уйда тартиб-интизом бўлишини, кичиклар каттага итоат қилиши лозимлигини истарди. Онаси ҳам Низомжонга ҳар доим “акангнинг гапига киргин, бир гапини икки қилмагин” деб тайинлар, шу туфайли ерга урса осмонга сапчидиган Низомжон акаси чизган чизиқдан чиқмасликка ўрганган. Тўғри, гоҳида у ҳам ўз фикрини маъқуллаб қолади. Аммо акасининг бир қовоқ уйиши билан “бўнти, ака, сизнинг гапингиз гап” деб ён бериб қўя қолади.

Фақат битта муаммо Исомиддиннинг олдида кўндаланг турарди. Онасига бу ҳақда нима дейди? Аслида Самарқандга бориб, унга ҳаммасини ётиғи билан тушунтиргани, кейин онасининг дуосини олиб, мана шу “шарафли мақсад” сари отланса, жуда яхши иш бўларди.

Аммо бу фикр ҳожига мақбул бўлмади.

— Исомиддин иним, чакки ўйлабсиз, — деди у Қалин қошларини хиёл чимириб. — Бунақа улуғ иш учун отонанинг ризоси талаб қилинмайди. Бинобарин, улар оёқтираб қаршилик қиласалар-да, бу улуғ йўлдан қайтмаслик лозим.

Исомиддин тилининг учida турган саволни беришдан ўзини тийиб туролмади:

— Тақсир, минг бор узр! Лекин Қуръони каримда ҳам бир неча ўринда ота-онага итоат қилиш, уларга яхшилик қилиш буюрилган деб ўқиганман. Кейин “жаннат оналарнинг оёғи остиладир” деган ҳадис ҳам бор экан. Мен жиҳоддан, ҳижратдан қочаётганим йўқ. Лекин уйда онамнинг ўзлари ёлғиз қолган. Укам билан жиҳодга борадиган бўлсак, албатта ўлимни бўйнимизга олиб борамиз. Кейин, онамизнинг аҳволлари...

— Тўхтанг, иним, — ҳожи чанталида турган Исомиддинни аврашга тушди. — Аввало, ота-онага бу қадар маҳкам ёпишиб олмаслик керак. Жиҳод турганда уларга хизмат ҳақида ўйлаш бемаънилик. Қолаверса, ота-онангиз сизнинг дунёга келишингиз учун бир восита, холос. Яратувчи ҳам, ризқ берувчи ҳам Унинг ўзи. Отана ўзича сизни яратмаганидек, сиз ҳам уларга ризқ бермайсиз. Ҳаммаси Оллоҳнинг иродаси. Шундай экан, ҳаммасидан қўл силтаб, йўлга отланаверинг. Укангизга ҳам гапларимни яхшилаб тушунтиринг.

— Маъқул, тақсир, лекин онамга нимадир дейишим керак-ку? Ҳозирча ҳар кун, кунора онамга телефон қилиб, қаердалигимиз, нима иш қилишимизни айтиб, топганимизни юбораяпмиз. Лекин у ёқقا борсак, аввало бошқа мамлакатдан телефон қилаётганимизни билиб қоладилар. Кейин...

— Шунинг учун, — гапни илиб кетди ҳожи, — бугун-эрта онангиз билан гаплашганингизда, “биз Россиянинг

## Рустам ЖАББОРОВ

бошқа бир миңтақасига жүнәяпмиз, у ерда телефон умуман ишламайды, лекин бизга ҳамма шароитни ҳозирлаб беришади, хавотир олманг” деб хотиржам қилиб құясиз. Маблағ масалалариниң үйламанг, биз у кишининг номига үзимиз пул жүнәтиб турамиз. Онанғиз “болаларим Россияда ишлаб юрибди” деб бемалол юрсиялар. Насиб этса, ўз юртингизга ғалаба билан кириб борсанғиз, онанғизга ҳаммасини ётиғи билан тушунтирасиз. Шунда волиданғиз ҳам сиздек жасур, паҳлавон мужоҳид ўғилни – Амир Исомиддинни дунёга келтиргани учун фахрланиб кетадилар. Тушунтиродимми?

Хожининг мулойим, сокин оқанғдаги бу гаплари Исомиддинни тамомила сәхрлаб олган, энди унинг “валинеъмати”га қарши бирор әзтиrozи қолмаганди.

\* \* \*

Исомиддин кейинги пайтларда шириң хулиё бандасига айланиб улгурғанди. Айниқса, Равшан ҳожининг кейинги гаплари уни эс-ҳушидан айираёзғанди. “Амир Исомиддин”! Қанчалар жаранғдор, улуғвор ва... таҳдидли исм!

Ҳокимият тепасида бўлиш бениҳоя завқли ва суурли иш бўлса керак. Бутун куч, қурол, мол-давлат, ҳалқ қўлингда бўлади. Ҳудди ўтган замонлардаги хонлару амирлардек роҳат-фароғатда яшайсан. Саройингда ўнлаб хизматкорлар, қуллар амрингга шай. Бир эмас, тўртта хотин қамчинг зарбидан қўрқиб, титраб-қақшаб туради. Турли жангларда ғанимат тарзида ҳарамингга келадиган жорияларни-ку, ҳисоби бўлмайди. Истасанг, ҳар оқшом “янгиси” билан майшат қиласан.

Исомиддин қашшоқликни кўрмаган бўлса-да, ноҷорлик нималигини озми-кўпми билали. Айниқса,

отаси ўтганидан сўнг анча қийналиб қолишганди. Ана шу пайтларда уларга ёрдам қўлини чўзадиганлардан кўра, менсимасдан оёқ учидаги кўрсатиб ўтганлар кўп бўлди. Ҳатто айрим синфдошлари уришиб қолишганида “етим”, “сағир”, “ялангоёқ” деб таҳқирлаган пайтлар ҳам бўлди.

Ҳожи айтгандек, агар ўз юртига “от устида” кириб бориши насиб этса, ана ўша ғанимларни битталаб териб, дорга тортади. Йўқ, унда осонгина ўлиб кетишаркан. Яхшиси, тириклай машинанинг орқа тарафига боғлаб судратади, бутун қишлоқ... йўғ-э... шаҳарни айлантиради. Ҳа, “Амир Исомиддин” ким эканини ҳали бутун мамлакат билиб олади.

Лекин бу орзуладар амалга ошиши учун қанча қон кечишига, қанча бедор тунларни тонгларга улашига тўғри келади. Бордию, “ҳокимиёт орзуси” амалга ошмасдан ўлиб кетса ҳам, ҳечқиси йўқ. Бу дунёдаги ҳою ҳашамдан-да дабдабали ҳузур-ҳаловатдан жаннатда баҳраманд бўлди. Гоҳида Равшан ҳожи “бўлиқ сийнали”, “лаълу маржонли” жаннат ҳурларини таърифлаган чоғда Исомиддиннинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўларди. Бу дунёнинг энг гўзал санамлари ҳам уларнинг олдида ҳеч нарса бўлмай қолармиш.

\* \* \*

Равшан ҳожининг иши юришгандан юришаётганди. Аввало, Қозоннинг бойлар яшайдиган ҳудудида бошлигаган қурилиши муддатидан илгари ниҳоясига етди. Шаҳардан бундай кўркам турар жойлар у қадар кўп эмас.

Албатта, бу иморат ҳожининг ягона мулки эмасди. Унинг Қозон ва Москва марказларида тўрт хонали квартиralари, ўз юртида – Душанбе ва Турсунзодада Қасрмонанд уйлари бор эди.

## *1990 йиллар. Тожикистон...*

...Буидан ўттиз йиллар муқалдам у Регар (ҳозирги Турсунзода)нинг эски шаҳар қисмида Равшан ўғри номи билан танилган безори ўспириндан бошқа ҳеч ким эмасди. Бир пайтлар ўзи ишлаб юрган Алюминий заводидан ҳам айнан “қўли эгрилиги” сабабли ҳайдалганди. Ана шу эски “ҳунари” сабабли икки марта ўтириб чиқишга ҳам улгурди. Учинчи марта қўшнисининг вояга етмаган қизини зўрлаб қўйгани сабабли узоқ йилга қамалиб кетди.

Улкан империянинг парчаланиши арафасида Тожикистонда бошланган парокандалик Равшан ўғри сингари қанча-қанча каззобу муттаҳамларнинг тегирмонига сув қўйди. Мамлакатда юзага келган тартибсизликлар пайтида у сингари қанча-қанча зўравон-каллакесар маҳбуслар озодликка чиқиб, турли қуролли тўдаларга қўшилиб кетишиди. У беш йил давом этган фуқаролик уруши йилларида тоҳ демократлар, тоҳ диний гуруҳлар томонига ўтиб, аёвсиз қон тўкли. Қанча бечораларни хонавайрон қилди, шўрлик ожизаларнинг номусини топтади.

Мухолиф гуруҳлар таркибида беомон хунрезликлари, шафқатсизлиги билан довруғ қозонган “Мулло Равшан”га ҳукумат кучларининг қўли баланд келган чоғда “сичқоннинг ини минг танга” бўлиб, Афғонистонга қочди. Кейин мамлакатда бир мунча тинчлик, сулҳпарвар вазият вужудга келиб, муҳожиратдаги мухолифларга нисбатан афви умумий эълон қилингач, “эгилган бошни қилич кесмас” қабилида икки қўлини бурнига тиқиб, юртига қайтди.

Жанг майдонида қоплондек ваҳший қиёфага кира оладиган Равшан вазият ўзгаргач, бир думалаб тулкига айланди. Йўлини топиб, катта мансабларга миниб олган

собиқ сафдошларининг эшигига юкуниб борди. “Янги ҳукумат”га садоқат билан хизмат қилишга қасалар ичди.

Хуллас, кечаги каллакесар “вовчик” мавжуд имкониятлар, эски танишлар ёрдамида ўз бизнесини йўлга қўйди. Россияга бориш истагидаги меҳнат муҳожирларини иш билан таъминлайдиган бу ширкат қисқа фурсатда ўз йўналишидаги стакчи ташкилотга айланди.

\* \* \*

У ишлаб топган маблагининг бир қисмини ўз юртидаги корчалонлар, “ҳомийлари”га узатар, яна бир қисмини йўлларни таъмирлаш, ГЭСлар қурилиши сингари “давлат миқёсидаги” хайрия ишларига сарфлар, бу ўз навбатида қонуний бизнес сояси остида баъзи ноқонуний ишларни битириб олиш учун қулай шароит яратарди.

Шу тариқа унинг “қора ўтмиш”ини ҳам ҳеч ким юзига солмади, бизнесига ҳам бирор аралашмади. Бир пайтлар ўғрилиги, зўравонлиги учун қамалиб чиқсан, кейин уруш йилларида ўзининг таъбири билан айтганда “соҳидан кўп одам ўлдирган” бир кимса мамлакатнинг “саҳоватли”, “узоқни кўра биладиган”, “ақл-идрокли” соҳибкорига айланди. Беш-олти йил илгари ҳаж зиёратини бажарив келгач, обрўси яна ошди. Энди тобелари уни шунчаки “ака” эмас, “ҳожи ака”деб чақирадиган бўлишди.

“Ҳожи ака” фақат пул ва уй-жойларни эмас, хотинлару бола-чақаларни ҳам кўпайтиришга киришди. Биринчи хотини катта фарзандлари билан Регардаги шоҳона қасрида умргузаронлик қиласа, иккинчиси Душанбеда яшаб, “ширкат”нинг ўша ердаги ишларини юритар,

## Рустам ЖАББОРОВ

ўзи эса Қозонда, ҳали йигирмага ҳам бормаган сулув “кенж”си билан роҳат-фароғатда кун кечиради. Икки қаватли янги уй “кенж хотин”нинг туғилган куни учун муносиб совға тариқасида қурилғанди.

...Равшан ҳожи Қозонда иш бошлаган дастлабки пайтларида бу ерда яна бир эски қадрдонини учратиб қолишини хаёлига келтирмаганди. Тожикистондаги уруш йилларида диний гуруҳларининг бирига раҳбарлик қилған эски таниши – ғармлик Раҳимшо чўтири анчадан бери унинг изига тушиб юрган экан.

У билан юзма-юз келганидан аввал анча кўнгли ғашланди. Чунки бу кимса “афви умумий” пайтида янги ҳукумат қаршисида гуноҳларига тавба қилмаган, Равшан унинг узоқ йиллар Афғонистонда, Чеченистонда юз берган қуролли тўқнашувларда жангарилар қаторида уришиб юргани ҳақида узунқулоқ гапларни эшитган, айни пайтда у мамлакат миқёсида қидиувда бўлган хавфли кимсалар рўйхатининг бошида турарди.

Бугунги кунда ўз юртининг “юқори доиралари”га анча танилиб қолган Равшан ҳожининг “халқ душмани” мақомидаги кимса билан салом-алик қилиши камида бор мавқеининг йўқقا чиқиши, хонавайрон бўлишига сабаб бўларди. Равшан Хўжанд ташқарисидаги бадбўй, заҳ ва совуқ қамоқхонани кўз олдига келтириб, эти жунжикиб кетди.

Бироқ Раҳимшо уни осонгина қўйиб юборадиганлардан эмасди. Қолаверса, Раҳимшо унинг кўп кирдикорларидан хабардор. У билан сан-манга борадиган бўлса, ўзига қийин бўлади.

Хуллас, у билан Қозоннинг Баўман проспектидаги хилват қаҳвахоналардан бирида ўтириб гаплашиб олишди. Маълум бўлишича, у охирги беш йилда Чеченистонда вужудга келган “Кавказ амирлиги” террорчилик гуруҳида фаолият кўрсатиб келган.

Раҳимшонинг айтишича, айни пайтда ушбу ташкилот Ироқ ва Сурия ҳудудида ташкил этилған “муқаддас халифалик давлати”га “қўл” бериб, унинг ишончига кирган, Раҳимшо яқиндаги сохта паспорт билан Россия ҳудудидан ўз сафларига одам ёллаш учун Истанбул орқали Қозонга учиб келган экан.

Аввалига “мен бунақа ишлардан тамомила чиқиб кетганман, энди бунақа ишларга мени аралаштируманг” деб ўзини ҳар томонга урди. Раҳимшо унда йигирма уч йил аввал Тавилдарада уч нафар тожик офицери айнан Равшанинг қўяи билан қатл этилганини тасдиқловчи видеотасвирлар борлигини айтгач нафаси ичидан тушиб кетди.

Бу тасвирлар интернетда тарқалиб кетадиган бўлса, Равшан ҳожининг бутун хонумони куйиши аниқ. Чунки 1992 йилда ном-нишонсиз кетган уч нафар ҳарбий расмий манбаларда ҳозир ҳам тез-тез эсга олинар, уларнинг йўқолиши муносабати билан очилган жиноят иши ҳамон ёпилмаганди...

— Ақлингни йиғишириб ол, — деганди ўшанда Раҳимшо чилимнинг чубуғидан тутун симириб, Равшанинг юзига қарата пуркаркан. — Ҳали кўрасан, сени “афв этган” давлатинг ҳам вақти келиб бизнинг ихтиёrimизга ўтади. Биз ҳали Марказий Осиёга ғалаба билан кириб борамиз. Ўшанда бизга кўрсатган “хизматларинг” инобатга олинади.

— Унгача ҳали қанча қовун пишиғи бор? Мен унақа урушлардан чарчаганман. Қон ҳидини эсласам кўнглим беҳузур бўлади. Умримнинг қолганини тинчгина яшаб ўтказмоқчиман. Илтимос, Раҳим оға...

— Сен менга ишонмаяпсан, шекилли? — Раҳимшо шундай дея ёнида сўнгги русумдаги айфонни чиқариб, кавлаштиришга тушди. Бир неча сонияда ўзига керакли лавҳани топди-да, атрофга бир қур кўз ташлаб, экранни Равшанга қаратди.

## Рустам ЖАББОРОВ

Таниш манзаралар, Ҳингоб дарёси яқинидаги овлоқ дара... Кўзи, қўллари ва оғзи боғланган ҳарбий кийимдаги ёш йигитлар тиз чўкиб турибди. Уларнинг устида қопқора соқоли кўксига тушса-да, билагида ёшлиқ қудрати жўш ураётган Равшан ўткир пичоқни қайраяпти...

— Илтимос, ўчиринг буни... — деди Равшан титраб-қақшаб. — Мен нима қилишим керак ўзи?

Раҳимшо илжайганида чўтири башараси янада хунуклашиб кетишини Равшан ана шунда пайқади.

— Ўзи сендан туппа-тузук мужоҳид чиқарди, — видоетасвирдаги мудҳиш манзараларни кулимсираб кузатишида давом этди Раҳимшо. — Начора, нафсинг бузуқлик қилиб, пулга берилиб кетдинг. Ҳар қалай биз билан ишласанг ҳам пичоғинг мой устида бўларди. Хабарим бор, у ёқдан ишлагани одам олиб келиб бу ёқдаги иш берувчиларга пуллайсан. Замонавий тилда айтганда “одам савдоси!” — ҳиринглади Раҳимшо.

— Мен ҳамма ишни қонуний қиласман Раҳим оға!

— Майли ўша “пешвойи миллат”ингга “қонуний” хизмат қилиб юравер. Аммо бизга одам керак. Кучли, динга ҳаваси бор, уддабурон ёшларни танлаб, бизга юборишинг керак. Уларни бир муддат Туркияда сиёсий ва ҳарбий тайёргарликдан ўтказиб. Кейин яқиндагина қад ростлаган МХД — “муқаддас халифалик давлати”га юборамиз.

— Раҳим оға! — деди Равшан йиғлагудек бўлиб. — Мен бундай ишни қилолмайман. Агар сиз айтгандек ишга келган муҳожирларни сиз айтган жойга юборганимдан кейин уларнинг Тожикистондаги яқинлари, таниш-билишларига нима дейман? Ишлаш учун келган ҳар бир муҳожир ҳақида ҳисобот беришим керак.

— Бу ёғи сенинг ишинг! — яна қуриллатиб чилим тортди Раҳимшо. — Агар ўз юртдошларингга “тишинг” ўтмаса,

бошқаларини овла. Ўзбек ё қирғизлардан юборсанг ҳам бўлаверади. Фақат бизга одам керак: тезроқ ва кўпроқ!

Ҳар доим “куйиб қолгунча исиниб қолишга” уринадиган, ўзи учун зарар келтирадиган вазиятлардан ҳам фойда билан чиқишига ўрганганд Равшан ҳожининг кўзлари илинж билан йилтиради.

— Раҳим оға, ўзингиз тушунасиз, бу ишнинг ўзига яраша харажатлари...

У гапини тугатмасдан, Раҳимшо бир тахлам юзалик долларни чўнтағидан чиқарди.

— Бу сенга аванс, — деди у пулни стол устига қўйиб, кафти билан босаркан. — Фақат чув тушираман деб овора бўлма. Битта ноўрин ҳаракатинг сабабли ўзингни интернетда кўрасан. Шўрликлар йигирма уч йилдан бери сен калласини олган анави ҳарбийларнинг дарагини излашади. Уларга раҳмим келади гоҳида...

— Раҳим оға! Унақа қилманг, — қўлларини олдинга чўзиб қақшади Равшан. — Саккизта боламга раҳмингиз келсин. Фақат... фақат... бу жуда қийин иш. Ёнимга бирорта ишончли одам бўлганида...

— Ўринли таклиф, — чилим тортишни давом эттириди Раҳимшо. — Мен бу ерда икки ойдан бери бекорга юрибманми? Мана, сени излаб топдим. Айтганча, битта татар йигит билан танишганман. Исми Марат, Қозондаги “Мұхаммадия” мадрасасини битирган, қаратэдан қора белбоғ соҳиби экан. Жуда ўткир йигитга ўхшайди. Ана шу йигит сен билан бирга ишлайди. Ўнга ишонсанг бўлади.

Хуллас, Равшан ҳожининг кўнишдан бошқа чораси қолмаганди. Аввалига Раҳимшо жўнатган Марат исмли йигитдан унча кўнгли сув ичмади. Бир қараашда бу йигит туғилганидан бери бир марта бўлса ҳам кулмаган бўлса керак деб ўйлаш мумкин эди. Аммо қисқа вақтда у Равшаннинг ишончини қозонди.

Аслини олганда, Равшан анчадан бери худди Маратга ўхшаган уддабурон, оғзига пишиқ, ўткир бир ёрдамчи қидириб юрганди. Бир қараашда Марат Равшан ҳожининг қурилишдаги ишларига қарашиб юргандек тасаввур уйғотса-да, аслида унинг мақсади бошқа эди. У ҳожининг қўлида ишлаётган ҳар бир йигитни зимдан кузатар, “жиҳод” учун яроқли ё яроқсиз эканини чамалар, баъзи масалаларда ўз “хожаси”га дакки ҳам бериб қўярди. Чунки Маратни аслида унга Раҳимшо бириктириб қўйганини Равшан бир лаҳза бўлсин эсидан чиқармасди.

Учой ичида Равшанинг қўл остида ишлаётганларнинг тўрт-беш нафари “кўзга кўриниб” қолди. Бари қўшни республикалардан бўлиб, уларнинг тақдири Равшанинг ўз юртидаги мавқеига деярли соя солмасди.

Шу боис Қозонда қурилаётган иморати учун уста сифатида ёлланган икки ўзбек йигитига жиддий эътибор қаратишни бошлади. Аввалига қурилишда ишлаётган ҳамюртлари олдида уларни бу “иш”га жалб қилиш сал ноқулай туюлган бўлса-да, кейинчалик уларнинг ўзига пишиқ, “оғзи маҳкам” йигитлар эканини пайқаб, ҳайиқмай қўйди. Ҳар қалай уларни “ҳижрат”га юбормайди. Фақат бирорга гуллаб қўйишимаса бас.

Кутилмаганда, улардан сал аввалроқ усталар сафиға келиб қўшилган Ортиқали деган ўзбек ишни бузишга сал қолди. Қўйиб берса, бу одам ўзининг ҳам тагига сув қўйиши мумкинлигини пайқаган Равшанинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Ортиқали унинг учун икки карра хавфли эди. Аввало унга эрк берилса, содда-баёвлиги юз-кўзидан билиниб турган, тузоққа илинишига бир қадам қолган икки ҳамюртини “чўчитиб” қўйиши, қолаверса, бу ҳақда тегишли жойга бориб гуллайдиган бўлса, Равшанинг ҳам шўрини қуритиши тайин.

Уни нима қилиш ҳақида маслаҳат олиш мақсадида, Раҳимшони топиб, вазиятни тушунтириди.

— Сени ким айтади “Равшан каллакесар” деб? Ана, Маратга бунақа ишлар чўт эмас. Ўзининг айтишича, шу пайтгача олтитасини асфаласофилинга юборган. Айтсанг, муаммонгни бирпасда ҳал қилиб беради.

Раҳимшо ҳақ бўлиб чиқди. Марат унинг мақсадини биттада тушунди. Чиндан ҳам эртаси куни қурилишда Ортиқалининг қорасини ҳам кўрмади. Маратнинг чеккага чақириб, “нима қилдинг?” деб сўраганида, елка қисиб, “энди сизга унинг ҳеч қандай зарари тегмайди” дегач, ортиқча мулоҳазага ўрин қолмади...

Энди ака-укани ўз “эгалари”га топширишга ҳеч ким монелик қилолмасди. Фақат уканинг сал “ёввойилигини” ҳисобга олмаса, иш хамирдан қил суғургандек осон битади.

\* \* \*

Низомжонни Туркияга жўнатиш учун кўндириш бу қадар қийин кечиши акасининг хаёлига ҳам келмаганди. Аввалига ҳаммасини ётиғи билан тушунтириди. Равшан ҳожидан ёд олган бир-иккита “қурама” жумлаларни такрорлади. “Ҳар бир мусулмоннинг зиммасидаги мажбурият”ни уқтиришга уринди.

— Ака, сиз ақлдан озибсиз, — деди Низомжон узилкесил. — Агар ўз юртимизда бўлганда нима қилишни ўзим билардим. Лекин бу ерда... Хаёлингизни йифиширинг. Ҳақиқий ислом дини билан террорчиларнинг чиркин мақсадларини фарқлашни ўрганинг. Сизу биз “жиход”га чиққанимиз билан дунё ўзгариб қолмайди. Фақат икки дунёмизни куйдирганимиз қолади. Нима қилмоқчисиз ўзи? Эртага шу маразларнинг қутқусига учиб, ўз юртимизга ҳам қурол кўтариб боришни хаёл қиляпсизми? Ватанимизга қарши чиқасизми?

## Рустам ЖАББОРОВ

---

— Ўв ватанпарвар, — заҳарханда илжайди Исомиддин.  
— Ватанинг сенга нима каромат кўрсатди? Шунча ўқиб-  
ўрганганинг билан сени университетта ўқишга ҳам яқин  
йўлатмади-ку “ватан”инг?

— Ака, нималар деяпсиз? Ўқишидан йиқилишимнинг  
бунга нима дахли бор? Билимим етмаган бўлса  
йиқилгандирман-да?

— Билиминг эмас, пулинг етмади, пулинг! —  
бармоқларини ишқалади акаси. — Агар жиҳодга  
отлансан, Ватанинг ҳам ўзимизники бўлади. Сени  
остонасига йўлатмаган университетларингга қурол  
билан кириб борамиз, эшитяпсанми? Ўшанда сенга  
ўқишининг ҳам кераги бўлмайди. Тушуняпсанми? —  
одатига кўра, укасининг елкасидан тутиб силкитишига  
тушди Исомиддин.

— Гапни айлантирманг ака, — акасига нафрат ва ғазаб  
 билан тикилди ука. — Бу хомхаёлларни миянгиздан  
чиқариб ташлайсиз бўлмаса...

— Бўлмаса? — акаси оғзини масхараомуз қийшайтириди.  
— Нима қиласан? Милицияга ушлаб берасанми ё ФСБга  
хабар қиласанми? Майли, ана, катта кўча! Бориб айтавер.  
Ўз акангни қамоқقا тиқ. Кейин бориб онамга қилган  
ишингни оғиз кўпиртириб мақта! Шўрлик онамизни  
тириклай гўрга тиқ. Отамнинг ҳам арвоҳини чирқират.  
Охир-оқибат Худонинг ҳам қаҳрига йўлиқсанг ажаб  
эмас.

Исомиддин навбатдаги руҳий зарбанинг натижасини  
кутаётгандек бир зум укасига тикилиб қолди.  
Низомжоннинг худди қизларни кидек қалин, узун  
киприклири бир зум пирпиради, лаблари титради:

— Ака, сиз мени ўз жигарини сотадиган даражада  
пасткаш деб ўйляяпсизми? Шу иш менинг қўлимдан  
келадими?

— Сен жуда ватанпарварсан-ку? — темирни қизифида

босди Исомиддин. – Нимадан қўрқасан? Бор, Ўзбекистонга қайтиб, ички ишларга хабар бер. “Акам ўз ватанига хиёнат қилиб жиҳодга бормоқчи” деб айт. Балки сенга медаль беришар? Балки бу қаҳрамонлигинг учун мелисага ишга олишар? Сен учун ўша “Ватан” ота-онангдан ҳам, қадрдан акангдан ҳам муҳимроқ-ку?

– Ака, бас, юрагимни эзманг, – деди Низомжон йиғламоқдан бери бўлиб.

Исомиддин отган ўқ нишонга теккан, фақат бу ўқни янада чуқурроқ жойлаштириш керак эди.

– Менга қара, ука, – гарчи атрофда бегона одам бўлмаса-да, укасининг елкасидан қучиб, унинг қулоғига эгилди Исомиддин. – Авваламбор, биродарларимиз фақат Яратганнинг розилиги учун курашишади. Лекин... улардан кимнингдир фикри ўзгариб, ортга қайтмоқчи бўлса, аяб ўтиришмайди. Қаттиқ ўч олишади. Агар ўзимни бир нима қилиб қўя қолишса ҳам майли дердим. Лекин гаровда сен билан ойим турибсизлар. Биламан, сен қўрқмас йигитсан. Лекин шўрлик ойим... оижоним...

Низомжон акасининг яқин орада йиғлаганини эслолмайди. Болалигида агар унга нимадир тегмай қолса, ҳақини айириб олишига кучи етмаса, ота-онасига гапини ўтказгиси келса, йиғлаб дунёни бошига кўтарарди. Катта бўлиб, акасининг дийдаси қотди. Ҳатто отасининг маъракасида ҳам акасининг кўзида тайнли ёш кўрмаганди.

Ҳозир эса...

Тавба! Акаси худди ёш бола сингари йиғлар, киприклари орасидан маржондек ёшлар тизилиб чиқа бошлаганди. Тўғри, овоз, нолаю фарёд сохта бўлиши мумкин, аммо кўз-ёш...

Акасининг бу аҳволда кўрган кўнгилчан ука ҳам ўзини йиғидан тутиб туролмади.

## Рустам ЖАББОРОВ

---

— Ака, нималар деяпсиз? Наҳотки, сиз ана шундай номард, бағритош одамларининг иғвосига учган бўлсангиз? Ахир, бу ваҳшийлик-ку! — деди юраги эзилиб.

— Наҳотки сиз билан бизнинг хатойимиз сабаб ойим... йўқ... бунақа бўлиши мумкин эмас, ака!

Аканинг йиғиси туйқусдан тўхтади:

— Бунақа гапларни қўй. Уларни ҳам тушуниш керак, — деди имкон қадар дўстона оҳангда. — Мақсадга эришиш учун баъзан шундай шафқатсиз чораларни ҳам қўллаб туришади. Фақат бу энг сўнгги чора ҳисобланади. Ҳозирнинг ўзида улар билан алоқани узиш қийин. Қолаверса, бизни тўғри жанг майдонига олиб бориб ташлашмайди. Аввал маҳсус лагерда тайёргарликдан ўтказишади. Агар уларнинг талабларига жавоб бера олмасак, ортга қайтишимизга рухсат беришади. Фақат, уларни сотмасак бўлди. Агар ҳаммасини яхшиликча тушунтиrsак, улар ҳам тушунишади. “Туя кўрдингми — йўқ!” Менга ишон! Лекин ҳозирча барини чала ташлаб, юз ўгириб кетолмаймиз. Ҳаммасининг ўз тартиби, қонун-қоидаси бор. Ортга қайтишнинг ҳам.

Низомжон алҳол икки ўт орасида ёнарди: ҳар икки гулхан алангасидан ҳам омон чиқишига кўзи етмасди...

*2015 йил, ноябрь. Фозиантеп...*

Жануби-Шарқий Онадўлида куз анча узоқ давом этади. Гарчи боғлар хазонга бурканиб, олтинранг далалардан ҳосил йиғиб-териб олинган бўлса-да, кеч кузакнинг совуқ нафаси сезилмайди. Ҳар замонда жануб тарафдан эсадиган илиқ шамол дарахтларнинг оловранг япроқларини чирпирак қилиб ўйнайди. Гоҳида кечқурунлари Фрот дарёсининг мавжлари узра эсаётган саррин шабадалар дилларга ажиб бир суур бахш этади.

Ака-ука Фозиантеп вилоятининг энг жанубий

ҳудуди – Каркамиш туманида яшай бошлаганига ҳам икки ҳафтадан ошди. Исомиддинга-ку қаерга келиб қолишганинг аҳамияти йўқ. Унинг тезроқ мақсадга этишиш – ўз хулёсига кўра, ҳақ йўлда курашиб, Яратганнинг розилигига эришиш, ё бу йўлда жон бериб шаҳидлик мақомини олиш, ёғозий бўлиб, ҳокимият тепасига чиқишидан бўлак орзу истаги ҳам, қизиқиши ҳам йўқ.

Равшан ҳожининг айтишича, Фозиантепда икки ойча сиёсий тайёргарликдан ўтишлари, бу ердаги яширин марказда “Муқаддас халифалик давлати”нинг асосий мақсад ва тамойиллари, жиҳод қоидаларини назарий жиҳатлари билан танишишлари лозим. Кейин чегарадан ўтиб, Ҳалабдаги мужоҳидлар лагерида жисмоний-ҳарбий машғулотлардан ўтишгач, “амирал-мўъминин”га қўл бериб байъат қиласилар, мужоҳидлик васиқаси ҳамда “жавоз” – МХД фуқаролиги “паспорти”га эга бўладилар.

Айни пайтда Каркамиш четидаги эски маҳалланинг оқ гумбазли, икки минорали масжиди (маҳаллий аҳоли бу ерни оқ жомеъ деб аташаркан)нинг еости ҳужраси бўлажак мужоҳидларнинг “дарсхонаси”га айланган. Намозхонлар хуфтонни ўқиб, уй-уйларига тарқалганидан кейин, шаҳар тун пардасига ўралган онда турли миллатга мансуб 30-40 нафар йигит ҳужрага жамланишади.

Машғулотларни асосан Бекирбей исмли пахмоқ соқолли, ўрта ёшли эркак олиб борарди. Дарслар асосан турк тилида олиб борилса-да, унинг инглиз, рус тилларини биладиган икки ёрдамичиси бор. Улар “воиз” нутқидаги энг зарур ишталарни тингловчилар сўраган тилга ўгириб беришарди.

Низомжонга акасининг Қозонда айтган охирги гапи умидбахш этиб турарди, холос: “Агар уларнинг талабларига жавоб бера олмасак, бизни ортга қайтаришади, Ватанга

## Рустам ЖАББОРОВ

---

қайтамиз. Үнгача акам ўз хатоларини англаб, қайтишга қарор қилса бас” – деб ўйларди Низомжон.

...Каркамиш Онадўлидаги энг кўхна, тарихий шаҳарлардан бири экани Низомжоннинг назаридан четда қолмади. Аввало телефонидан интернетга кириб, бу шаҳар ҳақидаги маълумотлар билан қизиқди. Маълум бўлишича, Каркамиш тўрт минг йиллик тарихга эга бўлиб, бир пайтлар бу ерда Шумер халқининг машҳур қаҳрамони Гилгамиш ҳукмронлик қилган, бу кўхна шаҳар ҳам айнан унинг номи билан аталган, минг йиллар оша унинг номи Каркамишга айланиб кетган экан.

Шаҳар ташқарисида, Оқ жомеъ яқинидаги кўхна тепаликлар ҳам унинг олис тарихидан дарак берар, бир пайтлар бу ҳудудда археологлар қазилма ишларини олиб боришган бўлишса керак, ҳар-ҳар ерда ҳудди каламуш уяларидек катта-кичик чуқурлар, эски устунлар, девор қолдиқлари, бино харобалари кўзга ташланар, шаҳарнинг бу тарихий қисми оёқости бўлмаслиги учун маҳсус панжара билан ўраб чиқилганди. Шу боис Низомжон у тарафга ўтолмаган бўлса-да, не-не тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган бу гўша уни тамомила сеҳрилаб олган, ана шу қизиқиши сал бўлса-да, уни ватан соғинчидан, турли бадбин хаёллардан ажратиб турарди.

Бу ерда интернет ҳам, телефон ҳам яхши ишларди. Шу боис рақамни кўрсатмаган ҳолда деярли ҳар куни онасига қўнғироқ қилиб, уни ўзи ва акасининг аҳволидан хабардор қиласиди. Бечора она! У икки жигаргўшасини Россияда – қурилишда ишлайти, деган хаёлда бемалол юргандир! Аслида эса бу нобакор ўғиллар террорчилар маконининг шундоққина биқинида уларга қўшилиш учун ҳозирлик кўриш билан банд...

Вақт ўтиши билан Низомжон ўзи билмаган ҳолда жуда катта таъсир доирасига эга бўлган кучларнинг қўлига

тушиб қолганига ишониб борарди. Ахир, Қозондан то мана шу чекка, овлоқ бир шаҳарга қисқа фурсатда, осон етиб келишли. Ҳеч ким улардан шубҳаланмади, ортиқча тергамади. Ҳар бир алмашув нұқтасида уларни аниқ, ишончли одамлар кутиб олар, мәхмөн қилар ва навбатдаги манзилга кузатиб қўярди...

\* \* \*

...Улар уч киши эдилар. Равшан ҳожининг топшириғига кўра, Марат ҳам улар билан йўлга чиққанди. Паспорт ва чипталар Маратнинг қўлида эди. Қозон аэропортидан тўғри Истанбулга учишди. Самолёт Отатурк аэропортига эрта тонгда бориб қўнди. Фозиантепга учиш учун ҳали саккиз соатга яқин вақт бор эди.

Учовлонни аэропортда оппоқ кўйлак ва шим кийиб олган, соч-соқолига оқ оралаган миқтидан келган бир киши эски қадрдонлардек қучоқ очиб кутиб олди. Аэропортнинг чиқиши эшиги олдида уларни қоп-қора “Пежо” кутиб туради. Ўзининг Мехметбей деб таништирган бу эркак машинасида Қозондан келган мәхмөнларни Истанбул бўйлаб айлантириди. Дўлмабоғча саройи, Еребатан еости сув омбори, Аё Сўфиё мажмуаларини зиёрат қилишли. Гарчи тарихий обидаларни Исомиддин ўта бефарқлик билан томоша қилаётган бўлса-да, Низомжоннинг нигоҳларида алланечук ҳайрат, қизиқиш акс этарди.

Султон Аҳмад майдонида тушлик қилишгач, Сулаймония масжидида пешинни ўқиб, ортга – аэропортга қайтишли. Қизифи, йўл-йўлакай дин, жиҳод, ҳижрат ҳақида ҳеч қандай сўз-суҳбат кечмади. Мехметбейнинг юзи кулиб тургани билан жуда камгап, синчков одам экан. У кўчада ҳам, тамадди пайтида ҳам

## Рустам ЖАББОРОВ

ҳар бир меҳмонга зимдан сер солар, диққат билан кўздан кечирад, аммо лом-мим демасди.

Тушдан кейин, соат тўртларда самога кўтарилиган ҳаво кемаси бир ярим соатда Фозиантепнинг Ўғузэли аэропортига қўнди. Бу ерда ҳам уч ҳамроҳни худди Истанбулдаги сингари оппоқ кийинган, фақат аввалги “мезбон”дан кўра анча ёш, озғин бир йигит кутиб туради. Ҳар уч меҳмоннинг сафархалталарини ўз “Фиат”ининг юкхонасига жойлаштириб, хушмуомалалик билан эшикларни очди.

“Ўзғурбей” дея ўзини таништириди новча йигит машинанинг Фозиантепнинг тирбанд кўчаларидан ҳайдаб бораркан. Ўзғурбей истанбуллик “амакиси”га қараганда гапга чечанроқ экан. Айниқса, ака-уканинг қаердан эканини билгач, янада чиройи очилди:

— Мошооллоҳ, қандай чиройли ўлқадан келаётисиз, мен Ўзбекистонга боришни жуда ҳам истардим.

Интернетдаги танишлари орқали туркчани анчамунча ўзлаштириб олган Низомжон Самарқанду Бухоро сингари қадим шаҳарларнинг гўзаллиги ҳақида сўз бошлаганди, акасининг бир қарич қош-қовоғини кўриб, гапни қисқа қилди:

— Сиз ҳақсиз, ака, бизнинг ўлкамиз чиндан ҳам гўзал. Фозиантеп Сурия билан чегарадош бўлгани сабабли шаҳарнинг исталган бурчагида уруш ўчоғидан қочиб келган катта-кичик қувфиндиларни топса бўлади. Айниқса, арабчада алланималарни чуғурлаб, тиланиб юрган кирчир, ялангоёқ болаларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Агар уларнинг бирортасига беш-үн қуруш<sup>1</sup> бергудек бўлсангиз, бошқа болалар ҳам сизни ўраб олишади. То ҳаммасига танга улашиб чиқмагунингизча ёки уларни қаттиқ уришиб қувмагунингизча қутулолмайсиз.

<sup>1</sup>Куруш – Туркия майдо шул бирлиги, бир лиранинг юздан бирига тенг.

Исомиддин бу ялангоёқ қочоқларни бегамлик, лоқайдлик билан кузатаркан, Низомжоннинг уларга ичи ачир, айни дамла дунёнинг ҳамма ғам-ташвишларини унугиб, ўз уйида шаталоқ отиб юриши лозим бўлган бу гўдакларни болалигидан жудо этган кимсаларга лаънат ўқир, ўзи ҳам ҳадеб ана шу ваҳшиёна тўдага қўшилиши мумкинлигини ўйлаб, ичида нафрат тўфони қутурарди.

Ўзғурбейнинг айтишича, Фозиантепдан 20 чақирим масофада қочоқлар лагери қурилган, у ердаги чодирларда минглаб ана шундай қувғиндилар кун кечираркан. У учовлонни шаҳар марказидаги локанталардан бирида меҳмон қилгач, уларни олиб, жойлаштириш учун Каркамиш туманига йўл олди. Мамлакатнинг энг жанубий нуқталаридан бири саналмиш бу шаҳарчага кириб келишганида атрофни тун ўз измига олганди.

Ўзғурбей уларни Каркамиш марказидаги кўпқаватли уйларнинг бирида қолдириб кетди. Икки хонали бу квартирада яна иккита йигит – чечен миллатига мансуб Аслан ва лезгин Тариэл яшаркан. Ўзғурбейни айтишича, улар ҳам Яратганинг олдидаги мажбуриятларини адо этиш учун ҳижратга чиқишиган, тез орада жиҳодга киришлари кутилаётган экан.

Аслан қирқлардан ошиб қолган, тепакал, бўйи паст бўлса-да, чайиргина одам экан. Тариэл эса ёши йигирма бешлар атрофида бўлиб, қорамтири юзи қалин соқол тагида деярли кўринмай кетган, кўзларидан совуқ учқун сачраб туарди.

Ўзғурбей хайрлашиб ортига қайтгач, Марат улар билан сўрашиб, ўзи ва ҳамроҳлари ҳақида қисқача ахборот берди-да, юкларини нариги хонага ташлаб, шаҳарда бироз иши борлигини айтиб, чиқиб кетди.

Уйнинг эски “эгалари” меҳмонларга кўзи учиб

турмагани уларнинг совуқ нигоҳлари ва муомаласидан яққол сезиларди. Улар янги ҳамхоналар келишини аввалдан билишган шекилли, битта хонани бўшатиб қўйишган экан. Квартира бўйлаб тер, тамаки исларининг қоришифи ва яна аллақандай нохуш ҳидлар сузив юради.

Ака-ука юкларини кўтариб, ўзлари учун ажратилган хонага киришди. Битта эски шкаф, оёқ остида ранги ўчган гилам, иккита жойнамоз, учта қаторлаштириб қўйилган ёйма каравот, иккита ёғоч стул ва битта усти доғ-дуғга тула стол — хонанинг “амлоки” фақат шундангина иборат эди.

Низомжон хонанинг деразаларини очиб шамоллатди. Акаси эгнидаги жакети ва шимини ечиб, шкафдаги илгичларга илди-да, ўзини ёйма каравотлардан бирига ташлади.

— Хўш, энди нима қиласиз? Каерга борамиз? — сўради Низомжон ғичирлаб қолган стулларнинг бирига омонатгина ўтириб.

— Бу ёғига Аллоҳ пешонамизга нимани ёзган бўлса, шуни кўрамиз, — деди Исомиддин чуқур ҳомуза тортиб.

— Биз ҳақимиздаги ҳамма маълумотлар уларнинг қўлида бор. Керак пайтда ўзлари топиб, топшириқ беришади.

Низомжон ниманидир акасидан сўрашга оғиз жуфтлаган пайти эшикдан Тариэлнинг сержун башараси қўринди:

— Эй, братишка, возле нашего дома есть свалка! Иди-ка вынеси мусор!! — деди у Низомжонни қўли билан имлаб.

“Меҳмоннавозлик”нинг бундай қўринишига илк бор дуч келиб тургани учунми, ака-ука аввал бир-бирига ажабланиб қарашибди.

Бунақа пайтларда акасининг жини қўзишини яхши билган Низомжон унга илтижо билан термилди. Кейин имкон қадар юмшоқлик билан русчалаб тушунтирди:

<sup>1</sup>Менга кара укам, ўйимизнинг ёнида ахлатхона бор. Ахлатни чикариб тўкиб кел.

— Ака, биз ҳозиргина келдик. Ахлат биз келмасимиздан олдинроқ тўпланиб қолган бўлса, ўзларинг тўкиб кела қолинглар!

Тариэл “шу гапни менга айтяпсанми ҳали” дегандек ажабланиб елка қисди ва изн ҳам сўрамай хонага кириб келди. Унинг важоҳатини кўриб, Низомжон ҳам ўрнидан турди.

— Эй чувак, ты ешё не знаешь, кто я такой?<sup>1</sup> — деди Низомжоннинг иягидан тутиб ўзига қаратаркан.

Боятдан бери ғазабини аранг босиб турган Исомиддин бошқа чидолмади:

— Кимлигингни билишимиз шартмас, — деди у Тариэлнинг дағал, бесўнақай кафтини зарда билан нари суриб. — Ҳалиям сени “ўз биродаримиз” деб иззатингни қилгандим. Ҳозироқ бу ердан чиқиб кетмасанг, пушаймон бўласан?

— Так? — кинояли илжайди Тариэл ва қўлини кўксига босди. — Тогда извини меня, ради Аллаха<sup>2</sup>.

— Ака қочинг!

Низомжоннинг қичқирифи-ю, Тариэлнинг Исомиддиннинг кўксига қараб калла қўйиши айни бир пайтда юз берди. Бир сония ўтмасдан Исомиддин ўзини уйнинг бурчагида, ёйма каравотнинг устида кўрди. Кўкрагида турган оғриқдан кўз олди қоронфилаб, қулоғи шанғиллашни бошлаганди.

Биргина калла қўйиш билан кифояланмаган Тариэл Исомиддиннинг биқинига кучли тепки индиришни кўзлаётган бир пайтда гарданига келиб тушган ногаҳоний муштдан мувозантни йўқотиб, гандираклаб кетди. Ва бир зум ўзини ўнглаб олиш учун стулга ўтириди.

— Қўй, керакмас, — деди Исомиддин чалажон шивирлаб. — Ҳўқиздек кучи бор экан. Ҳатто мени ҳам битта зарбада қулатди. Сен ким бўпсан?

<sup>1</sup> Эй пандаваки, ҳали кимлигимни билмайсан шекилли?

<sup>2</sup> Шунаками? Унда Аллоҳ ҳаки мени кетиринг!

## Рустам ЖАББОРОВ

Ука ҳали акасига жавоб қайтармасдан Тариэл шердек ўкирганча унга ташланди ва яна жагига келиб тушган навбатдаги муштнинг зарбидан Исомиддиннинг олдига бориб тушди. Низомжон Тариэлнинг устига бостириб бораётганды, Тариэл дарҳол ўзини қўлга олди-да, тиззасига боғланган тасмага қистирилган пичоқни суғуриб, анграйиб қолган Исомиддиннинг бўғзига тиради.

— Я до этого зарезал сорок негодяев. Твой брат может стать сорок первым. А ну-ка, извинись и вынеси мусор<sup>1</sup>.

Низомжон бир Тариэлнинг ғазабдан янада қорайиб кетган сертуқ юзига, бир акасининг даҳшатдан олайган кўзларига қараб, унга бас келолмаслигини англади.

— Бас!

Шу пайт эшикдан олдинма-кейин Марат билан Аслан кириб келишиди.

— Бу ёққа ол! — деди Марат ҳамон рақибининг бўғзига тиғ қадаб турган Тариэлнинг тепасига бориб қўл чўзаркан. — Айтганча, Краснодар қамоқхонасидағи “Кеша”ни эслайсанми? У ердагилар сени соғиниб қолишибди.

“Кеша” номини эшиктган Тариэл пичоқни шоша-пиша Маратга тутқазди.

— Мусулмон — мусулмоннинг биродаридир, — деди Марат хонадагиларнинг барчасини бирма-бир кўздан кечириб чиқаркан. — Сиз эса кучингизни бир-бирингизга кўрсатяпсиз. Агар шунақа зўр бўлсангиз, ана, жиҳод пайти, душманлар билан юзма-юз келганда кўрамиз кимлигингизни. — Шундай дея, у ўткир нигоҳларини Асланга қадади. — Сен ҳам кўзимга иссиқ кўриняпсан. 2004 йил 1 сентябрь. Беслан. Тўғри топдимми?

Аслан Маратга бақрайиб қаради.

— Сен кимсан? — сўради овозини пасайтириб.

— Мен икковингни ҳам танийман, — деди Марат

<sup>1</sup> Шу пайтгача кирктасини бўғизлагайман, аканг кирк биринчиси бўлишини истамасаң, тез узр сўра ва ахлатни тўкиб кел!

ғолибона қадам ташлаб, эски стуллардан бирига ўтиаркан. — Лекин аввал ким бўлганингиз, нима иш қилганингизниң менга қизиғи йўқ. Муҳими, хатоларингизни тушуниб, бундан бу ёғига молу жонингиз билан Аллоҳ йўлида жиҳод қиласангиз кифоя. Тўғрисини айтсам... ҳафсаламни пир қиласингиз. Кавказда меҳмонни бундай кутиб олишмасди одатда.

— Кавказга борсангиз, худди сен айтгандек ҳурматингизни жойига қўйиб меҳмон қиласиз, — деди Аслан айёrona илжайиб. — Лекин биз ҳозир Кавказда эмасмиз.

— Тўғри, — деди Марат ҳамон нима қиларини билмай бурчакда чўзилиб ётган Исомиддиннинг қўлидан тортиб турғизаркан. — Иншооллоҳ, Кавказни қўлга олсак, кейин уйингизда меҳмон бўлармиз. Ҳозир муҳими бир-бирилизни қўллаб-қувватлашимиз керак. Қани, Тариэл, биродарингни дўстона бағрингга босгин-чи! Ҳарқалай у Кеша сингари... майли, унинг кимлигини айтмай қўя қолай.

Тариэл шартта оёққа қалқиб, аввал Исомиддинни, кейин Низомжонни қучоқлаб чиқди:

— Извините, братъя!..

\* \* \*

Аслан шериги билан бу ерга келганига олти ойча бўлиб қолганди. Уларнинг ҳозирги вазифаси тайин эди: “Муқаддас халифалик давлати”га кириши лозим бўлган бўлғуси мужоҳиларни кутиб олиш ва уларни илк синовдан ўтказишлари керак. Талабгорлар сони муайян миқдорга етгач, улар ҳам чегарадан ошиб ўтиб, жанг қилишлари мумкин.

Агар талабгор ўзи билмаган ҳолда бу “синов”дан аъло даражада ўтолса, у МХДнинг нисбатан илғор

## Рустам ЖАББОРОВ

мужоҳидлари сафига юборилар, чуқур тайёргарлик машғулотларидан сўнг уларга тегишли рутбалар берилар ва мастьул вазифаларга тайинланарди.

Илк синовдаёқ ўзининг жисмонан ва руҳан ожизлигини сездириб қўйган "талағор"ларни эса асосан "замбаракка ем қилиш", яъни илк жангларда душманга қарши майдонга ташлаш учун тайёрлашарди. Бундай мужоҳидлар одатда душманинг ilk ўқига нишон бўлар, бордию, улардан бирори асир олинган тақдирда ҳам улардан тайинли маълумотни қўлга киритиш мушкул эди.

Ака-ука ҳам ўzlари дуч келган бу ғалати муомала қаршисида шошиб қолишганди. Бироқ, Аслан ўзининг эски қадрдони Тариэл билан илк синов натижаларини муҳокама қилмасдан туриб, ўzlари ноаён синовга дуч келиб, саросимага тушиб қолишиди.

Аслани Россиядан икки ўзбек ва бир татар йигит келаётганидан анча илгари хабардор қолишганди. Аммо, Маратнинг ilk ҳужуми қаршисида довдирағ қолишлари на Асланинг, на Тариэлнинг хаёлига келганди.

"Бу яна ким бўлди? – ўзича ўйланиб қолди Аслан. – бу жангарилар сафига ўтиб, тўғри қилдимми ўзи? Бу йигитни менинг бошимга нима учун юборишиди. Унинг ўзи мени нишонга оляпти-ку? Менинг ўтмишимдан ҳатто янги сафдошларим ҳам бехабар леб ўйласам... Мен-ку, майли, Тариэлнинг ҳам ўтмишини сув қилиб ичган кўринади бу татар. Балки, бу билан "сенларнинг ҳам тақдиринг бизнинг қўлимиизда, дўпни тор келганда бирор ерга сурвoriшни хаёл қилмаларинг демоқчимикин?"

Аслан сир бой бермади. Маратнинг киноясига беўхшов табассум билан жавоб бера қолди.

*2004 йил, 1 сентябрь Беслан...*

Бу кун бу маконда нималар юз берганини кўпчилик

билса-да, лекин бу машъум ишнинг тафсилотларини ҳеч ким Аслан сингари аниқ билмаса керак. Чунки, ўша куни амалга оширилган қонли ҳужумда биргина жангари тирик қолганди. Бу – Асланинг ўзи эди.

Аслан Нўғой-юргатдаги чекка бир овулда туғилиб ўсан, мактабни тугатар-тугатмас туман марказидаги безори йигитлар гуруҳига қўшилиб, анча пайт йўлтўсарлик қилиб юрган, кейин бир неча йил қамалиб ҳам чиққанди.

90-йиллар бошида Шимолий Кавказдаги вазият бекарорлашиши билан у сингари жуда кўп безори, такасалтанг йигитлар турли қуролли гуруҳлар сафига ўтиб кетишганди. Аслан ҳам худди шундай йўл тутди. 1996 йил, Биринчи чечен уруши тугаганидан сўнг, Аслан ҳудуддаги қуролли жангарилар сафида анча пайт Кавказ тоғлари бағрида яшириниб юрди.

Иккинчи чечен уруши пайтда ҳам анча-мунча хунрезликларда иштирок этди. Ана шу қонли тажрибасига ишониб, “раҳбарлари” пухта режалаштирилган террор хуружи – Беслан фожиасига йўллашганди.

Бу терактдан кўзда тутилган мақсад бегуноҳ болалар ва уларнинг ота-оналари, ўқитувчиларни гаровга олиб, ҳукумат вакилларини яккама-якка музокарага чорлаш, улар олдига қамоқдаги жангариларни озод қилиш, рус қўшинларини Чеченистон ҳудудидан олиб чиқиб кетиш сингари бир қатор талабларни қўйишдан иборат эди.

Аммо натижа кутилганидек бўлмади. Ҳукумат кучлари икки ярим кун ичида мактабни жангарилардан қайтариб олишиди. Ушбу ҳужумда иштирок этган террорчиларнинг барчаси йўқ қилинди.

Рост, бу мудҳиши қирғинда уч юздан зиёд инсон, шу жумладан, икки юзга яқин гўдак нобуд бўлди. Бироқ Асланинг тош қотган юрагини ўшанда, ўн бир йил илгари ўққа учиб чинқириб жон берган гўдаклар ҳам, уларнинг ҳаётини асрраб қолиш учун кўкрагини

қалқон қилиб, мардларча жон берган катталар ҳам юмшатолмади. Аксинча, унинг ўзи ўша ернинг ўзида қанча “ғайридин”ни ер тишлатди.

Аммо федерал кучларга тенг келиб бўлмаслигини, барча сафдошлари бирма-бир жон таслим қилаётганини кўрган Асланинг кўзига жонидан бошқа нарса кўринмай қолди. Мактаб ичидаги эгасини танимайдиган тўс-тўполон пайтида қуролларини ташлаб, худди қўй терисини ёпинган қашқир сингари гаровдаги мазлумлар орасига кириб олди. Унинг бу чораси иш бермади. Федерал хавфсизлик ҳодимлари уни дарҳол қўлга олишди. Ойлаб давом этган суриштирув, тергов ва суднинг якуний натижаси ўлароқ Аслан бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Уни Сибирдаги олис “Қутб бойқуши” («Полярная Сова») колониясига юборишиганди. Бу жойда асосан узоқ муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилган маҳбуслар сақланарди. Асланинг илк қаммоққа тушиши бўлса-да, бу ердаги муҳитга жуда тез мослашди. Ҳатто колониядаги энг “пўрим сардор”ларни ҳам ўзига қаратди.

Мамлакатнинг энг чекка колонияларидан бири ҳисобланган бу масканда маҳбусларнинг энг қаттол ва ваҳшиёна қонун-қоидаларига изчил амал қилинарди.

Аслан ана шу метин қоидаларга ҳам қайсиdir маънода ўзгартириш кирита олди. Маҳбусликнинг ўнинчи йили тугагач, Аслани “Қутб бойқуши”дан яна бир машъум қамоқхона – Краснодардаги колонияга ўтказиши. Аввалги “макони”да эришган мавқеи сабаб, бу ердаги маҳбуслар уни бир қадар ҳурмат ва ҳайиқиши билан қарши олишди. Ҳатто зонанинг иорасмий сардори саналган “Кеша”лақабли маҳбус ҳам Аслани ортиқча “эзғилаб” ўтирмади.

“Колония”нинг энг шафқатсиз қоидаларидан бири Россия жиноят кодексининг 131-моддасига кўра айбдор леб топилган жиноятчиларга нисбатан, яъни

кимнингдир ифратини поймол қилиб, судланган кимсаларга нисбатан қўлланарди.

Бундай кимсалар маҳбуслар орасидаги энг қуи табақа – “жабрдийдалар” қаторидан ўрин олар, улар “юқори табақага мансуб” маҳбуслар тарафидан мисли кўрилмаган даражада таҳқирланарди.

Ана шундай “тубан маҳлук”лар сафида Тариэл исмли 20 ёшлардаги бир йигитча ҳам бор эди. Маълум бўлишича, Тариэл асли доғистонлик бўлиб, илгари ҳам безорилиги сабабли бир неча марта “ўтириб” чиққан, охирги марта вояга етмаган қизчани зўрлаб, кейин жиноятни яшириш мақсадида уни ўлдириб кетмоқчи бўлган. Бахтли тасодиф туфайлигина қизча тирик қолган. Тариэл эса, ўн беш йилга қамалганди.

Одатда бундай жиноятчиларнинг қисмати улар зонага келмасидан аввал маълум бўлар, улар сўзсиз “жабрдийда”лар сафига киритилар ва “зона”нинг зўравонлари томонидан тақсимлаб олинарди. Шўрлик “жабрдийда”лар ўз “хожаларнинг ҳар қандай жирканч эҳтиёжларини ҳам қондиришга мажбур эдилар. Тариэл ҳам “зона”нинг ёзилмаган қонуниларига кўра муштумзўр “Кеша”нинг мулкига айланиб бўлганди. Гарчи Тариэл ўзига яраша бақувват йигит бўлса-да, “азалий тартиб”га бўйсунишдан бошқа чораси йўқ эди.

Табиатан бузуқликнинг бундай турини асло хазм қилолмайдиган Аслан аввалига бу ердаги ҳолатни зимдан кузатиб юрди. “Кеша”нинг қўл остидаги ҳамюртини ана шундай шармандали мақомда кўргач чидаб туролмади. Бироқ ўн йиллик маҳбуслик тажрибасидан биладики, “ички қонун”ларни бузиб бўлмайди.

Шунда Аслан ўзига хос йўл тутди. У кунда ўйналиб туриладиган қимор ўйинларидан бирига “Кеша”дан Тариэлни тикишни сўради. Бундай талаблар зонада табиий ҳол саналарди. Шу боис ҳеч ким ажабланмади.

## Рустам ЖАББОРОВ

Кутилганидек Аслан ғолиб чиқди ва Тариэлни “уз мулкига” ўтказди.

Аслан гарчи гуноҳ ботқоғига обдон беланганд бўлсада, бундай шармандаликни хазм қила олмасди. У аввал Тариэлни зимдан синаб юрди. Кейин эса... қочиш бобида у яхши ҳамроҳ бўла олишини тушунди.

Кунларнинг бирида “ўта мустаҳкам қўриқланадиган” бу қамоқхонадан икки нафар хавфли рецидивистнинг йўқолиб қолиши бутун мамлакатни оёққа турғазди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари беш йилдирки, на Аслан ва на Тариэлдан ном-нишон тополмай келишарди.

Аслан қамоқдан чиқиб қандай йўл тутишини аввалдан пухта билар, “хожаси” сабаб аввал шармандали “хизмат”дан, кейин қамоқхонадан қутулган Тариэл ҳам унинг изидан қолмасди. Аслан пана-пастқамда биқиниб юриб, ўзининг эски “сафдош”ларини топди. Бу пайтда улар Яқин Шарқда тузилган янги, сохта “давлат” билан мунағазам алоқа боғлаган эдилар.

Шимолий Кавказдаги йирик тўдаларнинг раҳбарлари аллақачон МХД раҳбарига содиклик учун қасамёд қилиб улгургандилар. Аслан ҳам ўз “яроғбардори” билан уларга эргашди.

Фозиантепда ташкил этилган яширин “йигин” пунктида Аслан ва унинг “шогирди” бир неча ойдирки ўзларига топширилган вазифаларни баҳоли қудрат уддалаб келишарди. Лекин, манави учовлон...

Ўзининг ҳақир ўтмиши сабаб машъум тамға орттирган Тариэл ҳам бу шармандаликни ўзию “хожаси”дан бошқа бирор билмаса керак деб янгилишганди. Янги келган татар йигитидан “Кеша” исмини эшитиши билан баланига илон ўрмалагандек бўлди.

\* \* \*

Исомиддин ўзи танлаган йўлни тўғри деб билар, ўзича

“ҳидоят”да юргани учун Яратганга шукурлар қиласади.

Назарида ҳаммаси яхши борарди. Езиантеп ҳам унга ёқиб қолди. Бу ерда гарчи эҳтиёткор бўлиш талаб этилса-да, барибир нисбатан ўзини бехавотир ва эркин ҳис этарди.

Кун бўйи квартирада ўзига керакли адабиётларни ўқиб, шу ҳақдаги дискларни томоша қиласар, ибодатларини ҳам тўлиқ адо этар, кечқурун яширин ҳужрага бориб, “мударрислар”дан олинган билим ҳисобидан ўз тасаввурларини бойитарди.

Ҳамхоналарига ҳам анча кўникиб қолди. Аслан билан Тариэл гарчи уларни нохуш қарши олишган бўлсалар-да, Маратнинг танбеҳи сабаблими ё худо инсоф бердими, икковиям ўта мулойимлашиб қолишганди. Ўшандан бери ораларидан бирор гап-сўз ўтгани йўқ.

У, айниқса, Маратнинг қатъиятига, тартиблилиги ва ўта камсуқумлигига тан берарди. Биринчи соатда ёқ хонанинг эски соҳибларини “ўчириб” қўйганига роса ҳайратга тушганди.

— Сен уларни қаердан танийсан? — сўраганди у ўшанда Маратдан қизиқсиниб.

— Уларни нафақат мен, балки бутун Россия танийди. Бу икки жиноятчининг турмадан қочгани бир пайтлар роса шов-шувга сабаб бўлган, ҳаммаёқда икковининг расми тарқалиб кетганди, — деганди Марат бу саволга қисқа ва лўнда жавоб бериб.

Энг муҳими, уларни ягона мақсад ва фоя бирлаштириб турарди. Исомиддин фақат укасидан хавотирда эди, холос. Амаллаб укасини ибодатларни тўлиқ ало этишга ўргата олди. Унинг ақидаси ҳамон бўш, эътиқоди заиф. Муқаллас халифалик ғояларини яхши тушунолмаганичи?

Тунов куни мударрас Бекирбей тунги дарсда шаҳидликка эришганларнинг даражалари ҳақида қизиқар маъруза ўқимоқда эди:

## Рустам ЖАББОРОВ

— Шаҳидликнинг даражаси шу қадар улуғким, — дея жазавага тушгудек оҳангда вазъ қилди Бекирбей. — Бундай ўлим топган ҳар киши “қани яна бу дунёга қайтиб келиб, қайтадан шаҳид бўлсам” деб орзу қиласкан. Яна бир хушхабар: агар кимки шаҳид бўлиб дунёдан ўтса, ўзи билан бирга етмиш нафар яқини, дўсту биродарини ҳам жаннатга олиб кириши мумкин.

Мударрисни диққат билан тинглаб ўтирган Низомжоннинг савол бериш учун ўрнидан қўзғалганини кўриб, ичидан зил кетди: Ҳозир бир фалокатни бошламаса эди бола...

— Домла, — деди Низомжон туркчада дона-дона сўзлашга ҳаракат қиласкан. — Биринчи саволим, шаҳидлик шу қадар улуғ савоб бўлса, нега ўзингиз шаҳидликка ошиқмайсиз?

Бекирбей бошини қуи солиб, бироз жим қолди.

— Хўш, иккинчи саволингизга ўтинг-чи, бўтам?

— Шаҳид бўлган одам ўзи билан етмиш кишини жаннатга сўроқ-саволсиз олиб киради деяпсиз. Демак, бу дунёда умр бўйи тоат-ибодат қилишдан кўра, бирорта шаҳид қариндош ёки ошнанинг бўлиши муҳимроқ эканда? Ҳатто умрини гуноҳ ичida кечирган одам ҳам бир шаҳид танишининг соясида осонгина жаннатга кира оларкан-да? Унда дунёнинг синовлиги қаерда қолади?

Бекирбей яна бошин эгганча жим қолди.

— Хўш, яна бирор саволингиз борми?

— Ҳа, бор, — дадил давом этди Низомжон. — Сиз ўз-ўзини порглатишни “шаҳидлик” деб атаяпсиз. Ҳолбуки, Қуръони Каримда бир неча ўринда “ўзингизни ўзингиз ўлдирманг” дея марҳамат қилинмаганми?

Бутун ҳужрада қўрқинчли сукунат чўккан, айниқса, аканинг ҳаяжони чексиз эди. Қанийди имкони бўлса, укасининг бундай ўжарлиги учун камарини суфуриб роса саваласа? Шу ҳам савол бўптими?

Бу ўринда кўпчилик қатори Исомиддин ҳам Бекирбей-нинг ғазабини босолмай тутикаш кетишини кутганди. Бекирбей кутилмаганда, юмшоқлик билан саволлар учун Низомжонга ташаккур билдири ва келгуси дарсларда бу саволларга жавоб топиб беришини айтди.

Орадан бир неча кун ўтса-да, Бекирбей бу мавзуга қайтмади.

Исомиддин укасини бу шаккоклиги учун яхшилаб койиб берди.

— Эсинг жойидами, ақлинг етмаган нарсаларни сўраб нима қиласан?

— Ақлим етмагани учун ҳам сўрадим, — леди Низомжон куюниб. — Агар ўзимнинг ақлим етганида сўраб ҳам ўтирмасдим. Кўрдингизми, жавоб тополмасдан гапни бошқа ёққа буришини?

— Аҳмоқ, бунақа аҳмоқона хаёлларингни йиғиштири, ўзинг билан мени ҳам жарга қулатасан бу кетишида!

Бу думбул укага ҳали-вери ақл кирадиганга ўхшамасди.

...Низомжон чиндан ҳам қандай муҳитга тушиб қолганига ҳалигача ишонолмасди.

Кимdir унга бир йилча илгари “сен яқинда аканг билан бирга террорчилар сафига бориб қўшиласан” деса нақ эсдан оғиб қолган бўларди. Аммо энди...

У ўзини худди қафасга тушган жайрондек ҳис этарди. Ҳар қанча чирангани билан бу қафасни тарқ этиб кетолмайди, темир панжаралар ортида яшашга-да асло кўниколмайди. Уни бу жойларга етаклаб келган акасига ҳар қанча гапирган билан фойдасиз. Анави мараз Равшан ҳожи аллақачон унинг миясини заҳарлаб бўлган...

Ҳар-ҳар замонда ойисини эслаб, ичи туздек ачишади. У билан телефонда гаплашган пайтида ҳам бор гапни айтиб, “ойи, милицияга хабар беринг, акам билан мени бу ердан бир амаллаб чиқариб олишсин” дегиси ҳам келади.

Бу гапни эшитиб қолса, онаси қай аҳволга тушишини у кўз олдига келтирса, юраги орқага тортиб кетади. Иккинчидан, ойисига айтган билан бирон нима ўзгариб қолишига кўзи етмайди. Чунки у ўз она юртидан минглаб чақирим йироқ, ўзга бир давлат ҳудудида турибди. Ўзбекистонда бўлишганида милиция уларга ёрдам бериши мумкин эди.

Низомжон қочиб кетиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрди. Фозиантепга келган куннинг эртасигаёқ уларнинг паспортларини олиб қўйишиганди. Борлию қочиб кетган тақдирда ҳам барибир акаси мана шу кимсаларнинг ихтиёрида қолади. Қасос учун, гарчи уларга итдек содик бўлса-да, акасини ҳеч ким қатл этмаслигига кафолат йўқ. Зотан, бу жангариларнинг қўлидан ҳар қандай пасткашлик,adolatsizlikни кутса бўлади.

Бекирбейнинг айтишича, уруш пайтида ҳамма нарса, келишувга хиёнат, лафзсизликни кечирса бўлармиш. Зотан, Низомжон тунги машғулотларда, Бекирбейнинг маъruzаларида зулм, зўравонлик, шафқатсизликдан бошқа нарса кўрмади.

Айниқса, яқинда ўз кўзлари билан кўрган бир видеолавҳа анча пайтгача кўз олдиdan кетмай юрди.

...Мана, тўқ сариқ рангдаги либос кийдирилиб, тиз чўқтирилган қирқ ёшлиардаги эркакнинг кўзлари бир нуқтага қадалган. Ҳиссиз оҳангда инглиз тилида ўлим олдидаги сўзларини айтмоқда. Унинг ортида эса бошдан оёқ қоп-қора кийинган бир кимса пичоқ қайраб турибди.

“Қанийди мен ўлимим олдидан ота-онамни, яқнларимни кўра олсан. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Мен ўлимга бош эгдим. Тўғриси, менинг ўлимимга ўз давлатим – АҚШ ҳарбийлари сабабчи бўлди. Улар Йироқни бомбардимон қилишган ондаёқ менинг устимдан ўлим ҳукмини ўқишиганди. Қадрдан укам

Жон! Сен АҚШ қуролли күчларида хизмат қиласан. Қуролингни ташла, қадрдоним! Күзларингни оч! Мендан кейин яна қон түкилишини истамайман. Мен айни дамда америкалик булғанлигидан афсусланяпман”.

Шундан сўнг журналист орқасида турган қора соколъи, ниқобли одам шўрлик йигитнинг бошини танасидан жудо қилди.

Мана, қон томчилаб турган бош ерда ётган тананинг кўксида ётибди. Ё алҳазар! Бир неча сония аввал гапириб турган иносон... энди йўқ! Ундан танасиз каллаю калласиз тана қолди, холос...

Низомжон шу пайтгача жуда кўп жангари мазмундаги, даҳшатли манзаралар акс этган фильмларни кўрган. Бироқ ҳеч қачон “қўрқинчли” фильмларни айrim тенгдошлирига ўхшаб, кўрпанинг ичида биқиниб томоша қилмас, чунки уларнинг барчаси режиссёрнинг хаёлот маҳсули эканини яхши биларди.

У кўрган манави қонли манзаралар эса ҳеч қандай тўқима ҳодиса эмас. Бу лавҳадаги “қаҳрамонлар” ҳам шунчаки актёрлар бўлса қанийди! Бу ерда қотил ростдан ҳам ўлдирди, мақтул ростакамига ўлди, ўлим ҳақиқатан юз берди. Низомжон айни пайтда томоша кино залида эмас, худди мана шу экрандаги каллакесарнинг қавмига мансуб кимсалар билан бир даврада ўтирас, ўзи ҳам қачондир шундай машъум вазифани бажариши муқаррар эди.

Фақат битта савол очиқ қолади: нега?

— Нега?!

Бекирбейнинг “машғулот”ида ўтирган йигирматача “тингловчи”нинг бари кутилмаганда ҳаяжон ила ҳайқирган сафдошлирига қаради.

— Ўтир жойингга, — уришиб берди акаси.

— Бу ерда ҳайрон қоладиган жойнинг ўзи йўқ, —

## Рустам ЖАББОРОВ

кўлидаги бошқарув пульти билан плеерни ўчирди Бекирбей. – Буни уруш деб қўйибдилар. Урушда ё сиз ўлдирасиз, ё сизни ўлдиришади. Сиз тасвирда кўрган бу кимса шайтони лайн ин қурган маскан – американликнинг ватандоши. У бизга қарши бўлган давлат вакили. Бу кимсага раҳмингиз келаётган бўлиши мумкин. Аммо уни биз ўлдирмадик. Уни ўз ҳамюрлари ўлдирди. Бизниkilар Америка расмийларига юзланиб, Ироқ ҳудудидан ўз қўшинларини олиб чиқиши, ҳибеда сақланаётган сафдошларимизни озод этиши талаб этишиди. Бунинг учун муҳлат ҳам бердик. Аммо бу “қудратли давлат” ўз фуқаросининг ҳаётини сариқ чақага ҳам олмаслиги маълум бўлди.

– Тушунарли, – ҳамон ғазабини босолмасди Низомжон. – Лекин бу шўрликнинг гуноҳи нима эди? Ахир, бир begunoҳ инсоннинг қонини тўкиш бутун инсониятни ўлдириш билан баробар-ку, хожам? Бу қурбон сизларга қарши курашган ҳарбий бўлганда ҳам тушуниш мумкин эди. Аммо қўлида биргина қалам ва фотокамерасидан бўлак ҳеч нарса бўлмаган бир журналистни нега ўлдирдингиз? Бу бизнинг динимиз талабларига тўғри келадими?

Укасининг “шаккокларча” берган саволларидан Исомиддиннинг ранги бўздек оқариб кетган, ҳатто укасини баҳсдан тўхтатишга ҳам журъати етмасди.

– Сиз айтган ана шу қалам ва камера ҳар қандай пулемёт ёки ракетадан кўра хавфлироқ, биродарим, – деди Бекирбей одатига хос босиқлик билан. – Сиз қўлингиздаги автомат билан битта, иккита ёки ўнта одамни ўлдирарсиз. Аммо булар ўзи тарқатаётган маълумотлар, фотосуратлар билан миллионларга таъсир ўtkаза олади. Одамлар орасида фитна қўзгайди. Фитна эса қатлдан ҳам баттар.

“Ҳа, улар сизнинг кирдикорларингизни фош этадилар,

юзингиздаги ниқобларни очиб ташлайди, шу боис улардан қўрқасиз ва хоинларча ўлдирасиз! Сиз ўз айбингиз очилишини фитна деб оқламоқчи бўласиз...”

Бу сўзлар Низомжоннинг бўғзида қолди. Зотан, ҳис-ҳаяжонга бериладиган фурсат эмасди. Агар чегарадан чиқадиган бўлса, ҳам ўзига, ҳам акасига жабр қилади. Ҳозирча жим тургани маъқул.

— Биродар, — Низомжоннинг ёнига келиб, унинг елкасига кафтини босди Бекирбей. — Сиздаги шиддат, идрок, жўшқинлик менга жуда ҳам ёқади. Фақат бу туйғуларни ўзимизниklарга эмас, динимиз душманларига қарши йўналтириш керак. Атрофга теранроқ қаранг, қанча-қанча давлатларда биродарларимиз хор-зорликда ўлим топаётир. Опаларимиз, сингилларимиз зўрланмоқда. Болаларимиз очликдан тиришиб жон бермоқда. Сиз эса бир америкалик журналистни деб кўз ёш тўкиб ўтирибсиз.

...Кунлар шу тариқа ўтиб борарли.

Декабрь ойи охираб қолган бўлса-да, мамлакатнинг энг жанубий нуқтаси бўлгани учун Каркамишда қиши ҳавоси, қаҳратони сезилмасди. Ана шундай кунларнинг бирида Бекирбей ўз “шогирдлари билан сўнгги машғулотларини ўтди. Чунки уларнинг чегарадан “Муқаддас халифалик давлати” ҳудудига кириши учун маҳсус кўрсатма келган, чегарадан ўтиш чоралари ҳам кўриб қўйилганди.

### *2015 йил, декабрь. Ҳалаб...*

...Осмонни кулранг булутлар қоплаганмиди, қуюқ тутунми — фарқлаб бўлмасди. Кутимагандан ҳаммаёқ гумбирлаб кетди. Ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолди. Чамаси, бомба портлади шекилли.

Низомжоннинг қулоғи том битиб қолгандек. Нима бўлди? Нега ҳеч нарса кўринмаяпти? Кўзлари ҳам кўрмай қолдими? Йўқ, мана, нималарниидир фир-шира кўра

бошлиди. Ракета бир неча метр нарига келиб тушган кўринади. Ҳамма ёқда қўл-оёқлар, одамзоднинг тана аъзолари сочилиб ётибди. Ие, ўзининг қўли қани? Нақ елкасидан узилиб кетибдими?

Даҳшатдан дод солмоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Акаси қани? Низомжон бир қўли узилса-да, тирик. Лекин акаси... Ие! Анави, ерда думалаб ётган калла... акасиники эмасми? Ҳа, худди ўзи! Жингалак соchlари, қалин қошлари, серкипrik кўzlари...

— Ака-а-а-а-а!

...Ўзининг овозидан энг аввал ўзи чўчиб уйғониб кетди. Укасининг ёнида, эски каравот устида ётган Исомиддин ҳам сапчиб ўридан турди.

— Нима бўлди, ука? Ёмон туш кўрдингми? — меҳрибонлик билан укасининг бошини силади Исомиддин. — Шу одатинг қолмади-қолмади-да!

Низомжон ҳаммаси туш эканини пайқаб, Яратганга шукроналар айтди. Кўрган даҳшатли туш ҳақида акасига оғиз очмади. Зотан, бу ерда ҳар қандай даҳшатли тушнинг ўнгга айланиши ҳеч гап эмас.

Сурияning Ҳалаб вилоятига қаравали Жараблус шаҳрига келиб тушишганига ҳали бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ. Лекин шу бир ҳафта Низомжон учун йилларга чўзилгандек бўлди. Назарида энди ортга йўл қолмаган, улар ўтиб келган кўприклар ёниб битган эди. Шу пайтгача акасини йўлдан қайтишига уринди. Аммо барча уринишлари бекор кетди. Бу ёғига тақдирга тан беришга тўғри келади чоғи.

Тинимсиз “мафкуравий соатлар”, ваъз-насиҳатлар, оят ва ҳадисларга йўғрилган сохта даъватлар Низомжоннинг ичидаги исён алангасини анча пасайтириб қўйган ҳам эди. Бас, ортга қайтишига йўл қолмаган экан, бу ёғи фақат Аллоҳчинг қўлида экан, демак, фақат унинг амрига бўйсуниб ҳаракат қилиш лозим. Ахир, шунча одам бежиз

ўлиб кетмаётгандир? Чегара ортидан, дунёниг турли-туман нұқталаридан ҳар хил миллат ва ирққа мансуб одамлар бу сафға бежиз келиб қўшилмаётгандир?

Ана шу саволларга тайинли жавоб тополмагани учун Низомжон тақдирга тан берәэзди. Ахир, бир бошга бир ўлим дейишади-ку! Шояд анавилар айтганидек, Яратганинг розилигига ана шу йўл билан эришиш мумкин бўлса...

Низомжон фақат бундан минглаб чақирим олисда, тинч ва осуда ватанида қолган ойисидан хавотир оларди, холос. Чегарадан ўтганидан бери онасига телефон қилолмади. Шўрлик она икки жигаргўшасининг ажал комида яшаб, шиддатли жангларга ҳозирлик кўраётганини билганидами?

Низомжон беш вақт намозда ҳам энг аввало онасига узоқ умр, саломатлик ва хотиржамлик сўрайди.

Акаси эса ўзи танлаган йўлдан хурсанд, кейинги пайтларда укаси ҳам анча “тушуниб” қолганидан боши осмонда эди. Бир пайтлар Равшан ҳожи ҳам, кейинроқ Бекирбей ҳам бир гапни айтишганди: “Укангиз жуда довюрак, қони қайноқ йигит, фақат у ўз туйғуларини тўғри йўналишга сола олса бас”. Мана, ўз ўзанини топяпти, шекилли.

Жараблус ҳам худди Каркамиш сингари кичкина шаҳарча экан. Фарқи шундаки, бу ерда ҳар куни, ҳар соатда олатасир отишмалар, портлашлар бўлиб туради. Кўча-кўйда фақат қора либосга ўралган, соқолли жангариларнигина кўриш мумкин, холос. Каркамишда уйлар шинам, озода ва тартибли эди. Бу ерда ўқ ёки ракета ҳужумидан омон қолган бирорта уйни топиш амри маҳол.

...Ўша куни чегарадан ўтишлари билан сабоқдошларни турли гуруҳларга ажратиб, алоҳида микроавтобусларда бошқа-бошқа тарафларга олиб кетишиди. Ўшанда

## Рустам ЖАББОРОВ

Низомжон “нима бўлса ҳам, мени акамдан ажратишмаса бас” деб Яратгандан ўтиниб сўраганди. Аллоҳнинг ўзи унинг илтижосини қабул қилдими, ака-укани, шунингдек, Маратни ва Тариэлни битта “Форд”га ўтқазишиди. Аслани эса алоҳида “жип”га ўтқазиб, бошқа тарафга олиб кетишили. (Чамаси, “тажрибаси бор” деб унга алоҳида вазифа юклашадиганга ўхшайди.)

Ўша куни уларни кенг ялангликда жойлашган ҷодирлардан иборат аллақандай штабга олиб кетишиди. Ака-ука ва Маратга битта ҷодир беришиди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу ер жангариларнинг ҳарбий тайёргарлик лагери экан. Чегара ортида – Каркамишда фақат фикрий-сиёсий машғулотлар ўтказилса, бу ерда асосан замонавий қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий техникаларни бошқариш, асиirlарни қай усулда қатл этиш ва шаҳидлик амаллари ўргатилар экан.

Лагерь бошлиғи Абу Ҳошим Тунисий деган қора танли, бадқовоқ йигит бўлиб, бу ерга янги келган мужоҳидлар қайси тилда мулоқот қила олишига қараб араб, инглиз ва рус тилли гуруҳларга ажратиларкан. Табиийки, ака-ука, Марат ва Тариэлни русийзабон гуруҳга бириктиришиди.

Лагерь бошлиғи шахсан янги “мужоҳид”ларни биттама-битта текширувдан ўтказар экан, уларнинг ёнидаги пул, ҳужжатлар, телефон, планшет сингари электрон воситаларнинг барини олиб қўйди. “Муқаддас халифалик давлати”нинг ички қоидаларига кўра, янги келганларга телефон ва интернетдан фойдаланиш қатъиян ман қилинган, “давлат” чегарасидан ташқарига чиқиши ёки “ташқаридаги” ҳар қандай одамлар билан турли воситалар ёрдамида яширинча боғланиш тақиқланган, бу қонунларга амал қилганларга нисбатан қатъий чоралар кўрилар, ҳатто қатл этилиши мумкин экан.

Низомжон бу шунчаки пўписа эмаслигига лагерга келганининг учинчи куниёқ амин бўлганди. Мисрлик бир йигит ёнидаги телефонини Тунисийга топшириб, ўзида яширинча олиб қолган иккинчи телефон орқали яқинлари билан боғланган чоғда лагерь соқчиларидан бири кўриб қолган ва раҳбариятга хабар қилган.

Ўша куниёқ уни машинага солиб, “давлат” пойтахти Раққага олиб кетишиди. Текширишиб кўришса, ҳалиги йигитнинг акаси Миср ҳукуматининг маҳсус хизматида ишларкан. У кечқурун акаси билан телефонда гаплашгани тасдиқлангач, шўрлик йигитнинг тақдиди ҳал бўлганди.

Ўша куниёқ ҳарбий маҳкамама унинг устидан ўз ҳукмини ўқиди. Мисрлик йигит намойишкорона қатл этилди. Ибрат бўлсин учун қатл жараёни акс этган видеолавҳа “давлат”нинг барча маҳкамама ва идоралари ходимлари, мактаб ўқувчиларидан тортиб, то касалхонадаги bemорлару, қамоқхонадаги маҳбусларгача кўрсатилди.

Одатда бундай қатллар одамлар кўз ўнгида ижро этилар, “давлат” ҳудудидаги асосий ахборот воситаси бўлган “ас-савт-ал-ислам” радиосида хабар қилинарди. “Давлат” ҳудудида телеканаллар фаолияти тақиқлангани боис, бундай лавҳалар фақат маҳсус экранлар орқали бошқа ҳудудларда, аҳоли гавжум жойларда катта экранларда намойиш қилинар экан.

Низомжон ilk бор экранда қатл манзарасини кўриб, қанчалик титроққа тушган бўлса, бора-бора бундай даҳшатларга ҳам кўнишиб қолди.

Чунки бундай “томушалар” лагерда деярли ҳар куни кўрсатилади. Гоҳида шариат томонидан ўлимга ҳукм қилинганларни қатл этиш учун айнан шу ерда – лагерга олиб келишар, жаллод муҳоҳидлар кўз ўнгида қатл усулинин амалда кўрсатиб берарди.

“Инсоннинг кўзи қон рангига, бурни қон ҳидига

## Рустам ЖАББОРОВ

тез кўникаркан. Тўғри, инсоннинг инсон томонидан ўлдирилишини оқлаш қийин. Аммо ўлимга ҳукм қилинганлар чиндан ҳам шу жазога лойиқ бўлсанчи? Агар ушбу “давлат” расмийлариadolатли, тўғри йўлдан боришаркан, демак, уларга қарши чиққанларни ўлдириш ҳам нотўғри бўлмайди! Зоро, бу ердан тирик чиқиб кетишининг иложи йўқ. Аммо Яратганинг йўлида жон бериб шаҳидликка эришиш имкони бор. Лоақал шу имкониятдан фойдаланиб қолиш керак. Яна ким билсин!..”

Низомжон ана хulosани ҳақиқат ўрнида қабул қилишга мажбур эди. Зотан, унинг шундан бошқа йўли ҳам йўқ.

У қисқа вақтичидабу ердаги анча-мунча “амалдорлар”ни ҳам таниб олишга улгурди. Масалан, соч-соқолидан то киприкларигача малларанг Абу Довул Шишоний деган бир командир тез-тез келиб, рус тилида “давлат”нинг ичкариси ва ташқарисидаги вазият билан боғлиқ маърузаларини ўқиб кетарди.

Унинг маърузаларидан кўпгина сафдошлари қатори Низомжон ҳам қандай оқимга қўшилганию, уларни қандай хавф-хатарлар ўраб тургани ҳақида бир мунча аниқроқ тасаввурга эга бўлди.

“Муқаддас халифалик давлати” номини олган буташкилот дастлаб Ироқда ўн йиллар илгари ташкил топган ва охирги йилларда бир қанча вилоятларни қўлга киритган, кейинчалик Суриядага юзага келган ички урушдан фойдаланган ҳолда, бу мамлакатнинг каттагина қисми “давлат” ҳудудига қўшиб олинганди.

Айни пайтда ушбу “давлат”нинг Ироқ ва Суриядан ташқари Ливия, Афғонистон, Жазоир Нигерия сингари давлатларда ҳам катта-кичик ҳудудлари бор эди. Бу ҳудудлар илгари қайси давлатга қарашли бўлганидан қатъи назар эндиликда “халифалик” ҳудуди саналар, бу ерда яшовчи аҳоли ёши, жинси, миллати ва динидан

қатъи назар ягона шариат қонунларига бўйсуниши шарт эди. Бу ҳудудларда ўғирлик қилганларнинг қўли чопилар, ичимлик ичганлар дарраланар, зино учун эса тошбўрон қилишарди.

— Биз узоқ уринишлардан кейин ўз давлатимизни тикладик, — деганди ўшандада Абу Довуд ҳар бир сўзга урғу бериб. — Аммо бизнинг ҳар бир лаҳзамиз хавфхатарга тўла. Ҳозир бизга қўшилмаганларнинг бари бизга душман. Бутун дунё бизга қарши турибди. Биз эгаллаган ҳудудларни жонимизни бериб қўриқламасак, чегараларимизни кенгайтирмасак бизни муқаррар ҳалокат кутади.

Абу Довуднинг куйиб-пишиб тушунтиришича, “МХД” Ироқ ва Сурияning катта қисмини эгаллаган бўлсада, ҳали бу икки мамлакат ўз ихтиёрини тўлалигича қўлдан бергани йўқ. Бир томондан Америка ҳарбийлари “МХД”ни йўқотиш учун Ироқ ҳукуматига ҳам ошкор, ҳам хуфёна ёрдам бераётган бўлса, иккинчи томондан рус қўшинлари Сурия ҳукумат кучларига имкон қадар мадад бераётир. Бу ҳам етмагандек, Сурия шимоли ва Ироқнинг катта қисми “Пешмерге”, “Пе-Йе-Де” сингари курд жангарилари томонидан назорат қилинмоқда. Бундан ташқари Озод Сурия армияси деб аталган бедин гуруҳ ҳам кутилмагандага “давлат” сарҳадларига ҳужум қилиб туради. Ўзларини “мусулмон” деб атайдиган “Ан-нусра”, “Аҳрор-аш-шом” сингари гуруҳлар ҳам бу шаръий “давлат”га қарши қурол кўтариб чиқмоқдалар.

“Давлат” расмийлари бутун дунёдаги мусулмонларга юзланиб, “белида қуввати, қалбида иймони бор” мусулмонларни “жиҳод”га, “буюқ жанг”га чорлаганидан буён ҳар йили юзлаб мужоҳидлар, ҳатто қиз-жувонлар ҳам ўз ихтиёри билан оқиб келаётган экан.

Низомжон соч-соқолидан тортиб, то киприкларигача малла бўлган бу одамнинг жангариларга унчалик хос

## Рустам ЖАББОРОВ

---

бўлмаган башарасидан анча пайт кўз узмай қолганди. Айтишларича, унинг асли миллати грузин бўлиб, Россиядаги жиноий тўдаларнинг бирига бошчилик қилган, кейин қамоқда ўтирганида бир чечен жангариси воситасида исломни қабул қилиб, озодликка чиққач, федерал кучларга қарши чечен айирмачилари сафида жанг қилган, бугунги кунда “МХД”нинг русийзабон кучлари устидан қўмондон экан.

У билан бирга келиб кетган Абу Умар Ҳижозийни ҳам шу “давлат”нинг энг юқори рутбали амалдорларидан бири эканини айтишиди. Низомжон унинг ҳақиқий лавձимини илғаб ололмади. Кўринишидан ўта синчков, қатъиятли, қўрқмас одам экани сезилиб турибди.

Бир машғулот пайтида Абу Умар янги келганларни бирма-бир кўздан кечираркан, Низомжон ва акасининг рўпарасига келганда, ака-укага қаттиқ тикилиб қолди. Тавба, нигоҳлари шу қадар ўткирки, нақ тешиб юбораман, дейди.

Шундан сўнг Абу Умар лагерь бошлиғи Тунисийни ёнига чақирди-да, ака-укаларга имо қилиб, араб тилида нимадир деди. Қора танли сардор итоаткорлик билан бош ирғаб, қўлини кўксига босди. Ҳарқалай, “олий мартабали раҳбар”нинг ака-укага тегишли топшириғи Низомжон учун сир эди.

Лагерга тез-тез келиб тургувчи юксак рутбали мужоҳидлардан яна бири Абу Абдулло Ўзбакий бўлиб, “давлат” ихтиёридаги ўзбек жангарилари раҳбарларидан бири эди. Қалин, паҳмоқ соқолига оқ оралаб қолган, қонталаш кўзлари қалин жар лабидаги икки туп янтоқни эслатувчи ўсиқ қошлари остидан совуқ чақнайдиган бу кимса хийла арабий талаффузда гапиришига қараганда, ё араб давлатларининг бирида туғилиб ўсган, ё узоқ йиллардан бери араблар орасида юрганини тахмин қилиш мумкин эди.

Низомжон гоҳида ўзи истар-истамас қўшилган бу жангари тўданинг қараашларига нисбатан ўзида бир мунча хайрихоҳлик ҳис этиб, кўнгли аллақандай қаҳрамонликлар кўрсатиш ҳавасида гупириб кетар, баъзида яна “шаккок” саволлар уни ўз измига соларди. “Давлат”га қарши курашаётганларнинг ҳаммаси кофирми? Ахир, уларнинг айримлари ҳам динни байроқ қилиб олишган-ку? Улар ҳам дин номидан курашишяпти-ку? Бир-бирининг қонига ташна бу тўдаларнинг қай бири тўғри йўлда? Балки уларнинг бари йўлдан озгандир? Ахир, ҳадиси шарифда “икки мусулмон бир-бирига қарши қилич кўтариб, улардан бири нобуд бўлса, ҳар иккиси ҳам дўзахга тушади”, дейилмаганмиди? Арзимас сабаблар ила кўз кўриб қулоқ эшитмаган усувларда қатл этилаётган маҳкумлар-чи? Наҳотки, уларнинг бари шу мудҳиш жазоларга мустаҳиқ бўлса?

Масалан, ўтган ҳафтада Раққада ўн тўрт ёшли бир йигитчани жума намозига чиқиш ўрнига компьютер ўйнаб ўтирган пайтида қўлга олиб, ота-онасининг кўз олдида бошини танидан жудо қилишибди.

Аслида бугунги кунда эсини таниган ҳар қандай болани компьютер ўйинларидан айро тасаввур қилиш қийин. Бунақа томошаларга берилиш яхши эмаслиги ҳақида Низомжон жуда кўп эшитган, ўқиган. Низомжоннининг ўзи ҳам, акаси ҳам бунақа ўйинларни ўйнаб туришарди. Улар то Қозонга ишлагани келгунларига қадар, “жума намози”га боришмаганди. Ўша пайларда қилиб юрган бундай ишлари нақ қон билан ювиладиган жиноят экани икковининг ҳам хаёлига келмаганди.

Яратганинг фарзини бажариш керак. Аммо бунинг учун ҳар ким унинг ўзига жавоб бериши лозим эмасми? Ўртада кимларнингдир “воситачи” бўлишга нима ҳаққи бор? Ҳатто “асри саодат”да ҳам бирорни бенамозликда айблаб қатл этишмаганди-ку?

Яқинда лагерда яна бир қонли томошани күрсатишиди. Ироқнинг Тикрит шаҳридаги ҳарбий мактабнинг ўнлаб ўқувчиларини оммавий қатл этилгани ҳар қандай тошбағир инсоннинг ҳам этини жунжиктиради. Қаттол жангариларнинг беомон ўқларига учиб, оҳу фарёд ила жон бераётган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга улгурмаган норасидалар... Ахир, уларнинг айби нима? Ота-онаси уларни ҳукуматга хизмат қиласидиган ҳарбий мактабга жойлаштирганими?

Бундай мисоллар жуда кўп эди. Бир аёлни кўчага қизил матодан тикилган курткада юргани учун сўраб ҳам ўтирмай отиб ташлашибди. Яна бир болани хорижий мусиқани эшитгани учун қатл қилишибди.

Гоҳида Низомжон ич-ичидан тошиб чиқаётган саволларни беришдан ўзини аранг тиярди. Ахир, бу ер ўзининг юртидаги мактаб ёки коллеж эмаски, ўзи тушунмаган нарсани бемалол ўқитувчисидан сўраб олишнинг имкони бўлса. Ҳатто Каркамишдаги мулойимтабиат мударриси бўлганида ҳам, шарт туриб савол бера оларди. Бу ерда ўринисиз бир оғиз сўз инсон бошига не кулфатларни солишини тасаввур этиш қийин.

Аммо юрагидаги иккиланиш ва шубҳалардан қандай халос бўлади? Акаси билан баҳслашишнинг фойдаси йўқ. Исомиддинга агар “пешво”лари “қатиқнинг ранги қоп-қора” лейишиса ҳам лаққа тушиб кетаверади. Кимдир унга бунинг аксини исботламоқчи бўлса ҳам, “қора нарса кўзингга оқариб кўриняпти” деб баҳсга узил-кесил нуқта кўяверади.

Бир гал акаси нима иш биландир чодирдан чиққан пайтда у ўз шубҳаларини камгапликда ҳаммани ортда қолдирадиган Марат билан бўлишмоқчи булди:

— Нима деб ўйлайсан, уларнинг шу ишлари тўғрими?  
— сўради у барча шубҳаларини бирма-бир баён қилиб бўлгач.

Марат бир муддат кўм-кўк кўзларини Низомжондан узмади, кейин эса шошилмасдан ўридан туриб, унинг елкасидан тутди:

— Мендан гап олмоқчи бўляпсанми? — сўради у Низомжоннинг кўзларига тикка боқаркан. — Ҳозир сенга салгина ён босиб қўйсам, анавиларга бориб мени сотасан, тўғрими? Адашасан, бола! Мен бу йўлга ўлимни бўйнимга олиб кирганман. Ҳеч қачон ортимга қайтмайман. Билиб қўй. Ҳар бир жон эртами-кеч, албатта ўлимни тотиб кўради. Уни инсон бир соат олдинга ҳам, орқага ҳам суришга қодир эмас. Биздан ўлаётганлар шаҳид бўлиб кетали. Кофиirlар ўз қилмишларига яраша қатл этиладилар. Шундай экан, мен ҳеч кимнинг ўлимига заррача ачинмайман, эшигингми?

Очиғи, Низомжон ўз сафдошидан бундай кескин жавобни кутмагани учун аввалига шошиб қолди. Кейин унга нисбатан ишончсизлик билдиргани учун ич-ичидан хафа бўлди. Эҳтимол, Низомжон бу йўлга кириб қаттиқ хато қилгандир. Аммо қайсиdir сафдошига хиёнат қилиб, уни кимгадир сотишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Шу-шу Низомжон ҳамон қалбидағи “иймон ва қатъият”га соя солган шубҳаларни йўқотиши мақсадида ҳеч кимга оғиз очмасликка қарор қилди.

Бу орада бир ойлик ҳарбий тайёргарлик машғулотлари тугаб, барча янги мужоҳидлар “амир ал-муъминин”га садоқат билан хизмат қилиш учун қасамёд қилганидан сўнг уларни турли тарафга тарқатиб юборишиди.

Ака-укани Раққага, “давлат” пойтахтига чақиртиришиди.

### **2016 йил, январь, Раққа...**

Мужоҳидлар бежиз бу шаҳарни “муқаддас халифалик давлати” пойтахти этиб танлашмаган. Бир пайтлар Аббосийлар сулоласининг забардаст вакили Ҳорун

## Рустам ЖАББОРОВ

---

ар-Рашид ҳам бу шаҳарни илк бор ўз салтанатининг маркази этиб белгилаган, кейин пойтахтни Бағдодга кўчирганди. Ҳозир ҳам шаҳарда минг йиллар илгари Аббосийлар даврида қурилган масжид ва мадрасалар, мақбараю карвонсаройлар қўр тўкиб турибди.

...Куни кечакутун дунё аҳли катта шодиёна билан милодий янги йилни кутиб олди. Низомжон эсини таниганидан бери илк бор янги йилни ҳеч қандай байрамсиз, даблабасиз қарши олишганига гувоҳ бўлди. Тўғрироғи, ҳеч ким бу ерда “янги йил”ни эсга олгани ҳам йўқ. Чунки милодий йил ҳисоби “муқаддас халифалик давлати” ҳудудида амал қилмайди. Ҳозир бу диёрда ҳижрий 1437 йил рабиул-аввал ойининг йигирма биринчиси.

Низомжон болалигига акаси билан бирга янги йилни орзиқиб кутишарди. Уйни байрамона безатиш учун турли ўйинчоқлар, ҳар хил ялтироқ безаклар сотиб олишар, йил бўйи қазноқда турадиган эски, сунъий арчани тозалаб, иззат билан уй тўрига ўрнатишар, уни келинчакдек безатишарди.

Болалигига бир гал янги йил кечаси уйларига Қорбоғ келиб, акаси икковига шеър айттирган, кейин турли ширинликлар ва ўйинчоқлар бериб кетгани ҳеч эсидан чиқмайди. Ҳар йили байрам оқшоми дастурхонни турли ноз-неъматлар билан безатишар, шу куни ойиси энг тансик таомлар билан икки ўғлини меҳмон қиласи, гоҳида меҳмонлар келиб қолар, баъзан ўзлари қариндошларни йўқлаб боришарди...

Гарчи пиротехника воситаларидан фойдаланиш тақиқланган бўлса-да, янги йил кечаси барибир пақилдоқсиз, мушаклар ёғдусисиз ўтмасди. Айниқса, Исомиддин бунақа томошаларга ўч эди. Ернинг остидан бўлсаям пақилдоқ топиб келар, ярим кечаси қулоқни қоматга келтиради.

Қизиги, бугун бу ерда ҳам тонгтаса пақа-пүк овозлар тинмади. Аммо бу пиротехника әмас, росттакам ўқ ва портлаш товушлари әди. Маълум бўлишича, ҳукумат ҳарбийлари француз ҳарбий ҳаво кучлари ёрдамида Раққанинг шундоққина биқинидаги нефть омборларига авиазарбалар уюнтирган экан. Отишмалар пешинга қадар давом этди.

Шу куни ака-укани “давлат” тузилмасининг юқори қатламида, масъул вазифасида ишлайдиган Абу Абдулло Ўзбакий раҳбарлик қиласиган ҳарбий гурӯҳга жўнатишиди.

Кўзлари ҳамиша қонталаш бўлиб турадиган қўмондан ака-укани ўз қароргоҳида қабул қиласкан, яна бор ўз ҳарбий қисми зиммасига юқлатилган вазифаларни тушунтириб берди.

— Айтганча, сиз иккингизга амир ал-мўъминининг шахсий маслаҳатчиси Абу Умар Ҳижозийнинг ўзлари қизиқиб қолганлар, — деди Ўзбакий худди махфий бир маълумотни етказаётгандек овозини хийла настлатиб. — Сизлар лагерда турғанларингдаёқ Абу Ҳошим Тунисийга “бу икки йигит учун шахсан жавоб берасан, алоҳида эътиборингда бўлсин” деб тайинлаган экан.

Низомжон ўткир нигоҳли, қиррабурун саркарданинг Абу Ҳошимга арабчалаб ниманидир уқтиришганини эслади.

— Бу ерда... сиздек юксак рутбали ҳамюртларимиз кўпми? — сўради Исомиддин худди “ўринсиз савол бермадимми?” дегандек узрли оҳангда.

Чамаси, “сиздек юқори рутбали” деган эътироф командирга ёқиб қолганди.

— Ҳа, Абу Жаъфар Ўзбакий исмли бир биродаримиз бор эди, — деди Абу Абдулло соқолини тутамлаб. — Аллоҳ раҳмат қиласин, жуда жасоратли мужоҳид эди. Барчамиз унинг амрига итоат қиласик. Қанчадан-қанча беомон жанглардан омон чиққанди. Тақдирни қарангки, битта

## Рустам ЖАББОРОВ

---

ўн етти ёшли язиий жорияси уни ярим тунда пичоқлаб қўйибди. Малъуна ўзининг ҳам томирини кесиб, жаҳаннамга жўнаворибди.

Низомжон анча пайт Абу Жаъфар Ўзбакий исемли марҳум ҳамюрти эмас, ўн етти ёшида юқори рутбали мужоҳидни ўлдиришга журъат топган ҳалиги язиий қизчани хаёлидан чиқаролмай юрди. Шу қиз мансуб бўлган язиийлар ҳақида кейинроқ батафсил маълумотга эга бўлди.

Улар ҳақида “давлат”нинг асосий мафкуравий нашри – “ад-Даула” журналиниң русча сонида бир мақола ўқиб қолди. Унда ёзилишича, язиийлар “шайтони лаъин”нинг малайлари бўлиб, курд тилида сўзлашишар, ислом динини қатъяян инкор этишар ва минг йиллардан бери қуёшга ва шайтоннинг товус тимсолидаги суратига сифиниб келишар экан. Уларниң асосий қисми Ироқнинг Синжор вилоятида яшар, ушбу ҳудуд “мужоҳид”лар тарафидан босиб олингач, “лаънати” язиийларниң жуда катта қисми қатлиом қилинган, қизлари ва аёллари асирга олиниб, мужоҳидларга тақсимлаб берилган. Уларниң қолган қисми шаҳарни тарк этиб, тоғларга чекинган, айни пайтда жангари курдларга қўшилиб, “давлат” мужоҳидларига қарши курашмоқда экан.

Абу Абдуллоҳга қарашли аскарлар асосан шаҳар гарнizonida хизмат қилишар ва “амир ал-мўъминин” қароргоҳи жойлашган марказий ҳудудни қўриқлашар, керак пайтда ҳарбий қўмондонлик буйругига асосан аскарлар орасидан айримлари танлаб олиниб, жангга ва ҳатто шаҳидликка жўнатиларди.

Низомжон ҳамон мавҳум кайфият қуршовидан чиқиб кетолмай юради. Фақат бир ҳодиса сабаб, у бутун борлигини қуршаб олган ана шу карахтилик таъсиридан қутулгандек бўлди.

Раққага келишганига бир ҳафтадан сал ошганди.

Раҳбарият топшириғи билан ўлимга ҳукм этилган сиёсий маҳбуслар ҳам айнан шу ерда – қароргоҳ яқинидаги марказий майдонда қатл этиларди.

Бир кун аввал “ас-Савт ул-ислам” радиотармоғидан сиёсий маҳбус, Қуръони карим тафсири бўйича энг етук уламолардан бири, ироқлик таниқли ислом олими Абдуллоҳ Басрийнинг омма олдида қатл этилиши ҳақида эълон берилди.

Низомжон бундай эълон ва уларнинг амалдаги ижросига қарийб кўнигаёзди. Начора, шариат ҳам, вазият ҳам шуни тақозо этса, бошқа чора йўқ. Аммо таниқли дин пешвоси ўлимга ҳукм қилиниши уни хийла ажаблантирганди.

Унга ўша куни бир қанча “биродарлари” билан қатлгоҳдаги хавфсизликни таъминлаш топширилганди. Майдон марказида ёғочдан тикланган дорни кўриб, Низомжон маҳкумнинг осиб ўлдирилишини тушунди. “Мужоҳид”лар “олий мартабали” маҳкумларга ана шундай “илтифот” кўрсатишар, яъни гўёки уларнинг қонини тўқмаслик учун шу усулда ўлдиришарди.

Мана, қўллари орқасига қайириб боғланган, опшоқ соқоли кўксига тушиб турган, ўзи ҳам бошдан оёқ оқ кийинган, фақат кўзлари қора боғич билан беркитилган нуроний чолни ёғочдан дор тикилган майдон марказига олиб келишиди.

Гўёки маҳкумга қасдма-қасд қоп-қора кийиниб олган, қорасоқол, қорамагиз мулозим дор ёнида ўриятилган минбарга чиқди-да, аввал араб, кейин инглиз тилида “маҳкумнинг айби Яратганнинг изни ила тикланган шаръий ҳукуматга хизмат қилишдан бош тортгани, унинг ўзи эса куфр аҳлига хизмат қилиб келгани” эканлигини таъкидлаб, “амир ал-мўминин ва олий шаръий маҳкамама ҳукми билан ўлимга ҳукм қилинишини” таҳдид ила маълум қилди.

Ҳукм ўқиб бўлиниши билан атрофни “аллоҳу акбар” деган ҳайқириқлар тутиб кетди. Бу пайтда худди бурқаъ кийган аёллар сингари икки кўзидан бошқа ҳаммаёғи қорага бурканган жаллод дорга илинган арқоннинг пишиқлигини текшириб кўраётганди.

Чамаси, маҳкама вакили чолга сўнгги сўз учун навбат берди шекилли, чол қўли ва кўзлари боғлиқ ҳолда минбарга чиқди. Низомжоннинг наздида негадир бу нимжонгина чолнинг мўъжаз танасидан аллақандай шижоат, куч-қудрат ёғиларди. Шу боис бутун вужуди қулоққа айланиб, чолнинг оғзига тикилди. Чол аввал араб тилида алланималарни гапирди. Кейин овозини хийла баландлатиб, соф инглиз тилида хитоб қилди:

— Мен фақат Яратганга, унинг Расулига бўйсунаман ва бу шарафли йўлда жон бераётганимдан афсусланмайман. Мен ҳеч қачон сизлар тиклаган “давлат”ни тан олмайман. Сиз исломга эмас, унинг душманларига хизмат қилмоқдасиз. Эзгулик ва меҳр шафқат дини бўлмиш муқаддас исломни ёвузлик ва зулм манбаи ўлароқ кўрсатмоқдасиз. Сиз бутун дунёни исломдан қўрқишига, ундан қочишга ва нафратланишига ундаяпсиз. Мен сизлар ҳақингизда бошқа ҳеч нарса демайман. Зотан, сизлар ҳақингизда бундан минг йилча илгари Нуъайм ибн Ҳаммод ўзининг «Фитналар» номли китобида ҳазрати Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин)нинг бир кароматини зикр этиб ўтган:

«Қачон қора байроқларни кўрсангиз, жойингиздан қимирламанг, уларга эргашманг ва ёрдам ҳам берманг! Сўнгра бир қавм чиқади. Улар заифдирлар ва эътиборга сазовор эмаслар. Уларнинг қалблари темирнинг зангига ўхшайди. Улар “давлат”га эга бўладилар. Аммо ваъдаларига вафо қилмайдилар. Ўзларича ҳаққа чақирадилар, лекин ҳақ аҳлидан эмаслар. Улар бир-

бирларини фарзандлари ва туғилган жойлари номи билан чақирадилар. Аёлларга ўхшаб узун соч қўядилар. Улар охир-оқибат таназзулга юз...

— Каафф! — бақирди қорасоқол мулозим ва дор тагида турган жаллодга юзланди. — Инфаз!<sup>1</sup>

Мулозимнинг бақиригини яна атрофдаги оломонни ҳайқириғи босиб кетди. “Инфаз!”, “Қатл!”, “Аллоҳу акбар!”

Чол аввал қибла томонга юзланиб, кафтини дуога очди, алланималарни пичирлаб, юзига фотиҳа тортди. Кейин баланд овозда калимаи шаҳодатни ўқиб, жаллод етовида дор томон юрди.

Низомжон бу даҳшатли манзарадан кўзларини узмай турарди. Чолнинг инглиз тилида баён қилган ҳар бир жумласи миясини пармалаб кирган, айни дамда бутун вужудига кучли бир оғриқ индирганди.

Мана, чол кундага ўхшаш аллақандай буюм устига чиқди. Сиртмоқ унинг ингичга бўйнига тушиши билан, жаллод кундани тепиб юборди. Қўллари мушт бўлиб тугилди, чиллак чўпидек ингичка оёқлари тўрт беш марта силкиндую, чолнинг қотма гавдаси тош қотди.

...Кейинчалик анча пайтгача нимжон чолнинг ўлим олдидан ўқиган мавъизаси Низомжоннинг қулоғи остидан ва дорда чайқалиб турган қилтириқ гавдаси эса кўзи олдидан кетмай юрди. Ўзича чолнинг ҳар бир сўзини бугунги вазият билан таққослади.

Ҳазрати Али (р.а.)нинг бир неча аср илгари айтган каромати бугунги кун манзарасига айнан мос келарди. Худли ул зот ҳаммасини ўз кўзлари билан кўриб тургандек марҳамат қилган эканлар. Ана ўша “қора байроқ!” Бу “ўлка”нинг ҳар бир биноси, ҳар бир кўчаси, мужоҳидлар миниб юрган ҳар бир машинада ана шу қоп-қора байроқ таҳдидли ҳилпираиди.

<sup>1</sup>Бас, қатлии ижро эт!

## Рустам ЖАББОРОВ

“Дин учун” кураига чоғланған “сафдошлари”га дикқат билан назар солди: ҳаммасиининг сочи елкасига тушади. Ҳатто ўзининг ҳам, уч ойдан бери сочига қайчи теккани йўқ. Акасининг-ку, ҳадемай соч-соқол панасида юзи ҳам кўринмай кетса керак. Сув тақчиллигидан айримларнинг соч-соқоли кирланиб, патак бўлиб кетганини айтмаса ҳам бўлади.

Ислам ҳақидаги каромат ҳам ҳақиқатга мос тушарди. Бу ердаги “биродар”ларнинг ҳар бири камида иккитадан исм-фамилияга эга. “Давлат” чегарасидан ўтган ҳар бир талабгор бутунлай бошқа олам вакилига айланади. “Қора байроқ” панасига ўтдингми, энди сенинг ватанинг ҳам, миллатинг ҳам йўқ. Паспортигни чегарарадаёқ тортиб олишади. Ота-онанг қўйган исмингдан ҳам маҳрум бўласан. Дарвоҷе, Низомжон ва Исомиддинни бу ерда Абу Ҳасан ва Абу Ҳусайн Ўзбакийлар деб номлашган.

“Давлат”нинг ҳар бир фуқароси ана шундай чақириларди: Абу Фалончи ал-Фалоний. Ўзимизнинг тилда бу номлар “фалон ерлик фалончининг отаси” деган маънени билдиради. Масалан, Абу Ҳошим ат-Тунисий “Ҳошимнинг отаси, тунислик” деган маънени беради.

Осиб ўлдирилган чол ҳам худди шундай демаганмиди? Ҳазрати Али минг тўрт юз йил илгари мусулмонлар бошига ана шундай золим қавм келишидан огоҳлантирган, уларга эргашиш ва ҳар қандай кўринишда ёрдам беришини тақиқлаган эканлар-ку? Ҳазрати Али ким? Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амакиваччалари ва куёвлари, хулафои рошидиннинг тўртинчиси, ислом тарихидаги энг мунаввар зотлардан бири. Булар кимлар? Аллакимларнинг ноғорасига ўйнаб, қатлу қирғиндан бўшамайдиган золимлар эмасми?

Низомжон эндиғина мудрай бошлаган пайтда нимадандир чўчиб, уйқуси қочган одамдек бирдан сергак

тортди. Ўзи бошданоқ ҳаммасини сезганди. Бу “зулмат диёри”га ҳам айнан акасига эргашиб келганди. Аммо ортдаги күприклар ёниб тугаганди. Тирикрай бу ердан чиқиб кетолмаслиги аниқ. Аввало “давлат” ҳудудидан қочмоқчи эканини билиб қолишиса, аямай ўлдиришиади. Бир амаллаб чегарадан ўтган тақдирда ҳам юртига қайтиб боролмайди.

Шундагина Низомжон қандай мудҳиш хатога йўл қўйганини англаб, бутун борлиги зулматга чўмди. Акасидан-ку, умид қилиш ортиқча. Лоақал ўзи қайтиб кетолса эди. У ўз ихтиёри билан ҳуқуқ-тартибот органларига таслим бўлишга ҳам рози. Майли, унга қонуний жазо тайинлашсин. Зотан, у бунга муносиб. Фақат ўз юртига тирик кириб бора олса бас.

Бу ерда ўлим ҳар қадамда таҳлика солиб турди. Ҳозиргина кимнингdir бошини узиб, сафдошларига кўз-кўз қилган жангарининг ўзи бир соатдан кейин замбаракка ем бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Бу ерда ўлим топғанларни ювиб-тараб, кафанга ўраб ўтиришмайди. “Шаҳид” бўлган ўн-ўн бешта жангарининг жасадини битта ўрага тиқиб устидан тупроқ тортишиади. Бу “шараф” ҳам барчага насиб этавермайди. Қанчадан қанча норғул йигитларнинг жанг майдонларида парчаланиб кетган қаровсиз жasadлари итларга, қурту қушларга ем бўлади. Қисқаси, бу ерда на одамга ўхшаб яшаш мумкин, на одамдек ўлиш...

Ха, бу ерда жаҳаннам азобида яшаш ва хор-зорликдаги ўлимдан кўра, ўз юргингда, қамоқда ўтирганинг минг карра аъло экан. Низомжоннинг охирги холосаси шу эди. Тамом! Имкон топилиши билан уйга қайтишининг чорасини излайди. Акасига бу ҳақда оғиз очишининг ҳам фойдаси йўқ...

\* \* \*

Ўзларини “муқаддас халифалик давлати” деб атаб келаётган жангариilar ташкилоти эгаллаган ҳудуд айни дамда Ер сайёрасининг энг қора нуқтасига айланганди.

Исомиддин ана шу “давлат” сарҳадларининг ичкарисида ўзини ҳудди сувдаги балиқдек эркин сезар, у аллақачон ана шу ташкилотнинг онгсиз, қўғирчоқ аскарига айланиб улгурганди.

Унинг итоаткорлиги, “душман”ларга нисбатан беомонлиги ўз “хожа”си – Абу Абдуллога анча ёқиб қолган, шу боис Исомиддин ва унинг укасини ўзидан узоқлаштирмас, тасодифий жангларга ҳам юбормас, Раққа атрофидаги мувакқат вазифаларга йўллаб турарди. (Зеро бу давлатда ҳатто лавозимлар ҳам ҳудди тириклик сингари омонат, ўзгарувчан эди.)

Масалан, ҳозирча Исомиддин унинг шахсий ҳайдовчиси ва қўриқчиси вазифасини бажаар, Низомжонни эса шаҳардаги қамоқхоналардан бирига қўриқчиликка тайинлашганди.

Чунки жангга кетганларнинг аксарияти омон қайтмайди. Бундай жангларга қўлидан иш келадиган, фойдаси тегадиган йигитларни юбориш ярамайди. Одатда бундай жангларга кечагина “жиҳод” ва “шаҳодат” орзусида чегара ошиб келган хумпарлар жўнатиларди.

Исомиддин бу “давлат”нинг ички тартибларига тезда кўникуди. Одам ўлдириш, асиrlарни қийнаш ва қатл этиш ҳам унга анча ёқиб қолди. Ўзи туғилиб ўсган юртда бироннинг бурини қонатдингми, дарров мелиса югуриб келади. Суриштирув, жавобгарлик, тергов... Бу ерда инсоннинг пашшачалик қадри йўқ. Ҳар куни жангларда қанча одамлар қирилади. Бундан ташқари шаръий маҳкаманинг ҳукми билан ҳар куни камида уч-тўрт кишининг боши узилади.

Исомиддин ҳали жангта кирмаган бўлса-да, ана шундай қатл маросимларининг бир нечтасида қатнашиб улгурди. Ҳатто бир-икки марта... У одам ўлдириш бу қадар осон иш эканини бир пайтлар хаёлига ҳам келтирмаганди.

Тўғри, бу ерда ичиш, чекиш сингари “ёқимли” ишлар тақиқлаиади. Сигарет чекканлар жаримага тортилади, ичганларни дарра билан савалашади. Гарчи шариат полицияси дўконларда сигарет сотишга рухсат бермаса-да, Абу Абдуллоҳ сингари рутбали амалдорнинг навкарлари учун бундай “матоҳ”ни топиш муаммо эмас. Тўғри, нархи сал қимматроқ, лекин начора, чидаганга чиқарган.

Бу ерда сигарет экан-ку, ҳатто қизларни ҳам бемалол сотиб олса бўлади. Раққа четида бир пайтлар “Суқ аттуюр” (қуш бозори) деб ном чиқарган бозорда ҳозир... қизлар сотилади.

Мужоҳидлар босиб олган ҳудудларда насронийлар, язидийлар, шиалар, алавийлар, ҳатто “халифалик”ни тан олмаган сунний мусулмонларнинг ҳам қизлари, сингиллари ёки аёллари асирга олиниб, уларга жория мақоми берилган. Бундай асиralар билан нафси амморани турфа усулда қондириш, исталган пайтлари уларни бошқа бирорга ҳадя қилиш, сотиш, агар инжиқлик қилиб ғашга тегадиган бўлса, шартта отиб ташлаш ҳам мумкин эди.

Исомиддиннинг илгаридан қизларга суяги йўқроқ эди. Одатда майшатбоз улфатлари даврасидаги сармасст зиёфатлар енгилтабиат “капалак”ларсиз ўтмасди. Тўғри, у ишлар гуноҳдан бошқа нарса эмас. Фақат бу ерда ҳаммаси “шаръий” бўларкан.

Исомиддинга ажратилган икки хонали уйда “жориялар” тез-тез алмашиб туради. Бир ярим ой ичида у бешолтита ана шундай жорияни қўлдан ўтказди. “Куфр диёри”да бирортасининг номусига тегиб қўйса, камида

## Рустам ЖАББОРОВ

ўн йил қулоғини ушлаб кетган бўларди. Бу ерда эса... Ана шулар ҳақда ўйларкан, Исомиддин бу "давлат"ning фуқаросига айланганидан ғурурланарди.

Фақат гоҳида укасининг инжиқликлари унинг ғашини келтирасди. Қайнатса қони қўшилмайди, деб шунақаларни айтишса керак-да! Қачон қараса, қовоғидан қор ёғилиб юради. Ундан кўра, акасининг сояи давлатида маза қилиб қолмайдими? Барibir, бу ергагиларнинг бари эртами-кечми "шаҳид" бўлади. Ҳамма бу ерга ана шу "қисмат"ни бўйнига олиб келган. Дарвоқе, "у ёқда" Раққа бозоридаги "қушчалар"дан минг чандон гўзал ҳурлар қучоқ очиб туришгандир? Ҳар қалай "раҳбарлар" шундай дейишади-ку? — Буларнинг бари Исомиддиннинг миясида эртаю кеч ғужғон ўйнайдиган кир ва алағда хайлар эди.

Ўша куни ҳам у "раҳбари" Абу Аблулоҳдан рухсат олиб, "Мерседес"ига ўтириб, "Суқат-туюр"га келганди. Эҳ-хе, қиз дегани бунча кўп бўлмаса бу оламда? Бозорда сотувчи, даллоллар ва харидорларнинг бақир-чақирлари қиз-жувонларнинг оҳ-воҳига қўшилиб, қулоқни қоматга келтиради. Бозорда тўққиз-ўн ёшдан то ўттиз беш-қирқ ёшгача бўлган жорияларни кўриш мумкин. Уларнинг ёшига қараб нархи белгиланади. Балоғат ёшидаги, чиройли, бокира қизларга ҳар кимнинг ҳам қурби стмайди. Уларни асосан "юксак рутбали" раҳбарлар олишади. Исомиддинга ўхшашиб, ўртача рутбага эга жангариларга ўртачароқ жориялар ҳам бўлаверади.

Бу гал Исомиддин ўзи учун жория харид қилмоқчи эмас. Эртага укаси Низомжоннинг туғилган куни. Гарчи бу "давлат"да туғилган кунлар оммалашмаган бўлса-да, тақиқлангани ҳам йўқ. Шундай экан, жондек укасига битта чиройли сайроқи "қушча" совға қилса нима қинти?

Исомиддин укасини яхши билади: ўзи келишгац,

хүшбичим йигит бўлса-да, жуда тортинчоқ, уятчан. Ким билсин, шу пайтгача бирор қизни бағрига босдими-йўқми? Эртага ким бор-ким йўқ, фақат худога аён. Кел, шу шўрлик ҳам ҳаёт лаззатларидан бир баҳра олсин!

Дафъатан, унинг нигоҳлари кулранг абога ўралган, очиқ юзларида алланечук қўрқув ва ҳадик уфуриб турган қиз ёнида тўхтади. Кўринишдан ўн саккиз ёшларда бўлса керак. Қалин қошлиари, узун киприклари, хийла узунчоқ юзи ва қиррадор бурнига қараганда, язидийлардан бўлса керак. Нархини ҳам бўйнига илиб қўйишибди. Атиги 200 доллар экан.

Елкасида буқриси кўриниб турган кекса сотувчи “оласанми?” дегандек Исомиддинга имо қилди. Исомиддин бу ердагилар билан асосан имо-ишора билан гаплашади. Ўзбекча ва русчани тушунадиганлар кам.

Шу боис ҳозир ҳам телефони экранига керакли белгиларни ёзиб чиқарди: 150 \$.

— Ла! Ла! — кескин бош чайқади сотучи. — Сиъарухо миъатайн дуллар. Ҳия афифату<sup>1</sup>.

Исомиддиннинг ортиқча тортишгиси келмадими, иккита юзталикни узатиб, қизнингикки қўли жуфтланиб боғланган занжирнинг бир учини билагига ўради.

...Низомжон уч кундан бери Раққа қамоқхонасида навбатчилик қиласди. Илгари шаҳар полициясига қарашли бўлган тергов изоляторида ҳозир “давлат”нинг забт этилган ҳудудларидан келтирилган асиirlар сақланар, улар орасида онда-сонда европалик ва америкаликлар ҳам чиқиб қоларди.

Уч кунлик навбатчилик тугагач, ўзига ўхшашиб жангарилар турадиган ётоқхонага қайтган Низомжон эшик олдиаги акасини кўриб, сергак тортди. Раҳбарият томонидан икки ҳафта илгари Исомиддинга алоҳида квартира берилган бўлса-да, у билан бирга яшашга

<sup>1</sup> Йук. йук, нархи 200 доллар, у ҳали киз бола!

## Рустам ЖАББОРОВ

---

рухсат этилмагани боис, Низомжон шу ётоқхонада турар, акасини турли йигинларда учратиб қолар, аммо Исомидин унинг ёнига йўқлаб келмасди.

Шу боис, кутилмаган йўқлов уни ажаблантирган эди.

— Ука, амири миздан буйруқ келиб қолди, мен Абу Абдулло билан Найнавога кетяпман. Сен унгача менинг уйимда турасан, деди Исомиддин. — Айтганча, сенга битта сюрприз тайёрлаб қўйганман. Сенга албатта маъқул бўлади.

Низомжон акасининг антиқа феълини яхши билади. Гарчи у бошқаларга нисбатан анча қаттиққўл, бераҳм бўлса-да, ўз укасидан асло меҳрини дариғ тутмасди. Гоҳида турли байрамлар, туғилган кунларда унга ана шундай кутилмаган совғалар ҳозирлашни ёқтиради. Ие, дарвоҷе, эртага туғилган куни-ку? Акаси бундан беш йиллар олдин унга ярақлаган велосипедни “сюрприз” қилганди. Бу гал нима совға қилдийкин?

Низомжон ётоқхона зобитидан изн олиб, акасига эргашди. Исомиддинни яхши танийдиган зобит ортиқча оёқ тираб ўтиrmади.

Оҳ-ҳо, акаси ростдан ҳам анча кучайипти чоғи. Акасига қачон “Мерседес” беришибди экан? Тўғри, орқаси пачоқланган, фаралари синиб тушган, ойналарини ўқ тешиб ўтган бўлса-да, барибир “Мерс” ўз оти билан “Мерс”-да!

Ётоқхона ва акаси яшайдиган уйнинг ораси унча узоқ эмас. Бироқ вайрона уйлар, бетон парчалари бетартиб сочилган ўнқир-чўнқир йўллардан то манзилга етгунча яrim соатча вақт кетди.

Исомиддин манзилга етгач, машинадан тушиб, квартиранинг қалитини укасига узатди:

— Манавини ол, “қушча” то мен келгунимча сенинг ихтиёрингда. Фақат ундан жуда эҳтиёт бўл. Агар мабодо кўришиш насиб этмаса, жаннатда кўришармиз! — Шундай дея Низомжонни бағрига босди.

Низомжон ҳам акаси билан сўнгги бор кўришиб тургандек бирпас уни қучоғидан бўшатмади. Ҳа, бу “давлат”да ҳар бир қадам, ҳар бир нафас ғанимат. Куни кечак, ўзлари билан бирга “ҳижрат” қилган кавказлик йигит Тариэл “Озод Сурия армияси” билан Ҳалаб яқинида юз берган тўқнашувда ҳалок бўлибди.

Балки акаси... Агар акаси шу йўлда ҳалок бўлганда ҳам у билан жаннатда кўришишига кўзи етмайди. Ким ўлганидан сўнг қаерга тушишини Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди. Колаверса, ваҳшийларча қатл этилган имом Абдуллоҳ Баєрийнинг сўзларига ишонилса, “қора байроқ” қа эргашган кимсалар асло нажот топишмайди.

Низомжон хаёлларини жамлаб олган пайтда акаси машинасига ўтириб жўнаворганди. Низомжон қарийб учдан бир қисмини ракета учириб кетган тўрт қаватли уйнинг йўлаги томон юрди. Қизиги, бу ерда уй-жойлар тақчиллиги, янги бинолар қуришнинг имкони бўлмагани туфайли, ҳатто бомбардимонга учраган биноларнинг омон қолган қисмида ҳам одамлар яшайвераркан.

Низомжон иккинчи қаватга кўтарилиб, калитни эшикка солди. Ичкарига икки қадам юриши ҳамон ўзига томон яшин тезлигига учиб келаётган стулни кўриб, бирдан ҳимояяга ўтди. Бир ойлик жанговар тайёргарлик ҳар қандай вазиятда ҳушёр бўлишига ўргатган. Стулнинг бир оёғидан чаққон илиб, бир четга қўйди ва бу кутилмаган “ҳужум” соҳибасини кўриб, яна ихтиёрин қўлдан бой берди.

Қарисида кўзлари тим-қора қалин, текис қошлири узун киприклари билан ўпишган, қиррабурун, қорамағиз юзларида недир қатъият, кескинлик балқиб турган тахминан ўзи тенги қизга бир зум термилиб қолди. Қизнинг ҳам юзида алланечук саросима акс этарди. Чамаси, у ҳозирги “илтифоти” жавобсиз қолмаслигини билгани учун ҳар қандай шафқатсиз жазога ўзини руҳан ҳозирламоқда эди.

— Дест не де, — деди аввал паст овозда, кейин овозини сал күтарди. — Да тақарраб — Do not touch!

Қиз уч хил тилда хитоб қилған бўлса-да, Низомжон факат инглизчасини тушунди. Яқинлашма деяпти. Демак, акасининг “сюрпризи” шу язидий қиз эканда! Язидийлар ҳақида Низомжон дастлаб Фозиантепда Бекирбейдан эшиганди. Кейин Жараблусда ҳам улар ҳақида жуда кўп гапирилган, журналда ҳам ўқиган асирга олинган бир язидий йигитни Ҳалабдаги лагерда, “амалий машғулот” пайтида намойишкорона қатл этишганди. Йигитнинг бўғзига пичоқ қадашдан олдин ундан сўнгги бор исломга кириш сўралган, йигит ўз эътиқодидан воз кечмаслигини баланд овозда айтгач, масаласини ҳал этишганди.

Низомжон бир кўришдаёқ бу қизнинг ҳам ана ўша қавмга мансублигини пайқади. Бу қизнинг ҳам кўзларида худди ўша йигитникидек нафрат ёниб турибди. Акаси ундан эҳтиёт бўлишни бекорга тайинламаган кўринади. Кўйиб берса, бу қиз ҳозир ҳар қандай “ғаними”ни ғажиб ташлашга ҳам тайёр.

Акаси бу қизни нега унга ташлаб кетди? Агар қизнинг ҳозирги қилифи учун уни аввал ўласи қилиб калтакласа, кейин оёқ қўлини боғлаб, зўрласа ҳам, ҳеч ким Низомжонга “ғинг” демаслиги турган гап. Чунки бу “давлат”да бундай асираларга жонсиз буюмдек қарадади. Инсон ўз буюмидан фойдаланиб бўлиб, уни парчалаб ташласа ҳеч кимнинг олдида жавобгар бўлмайди. Бинобарин...

Ҳа, бу ерда ҳамма ана шундай фикрлаши ва унга амал қилиши мумкин. Лекин Низомжон эмас. У аниқ билиб турибди: қаршисидаги бу ожиза — инсон фарзанди! Қачондир унинг ҳам баҳтли болалиги, оиласи, ота-онаси, яқинлари бўлган. Ўз уйида қўғирчоқ ўйнаган, ота-онасига эркалик қилган. Энди эса...

— Сенга ёмонлик қилмоқчи эмасман, — деди Низомжон инглизчалаб, ҳамон қаршисидаги мислсиз гүзәллик соҳибасидан кўз узолмасдан. — Лекин сен нега бундай қилдинг? Бошимни ёришингга сал қолди-ку?

— Имконим булганда ҳамманги битта қўймай ўлдирадим, — деди қиз ҳамон газабини босолмай. — Ҳамманг босқинчи, каллакесар, зўравонсанлар! Сенлар одаммас, ҳайвондан ҳам баттарсанлар!

— Ўзингни қўлга ол, — деди Низомжон босиқлик билан. — Биламан, ичинг дардга тўла. Аммо мен сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмадим...

Қиз ҳам бир зум йигитга термилиб қолди. Низомжон унинг тим-қора, ёниб турган кўзларидағи алам, нафрат учқунлари хийла озайганини англади. Кейин акасининг уйидаги тартибсизликка кўз ташлади. Деворлар илгари ёнғин чиққандек қорайиб ётар, ҳар-ҳар ерда эски гулқоғоз парчалари бир тўп увададек осилиб туради. Акасининг ҳарбий либослари, шахсий ашёлари ҳам ҳар тарафга сочилиб ётибди. Уй ичидағи алланечук нохуш ислар бир-бирига қоришиб кетган. Бундай бетартиб, қўланса жойда гўзал бир қиз билан юзма-юз туриш четдан қараганда жуда ғалати туюларкан...

Низомжон оиласда қиз бола бўлмагани учун, акасидан фарқли ўлароқ тозалик, саранжом-саришталикда ойисига тез-тез ёрдамлашиб туради. Шу боис, негадир ўзини ноқулай сезди ва хонадаги сочилиб ётган кийимларни йиғишириб, деразаларни очди. Дарвоқе, дераза ромларида битта ҳам ойна қолмаган, улар ўрнига тунука қопланган ичкаридан темир панжаラлар ўрнатиб чиқилганди. Ҳар қалай бу тадбир худди мана шу қизга ўхшаши асиralарни тутқунликда тутиб туриш учун бўлса керак.

Уйни сал эпақага келтиргач, Низомжон бояги стулни қиз томонга сурди:

## Рустам ЖАББОРОВ

— Ўтири, ҳарҳолда сен бу уйда меҳмонсан! Қорнинг оч эмасми?

— Устимдан куляпсанми? — қизнинг юзларида заҳарханда акс этди. — Ёўзингни меҳмондўст кўрсатгинг кеп қолдими?

— Ўтирасанг, ўтирма! — Низомжоннинг ўзи стулга ўтирганча, қизни кузатишида давом этди. — Эрталабгача шундай тикка турасанми?

— Ҳа, гўримда ҳам тикка тураман, — заҳрини сочишда давом этди қиз.

— Ҳали гўрга киришга ёшлиқ қиласан! — Низомжон кулимсираб, музлаткич тарафга юрди. Ҳар қалай “давлат”нинг бошқа ҳудудларида электр таъминоти тамоман издан чиқкан бўлса-да, “пойтахтда”, айниқса, “каганлар” туродиган қисмида ток ўчмайди. Шунингдек, “юқори рутбадаги” ҳарбийлар ва уларнинг яқинларини озиқ-овқат билан мунтазам таъминлашади.

Низомжон сири кўчиб тушган стол устига тўрт-бешта шапалоқдек чапати нон, яхна гўшт, бир шиша шарбат, иккита пиёлага ўхшаб кетадиган сопол идиш, икки дона мандарин ва арчилган банан келтириб қўйди:

— Боримиз шу экан, — деди узрли илжайиб. — Ол, тортинма, олавер. Ўзимнинг ҳам қорним оч.

Низомжон каттароқ одамнинг кафтидек келадиган маҳаллий аҳоли “рафиф” деб атайдиган бу ноннинг таъми онаси ёпадиган пиёзли патирга ўхшаб кетар, шу боис Низомжон бу нонни илк бор еган пайтидан ёқтириб қолганди. Ҳозир ҳам пиёзли нонни иштаҳа билан кавшаркан, товоқ устидаги яхна гўштни бўлакларга ажратди.

— Емайсанми? — сўради бир луқма гўштни оғзига соларкан. — Тушунарли, аразладинг, демак. Яхши. Бизда бир мақол мақол бор: “лўли аразласа тўрвасига зиён”.

Инглизчада “If gypse takes of fence to somebody, it brings harm to his own pocket.”

— Нима? — қизнинг туташ қошлари чимирилди. — Ўзинг лўлисан, эшиддингми? — Шундай дея қиз шаҳд билан битта нонни иккига бўлиб, бир бўлагини оғзига солди. Кейин гўштга қўл узатди.

— Мана, бўларкан-ку, — Низомжоннинг чехрасига табассум югуриди ва иккинчи идишга шарбат қўйди. — Ош бўлсин!

Камтарона тамадди пайтида орадаги адоват, гина-кудурат қаёққадир эриб кетди гўё. Қиз дастлаб Низомжонга ўта ғазабнок, аламзада бўлиб кўринганди. Аммо ҳозир унинг қаршисида стул билан ғанимининг пешонасини ёришга тайёр қасоскор эмас, чапани, шаддод бир қиз турарди.

Тамадди ниҳоясига етгач, Низомжон дастурхонга фотиҳа тортди. Кейин идишларни олиб чиқиб кетмоқчи бўлганида, қиз шартта оёққа қалқди.

— Тегма ўзим йифиштираман!

...Низомжон қизнинг бу қадар оёқ қўли чаққон, озода ва саришта эканини тасаввур қилмаганди. Анчадан бери ювилмаган идишларни ярақлатиб чиқди. Бирпасда бутун уйни супуриб, ёф тушса ялагудек қилиб қўйди.

— Ҳали танишиб ҳам олмадик, — деди Низомжон ҳамма ишини саранжомлаб, унинг қаршисига келиб ўтирган қиздан. — Кимсан? Қаерликсан? Бу ерга қандай келиб қолгансан?

Қизнинг юзидаги табассум бир зумда ғойиб бўлди. Чўзинчоқ, қорамағиз юзларга қадар соя солди гўё.

— Исмимни нима қиласан? — деди сўник оҳангда. — Сенинг биродарларинг бизни фақат битта ном билан чақиришади — “жория”...

— Ота-онанг қўйган исминг бордир? — сўради Низомжон алланечук айбдор оҳангда.

— Зара... — деди қиз гүё ўз исмини унга умуман алоқаси бўлмаган бир сўзни тилга олгандек бефарқлик билан.

### *2014 йил 3 августъ, Синжор...*

Бир томони ҳамиша сув босиб турадиган мовий шолипоялар, иккинчи тарафи баланд тоғларга туташиб кетган бу шаҳарчада язидийлар салкам минг йилдан бери мусулмонлар билан ёнма-ён яшаб келишади. Тўғри, бу қавмга нисбатан адолатсизлик, зуғум, таҳдидлар ўтмишда ҳам кўп бўлган, ҳозир ҳам уларга осон деб бўлмайди. Аммо улар барча кўргиликларга сабр билан яшаб келишади.

Рашид оға ҳам ўз миллатдошлари, диндошлари сингари дехқончилик қилиб кун кечиради. Шаҳар ташқарисида анчагина ери бор. Шоликорлик осон эмас. Йил давомида шолипоядан сув узилмаслиги керак. Шунинг учун кўпинча даласидан бери келмайди. Аммо шоли бўқоқлаган пайти, бўйи чўзилиб кетса, ҳосилнинг чўғи паст бўлади. Шу боис вақти-вақти билан сувини қочириб туриш керак. Бугун сув қочириш учун шолипояга чиққанди.

Бу йил баҳорда ёғингарчилик яхши бўлди, сув ҳам сероб. Бугун битта шоли бошофидан икки юзтагача дон санади. Насиб қилса, бу йил ҳосил ёмон бўлмайди.

Уйида мол-ҳоли бор. Аёли Азро рўзгордан ортган пайтлари тикувчилик қиласди. Ўғли Мўсулдаги нефть ширкатида ишлайди. Қизи Зара эса Арбилдаги Британия қироллик университетига имтиҳон топшириб келганди. Бугун эрталаб, телефонига унинг ўқишга киргани ҳақида “смс” юборишибди. Шу боис Заранинг қувончи чексиз.

Бироқ негадир Рашид оғанинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Тўғри, бир неча йилдан бери Ироқдаги нотинчлик, беқарорлик унинг учун янгилик бўлмай

қолган. Аммо яқинда бир тұда жангариларнинг “муқаддас халифалик давлати” тузилганини эълон қилиб, анча ҳудудларни ўз тасарруфиги олгани уни ўйлантириб қўйғанди.

У кетменини елкалаң даладан қайтаётганида қуёш мағрибга бош қўяёзғанди. Йўл-йўлакай эски қадрдони Сайднинг чойхонасига кирди. Бу ерда анча-мунча эркаклар тўпланган, алланималарни қизғин муҳокама қилишмоқда. Ҳамманинг юзида ташвиш, хавотир.

Маълум бўлишича, жангарилар Ироқнинг бир қанча вилоятларини эгаллаб, Синжор томонга ҳаракатланаётган экан. Шов-шувларга қараганда, улар шу пайтгача қўлга киритилган бир нечта язидий қишлоқларининг кулини кўкка совуришибди. “Амир ал-мўминин” Синжордаги язидийларни битта қўймай қириб ташлашга онт ичганмиш.

— Бу мусулмонлар бизни ҳеч тинч қўйишмас экан-да, — эски ёғоч курсига ўтирганча асабий чилим тортаётган уста Ризо гап ташлади. — Саккиз йил олдин шаҳримизда теракт уюштириб, юзлаб язидийларни қирғин қилишганди. Май ойида ҳам ўнлаб қавмдошларимиз хонадонига бостириб қириб, отиб ташлаши.

— Жим, — маҳалланинг оқсоқоли, узоқ йиллар ўрта мактабда араб тили ва адабиётидан дарс берган Ҳайдар муаллим унинг гапини бўлди. — Сен шу жангариларни мусулмон деб ўйласанг, адашасан. Улар динни ниқоб қилиб олган каллакесарлар, холос. Ҳақиқий мусулмонлар бирорга қурол кўтариш у ёқда турсин, ҳатто сўз билан бошқаларнинг дилига озор беришмайди. Менинг қанча-қанча мусулмон дўстларим бор. Ҳаммаси ҳалол, диёнатли, тўғрисўз одамлар. Бу малъун жангарилар мусулмонларнинг ўзини ҳам аёвсиз қиличдан ўтказишяпти. Улар ўзларига Эргашмаганларнинг барини кофирга чиқаришади.

— Э, барибир эмасми, — уста Ризо бўш келмади. — Ўзингиз айтинг, шуларнинг дастидан биз язиийларнинг кўксига қачон шамол тегди? Усмонийларнинг ҳам, қирол Файсалнинг ҳам, генерал Абдулқосимнинг ҳам, Саддам Ҳусайннинг ҳам биз язиийларга зифирча нафи тегмаган. Ҳаммаси бизни эзид келган-ку! Араб зоти борки, курдни курса, афтини буриши ради.

— Арабни қўя тур, курд ҳам сен билан менинг бошимизни силамайди, — деди ҳазин кулимсираб чойхоначи Саид. — Мана, Саддамдан кейин курдларга эркинлик берилди. Курдистонга муҳторият мақоми тегди. Ҳозир курд қуролли кучлари — Пешмергенинг ихтиёрида юз минглаб аскар бор. Жангарилар жонланиб қолгач, “биз Синжорни ҳимоя қилмаймиз, язиийлар ўзларини ўзлари қўриқлайверсин” дейишибди.

— Э, улар биз билан бир тилда гапирса ҳам, барибир дини бошқа-да, — дея луқма ташлади кимдир. — Эҳтиёт чорамизни қўришимиз керак. Эртами, индинми, бу ярамаслар мўр-малаҳдай босиб келишади.

— Хуллас, вазият қалтис, — деди Ризо ўйчанлик билан.  
— Ҳар лаҳза ҳушёр туришимиз керак. Жангарилар Найновонинг катта қисмини эгаллашибди. Улар тез кунда бу ерга ҳам келишади. Аёллар, болаларни тоққа жўнатишимиз, эски форларга жойлаштиришмиз керак. Ҳар қалай ота-болаларимиз макон тутган, буюк Эзидга сифинган мафоралар бизни ўз паноҳига олади. Ҳар ким имкон даражасида қўлига қурол олсин.

...Рашид чойхонадан дили хира бўлиб чиқди.

Ўйига етиб келганида қоронғи тушиб қолганди. Хотини кўринмас, Зара ҳовли саҳнига нимадир ишлар билан куймаланиб юради. Қиз отасини кўриши билан қаддини ғоз тутиб унга пешвоз юрди. Салом берди.

— Уф, бугун роса иссиқ бўлди-да, — деди Рашид оға

тут соясидаги ҳарракка ҳорғин ўтиаркан. — Онанг кўринмайдими?

- Қўшнимиз Нури холаниникига чиқиб кетувдилар,
- ошхонадан Заранинг қўнгироқдек овози эшишилди.
- Ҳозир мен сизга чой дамлаб чиқаман.

Рашид оға ҳаррак суюнчиғига бошини қўйганча оғир ўйга толди.

Агар чойхонадагиларнинг гапи рост бўлса, душман икки-уч кунда босиб келади. Унга хотини билан қизини бирор ёққа юбориши керак. Ҳалемай Эрбилда қизининг ўқиши бошланади. Эрбил Пешмергенинг ҳимояси остидаги нисбатан тинч шаҳар. У ерда эски танишлари бор. Уларнинг ёрдамида ижарага уй топса яхши бўларди. Хотини билан қизи ўша ерда яшаб туришарди. Лекин бунинг учун пул керак. Рашид оғанинг асосий даромад манбаи эса деҳқончиликдан. Шолини йиғиштириб, оқлаб, бозорга чиқариб сотгунча, уч-тўрт ой бор. Яхиси, оғилдаги она-бола сигирини эртага бозорга опчиқади. Ҳарна уч-тўрт ойлик ижара пулига етиб қолар. Бошқа чора йўқ...

\* \* \*

Рашид оға ҳали икки-уч кунлик вақт бор деб ўйлаб адашган, чойхонадагилар ҳам нотўғри чамалашган экан. Синжорни ўша куни тонгга яқин “муқаддас халифалик давлати” жангарилари босиб олишиди. Бу пайтда шаҳар аҳолиси маст ўйқуда эди.

Синжор аҳли ўқ овозлари ва такбир садолари остида уйғонди. Ҳамма саросимада эди. Жангарилар эрталабгача уйма-уй юриб, бутун язидийларни Синжор ташқарисидаги ялангликка тўплашиди. Улар орасида аёллар, кексалар, болалар кўпчиликни ташкил этарди. Аёллар қарғанар, болалар қўрқиб йиғлишар, эркаклар

негадир жим, тишларини тишларига босиб туришарди.

Жангарилар ҳеч кимни аяб ўтиришмас, буйруққа итоат қилмаганларни автомат қўндоғи билан уришарди. Ҳатто қочиб кетишга уринган уч-тўрт нафар ёш йигитни отиб ташлашди.

Майдоннинг атрофини ҳарбий машиналар, қора байроқли, қуроли жангарилар ўраб олишганди.

Жангариларнинг барчаси соч-соқолини ўстирган, қоп-қора, кенг кийимларни кийиб олишган, айримлари ҳатто юзларини ҳам ўраб олишганди. Шу пайт майдон четида ойналари қорайтирилган, ўзи ҳам қоп-қора, бу ҳам етмагандек капоти устига қора байроқ ўрнатилган “Фольксватен” келиб тўхтади ва ундан кўзига қора кўзойнак тақиб олган, қирқ ёшлар чамасидаги бақувват дала командири тушиб келди. Шу пайт қолган муҳоҳидлар қаддини қоз тутиб, саф тортишди ва унга йўл беришди.

Командир иккита ёш аскарга нимадир деб буюрганди, улар қаёққадир югуриб кетишли. Бироз вақт ўтмасдан бир тоғора оқ қуқун билан қайтиб келишли ва катта майдончинг икки тарафидан оқ қуқунни тўғри чизиқ бўйлаб сепиб келишли.

Яна икки жангари юқ машинасидан сандиққа ўхшаш катта ёғоч қутини олиб тушишли ва командирнинг оёқлари остига келтириб қўйишли. Командир “минбар” устига чиқаркан, қархисида турган оломонга юзланди. Тўпланган одамларнинг умумий сони тахминан беш мингга яқин эди. У аввал араб тилида, кейин курд тилида шаҳарнинг “муқаддас халифалик давлати” томонидан ишғол этилганини, бу “давлат” фуқаролари фақат ислом динига итоат этишлари лозимлигини айтди.

— Эй одамлар, сизларни ва сиздан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг, шоядки тақводор

бўлсангиз<sup>1</sup>. Сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам залолатда яшаб, иблисга, унинг товус суратидаги тимсолига, қуёшга, оловга сифиниб келдингиз. Биз сизни ҳақ динга даъват этгани келдик. Ботил ақидаларингиздан воз кечинг. Маъбадларингизга ўт қўйинг, ўзингиз ва аҳли аёлингизни дунё ва охират азобидан, молингизни талон-торождан асрармоқчи бўлсангиз, бизга итоат этинг. Динимизга киришни истаганлар бўлса, чизиқдан бу тарафга ўтсин. Ўйлаш учун фурсат берилмайди.

Шундай дея командир “минбар”дан тушди ва ёрдамчиларига алланималарни уқтира бошлади. Оломон сув қуйгандек жимиб қолганди.

...Рашид қизи ва хотини билан оломон орасида, фақат сал орқароқда тураг, ҳамма қатори унинг ҳам дилини сўнгсиз хавотир ва мавҳумлик чулғаганди. Минбардаги “нотик” сўзини тугатгач, Рашидга уларнинг мақсади анча ойдинлашгандек бўлди.

— Ҳозир ҳаммамизни ҳар тарафга бўлиб юборишади,  
— деди Рашид Азронинг қулоғига шивирлаб. — Сен имкон даражасида Зара билан бирга қочишга ҳаракат қил. Амаллаб Эрбилга етиб олсаларинг, у ёфи бир гап бўлар. Балки ўғлинг ҳам сизларни излаб топар...

Оломон оралаб юрган ёш мужоҳидларнинг бири автомат қўндоғи билан Рашиднинг елкасига туртди:

— Ўчир овозингни, — деди араб тилида таҳдид билан.  
Ўзи тенги йигитчанинг отасига бу тахлит муомаласидан қони қайнаган Зара унинг юзига чанг солмоқчи бўлиб турганида, Азро унинг қўлларини маҳкам тутди:

— Йўқ, қизим, ўзингни бос...  
— Жим турларинг! — Рашид шундай минбар тарафга қараб бўйнини чўзди. Яна бутун майдон жимиб қолди. Минбарда Ҳайдар муаллим баланд овозда, доналаб сўзламоқда эди:

<sup>1</sup>Куръони карим. Бакара сураси, 21-оят.

— Биз минг йилдирки, ота-боболаримиз динига сиғиниб келамиз, — деди у соғ араб тилида вазмилилк билан. — Ҳеч ким четдан келиб бизніг динимизни қабул қылмайды ва биз ҳам бошқа динга ўтмаймиз. Шу бойс ўтмишда ҳам асрлар давомида мусулмон ҳукмдорлари бизни диндан чиқишига у қадар мажбур қилишмаған. Биз ислом қадриятларини, мусулмонларни ҳурмат қиласиз. Уларга нисбатан ҳеч қандай адватимиз йўқ. Шундай экан, сиз ҳам бизни холи қўйишиңгизни сўраймиз. Зеро, сизнинг динингиз ҳам ноҳақ қон тўкишини, ер юзида фитна-фасод қўзғашни ман қиласиди. Ислом бу — тинчлик демак. Биз ҳам тинчлик истаймиз. Аминманки, ўзини чин язидий деб билган ҳар бир қондошим бу чизиқни ҳатлаб ўтмайди.

— Сен ҳамманинг номидан гапирма, — деди бояги “нотиқ” автомат учини муаллим томон никтаб. — Ўзинг учун жавоб бер. Демак, сен кофирилгингча қоласан, тўғрими?

— Мен ўз эътиқодимдан кечиб, ота-боболарим руҳини чирқиратмайман, — деди Ҳайдар муаллим бошини тик тутиб.

— Аллоҳу акбар!

Автоматнинг учидан қип-қизил учқун сачради. Ўша лаҳзанинг ўзидаёқ қўрғошин ўқлар муаллимнинг миясини ёриб кирганди. Унингчуваккина гавдаси тупроққа қулаши билан атрофни оҳу нола, йифи-сиғи тутиб кетди.

— Ота-а-а!

Оломон орасини ёриб чиққан ўн етти-ўн саккиз ёшли йигитча дод солганча ўзини отасининг ҳали жон тарқ этиб улгармаган танаси устига ташлади. Кейин худди бўридек увиллаганча, ҳозиргина отасига ўқ узган қорасоқол томонга отилди. “Нотиқ” аранг ўзини четга олишга улгурди. Аммо худди шу аснода унинг ёнида

турган бошқа бир мужоҳил автомат қўндоғи билан йигитчанинг бошига туширди. Бола ҳам гурсиллаб қулади.

Оломон нотинч уммондек чайқала бошлагандаги, “нотик” осмонга икки марта ўқ узиб, ҳаммани тинчлантириди.

— Бас! Ҳеч ким ортиқча ҳаракат қилмасин! Акс ҳолда, ҳаммангизни катта-кичигингизга қарамай ўққа тутамиз. Эркаклар бир томонга ўтсин! Аёллар ва болалар бошқа тарафга! Қани, тез бўлинглар! Вақтимиз зиқ! — шундай дея яна бир карра осмонга ўқ узди.

Эркаклар оломон орасидан ажralиб чиққач, уларни майдон четида турган усти ёпиқ юк машиналарига чиқаришиди. Яна майдонда оҳу фарёд, йифи-сифи, бақир-чақир кучайди. Аммо қаршилик кўрсатишнинг оқибати ёмон бўлишини билган язидийлар бўйсунишдан бошқа чора топмадилар.

Юк машиналари дала четидаги йўлдан чанг тўзғитиб, Синжор тоғи этаклари томон кетиб борар, аёллар жиққа ёш кўзларини ўша тарафдан узмай қараб қолишганди.

Бироздан сўнг уларни автобусларга чиқаришиди. Олдиндаги тақдир фақат мавҳумотдангина иборат эди. Ҳеч ким бир соатдан сўнг уни нима кутаётганини билмасди.

— Дадамни нима қилишади энди? — сўради Зара ҳиқиллабгина онасининг елкасига бош қўяркан.

Табиийки, Азро қизининг саволига жавоб беролмас, тўғрироғи, бу ҳақда ҳатто тахмин қилишга-да қўрқарди. Рашид ҳам барча диндошлари қатори янги динни қабул қилмаслиги аниқ. Демак, уларнинг барчасини худди Ҳайдар муаллим сингари отиб ташлашади. Ҳали Мўсулдаги ўғли Амар ҳам ном-нишонсиз. Кеча, босқин хабари келган пайтда унга қўнгироқ қилиб тушишолмаганди. Кейин жангарилар ҳамма язидийларни тўплаб, телефонларини ҳам тортиб олишиди. Энди ўғлининг ҳам тақдирини муаллақлигича қолмоқда.

Аёллар ва болалар юкланган ўнлаб автобуслар ипга тизилгандек номаълум тарафга ўрмалаб борарди. Бир соатлар ўтиб, қайсиdir шаҳарчага кириб келишди. Улар ўтирган автобус тўрт қаватли қанақадир бино дарвозаси олдига келиб тўхтаганди. Қуролли жангарилар аёлларни туртиб-суртиб пастга туширишди. Улар билан изма-из келаётган яна етти-саккизта автобус олдинма-кейин тўхтагач, уларнинг ҳам йўловчилари бино ҳовлисига олиб кирилди.

Бу ерда тақсимотнинг иккинчи қисми бошланганди. Жангарилар ўғил болалар ва саккиз-тўққиз ёшгacha бўлган қизчаларни алоҳида териб чиқишиди. Қолган аёлларни ёшига қараб уч гуруҳга тақсимлашди. Биринчи гуруҳга ўн ёшдан йигирма беш-үттиз ёшлардаги қизжувонлар жамланганди. Ўттиз беш-эллик ёшлар чамасидаги аёлларни алоҳида ажратишиди. Элликдан ошган аёлларни учинчи гуруҳга қўшишиди.

Зара ёш қизжувонлар, онаси Азро эса ўрта ёшлилар гуруҳига тушиб қолганди. Онани қизидан ажратишаётганда, Азро унга Эрининг охирги гапларини пицирлаб хотирлатди:

— Қизим, ўзингга эҳтиёт бўл, қочишга ҳаракат қил! Балки акангни учратиб қоларсан! Кўришолмасак, мендан рози бўл, қизим!

...Яна ҳовлини оҳу воҳлар босиб кетди. Онаси ёки фарзандидан ажралишни истамай тўполон кўтарган аёлларни аямай калтаклашар, қаршилик кўрсатмоқчи бўлганларни икки-уч кишилашиб тепкилашарди.

Бир аёл эмизикли боласини қўлидан тортиб олишмоқчи бўлганида, аввалига овозини борича қичқириб, шовқин кўтарди. Гўдагини бағридан юлқиб олишгач, худди она шердек важоҳат билан наъра тортди. Кейин боласини тортиб олган мужоҳиднинг соч-соқолига ёпишишиб, ерга йиқитди. Нари борса бир яшарлик гўдак ҳамон ҳалиги жангарининг чангалида чинқиради.

Шу пайт ҳалиги жангарининг шериги ҳеч нарсанни ўйлаб ўтирмай, елкасидаги "Калашников"нинг тумшуғини аёлнинг чап кўксига ўнглаб, тепкини босди. Аёл бир зум типирчиладио, тинчиб қолди.

Зара бу кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган даҳшатлар кўз ўнгига юз бераётирми ё тушидами англомай қолганди. Боя омонатгина қилтираб турган бир кекса муаллимни ер тишлатишганди, энди ўзидан нари борса иккича ёш катта ожиза ўз қонига ғалтон бўлиб ётибди. Норасида боласи онаизорнинг қонга белангандан кўкрагини чангллаганча ҳамон бифиллайди...

— Кўриб қўйинглар, — деди ҳозиргина аёлни отиб ташлаган мужоҳид автомат учи билан ёш жувоннинг ҳали совумаган мурдасига имо қилиб, — тирик қолишни истасаларинг, бизга итоат қилинглар!

Бояги шовқин, йифи-сифи ҳам хийла пасайди. Шудан сўнг аёлларни тақсимлаш ҳам анча осонлашиди. Гўдакларни қоп-қора бурқа ёпинган аёлларга тошириб, уларни бинонинг биринчи қаватига киритишиди. Қолган гуруҳларни ҳам қаватма-қават жойлаштириб чиқишиди.

Зара ўзи тенги қиз-жувонлар билан иккинчи қаватда қолганди. Хоналардаги парталар, бир қисми деворга илиниб қолганлари пол устида сочилиб ётган турли плакатлару жадвалларга қараганда, бу бино илгари қандайdir таълим муассасаси бўлганини англаш қийин эмасди.

Зара деворда осилиб турган қофоз парчасидаги арабий ёзувга кўз ташлади: "5-сонли Вардия санъат лицейи З-гуруҳ ўқувчиларининг навбатчилик..." У ёфи йиртилиб кетганди. Ҳа, бир пайтлар санъат, маърифат, билим маскани бўлган бу бино энди жаҳолат, зулмат маконга айланганди...

Қизларни ҳар бир синф хонасига ўттиз беш-қирқтадан жойлаб чиқишиди. Ҳар бир хонанинг эшиги олдида иккича

## Рустам ЖАББОРОВ

уч нафардан жангари турар, ҳеч кимни, ҳатто одатий әхтиёж учун ташқарига чиқаришмасди.

Шу тариқа қизларни күн бўйи шу диққинафас хонада ушлаб ўтириши. Күн ҳаддан ташқари қизиб кетган, деразалар михлаб ташланған, тер ва пешобнинг бадбўй ҳидига тўлган хонада нафас олиш тобора қийинлашиб борарди. Зара чанқоқдан тили танглайига ёпишганини ҳис қилди. У сингари яна қанча қиз-жувонлар гашналиктан ҳолсизланиб қолишганди.

— Инсофсизлар! Лоақал сув беринглар! — бақирди аёлардан бири. — Сенларнинг ҳам қизларинг, сингилларинг бордир?

Хайрият, улар орасида сал инсофлилари ҳам борга ўхшайди. Бир ёшроқ жангари икки челак лойқароқ сув ва ўнтача қотган нон ташлаб кетди...

“Қандай бўлмасин, қочишим керак”, — ўйларди Зара дераза ойнасига зимдан сер соларкан. Айрим ойналар синиб тушгани учун ўрнига тахта ёки тунука қопланган, айрим деразаларнинг кўзида икки қават ойна ҳам бус-бутун турарди. Фақат битта кўзда бир қават ойна қолган, иккинчи қавати синиб тушганди. Дераза раҳида эса ўртача катталикдаги ёғоч парчаси турарди. Ойнани синдириш учун мана шу ёғоч билан қаттиқроқ урса бас. Фақат ҳозир эмас. Бу ишни ярим кечаси, жангариларни ҳам фафлат босган пайтда қилгани маъқул...

Мана, ниҳоят борлиқ туннинг қоп-қора чодраси ортига беркинди. Фақат йўлакдан аҳён-аёнда соқчиларнинг қадам товушларию дағал овоздаги суҳбатлари қулоққа чалинади. Демак, улар туни билан ухлашмайди.

Зара ойнадан пастга қаради. Ташқари қоронғи, ой кўринмайди, аммо булутли осмоннинг у ер-бу ерида саноқлигине юлдузлар милтирайди. Ҳовлида иккита автобус ва уч-тўртта енгил машина турибди. Бошқа ҳеч зоғ йўқ шекилли.

Зара ўқувчилик даврида жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланар, чаққонликда унча-бунча йигитларни ҳам ортда қолдиради. Ҳозир деразани синдирса, овози ташқариға эшитилади. Боя ташқарида турганида кўз ташлаганди: иккинчи қават деразалари унча баландмас. Оёғини пастга осилтириб сакраса, унча лат емаса керак. Фақат қисқа фурсатда бино ҳовлисидан чиқиб кетолса бўлгани. Ҳовлининг деворлари унча баланд эмас, бир сакраб ошиб ўтса бўлади. Фақат... чаққонликни қўлдан бермаслиги керак.

Зара ёғоч парчасини қўлга олган чоғда яна ўйланиб қолди: хўш қочиб қаерга ҳам боради? Ота-онаси айтгандек Эрбилгами? У ерни ҳам ҳадемай манави жангарилар эгаллаб олса-чи? Тўғри, кеча бутунлай бошқа хаёллар, эзгу умидлар қучогида парвоз қилиб юрганди. Бир кунда бутун ҳаёти, орзулари чилпарчин бўлди. Энди ўқишининг ҳам унинг учун ҳеч бир маъноси қолмади.

Балки иложини топиб, хорижга, Германия ёки Буюк Британияга кетар? Йўқ, бунинг учун ёнида бироз бўлсада, пул бўлиши керак. Қолаверса, ўзи сингари минглаб ҳамюрлари азоб, хўрлигу ситамларга мубтало бўлиб турган бир пайтда...

Майли, бир амаллаб бу ердан чиқиб кетсин-чи?  
Қолганига худо – пошша!

“О, буюк Эзид! Ўзинг мадад бер” шивирлади Зара ва қўлидаги ёғоч билан ойнани чил-чил қилди. Қолгани яшин тезлигига юз берди. Хонадаги қизлар нима бўлганини англашга улгурмасдан, Зара дераза кўзидан чиқиб унинг рахига осилди.

Бинонинг қаватлари паст бўлгани учун унинг оёқлари ва ергача бўлган масофа бир ярим метрдан ошмасди. Бу ёғи – таваккал. Иккиланишга фурсат йўқ. Кўзини чирт юмиб пастга сакради. Чиндан ҳам унга Яратганинг ўзи

йўл берган кўринади. Шундоққина деразанинг тагида қум тўкилган экан. Ҳеч ери шикастланмади. Ўзини ўнглаб девор томон юргурган пайтда ортидан автомат тариллади. Бир нечта асфалът йўлакка санчилиб учқун сачратди.

Зара мушукдек абжирлик билан деворга тармашди. Яна иккита ўқ келиб деворга санчилди. Қиз чаққонлик билан девордан ташқарига сакраган онда, атроф зимзиё эди. Девор тагидан зовур ўтган, аммо ичи бўм-бўш эди. Жангарилар изидан югуриб чиқишилари аниқ. Шу боис бир муддат зовур ичида ётиб, атрофга қулоқ солди. Мана лицей дарвозасидан чиққан икки-уч жангарининг фўнғир-фўнғир овози тунги жимликни бузди.

Шу пайт улардан бири атрофга тариллатиб ўқ узди. Кейин лицей дарвозасининг ғийқиллаб ёпилгани эшитилди. Демак, қувишмайди. Қувган билан бу зимзиё тунда унинг изига ета олишмаслигини тушунишган шекилли.

Афсус, ўзига ўхшаган яна қанча ожизалар, энг асосийси, онажониси шу ерда қолиб кетди. У қизининг қочиб кетганини билдимикин? Отаси-чи? Шўрликни нима қилишди экан? Балки акасини ҳам “кофир” деб отиб ташлашгандир? Бу не кўргилик! Ахир, уларнинг айби нима? Язидий бўлиб туғилганими?

Зара юзларини юваётган шашқатор ёшларини енги билан артиб, зовурдан чиқди ва ўзига номаълум бўлган тарафга юра бошлади. Мана, боя автобус билан худди шу йўлдан келишганди. Яна озроқ йўл босса бу кичкина йўл катта магистралга бориб уланади. Ишқилиб, яна бирор жангарининг қўлига тушиб қолмаса бас. Ҳуллас, бу ёфи таваккал. Ё бу зулмат исканжасидан қутулиб чиқади, ё жангариларнинг ўқига учраб ер тишлайди. Уларга бўйсуниб яшашдан кўра шу икки йўлнинг бирини танлаган афзал.

\* \* \*

— Кейин нима бўлди? — сўради қизнинг ғамгин ҳикоясидан юраги музлаб кетган Низомжон. — Қочган бўлсанг... бу ерга қандай келиб қолдинг?

Заранинг серкиприк кўзлари бир нуқтага қадалганча қотиб қолган, чамаси, у ҳамон ўзининг эзин хотиралари гирдобидан чиқа олмаётганди.

— Кейин нима бўларди? — оғир хўрсинди қиз.  
 — Аввалига ота-онам айтганидек Эрбилга бориб, ўқиши давом эттиromoқчи бўлдим. Аммо бутун оилам пароканда, ҳаётим остин-устун бўлиб кетгач, менга ўқишининг нима қизиги бор? Ўша оқшом катта йўлда чиқиб турганимда, ёнимга бир юк машинаси келиб тўхтади. Машина ҳайдовчиси ҳам язидийлардан экан. У менинг жангарилар қўлидан қочганимни эшитиб, тўғри Синжорни мудофаа қилиш тузилмасининг марказий қароргоҳига олиб борди. Мени ушбу тузилманинг аёллар қаноти — Эзидхон отрядига қабул қилишди. Бу отряд аъзолари худди менга ўхшаб, яқинларидан жудо бўлган, қалби қасос ўти билан ёнаётган хотин-қизлардан иборат бўлиб, улар орасида ўн олти-ўн етти ёшли қизлардан қирқ беш-эллик ёшли аёлларгача бор эди. Биз бегуноҳ қурбон бўлган акаларимиз ва оталаримиз, номуси топталган сингилларимиз ва оналаримиз учун ўч олишни дилимизга тушиб олгандик. Синжорда, Хасекеда бўлиб ўтган жангларда қатнашдим. Мени жуда ёш деб қўлимга қурол беришмасди. Асосан, ярадор бўлган жангчиларимизга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг яраларини боғлаш, овқатини егизиш билан шуғулланардим. Қамишли яқинида жангарилар билан бўлган бир жангда бизни қуршовга олишди. Йигитларимиз бир томчи қони қолгунча курашиб, ҳаммаси мардона жон берди. Мен билан бирга яна

тўртта ҳамшира қизни асир олиши. Машинага босиб, Раққадаги аёлларни вақтинча сақлаш марказига олиб келишиди. Бу ерда мени етмишдан ошиб қолган чолга ҳадя қилишиди. Аввалига бир неча марта ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Кейин бу фикримдан қайтдим. Йўқ, шунчаки ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ. Мен ҳали курашишим керак. Лоақал акамнинг даргини билишим керак. Агар акам аллақачон омонатини топширган бўлса, унда...

— Ота-онанг-чи? Улардан хабар топдингми? — савол беришга аранг журъат топди Низомжон.

— Билишимча, отамни тоғда ўша куниёқ ўлдиришган. Кейинчалик бизнинг отрядимизга келиб қўшилган бир аёл онами Фаллужада, меҳнат лагерида кўрганини айтди. Жангарилар ўрта ёшли аёллардан фақат ишчи кучи сифатида фойдаланишар, уларга ҳатто эркакларга ҳам оғирлик қиласидиган ишларни бажартиришар экан. Онами бошқа бир гурӯҳ аёллар билан бирга ғалла омборида ҳаммол қилиб ишлатишган. Бундан икки ойча илгари Америка ҳарбийлари Фаллужани бомбардимон қилган пайтда ғалла омборининг ҳам кули кўкка совурилган. У ерда бир қанча жангари билан бирга онам сингари асиralар ҳам бомба остида қолган.

Низомжоннинг томоғига нимадир келиб тиқилгандек бўлди: Ич-ичидан қаршисида ғам-ғуссага ботиб ўтирган бу ожизага нисбатан ачиниш ҳиссини туйди. Бечора қизнинг наинки бугунги ҳаёти, балки ўтмишию келажагини барбод қилган кимсаларга лаънат ўқиди. Аммо не ёзиқки, ўзи ҳам ана ўша кимсалар билан бир сафда “ғайридинларга қарши бутун молу жони билан курашишга” қасамёд қилган.

Боягина нима сабабдан бу қиз унинг бошига стул билан туширмоқчи бўлганини англади. Отаси бўғизланган, онаси парчаланган, акасининг тирик ё ўлик экани номаълум... Ҳа, бояқишининг ичи дарду аламга тўлиб ётибди.

— Энди... нима қилмоқчисан? — навбатдаги саволни беришдан ҳам ўзини тўхтатиб туролмади Низомжон. Аслида рўпарасидаги жорияга бу саволни беришининг ўзи бориб турган аҳмоқлик эди. Чунки энди унинг тақдири Низомжон, тўғрироғи, бу жорияни бозордан сотиб олган акаси Исомиддинга боғлиқ эди. Акаси Низомжоннинг бир неча кунлик кўнгилхўшлиги учун бу қизни унга ташлаб кетган. Эртага у “омонат”ни ўз эгасига бекаму кўст топшириш керак. Акаси ҳам бир неча кун у билан “хуморини босгач”, ё кимгадир “оширади”, ё арзимаган пулга сотворади. Зотан, бу “давлат”да Зара сингари ғайридин асиralарнинг қисмати бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Бу саволни менга беряпсанми? — туйқус Заранинг юзидағи алам қайғу ифодаси заҳарханда билан алмашди.

— Нима, менга ёрдам бермоқчимидинг? Мақсадинг аён-ку! Менга қадар нечта бегуноҳ, бокира қизнинг номусини топтаганингни кўзларинг айтиб турибди-ку!

Низомжон мийифида кулимсиради:

“Ё сен одамларнинг кўзидағи маънони ўқишига қобил эмассан, ё менинг кўзларим сени алдаянти”. Тилининг учидаги бу жавоб тиши ҳатламади.

— Агар сен шунаقا...

Низомжон гапини ниҳоясига етказа олмади. Гумбирлаган товуш қулоқни ёргудек бўлди. Чамаси, мухолифлар томонидан отилган снарайд ёки ҳарбий ракеталардан бири яқин атрофдаги бирорта бинони ер билан яксон қилганди. Шунда ҳозир ўзидан бир қадам нарида ўтирган қиз қандай унинг бағрига отилгани ва қўрқувдан унинг бўйинни маҳкам қучиб олганини пайқамади.

Низомжоннинг вужудидаги кутилмаган саросима ўрнини таниш, ёввойи бир ҳис эгалладию, беихтиёр қизнинг нозик вужудини бағрига маҳкам босганини

## Рустам ЖАББОРОВ

сезмай қолди. Орадан бир неча сония ўтиб, Зара унинг қучогидан юлқиниб чиқди.

— Кечирасан, мен... портлашдан жуда қўрқаман, — деди қисқа-қисқа нафас олиб. — Илтимос, бошқача тушунма. Мен... менга...

— Зара, — деди Низомжон ич-ичидан тошиб келаётган эҳтирос тўғонини босолмай. — Қочма. Мен... Мен сенга бирор ёмонлик қилмоқчи эмасман... Сен... сен менга... м-мен... — У қизнинг қўлини эндиғина тутган онда Зара ўзини четга олди. Шундагина Низомжон унинг чангалида турган кичкина чопқини пайқади.

— Агар менга тегадиган бўлсанг, сени ҳам, ўзимни ҳам ўлдираман.

Шу онда Низомжоннинг эсига Абу Абдуллоҳ айтиб берган, ўз хожасини пичоқлаб, кейин томирини кесган язидий қизнинг қисмати ҳақидаги ҳикоя тушди. Ҳа, ҳаёти дунёдан умиди кесилган, фақат шафқатсиз қасос илинжида яшаётган бундай жабрдийдалардан ҳар нарсани кутса бўлади. Аммо... наҳотки, қаршисидаги бу асира шу пайтгача ўз номусини бутун сақлаб келаётган бўлса?

Айни дамда Низомжоннинг бутун борлиги ёввойи бир истак чангалида қовурилмоқда эди. Бу кучли истак ҳатто ўлимни ҳам писанд этмайдигандек кўринарди. Шу сабаб, фавқулодда чаққонлик билан Заранинг қўлидаги пичоқни тортиб олди.

— Зара, мен сени ёқтириб қолдим. Ишон, сенга ҳеч қандай ёмонлигим йўқ. Сени ҳатто чертмайман ҳам. Ахир, менгача...

Зара яна ўзини четга олди:

— Билувдим, сен ҳам шу ваҳшийлардан бири эканингни,  
— қаршисидаги барваста йигитга кучи етмаслигини тушундими, бурчакка тиқилганча, юзларини беркитиб ҳўнграб юборди Зара. — Сенлар одаммассан! Илойим, барингни ер ютиб кетсин!

Қизнинг кўзларидан оқаётган шашқатор ёш фаввораси Низомжонга қўшиб, бир ожизани ҳам ямламоқчи бўлган эҳтирос оташини бир зумда ўчирди-қўйди. Умрида бундай ҳолатга дуч келмаган Низомжон енгил уф тортиб, эски, ёғоч стулга омонат илинди.

— Мусулмонлар учун ор-номус, иффат қанчалик муҳим бўлса, биз — язиийлар учун ҳам шунчалик муҳим, — деди Зара ҳамон ўтирган жойидан жилмай. — Язиий қизлар ўз иффатини душманга бахш этгандан кўра ўлимни афзал кўради. Шу пайтгача қанча она-сингилларимиз ўз жонига қасд қилганини биласанми? Мен ҳам уларнинг биттасиман. Анави чол ҳам, аввалига ялиниб-ёлворди, кейин қўрқитишга ўтди. Мен эса, тўғрисини айтдим. Чунки номусимдан бўлак йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ бу оламда. Ахийри ниятига етолмаслигини билиб, мени бозорга опчиқди ва акангга икки юз долларга пуллади. Хайриятки, аканг менга қўл теккизмади. Сени илк бор кўрганимдаёқ очиқўнгил, шафқатли йигит деб ўйлагандим... Лекин... сендақалардан шафқат кутиш илондан шакар кутишдек гап...

— Бас... — Низомжон янада қаттиқроқ гапириб юбормаслик учун лабларини тишлиди. — Сенга тегмайман. Фақат акам келса... билмадим...

\* \* \*

...Низомжон икки қарама-қарши ҳис қуршовида қолганди. У истайдими-йўқми, энди шу “давлат”нинг тенг-хуқуқли вакили, ундаги қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш баробарида мавжуд имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли. Айни пайтда Зара унинг қонуний мулки. Нега унинг дағдағасию кўз ёшлирига қараб ўтириши керак? Жонини хатарга қўйиб, онасидан, Ватанидан юз ўгириб шу ергача келдими, нега бу ердаги

## Рустам ЖАББОРОВ

“ҳақ-ҳуқуқ”ларидан фойдаланмаслиги, ўз эҳтиёжларини қондирмаслиги керак? Ҳозир унинг ўрнига акаси бўлганида, бу ожизанинг оҳу зорига қулоқ осиб ўтирармиди? Аллақачон...

Шу аснода унинг юрагида яна бир исёнкор куч фарёл сола бошлади:

“Эй инсон фарзанди! Сен қаерда, кимларнинг ичида бўлсанг-да, инсоний қиёфангни йўқотмаслигинг лозим. Инсон ўзи билмаган ҳолда, дунёнинг турли нуқталарида, турли миллатда, турли муҳитда туғилади. Бунинг учун кимдир кимданdir устун саналмайди. Қаршиингдаги бу ожиза ҳам сен сингари одам. Фақат вазият сени унинг устидан ҳукмрон қилиб қўйди, холос. Бир зум сен ўзингни унинг ўрнига қўйиб кўр. Ахир, унинг гуноҳи нима? Унинг ҳам яшашга, бу ҳаётнинг завқидан, гўзаллигидан баҳра олишга ҳуқуқи бор-ку? Унинг номусини булғаб нимага эришасан? Бир неча лаҳзалик фароғатинг бир жоннинг уволига арзирмикан?”

...Ярим тунгача Низомжоннинг уйқуси келмади. У ҳамон ўз нафси билан тинимсиз олишар, қўшни хонада ётган соҳибжамолнинг оғушига отилишдан аранг ўзини тутмоқда эли.

Барibir ёввойи истакка бас келолмаслигини англадими, ўрнидан туриб, ташқарига қулоқ тутди. Олис-олислардан ўқ овозлари, аҳён-аҳёнда шаҳарни айланиб юрган миришабларнинг номаълум тиллардаги мулоқоти қулоққа чалинади.

Низомжон кўйлагини елкасига илиб, оёқ учида қўшни хонанинг эшиги ёнига яқинлашди. Эшик тирқишига секин қулоқ тутди. Сукунат...

Юрак ютиб, оҳиста эшикни чертди. Жавоб бўлмагач, ихтиёrsиз суратда эшикни ичкарига итарди. Не ажабки, эшикнинг илгагини тушириш Заранинг ёдидан кўтарилиган кўринади. Дафъатан унга пешвоз чиққан

кумушрунг ёedu унинг қорониликка кўнишиб колган кўзларини қамаштириб қўиди. Бир неча сониядан сўнг, рўпарасидаги соҳир манзара қаршисида тош қотди.

Ташқаридан тушаётган ой нури эски каравот устида ором олаётган малакнинг очиқ танаси устида беармон ёйилган-да, унга янада бетимсол сайқал бағишлаган, очиқ деразадан мўралаётган тўлин ой ҳам уйқудаги гўзалга мафтун бўлганича, кўкда муаллақ қотган, гўёки саноқсиз нурли панжалари ила бу кумуш вужудни эркалашдан чандон ҳузур олаётган эди.

Низомжон аввал кўзларига ишонмади. Кейин бу жаннатий манзара шуурига чуқурроқ сингани сайин қони гупуриб, яна боягидек телбавор ва лаззатбахш бир ҳис асирига айланиб бораётганини пайқади. Ақл амрига зид ўлароқ, каравот томон бир-икки қадам босди. Шоҳ хазинасига тушган ўғридек жон ҳовучлаб атрофга олазарак боқди.

Қиз ўз ҳолидан бехабар маст уйқуда ётар, қуюқ киприклари бир-бирига маҳкам чирмашиб кетган, узун кокиллар ўз соҳибасининг очиқ кифтини беркитмоқчи бўлгандек паришон сочилган, нафис лаблари нимадир демоққа чоғлангандек, ярим очиқ ҳолда ҳаракатсиз қотганди...

Инсон боласини ақлдан оздиргудек бу жонсўз сурат олдида Низомжоннинг тиз чўкишдан ўзга иложи қолмаганди. Шу топда хоин юраги уни қўлга тушириб беришни истаётгандек, ўз қафасини гурсиллатиб тепаётганини сезди. Қўрқа-писа, эгасидан ўғринча бўса узатиб турган қирмизи лаблар узра энгашди.

Шу топда унинг жисму жони қудратли ҳирс гирдоби чангалида чирпирак бўлиб айланаётганини сезди. Аммо...

— Нима қиляпсан? Жинни бўлдингми?!

— Ана шу қичқириқдан сўнг юзига совуқ сув

## Рустам ЖАББОРОВ

урилгандек сесканиб, ўзига келди. Ақли ҳушини бир жойга тўплаб олган кез Зара бўйнигача чойшабга ўралганча, каравотнинг четида қурқув ва ҳадик тўла кўзларини жавдиратиб ўтиради.

— ...Майли, — деди бироздан сўнг йигит яна ортга чекиниб, — шунчаки... сендан бир хабар олмоқчи бўлиб киргандим. Майли... я... яхши ётиб тур... айтганча, эшик...ичкаридан қулфланади.

Низомжон ташқарига чиқиши билан ичкаридан эшик зулфинининг шиқирлагани эшитилди.

\* \* \*

Эртаси куни хизматга — Раққа қамоқхонасига борганида, сафдошлари унинг жигига тегишли:

- Ҳа, куёвбола, жорияли бўлибсиз, муборак бўлсин?
- Кечаси билан малъуна язидийнинг жонини олдингми?
- У сенинг жонингни олай депти-ку, кечаси ухламагингдан кўзларинг қизариб кетибди.

Қамоқхона катта бўлгани учун ҳамиша унинг эшиги олдида уч-тўртта қўриқчи туар, кечаси бошқа гуруҳ келиб қўриқлар, лекин ҳамма хизматдошлар бир-бирини танирди. Лекин акаси унга жория совға қилгани бу ерга қачон, қандай етиб келганини Низомжон тушунолмади. У бу “давлат” мулоғимлари, ҳарбийлари орасида ахборот алмашинуви пухта йўлга қўйилганидан Низомжоннинг хабари йўқ эди. Ҳолбуки, бу ерда наинки ҳар бир қуролли аскар, балки оддий фуқаролар, маҳбуслар ва жориялар устидан мустаҳкам назорат ўрнатилганини билмасди. Зоро, асирга олинган қиз-жуvonларнинг ёши, гуруҳи, кимга, қачон ва қанчага сотилгани ёки ҳадя қилингани ҳақидаги қайдлар ягона маълумотлар базасига киритиларди.

Бинобарин, Исомиддиннинг “Қүш бозоридан” икки юз долларга жория харид қилгани, уни укасига ташлаб, ўзи Найнавога “хизмат сафарига отлангани ҳақидаги узунқулоқ хабарлар Низомжон ишлайдиган маҳкамага ҳам етиб келганди.

— Жориянгни бизгаям бериб тур, — деди Абу Саъд исмли покистонлик сафдоши инглизчада чайналиб. — Эртага бус-бутун қайтариб оласан!

Низомжоннинг қони қайнади. Кўз олдида мана шу қоп-қора, башарасини жун босган жангари қаршисида титраб-қақшаб турган Зара келдию, Абу Саъднинг юзига мушт туширишан ўзини аранг тийиб қолди.

Бир язиий қизни деб “биродар”ига мушт кўтариш бу “жамият”да яхшиликка олиб келмайди.

— Айтганча, ҳозир бизни қатлгоҳга, жамоат тартибини сақлаш учун олиб кетишади, — деди яна бир сафдоши, Абу Убайд исмли ливанлик новча, рангпар жангари.

— Кеча, Жараблусда мужоҳидлар орасига кириб олган бир рус жосусини ушлашибди. Ярамас икки йилдан бери ўзини “халифалик”ка содик кўрсатиб, бизнинг сиримизни кофирларга етказиб юрган экан...

\* \* \*

Қатлгоҳда одам жуда кўп эди. Низомжоннинг эсида: агар қишлоқларида ит уриштириш, хўroz уриштириш, кураш, дор ўйини каби томошалар ўtkазиладиган бўлса, қишлоқ марказидаги майдон ана шундай тумонат одамга тўлиб тошарди. Аммо бу ерла хўroz ё қўчкор уриштирилса қанийди? Тирик одам бошқа одамларнинг кўз ўнгида ўликка айланади. Наҳотки одамзот бир-бирининг ўлимини кўришга шу қадар иштиёқманд бўлса?

Йўқ, бу ерга келганиларнинг ҳаммасини ихтиёрий томошабин атамоқ инсофсизлик. Гоҳида мужоҳидлар

## Рустам ЖАББОРОВ

атайин мактаб ўқувчилари, оддий ишчилар, уйида ўтирган одамларни ибрат олишлари учун ана шундай шафқатсиз томошаларни кўришга ҳайдаб келишади. Айрим асаби бўш одамлар бундай қонли томошаларга бардош беролмай дод солишади, ҳатто ҳушларини йўқотганлар ҳам бўлади.

Мана, яна бир банданинг куни битган кўринади. Майдон марказида турган кунда ва унинг ёнига қазилган тизза бўйи чуқурга қараганда, бу галги маҳкум ўтган сафарги имомдек юқори рутбага эга бўлмаса керак, деган хаёлга бориши мумкин. Уни ҳар қалай дорга тортишмайди, калласини узид қўя қолишади.

Шу пайт атрофдан одамларнинг шовқин сурони, “Аллоҳу акбар” деган хитоблар эшитила бошлиди. Низомжон елкасига осилган автоматни тўғирлаб, ҳушёрикни оширди. Мана, юзига ниқоб тақсан иккита мужоҳид кўзлари боғланган, узун бўйли, эгнига сабзиранг, футболкага ўхшашиб либос қийган маҳкумни олиб келишди. Бояқиши... ўз ўлими сари оёқларини базур судраб келмоқда эди. Маҳкум Низомжондан бир неча қадам нарида келиб тўхтади ва бошини кўтариб атрофга аланглади. Мана, унинг ҳаётга сўнгги бор жавдира боқаётган оч нигоҳлари одамларнинг маъносиз чеҳраларидан сирғала-сирғала Низомжонга келиб тўхтади. Худди шу аснода Низомжонни чақмоқ ургандек бўлди. Ахир, бу...

— Марат!..

Низомжон ўз овозини ўзи аранг эшитгандек бўлди. Марат — рус жосуси? Йўқ. Бу бўлиши мумкин эмас. У шу пайтга қадар Марат сиймосида арслондек бавқувват, жиҳод учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган шерюрак мужоҳидни кўрарди.

Беихтиёр у билан кечган илк учрашув дақиқалари, Қозонда, Равшан ҳожининг битмаган кошонасида

кечган мубоҳаса, Фозиантепда Аслан ва Тариэл билан тортишган пайтлари эсига тушди. Низомжон охирги марта Маратни Жараблусдаги лагерда кўрган, уни ўша ерда олиб қолишганди.

Ундан сал олдин бўлиб ўтган мунозара ҳам Низомжоннинг кўз ўнгидан кетгани йўқ. Ўшанда Низомжон ундан “сен шуларнинг ишларини тўғри деб биласанми?” деб сўраганида, Марат нақ ёқасига чанг солган” мендан гап олмоқчи бўляйсанми?” деб илдао қилганди. Демак, ўшанда хитлангани бежиз эмас, ҳар қадамини ўйлаб босиб юрган экан-да?

Бундан чиқди, у то шу кунга қадар Россия разведкасига хизмат қилиб келган. Нега унда қанча-қанча одамларни йўлдан уриб, “халифалик”ка одам ёллаб юрган Равшан ҳожини қўлга туширишда ёрдам бермади экан? Агар орган ходими бўлса, унда нега ўшанда Равшан ҳожининг гапи билан бола-чақасини боқиши учун ёт ўлкаларга иш излаб келган Ортиқали акадек мўмин, беозор одамни йўқ қилиб юборди?

\* \* \*

Марат бир неча сония Низомжоннинг кўзларига тикилиб қолди. Низомжон бу ўткир нигоҳларга кўп бор тўқнаш келган, баъзида бу қарашларга узоқ дош беролмай кўзини олиб қочарди. Ҳозир эса... негадир икковиниг нигоҳлари кўринмас ришталар орқали туташиб кетгандек эди.

Ҳа, Марат бу қарашлар билан унга ниманидир англатишга уринар, аммо Низомжон буни англамоқдан ожиз эди.

Мана, юз-кўзларини қора ниқоб чирмаб ташлаган, алпкелбат жаллод узун дудама ханжарини офтобда ярқиратиб турибди. Бироздан сўнг мана шу пўлат тиф

содир этиши мумкин бўлган даҳшатни кўз олдига келтириб, Низомжоннинг бутун вужуди муз қотгандек бўлди.

...Хулди тунов кунгидек, аввал маҳкумнинг айби ўқиб эшиттирилди. Олдингидаи фарқли ўлароқ бу гал ҳукм араб ва рус тилларида ўқилди. Низомжон минбарда ёйма-ён турганча ҳукмномани ўқиётган икки нусхани бир қарашдаёқ таниди: қоп-қора, семиз мужоҳид Жааблусдаги ҳарбий лагернинг бошлиғи Абу Ҳошим Тунисий, шериги малласоқол Абу Довуд Шишоний эди.

Аввал Абу Довуд узун бир сурани ўқиб, кейин маҳкумнинг қилмишларини баён қилди. Навбат Абу Довудга келгач, у чамаси шериги ўқиган айноманинг русча таржимасини ўқиб эшиттирди.

— Муҳтарам жамоат, азиз биродарлар! — деди Абу Довуд маллатоб соқолини диркиллатиб. — Муаззам “давлат”имиз ҳудудига дину диёнатимизни сақламоқ ва куфр олами ила курашмоқ учун дунёнинг турли нуқталаридан иймонли, ғайратли ёшлар кириб келаётгани ҳақиқат. Аммо улар орасида ўзини дўст, мусулмон кўрсатиб, аслида куфрга хизмат қилмоқ учун бел боғлаган нокасу ножинслар ҳам кўп. Ана ўшалар ҳақиқий мунофиқлардир. Улардан бири мана, қаршингизда турибди. Текширувларимиз давомида бизнинг “муқадас халифалик давлати”да “Абу Ади Тоторий” номини олган бу ғаддор аслида Россиянинг Федерал ҳавфсизлик хизмати лейтенанти Марат Гарифуллин экани ойдинлашиди. У Татаристондаги масъул кишиларимизнинг ишончига кириб, зарур маълумотларни ФСБга етказиб турган. Сўнг ўзини бизнинг давлатимизга содик кўрсатиб, Туркия орқали Жааблусга кириб келган. Ҳалабдаги бир қатор ҳарбий объектларимиз, аскарларимиз ва қурол-

яроғларимиз миқдори, сағимизда жиҳод қилаётган россиялик биродарларимизнинг фаолияти ва бошқа муҳим маълумотларни интернет ва бошқа воситалар ёрдамида ўзининг коғир раҳбарларига етказган. Сўнгги уринишлари чоғида рад этиб бўлмас далиллар билан қўлга олинган. Бу малъуннинг кирдикорлари Ҳалаб вилояти шаръий маҳкамаси томонидан ўлим жазосига мувофиқ топилди. Ҳукм қатъий ва шикоятга ўрин йўқ. Қасос – Ҳақдандир! Аллоҳу акбар!

Яна атрофни турфа тиллардаги хитоблар ва такбир садолари босиб кетди. Низомжон ҳамон қўрқув, ҳадик ва алланечук ачиниш ҳисси билан Маратга боқиб турарди...

### *2014 иил, марта, Қозон...*

...Ўша куни Раҳимшо Богородское туманида “товуқ ферма” очган бир ҳамюртининг уйидаги зиёфатдан қайтмоқда эди. Зиёфат ярим тунгача давом этди. Раҳимшо ижарага олинган “Мерседес-600” машинасида Қозонга олиб борадига M7 трассасига чиқиб олганида машиналар қатнови сийраклашган, аҳён-аҳёнда катта юк машиналари учраб қолар, бу фавқулодда сокинлик Раҳимшонинг қалбида бемаъни ҳадик туғдира бошлаганди.

Раҳимшо Қозонга яқиндагина келган, унга бу ерда истиқомат қиласидиган, “халифалик”ка хизмат этиши мумкин бўлган одамларни излаб топиш ва уларни ёллаш вазифаси топширилганди. Раҳимшо ҳамма жойда ўзини Эркин сезар, “дум орттирмаслик” учун такси ёллашни ёқтирмас, яхшиси, турли фирмалардан машина ижарага олиб, ўз ишини мустақил битиришни хуш кўрарди.

Богородскоедаги эски танишини йўлга солиш унча қийин кечмади. Катта пулнинг дарагини эшитиб, фермернинг иштаҳаси очилди. Фермасига келиб

ишлийдиган, оғзи маҳкам, динга мойиллиги бор “муҳожир”ларни “муқаддас сафар”га тайёрлашни ўз бўйнига олди.

Агар Қозонда анчагина танилиб қолган эски таниши Равшан ҳожини ҳам илинтиrolса, бехавотир раҳбарлари ҳузурига қайтаверса ҳам бўлаверади.

Равшан ҳожи ҳақида зимдан маълумот тўплашга кириши: Қозонда ўз ўрнини топиб, яхшигина пул топаётган бўлса-да, бегона шаҳарда ўзини хийла ёлғиз, ҳимоясиз сезади, таниш-билишлари кўп бўлса-да, ишончли ёрдамчига муҳтоҷ. Лекин синалмаган отнинг сиртидан ўтмайдиганлар хилидан.

Волга дарёси устидан ўтадиган кўприкка яқинлашган пайтда пешойнадан изма-из келаётган “БМВ”ни кўриб, хаёли бўлиниди. Юрагидаги хавотир тумани қуюқлашди. Машина чироқлари тўхтаи сигналини бера бошлаганди.

Ортидаги машина ичида ким бўлса ҳам нияти яхши эмаслигини ҳис қилган Раҳимшо тезликни ошириди. Аммо ортидан келаётган машина тезликни ундан ҳам ошириб, “Мерседес”ни қувиб ўтди ва кўприк тепасига бориб, йўлда кўндаланг тўхтади. Раҳимшонинг тормозни боєишдан бошқа чораси қолмаганди.

“БМВ”дан ярим кеча бўлса-да, кўзига қора кўзойнак қўндириб олган, бири пакана, семиз, иккинчиси новча – икки нафар тақирбошининг чиқиб келаётганини кўрган Раҳимшонинг нафаси ичига тушиб кетди. Зотан, бундай кўринишдаги кимсаларнинг кимлигию уларнинг мақсади нималигини у яхши биларди. Тўғри, шу пайтгача у қанча-қанча гуноҳкор-гуноҳсизларни киприк қоқмасдан нариги дунёга жўнатиб юборган. Аммо унинг ўзи ўлимдан зир титрарди.

– Қаёққа шошиляпмиз, – деди семиз тақирбош “Мерседес”нинг олд эшигига бош суқиб. – Қани, бу ёққа чиқсинлар, жаноб.

Раҳимшо чўнтагини ковлаштириб, бор пулини чиқарди:

— Уттиз минг рубль, — деди пулни пакана тақирбошга узатаркан. — Бори шу! Илтимос, уйга тезроқ боришим керак. Шошиб турибман.

Семиз пулни салмоқлаб кўраркан, кулимсиради.

— Ўттиз минг? Витась, бу пулга шаурма берадими ҳарқалай? — у хунук тиржайди-да, пулни кўкрак чўнтаига солиб, яна Раҳимшога ўгирилди. — Чик бу ёққа! Ё ўзим суфуриб олайми?

Раҳимшо итоаткорлик билан машинадан чиқди:

— Қуёшли Тожикистондан саломлар, — деди семиз тақирбош ва кутилмаганда, унинг қорнига мушт тушириди. — Ярамас қурумсоқ! Сен келгиндилар бизнинг нонимизни яримта қилиб, ойига миллионлаб топасанлар, лекин бизга атаганларинг чап ичакка юқ бўлмайди.

— Мендан нима истайсизлар? — хириллади Раҳимшо буқчайиб. — Ёнимда бошқа пулим йўқ. Истасанглар эртага етказиб бераман. Фақат... ҳозир қўйворинглар!

— Витась, — деди семиз тақирбош новча шеригини ёнига имлаб. — “Хитлар” пайқамасидан туриб, ҳозироқ манавини бир ёқлик қилиб, ўлигини Волгага улоқтирасан. “Мерс”ини болаларга топширасан, нима қилишни ўзлари яхши билишади. Бу ёғини менсиз ҳам бажара оласан.

Новча тақирбош кўзойнагини ечиб, бир чўнтаига жойларкан, иккинчисидан тўппонча чиқарди.

— Сенлар ўлим олдидан қанақа дуо ўқирдиларинг? “Аллаху акбар”миди? — хунук тиржайди новча.

Раҳимшо қанча инсонларнинг ўлим олдидан талвасага тушиб ёлворишгани, дир-дир титрашларини ўз кўзи билан кўрган, ҳатто бунинг нақадар ҳузурбахш иш эканини яхши биларди. Аммо ўша онда маҳкумлар нимани ҳис қилишини у ўйлаб ҳам кўрмаганди. Жонидан умиди узилган Раҳимшонинг тили калимага

келмай қолганди. Аммо... шу топда мўъжиза юз берди. Кўприкнинг қарама-қарши тарафидан келаётган “Рено” шундоққина йўлнинг нариги тарафида тўхтаб, ундан йигирма беш-ўттиз ёшлар чамаси норғул йигит тушиб келди.

Кейин... ҳаммаси кўз очиб-юмгунча рўй берди. Кутимаганда билагига келиб тушган тепкидан новчанинг қўлидаги тўппонча аввал ҳавога учди. Кейин сониянинг тўртдан бир қисми ўтар-ўтмас, бу хавфли қурол норғул йигитнинг қўлида пайдо бўлди. Шеригининг ҳимоясига ошиққан семиз тақирбошнинг афанаши учун ҳам битта мушт кифоя қилди. Ўзини амал-тақал ўнглаб олган новча тақирбошнинг зарбасига чаққонлик билан чап бериб қолган “халоскор” иккинчи тепки билан унинг масаласини ҳал қилди. Шеригининг устига бориб тушган новчанинг кейинги ҳужумга ҳоли қолмаган, қўрқув тўла кўзларини ногаҳоний рақибиға қадаб турарди.

— Қани, икковинг ҳам аравангга ўтири-да, бу ердан қорангни ўчир, — деди йигит тўппончани босқинчиларга ўқталиб. — Акс ҳолда, пешоналарингдан дарча очишинга тўғри келади.

Раҳимшо табиатан бировга яхшилик қилиб ўрганмаган бўлса-да, сўнгги дамда Яратганинг инояти билан етиб келган бу нажот фариштасига қандай миннатдорлик изҳор этишни билмасди. Икки босқинчи инқиллаб ўрнидан тураётган маҳалда нотаниш йигит Раҳимшога юзланди:

— Сизнинг ҳеч нарсангизга тегишимадими?

Шу пайтгача кўзига омонатгина жонидан бошқа ҳеч нарса кўринмаётган Раҳимшо хавф чекинган онда семиз тақирбошга ўз қўли билан топширган ўттиз минг рублни эслади.

— П... пулим... — деди семиз тақирбошга имо қилиб.  
— Бор пулимни берувдим...

— Бу ипирисқилар мусоғирларнинг ҳам молига, ҳам жонига чант солмоқчи бўлади, — деди йигит ва семизнинг пешонасига тўппончани тиради.

— И.. нима қиляпсан, ўқланган!

— Биламан ўқланганини, — деди йигит тепкини шиқирлатиб, — “Брат”нинг пулини қайтар!

... — Яратганга беадад шукур, — деди ҳамон ўзига келолмаётган Раҳимшо ғаладондан тунука идишли иккита “пепси” олиб, бирини ён ўриндиқда ўтирган халоскорига узатди. — Сиз келмаганингизда, аллақачон дарёning тубида ётган бўлардим, биродар!

— Ажал келганида уни бир соат олдинга ҳам, орқага ҳам суролмайсиз, брат! — деди йигит идиши қопқоғини очаркан. — Яратганинг каломи бу!

— Сизни Роббимнинг ўзи етказди, — Раҳимшо бояги босқинчилардан қайтариб олинган пулнинг бир қисмини санамасдан йигитга узатаркан. — Арзимасаям шуни олиб қўйинг. Бу ёғига ака-ука тутинализ. Мўъмин мўъминнинг биродари, дейдилар!

— Шундоқ, — йигит “пепси” идишини иккинчи кўтаришида бўшатаркан, кафтида ғижимлаб, кейин Волгага улоқтириди. — Мўъминлар бир-бирини керак пайтида ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун ҳақ олинмайди.

Раҳимшо қисқагина танишув давомида йигитнинг асли қозонлик экани, яқинда шаҳардаги “Муҳаммадия” мадрасасини тугатиб, иш қидириб юрганини эшилдию, худди Хизрга дуч келгандек севиниб кетди.

— Сиз менга жуда керакли одам экансиз, — деди Раҳимшо кўзлари чақнаб. — Агар имкони бўлса, телефон рақамингизни берсангиз. Мен Қозонга иш билан келганман. Бу ерда анча пайт қоламан. Ёрдам керак бўлиб қолса...

— Бемалол, — деди йигитча чўнтагидан ёндафтарини

## Рустам ЖАББОРОВ

чиқарып, унга рақамини ёзди ва ўша варақни йиртиб, Раҳимшоға тутқазди. – Исемим Марат! Ҳозир қиладиган ишим йўқ. Ҳар замонда таксишлиқ қиласман. Бирор хизмат бўлса, тайёрман. Мумкин бўлса, сиз ҳам рақамингизни берсангиз.

– Аллоҳ рози бўлсин. – деди Раҳимшо ва қўлидаги варақни иккига бўлди ва бир қисмига ўз рақамини ёзиб Маратга қайтарди. – Қўнғироқлашамиз.

Марат у билан хайрлашаркан, “Мерседес”дан чиқиб, ўз машинаси томон юрди. “Мерседес” кўприк оша шаҳар тарафга учиб кетгач, қўлига телефонни олди.

– Ўртоқ майор, “объект” тузоққа тушди ҳисоб. Йигитлар ҳам вазифани ўта ишонарли тарзда улдалашди. Эртадан ишни давом эттирамиз...

\* \* \*

Россия Федерал хавфсизлик хизмати академиясини битириб, Қозонга, туғилган шаҳрига қайтган Марат ФХХ (ФСБ)нинг ҳудудий бошқармасига эндиғина ишга кирганди.

Марат бу касбни бежиз танламаганди. “Чекистлик” унга қон билан кирганди. Маратнинг ота-боболари ҳам шу тизимда ишлаган. Отаси Биринчи Чечен уруши даврида Грозний яқинида жангариларга қарши ўтказилган ҳарбий операция пайтида ҳалок бўлганди.

Марат болалигидан террорчиларга, экстремистларга нафрат руҳида ўсиб-улғайди. Мактабни битириши билан онасининг қаршилигига қарамай, Москвага ўқишига жўнади. Беш йиллик ўқиш давомида ота касбининг сир-синоатларини етарли даражада ўрганиб қайтди.

Кунларнинг бирида у хизмат қилаётган бўлим бошлиғи майор Георгий Иванович Маратни ёнига чақириб, унинг зиммасига маҳсус топшириқ юкланганини айтди.

— Манави суратдаги одамни яхшилаб эслаб ол, — дея у қошлари қуюқ, қорамагиз, қовоғидан қор ёғиб турган серсоқол одамнинг суратини Маратга узатди майор. — Бу кимса бир ҳафтача илгари Россияга кириб келган. Лақаби “Чүтир”. Тожикистондаги фуқаролик урушининг асосий “фигура”ларидан бири. Хавфли жиноятчи. “Интерпол” томонидан қидирудага берилган. Уни биратўла қўлга олсак, мақсади нималигини билолмай қоламиз. Амаллаб унинг ишончига кириш керак. Бу анча хавфли ва узоқ давом этадиган жараён. Хуллас... раҳбарият сени танлади...

Ҳаммаси ана шундан бошланганди. Кўприк устидаги “маҳсус операция” муваффақиятли якунлангач, Марат Раҳимшонинг ишончли ҳамкорига айланди. Кейинчалик унинг тавсияси билан Равшан ҳожининг гуруҳига кириб олди. Уларнинг мақсадлари, муддаолари ҳақида раҳбариятга маълумот бериб турди.

Равшан ҳожи ва Раҳимшонинг қарорига кўра, “ўлимга ҳукм қилинган” ўзбекистонлик муҳожир Ортиқали Бегалиевни ўлим чангалидан қутқариб, ҳеч кимга сездирмай ўз юртига жўнатиб юборди.

Равшан ҳожининг қўлида ишлаган ўзбекистонлик ака-укаларни “жиҳод”га юбориши ҳақидағи маълумотни раҳбариятга етказган Марат ўша куннинг ўзида янги топшириқни олганди.

— Қандай бўлмасин, улар билан қўшилиб, “муқаддас халифалик давлати” ҳудудига кириб олишинг, у ердан биз учун зарур маълумотларни етказиб туришинг керак. Бу жуда хавфли. Аммо Ватан учун, тинчлик учун, хавфсизлик учун бу вазифани сидқидилдан адо эта олишингга ишонамиз!

Шу тариқа Равшан ҳожи ўзининг ишончли ҳамкорига қўшиб, икки нафар “мужоҳид”ни муқаддас сафарга жўнатганидан мамнун эди. Аммо бу қувонч узоққа

## Рустам ЖАББОРОВ

чўзилмади. Орадан бир ҳафтача ўтиб, Истанбулга қайтмоқчи бўлган Раҳимшони Қозон аэропортида қўлга олишиди. Икки кун ичида Равшан ҳожини ҳам уйидан ушлаб кетишиди.

...Марат ҳаммасини аъло даражада уддалаб келаётганди. Қозонда ҳам, Истанбул ёки Фозиантепда ҳам, ҳатто Ҳалабдаги жангариларнинг раҳбарлари ҳам унинг аслида маҳсус хизмат ходими эканини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Етарли даражада диний билимга эгалиги кўп ҳолларда унга аскотарди.

У Ҳалабдаги ҳарбий отрядларнинг дислокацияси, қурол-яроқ захиралари, қуролли кучлар, энг асосийси, жангарилар сафилаги россиялик фуқароларнинг фаолияти ҳақида маълумотларни зимдан тўплаб юрар, мавридини топиб, уни “марказ”га юборарди.

Кутилмагандан...

“Муқаддас халифалик давлати”нинг контрразведка хизмати ходимлари униг интернетдаги ёзишмаларини пайқаб қолишиди. Кейин у яшаётган квартирадан миникамера, маҳфий маълумотлар жамланган флеш-карта топилдию, ҳаммаси барбод бўлди...

\* \* \*

Нима бўлди? Ҳаммаси тугадими? Ҳа... Мана, жаллод қўлидаги дудами қилич бир силкинди-ю...

– Йўқ! – Низомжон беихтиёр ҳайқириб юборганини ҳам сезмади. Ҳайриятки, оломоннинг ғолибона ҳайқириғи остида унинг нафрат ва даҳшат тўла хитобини ҳеч ким эшийтмади.

...Тўғри, у Марат билан қалин дўст эмасди. Гарчи анча пайт ҳамроҳликда юришган бўлса-да, ораларида бирор унсият пайдо бўлмади. Марат ҳар доим одамлар билан алоқада қандайдир масофа сақлар, ҳамиша ўз

хис-туйғуларини ичида сақлай оладиган, “ичимдагини топ” дейдиганлар хилидан эди.

Аллақачон тириклик дунёсини тарк этиб бўлган бу йигит билан боғлиқ хотиралари шу аснода биринкетин Низомжоннинг кўз ўнгидан ўта бошлади. Мана, Қозонда, Равшан ҳожининг уйида ишлаб юрган кезлари Ортиқали акани қаерга кетганини сўраган пайтда ҳам Марат сир бой бермаган, Низомжоннинг кутилмаган зарбасини усталик билан қайтарган, аммо ўзи ҳужумга ўтмаганди. Ортиқали акани у ўлдирмагани аниқ. Қочириб юборган бўлиши керак.

Фозиантепдаги муваққат бошпаналарида Тариэл Исомиддиннинг бўғзига пичоқ тираганда ҳам Марат келиб қолган ва ака-уканинг жонига оро кирганди. Ўшанда у Тариэл ва Асланга қарата “икковингни ҳам танийман” деганмиди? Ахир, ўша пайтда Низомжон шайтон билан ошна тутинган бу каллакесарларни таниш учун ё уларнинг ҳамтовоғи ё уларга қарши курашаётган ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакили бўлиши лозимлиги ҳақида нега ўйлаб кўрмади?

Нима бўлганда ҳам Марат энди йўқ. У қандай хатога йўл қўйгани Низомжон учун қоронғи. Аммо шуниси аниқки, бу йигит бекорга ўлиб кетгани йўқ. У Худога чин дилдан ишонармиди-йўқми, ўлимидан сўнг жаннатга тушадими ё жаҳаннамга, Низомжон буни билмайди, билолмайди. Аммо шуни биладики, у ўз эътиқодига хилоф иш тутмади. Ўз Ватанини ҳимоя қилиш йўлида бошини тикканди ва шу йўлда қурбон бўлди...

Низомжоннинг... айни ламда Маратга ҳаваси келди. Тўғри, у яшаётган ва хизмат қилаётган тузилмада хоин, муртад, ғайридин ёки жосус сифатида қатл этилганларга эмас, “коғир”ларга” қарши курашиб, “шахид” бўлганларга ҳавас қилинади. Ҳар бир аскар, ҳар бир мужоҳид ўзини ана шундай ўлимга тайёрлаб боради.

Балки Низомжон ҳам бугунми, эртами “сафдошлари” истаган, орзу қилган ўлим билан юзлашар. Аммо унинг ўлими Маратницидан фарқ қиласди. Эҳтимол, Маратни ўз ютида буюк қаҳрамон, довюрак ҳарбий сифатида эсга олишар, балки у ҳақида фильмлар суратга олинар, китоблар ёзилар. Аммо Низомжон ва унга ўхшаганларни ватандошлари Ватан хоини, юртфуруш, дарбадар террорчи сифатида билишади...

Низомжон эс-ҳушини тўплаган онда одамлар тарқала бошлаган, ўзи эса майдон марказида Маратнинг совий бошлаган бошсиз жасади олдида турарди.

\* \* \*

Исомиддин бу “диёр”га келгани учун, мана шу “шараф”га лойиқ кўрилгани учун Яратганга ҳар куни шукроналар ўқирди. Назарида, у ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етган, энг тўғри йўлни топиб улгурганди.

Рост, у ўзига буюрилган, Яратганнинг розилигига Эришириши, жаннатга олиб бориши мумкин бўлган ҳар қандай ишни сидқидилдан ижро этяпти.

У ўз Ватанидан, давлатидан, миллатидан, эски қарашларидан воз кечди. Энди у ҳамма сафдошлари қатори мужоҳид. “Муқаддас халифалик давлати”нинг фидойи аскарларидан бири. Бу “давлат”да унга жуда кўп имтиёзлар берилган. Қўлида автомат. “Давлат” раъйига кўра, мунофиқ, муртад ёки кофир деб тошилган ҳар қандай жиноятчини ўз қўли билан нариги дунёга юбора олади. Тагида машинаси, туар жойи бор. Қўнгли майшатни тусаса, исталган пайтда онаси ўпмаган жорияларни топиб, кўнгилхушлик қила олади. Бордию, паймонаси тўлиб, шаҳид бўлиб қолса, бу дунёда етолмаган роҳат-фароғатни жаннатда топа олади. Ҳар қалай у бунга ишонади.

Кейинги пайтларда укаси Низомжон ҳам тақдирга тан бериб, шу “давлат”нинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилмоқда. Агар худо умрдан берган бўлса, “раҳбар”ларидан илтимос қилиб, укасини ҳам каттароқ лавозимга ўтказиб олар.

Бир ҳафтадирки, у ўз валинеъмати билан Найнаво вилоятининг марказида – Мўсулда ўз вазифасини адо этарди. Бир пайтлар Ироқнинг катталиги жиҳатида иккинчи шаҳри саналган, салкам икки йилдан бери мужоҳидлар ихтиёрида бўлган Мўсулга кейинги ойларда ироқлик ва америкалик ҳарбийларнинг ҳужуми тинмай қолганди. Яқиндаги ҳаво зарбалари натижасида Найнаво вилояти ҳарбий қўмондонлигининг маъмурий биноси ер билан яксон қилинган, раҳбарларнинг кўпчилиги йўқ қилингани учун “шариат кенгаши” томонидан вилоятга янги раҳбарлар тайинланганди.

Ички тартибларга кўра, “давлат” раҳбарлари вилоятлардаги аҳволни текшириш учун тез-тез ўз тафтишчиларини юборишарди. Исомиддиннинг бевосита раҳбари бўлган Абу Абдулло кенгаши топшириғига биноан Найнаво вилоятига юборилган, қоидага кўра, Исомиддин – Абу Ҳасан унга ҳамроҳлик қиласарди.

Бир пайтлар Дайр-аз-Зор ва Найнаво вилоятлари ҳудуди икки мамлакатга тегишли бўлиб, уларни давлат чегаралари ажратиб турарди. Эндиликда ҳар икки вилоят битта “давлат”га қарайди. Биридан иккинчисига фақат “шаръий полиция” постидан ўтиш кифоя.

Ироқ ҳукумати пайтида бу вилоят қай даражада фаровонлигини айтиш мушкул. Аммо айни дамда ҳаёт ўта қийинлашиб, аҳоли зўр-базўр кун кечирар, бир тарафдан ҳаво зарбалари, қуролли тўқнашувлар, иккинчи тарафдан янги “давлат”нинг қонун-қоидалари одамларни жонидан тўйдирив юборганди.

Дажла дарёси қирғоғидаги қадимий Мўсулда бир

## Рустам ЖАББОРОВ

пайтлар икки миллионга яқин аҳоли яшарди. Шаҳар мужоҳидлар қўлига ўтгач, аҳолининг чорак қисми қочиб кетди. Эндиликда қочиш ўлим билан баравар бўлиб қолганди. Шаҳарни рухсатсиз тарк этишга уринганлар хони сифатида шафқатсиз жазоланади. Омади чопғанларгина қамоқقا тушишади, қолганлар эса аёвсиз қатъ этилади.

Ўша куни Абу Абдулло ва унинг ёрдамчисини вилоятнинг янги расмийлари катта иззат-ҳурмат билан кутиб олишиди ва бундан икки йилча илгари америкалик ҳарбийлар турган Дажла соҳилидаги қароргоҳга жойлаштиришиди. Гарчи қароргоҳнинг бир қисми ракета зарбасига учраб, вайронага айланган бўлса-да, қолган жойларига унча шикаст етмаган, ҳар қалай уруш шароитида “олий мартабали меҳмонлар”нинг кўнглини овлашга кифоя қиласди.

Исомиддин ўнтacha сурा билан беш-олти арабча калимани чала-чулна ёдлаб олганини айтмаса, арабчани деярли тушумайди. Шу сабабли раҳбари ким билан нима ҳақда гаплашиди, нималарни сўраб-суриштириди, нималарни текшириди – умуман фарқига боргани йўқ. Фақат мошгуруч соқолини тутамлаб гапирадиган волий Абу Мусо Найнавийнинг гуноҳкор оҳангда, қўлини кўксига қўйиб гапиришидан тушундики, “устоз”и маҳаллий раҳбарларнинг анча-мунча хато ва камчилигини топган кўринади.

Кечга яқин қароргоҳда меҳмонлар шарафига катта зиёфат берилди. Дастурхонга маст қилувчи ичимликлардан ташқари ҳамма ноз-неъматлар тортилди. Исомиддин айрим лаззатли таомларни умрида емаган, номини ҳам билмасди. Зиёфат сўнгида волийнинг кўрсатмаси билан “захира”да сақланаётган тўрт-беш нафар жория ҳам келтирилди. Улар асосан шиалар ва язидийлар яшайдиган ҳудудлардан асири олиб келтирилган эди.

Исомиддин бундай имкониятни қўлдан бериши мумкини? У танлаган қиз Доҳук курдларидан бўлиб, ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган гўдак экан. Қароргоҳ яқинидаги масжиддан бомлод азони эшитила бошлаганда, туни билан ит азобини бошидан кечирган нозиккина қизча аллақачон ҳушини йўқотиб бўлганди.

...Масжиддан чиқишаркан, Исомиддин ўз “хожаси”нинг юзидағи мамнунлик аломатларини дарҳол пайқади.

— Тақсир, Раққага қачон қайтамиз? — сўради шағал тўкилган торгина йўлдан ўз қароргоҳларига кетиб боришаркан.

— Раққага бориш қочмас, — деди Абу Абдулло хотиржамлик билан. — Уч-тўрт кун майшатимизни қилсак ёмон бўлмас. Мен бу мўсулликларни яхши биламан: одамничув туширишга, ёлғонни сув қилиб ичишга уста бўлишади. Ўзларича қулогимга лағмон осишга уриниб кўришяпти. Овора бўлишади. Бу қари туллак ҳали волийлик курсисига ўтирганига кўп бўлмай, анча-мунча даромадни ғазнадан бекитишга уриняпти. Мен бўлсан, айбини юзига шартта-шартта айтиб ташладим. Агар унинг қилмишларини “шариат кенгаси”га етказадиган бўлсан, калласини сапчадек узишади. Шунинг учун ҳозир менга бутун борини беришга тайёр. Фақат эсингда тут, бу ерда кўрганларинг ҳақида оғиз очмайсан.

Исомиддин қисқа пайт ичида Абу Абдуллонинг ишончига кириб бўлганди. Шундай бўлса-да, эҳтиёт шарт сифатида эслатиб қўйяпти.

“Устозу шогирд” шу тариқа бир ҳафтача Мўсулда қолиб кетишиди. Бироқ меҳмондорчилик тартиби деярли бир хил тартиб асосида давом этди. Уч маҳал шоҳона зиёфат, кечқурун янги-янги навниҳол жориялар...

Охирги куни Найнаво волийси Абу Мусо “тафтишчилар”ни “пойтаҳт”га кузатаркан, серсоқол

юзидағи сохта илтифот ифодасини үқишиң қийин әмасди. Волий “амир ал-мұмінин” нинг топшириғига асосан ташриф буюрган вакилларни мәҳмөн қилиш шарафига мұяссар бўлганидан “боши осмонда” эканини айтиб, зарҳал матога ўроғлик алланимани “олий мартабали мәҳмөнлар” олдига қўйди.

— Бу нима? — деди Абу Абдулло қовоғини очмасдан.  
— Пора эмасми?

— Астағфируллоҳ, — ранги оқариб кетди волийнинг. — бу ҳадя, чин кўнгилдан ҳадя, қўлимизни қайтарманг. Вилоятимизга қачон ташриф буюрсангиз, биз ҳамиша хизматингизда бўламиз.

— Ол, машинага ташлаб қўй, — деди кўзининг учи билан “ҳадя”га имо қилиб Абу Абдулло.

Волийнинг хос аскарлари зирҳли машиналар қуршовида мәҳмөнларни то вилоят чегарасига қадар кузатиб қўйишди. Полиция постидан ўтиб олишса, у ёғи “пойтахт”гача икки соатлик йўл қолади.

Хайрият, Абу Абдуллонинг ҳарбий либосига қадалган маҳсус нишонни таниган полициячилар машинани текшириб ўтиришмади. Пост орқада қолиб кетгач, Абу Абдулло волийнинг ҳадяси — зарҳал ўрамни очиб кўрди. Пешойнадан ўз хожасининг қўлидаги доллар тахламларини кўриб, рулда кетаётган Исомиддиннинг кўзлари ўйнаб кетди. Ҳаяжон билан газ тепкисини қаттиқроқ босиб юборганини сезиб, тезликни меъёрига келтирди.

— Эллик минг “кўки”да, — деди Абу Абдулло мийигида илжайиб. — Волий ўзича мени қўлга туширдим деб ўйлаяпти. Чучварани хом санабсан, қари тулки!

Шундай дея қўл телефонини олиб, алакимга қўнғироқ қилди. Исомиддин йўлдан кўз узмай кетаркан, ўз раҳбарининг нима қилаётганини умуман тушунмасди. Абу Абдулло пулни қанчалик яхши кўришини билади.

Аммо наҳотки бу пулни ҳам ким биландир бўлишмоқчи бўлса? Дарвоқе, бу пулга унинг ҳам ҳаққи бор, ахир волий бу ҳадя икки кишига деб берди-ку? Наҳотки, ҳаммасини “муҳтарам устоз” осонгина чўнтакка уриб кетаверса?

— Тақсир, энди раҳбариятга қандай ҳисобот берасиз? “Ҳаммаси жойида экан” дейсизми? — сўради Исомиддин “хожаси”нинг телефон сұхбати ниҳоясига етгач.

— Сен мен ҳақимда нотўғри ҳукм чиқарибсан, — деди Абу Абдулло машина ойнасидан сирғалиб ўтаётган тақир далалардан кўз узмай бораркан. — Мен бу пулларни кенгаши раиси муовинига шундоқ топшираман-да, у ердаги асл ҳолатни очиқ-ойдин айтиб бераман. Қўлимда ҳамма ҳужжатлар турибди.

Исомиддин “хато эшиитмадиммикин” дегандек алланглаб, ортига ўгирилди. Унинг қарашларидағи тараддуудни англаған Абу Абдулло мугомбирона илжайди.

— Бу қари иблис эллик минг долларни қўлимга қуртдек топшириб, ўзи индамай ўтиради, деб ўйлайсанми? Унинг ҳам “тепа”да ўз ишонган одамлари бор. Уларга қўнғироқ қилиб, ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бўлган. Лекин у шохида юрса, мен баргода юраман. Шу боис ўзим ҳамма гапни “тепадагилар”га етказиб қўйдим.

...Абу Абдуллонинг шубҳаси бежиз эмасди. Аммо ақли уни муқаррар ҳалокатдан асраб қолди. Чиндан ҳам Найнаво волийси Шариат кенгашида ишлайдиган жиянига қўнғироқ қилиб, пойтактдан борган тафтишчи уни ишдан бўшагтириш таҳдиidi билан қўрқитиб, эллик минг доллар олиб кетгани ҳақида маълумот беришга улгурганди.

Бироқ Раққага келмасидан тафтиш натижалари хусусида раҳбариятга маълумот беришга улгурган Абу Абдулло шаҳарга кириши билан тўғри кенгаши раиси муовини ҳузурига йўл олди ва волийнинг “ҳадя”сини

тўлалигича унга топширди. Шундан сўнг вилоятда қисқа вақт ичидаги йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам очиб ташлади.

Алалоқибат, ўша куни волий ҳам “давлат” мулкини ноҳақ ўзлаштириш, ҳам пора беришда айбланиб, ҳисбга олинди. Ундан далилий аниё сифатида олинган пул эса, “ҳалоллиги” ва “адолати” учун Абу Абдуллонинг ўзига қайтарилиди.

— Мана кўрдингми? — деди Абу Абдулло Исимиддин билан ёлғиз қолишгач, унга бир тахлам пулни тутқазаркан, — буни “тактика” дейишади. Агар сен айтганек, “еган оғиз уялар” деб, пулни чўнтакка уриб, лабимизга кесак сурганимизда, иккимизнинг ҳам ҳолимизгавой бўларди. Ҳам пулдан, ҳам жондан айрилардик. Энди пул ҳам, жон ҳам фойдага қолди.

\* \* \*

Кекса волийни узоқ йил зинданда тутишадими, терисини шилишадими, бошини узишадими, Исимиддинга фарқи йўқ эди. Энг муҳими, у бир ҳафта мириқиб келди. Бунинг устига нақд ўн минг ундириди. Қанийли, бу пулнинг лоақал ярмини онасига жўната олганида эди. Ахир, у шўрлик ҳалиям “болаларим Россиянинг олис ўрмонларида ёғоч кесиб юрибди” деб ўйласа керак...

Устозини манзилига ташлаб, машинасида хушҳол кайфияида ўз уйига қайтаётганда, беихтиёр бир ҳафта илгари укасига сотиб олиб берган язидий қиз эсига тушиб, Исимиддиннинг оғзи сувланди. Тўғри, у сафарда ҳам тинч юргани йўқ. Аммо барибир ўрганган кўнгил-да!

Бир ҳафтанинг ичидаги Низомжон бу қиздан безиб ҳам улгурган бўлса керак. Бугун укасини ётоғига жўнатиб, ҳалиги жория билан бирга тонг оттиради. Ёқса, яна

бир икки кун уйида сақлаб, кейин яна бозорга чиқарып сотиб юборар...

Ярим вайрона уйининг йўлаги олдида асли қирғизистонлик бўлган таниш мужоҳидни кўриб тўхтаб саломлашди.

— Абу Ҳасан, қаерда эдинг? — сўради мужоҳид уни таниб. — Уйингда уканг битта жория билан турармиди?

— Ҳа, сен қаердан биласан? — сўради Исомиддин кўнглига хавотир оралаб. — Тинчликми?

— Укангни кеча ушлаб кетиши. Билишмча, қанақадир ёмон ишга қўл урганга ўхшайди. Эрталаб шариат полицияси ходимлари уйни қуршаб олиши. Укангнинг қўлига кишан солиб, маҳбуслар машинасига тиқиб кетиши.

— Нима? — Исомиддин шоша-пиша қўлидаги телефонни олиб, Абу Абдуллога қўнғироқ қилди, аммо жавоб бўлмади. Шартта машинасига ўтириди-да, шаҳар полицияси маҳкамаси томон учирив кетди.

Бир томони қорайиб кетган, пештоқида қора байроқ илинган маҳкамама олдидаги қуролли аскар Исомиддинни синчиклаб кўздан кечиргач, аввал арабча, кейин русчалаб, унинг мақсадини сўради. Исомиддин амаллаб келишдан мақсадини баён қилганидан кейин, аскар қўлидаги рация орқали ичкаридаги маъмурларга араб тилида вазиятни маълум қилди.

Орадан икки дақиқа ўтгач, Исомиддин маҳкаманинг русийзабон зобити ҳузурида ўтиради.

— Демак, сиз Абу Ҳусайн Ўзбакийнинг акаси бўласиз, шундайми? — сўради қисиқ қовоқлари орасидан шафқатсизлик ёғилаётган ўрта ёшли зобит Исомиддинга синчковлик билан тикилиб. — Укангиз оғир жиноятга қўл урди. Ҳақиқий мусулмон киши табиатига хилоф иш тутди. Биласиз, бизда муртадлар ё кофирларга ўхшаб ишни чўзиб ўтиришмайди. Укангиз ҳамма айбини бўйнига олди...

## Рустам ЖАББОРОВ

— Нима... у... ўлдими? — ўз овозидан ўзи қўрқиб сўради Исомиддин.

— Ҳозирча тирик. Бироқ қандай ҳукм чиқарилиши маълум. Фақат олий шариат судининг кўрсатмасини кутяпмиз. Менимча, бугун ё эртага ҳукм ижро этилади.

\* \* \*

Низомжон бир кишилик камерада тун билан кунининг фарқига бормай қолди. Бу ерга тушганидан бери унинг назарида бир неча ой ўтиб кетгандек эди. Бу ер остидаги зинданга ҳатто аzon саслари ҳам етиб келмайдики, вақтни тахминан бўлса-да, чамалай олса...

“Амният” идораси терговчиси унга ваъда бергандику? Ҳаммасини бўйнига олди. Ҳукмдан розилиги, ҳеч кимга эътирози йўқлигини маълум қилди. Яна нимани кутишяпти? Тезроқ ҳукмни чиқариб ўқий қолишса-чи?

Юраги мунча орзиқмаса? Яна Заранинг тим-қора, шаҳло кўзларини, сумбул соchlарини, қалин, қайрилма мужгонларини кўра олармикин? Ахир, дунё кенг, ундаги инсонлар беҳисоб бўлса? Йўқ, ҳозирги мутараққий дунёда инсонлар учун бир-бирини топиши хамирдан қил суғургандек гап. Зара унга электрон манзили, “Фейсбуқ”даги саҳифасининг номини ёзиб берган. Агар бу ердан эсон-омон чиқиб кетса, уни албатта қидириб топади. Фойибона бўлса-да, гаплашиб туради.

Низомжонни бу ерга олиб келаётган пайтларида илк бор миясига урилган фикр шу бўлганди: “Хато қилдим!” Аммо турк миллатига мансуб, ўзидан нари борса, икки ё уч ёшлиар чамаси каттароқ, хушмуомала терговчининг таскин оҳангидаги гаплари унинг дилидаги хавотир булутларини тўзғитиб юборди.

...Ўша куни кечқурун уйга оғир қадамлар ила кириб борганди. Кун бўйи кўз ўнгидан Маратнинг унга қаттиқ тикилган нигоҳлари кетмади. О, бу ўткир нигоҳларга илгари ҳам Низомжон дош беролмасди. Ҳар гал Маратнинг ана шу сирли, қатъий нигоҳларига тўқнаш келганида, беихтиёр ич-ичидан недир бир ҳадик уйғонганини ҳис этарди.

Ўлим олдидан ҳам инсон шу қадар хотиржам, қатъиятли, бепарво бўлиши мумкинми? Ҳатто жаллоднинг ўткир ханжари йигитнинг бўйнига тушаётган фурсатда ҳам Маратни ана шу жасорат, қатъият тарқ этмаганди. Ҳатто боши танасидан чўрт узилиб думалаб кетаётганда ҳам Маратнинг очиқ қолган кўзларидан ўша сирли маъно йўқолмагандек эди.

Низомжон нохуш хаёллар гирдобида ўз уйига қандай етиб келгани, квартира эшигига қандай қалит солганини ҳам билмайди.

— Сенга нима бўлди? — сўради Зара Низомжонни остонада қарши оларкан. — Намунича рангинг оқариб кетган?

Зарага қарashi билан илкис қалқиб кетди. Унга яна ўша таниш нигоҳ қаттиқ қадалганди. Ҳа, Заранинг кўзлари тим-қора эди, бу мовий, ўткир ва қатъиятли кўзлар фақат Маратга тегишли эмасмиди? Низомжон кўзларини чирт юмиб очгачгина, Заранинг хийла хавотир ва ҳайрат тўла нигоҳларини кўра олди.

Акасининг кўримсиз квартирасига алланечук файз киргандек эди. Ҳонадаги тартибсизлик ҳам бартараф этилган, чанглар артилган, кераксиз лаш-лушлар кўздан панага олинган, ошхона томондан аллақандай ёқимли ҳид уфурарди.

Ҳайриятки, Зара бор экан. Уйга кириши билан

## Рустам ЖАББОРОВ

кун бўйи Низомжоннинг вужудини эзib келган оғир юқ бироз чекиниб, қоп-қоронғи сийратига ёруғлик инди. Зара оёқ-қўли чаққонгина қиз экан. Бирпастда Низомжоннинг олдига дастурхон ёзиб, товоқдаги буғи кўтарилиб турган антиқа таомни келтириб қўйди.

— Нима пиширдинг? — сўради Низомжон иштаҳасини қитиқлаётган ёқимли ҳидга тоқат қилолмай, таомга ютоқиб қарапкан. У кун бўйи туз тотмаган, иштаҳаси ҳам бўлмаганди.

— Буни бизда селагали дейишади, — деди пиёз, кўкат ва саримсоқ қўшиб димланган гўшит бўлакларига маҳзун термилиб. — Отам жуда яхши кўрарди. Ҳар доим қассобхонадан янги сўйилган мол гўштини уйга опкелиб, менга селагали пиширтиради. Тўй-ҳашамларда ҳам шунақа овқат пиширилади.

Низомжон бир зум қизнинг маҳзун қароқларига тикилиб қолди. Бечора қиз... Фалакнинг гардиши билан отасини қатл этган қавмнинг бир вакили учун отаси ёқтирган таомни пишириб ўтирибди. Ахир, бу шўринг қурғур ҳозир бу ерда эмас, ўз оиласи бағрида, отонасининг олдида хуш-хандон ўтириши керакмасмиди? Низомжон яна бир карра ўзидан ва ўзи мансуб бўлган қавмдан нафратланиб кетди.

— Нега олмаяпсан? — сўради Зара ва бирдан юзига майин табассум югурди. — Қўрқяпсанми? Сени заҳарлаб ўлдирганим билан бирор нима ўзгариб қолармиди? — У шундай дея таомдан бир луқма олиб, оғзига солди. — Еявер, ош бўлсин.

— Сенга ишонаман, — деди Низомжон овқатга қўл узатаркан. — Сен ростдан менга заҳар берганингда ҳам иккиланмасдан еган бўлардим.

— Оҳ-ҳо, — қизнинг кўзлари сузилди. — Яна севиб қолдим, демагин, ўлдирман-а!

“Бунча шаддод, қувноқ бўлмаса бу қиз? Дунёning

гам-ташвиши елкасида бўлса ҳам, яна қулиб тураверади. Йўқ, эҳтимол, у ҳам бўғигача тўлдирган дард-аламини табассум билан енгмоқчиидир?

— Биламан, аслида мени ўлдирсанг ҳам ҳақинг кетади,  
— деди Низомжон дастурхоннинг майда нақшларидан  
кўз узмай. — Лекин мен ҳам бу гуруҳга ўзим билмаган  
ҳолда қўшилиб қолганман. Акамни ҳар қанча уринмай  
бу ҳалокатдан қайтариб қололмадим. Қайтага ўзим унга  
эргашибга мажбур бўлдим.

— Биламан, — деди Зара ҳам сўз оҳангини ўзгартириб.  
— Сенинг оқкўнгил инсон эканингни биринчи  
кўрганимдаёқ англағанман. Менга ёмонлик раво  
кўрмаслигинги ҳам биламан. Аслида мен сенинг  
жориянгман-ку! Ўлдириб ташласанг ҳам бирор сенга  
финг демайди. Лекин... — Қизнинг қошлари хиёл  
чимирилди. — Агар бу ерга ўз ихтиёринг билан тушиб  
қолмаган бўлсанг, нега қочиб кетмайсан? Нима қиласан  
бу каллакесарларнинг орасида?

— Бу ердан қочиб бўларканми? — деди Низомжон  
яна бир луқма гўштни оғзига солиб чайнаркан. — Агар  
қўлга тушсам, теримни шилишади. Яна акамни ҳам  
бир нима қилиб қўйишларидан қўрқаман. Ўзимга  
қолса-ку, аллақачон бу Худо қарғаган жойдан қочиб  
кетган, онажонимнинг олдига бориб, умримнинг  
охиригача ўзимизнинг дўпидеккина қишлоғимизда  
умргузаронлик қилардим.

Низомжон Зара билан алламаҳалгача гаплашиб  
ўтириди. Қизнинг суҳбат орасидаги илтимоси уни хиёл  
ўйлантириб қўйганди. Ўзига қолса-ку, бу беғубор, шаддод  
қиздан жонини ҳам аямаган бўларди. Аммо қизнинг  
“давлат”га қарши гуруҳлар сафида курашиб юрган акаси  
ҳақида маълумот олиш осон иш эмас-да? Бунинг учун  
қамоқхонадаги язидий курдлардан суриштириш керак.  
Иложини топиб, улар билан гаплашган тақдирда ҳам, бу

## Рустам ЖАББОРОВ

қайсар язидийлардан бир оғиз гап олиш мумкинмикин? Ахир, уларнинг барчаси жонини суғуриб олса ҳам, ўз яқинларини сотмайди. Яна ким билсин!

...Бугун оқшом ҳам Низомжон қизни ичкари хонага киритиб, ўзи ёлғиз ётди. Аммо кўзига уйқу қўнармиди? Худди кечагидек юраги алланечук ўжар, бетизгин ҳислар исканжасида типирчилайди. Недир шайтоний бир куч уни қиз ётган ҳужра томон судрайверади. Беихтиёр қачондир, қаердадир ўқиган бир шеър мисралари хотирасида жаранг сочди:

*Тунлар бир-бираидан қочар киприклар,  
Бедорлик измидан бўлмайман халос,  
Софинч юракларга солар кўприклар,  
Ўзинг чорламасанг, келмайман, холос.  
Наздимда дунёлар жилмаяр, кулсанг,  
Хазонрез боғлар ҳам сен билан гулшан,  
Кўнглим чаманида муаттар гулсан,  
Сўлиб қоласан, деб юлмайман холос.*

Ҳа, назарида Зара унинг учун бир латиф чечак эди. Бу чечакни узиш мумкин эмас. Унинг нафосатидан, ифоридан, гўзаллигидан баҳра олиш, завқланиш мумкин, холос. Уни бандидан халос этиш байни қабоҳатнинг ўзи. Манави “давлат”нинг бедил жаллодлари ҳар қандай чечакни беаёв топтаб, ҳузур олишар, аммо Низомжоннинг қўлидан бунақа иш келмайди.

\* \* \*

Шаҳар қамоқхонасида сақланаётган маҳбуслар рўйхати билан танишиш қийин кечмади. Зотан, бу рўйхат қамоқхона залидаги деворда ҳам осиб қўйилган. Заранинг акаси Амар ҳақида хабар бериши мумкин бўлган одамни ҳам тоиди.

Гарчи маҳбуслар билан заруратсиз мuloқот тақиқланган бўлса-да, туш пайтида Низомжон йўлакининг энг тўридаги бир кишилик камерада ётган ўттиз ёшлардаги маҳбус билан холи гаплашишга имкон топа олди.

Қамоқхонадаги ҳужжатлардан ўқиб билгани шу бўлдики, Габар исмли бу маҳбус урушдан илгари Мўсулдаги нефтни қайта ишлаш заводида инженер бўлиб ишлаган, шаҳар мужоҳидлар қўлида ўтгач, у ишдан бўшаб, кўнгилли равишда курд партизан ҳаракатига қўшилган экан. Зара ҳам бир пайтлар акасининг Мўсулдаги нефть ширкатида ишлаганини айтганди.

Габарнинг инглиз тилида эркин гапира олиши ҳам Низомжон учун хийла қулайлик яратарди.

Туш пайтида маҳбусларга қора нон ва арпа унидан тайёрланган қуюқ бўтқа берилар, улар қамоқхонанинг пашибаларга тўла ошхонасида соқчилар назорати остида овқатланиб бўлишгач, яна ўз катакларига ҳайдалишарди.

— Синжорлик Амар Ордохани танийсанми? — сўради Низомжон ҳафсаласиз нон кавшаётган, соч-соқоли ўсиб, ҳурпайиб қолган йигит тарафга хиёл эгилиб. — Рашид Ордоханинг ўғли.

Габар ер остидан қаршисидаги “мужоҳид”га ҳўмрайди.

— Билмайман, — деди маҳбус ёввойи оҳангда фуриллаб.

— Уларнинг оиласини икки йил аввал ёзда асир олишган, отасини тоқقا олиб чиқиб кетишган, онаси ва синглисини жорияликка беришган.

— Устимдан кулма, минглаб язиийларнинг тақдири айнан сен айтгандек бўлган, — деди Габар чирик тишларини ғижирлатиб. — Сенга у нимага керак бўп қолди?

— Унинг синглиси Зара ҳозир менинг қўлимда, — деди Низомжон паст овозда ва бошқаларнинг диққатини тортмаслик учун нари кетди.

Кечқурун постни бошқа соқчиларга топшириб кетишдан олдин ҳар бир камерани шахсан текшириб кўриш ҳам Низомжоннинг кундалик вазифаларидан бири эди. Габарнинг камерасига бош сукқандада, у мук тушганча, ўз қавмига хос алланечук диний рукини адо этмоқда эди. Низомжон бир муддат кутди.

— Амар ҳақида нима билсанг айт, — деди имкон қадар овозига юмшоқ тус беришга уриниб Низомжон.

— Синглиси мендан қаттиқ илтимос қилган.

— Қачондан бери сенлар биз язиийларни одам ўрнида кўриб, илтимосини бажарадиган бўлиб қолдинглар?

— мийифида илжайди Габар. — Гап олишининг бундан бошқача йўлини топмадингми? Мен ҳеч қанақа Амарни танимайман.

Низомжон сўнгги чорани қўллади: жилетининг ички чўнтағида яшириб юрган бир дона сигаретани олиб, Габарга узатди. Бу “давлат”да сигарет энг камёб моллардан бири саналарди. Айрим кашанда маҳбуслар биргина папирос қолдиги учун жонларидан кечишгада тайёр эди. Чекиши мужоҳидлар орасида расман тақиқланган бўлса-да, айрим йигитларнинг панапастқамда чекиб юриши одат тусини олган. Низомжон ҳам бундан мустасно эмасди.

— Сен Амардан синглиси эвазига пул ундиromoқчисан, шунақами? — сўради Габар ўпкасини тўлдириб сигарета симиаркан, бир зум кўзларини юмиб, тамаки тутунини кўксига сақлаб. — У сен айтган пулни топиб беролмаса керак. У оддий ёлланма аскар. Лекин синглисини асраб қолиш учун жонидан кечишга ҳам тайёр. Ким билсин.

— Менга рақамини берасанми? — шундай дея Низомжон ёнидан ёндафттар ва қалам чиқарди.

— У бир пайтлар Мўсулда бензовоз ҳайдар, бизнинг заводимизга келиб, бензин олиб кетарди. Сенлар

шаҳарни эгаллаганинглардан кейин бизга ўхшаган язицийлар яширинча шаҳарни тарқ этди. Аввал Амар билан бирга Синжор тоғларида мужоҳидларга қарши жанг қилдик.

— Амарнинг отасини ҳам ўша ерда ўлдиришган экан,  
— беихтиёр Низомжоннинг оғзидан шу гап чиқиб кетди.

— Тўғри, Синжорни босиб олишган куни ҳамма қатори Рашид оғани ҳам тоққа олиб кетишган, кейин етти юздан ортиқ эркакни қаторасига териб отиб ташлашган ва ортларига қайтишган. Рашид оға оғир яраланган. Биз тоққа етиб борганимизда кўпгина одамларнинг ҳаётини асраб қолдик. Улар орасида Рашид оға ҳам бор эди. Амар отасини тирик кўрганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Машинада ярадорларни Эрбилга, госпиталга олиб кетишиди. Амарни охирги марта олти ойча илгари Тал-Абёдла кўргандим. Кейинги жанг пайтида мен қаттиқ яраландим ва қўлга тушдим. Амарнинг тақдири нима бўлганини билмайман. Мени ҳам аллақачон калламни олишарди. Аммо товон пули ундириши умилида ушлаб ўтиришибди. Агар айтилган пулни яқинларим топиб беролмаса, — Габар бўш кафтиниг қирраси билан томоғини ишқади.

\* \* \*

Низомжон уйга қайтаркан, ўзи билан анчагина қадрдон бўлиб қолган покистонлик таниши Абу Сайдга юзланди:

— Биродар, эртагача қўл телефонигни бериб турасанми?  
Жуда зарур бўлиб қолди.

Бу “давлат”да телефон ишлатиш фақат энг ишончли, синалган мужоҳидлар учунгина рухсат этилар, шунда ҳам ҳар бир қўнғироқ қатъий назорат остида эди. Низомжон икки ярим ойдан бери “сидқидил”дан хизмат

## Рустам ЖАББОРОВ

қилаётган бўлса-да, негадир ҳали телефон ишлатиш учун рухсат ололмаган, унинг ўзи ҳам талаб қилмаганди. Ахир, бу “давлат” ҳудудида акасидан бошқа яна ким билан гаплаша оларди? Онасиға қўнғироқ қилолмайди – бу аниқ.

– Нима қиласан? – сўради Абу Сайд эскироқ русумдаги “Нокиа” телефонини олиб, ҳар эҳтимолга қарши сўнгги қўнғироқлар рўйхатини кўздан кечириб чиқаркан. – Бирорта жонон билан танишиб қолдингми? Жориянг меъданга уриб қолдими? Кечаси билан шакаргуфторлик қип чиқсанг керак-да

– Акам тўрт кундан бери сафарда. Хабар ололганим йўқ.

– Шу ерда гаплашиб олсанг бўлмайдими?

– Йўқ, илтимос, бир кунга бериб тур, эртага бус-бутун қайтараман!

Муроди ҳосил бўлгач, Низомжон уйига баайни қанот чиқариб учди. Зара ҳар кунгидек уни бироз умид, бироз ҳадик, бироз қувонч ва ҳатто озгина соғинч билан қарши олди.

– Бунга кеч қолдинг? – деди ёлғондакам қовоқ уйиб. – “Қуш бозори”га янги жория сотиб олгани кетдимикин, деб ўйлабман.

– Э, ундан ҳам зўр янгилик топдим, – деди нафаси бўғзига тиқилган Низомжон ола-була камуфляжини ечиб, қизга тутқазаркан.

Йигитнинг гапларини охиригача тинглаб бўлганча Заранинг туси бир печа бор ўзгарди.

– Нималар деяпсан? – деди ниҳоят ўзини қўлга олиб.

– Отами ўша куниёқ отиб ташлашмаган эканими?

– Жангарилар асиirlарни териб қўйиб, шоша-пиша ўққа тутишган ва америкалиқ ҳарбийларнинг ҳаво ҳужумидан қўрқиб, дарров ортга чекинишган. Хуллас, ўшандада отанг оғир яраланган экан. Баҳтли тасодиф сабаб аканг ва унинг сафдошлари вақтида етиб боришган.

— Демак, отам тирикми? — қичқириб юборди Зара кўзларидан ўт чақнаб.

— Қамоқхонадаги язиий йигитнинг айтишича, отанг ҳозир Эрбилда бўлиши керак. Мен ундан акангнинг телефон рақамини олгандим. Агар рақами ўзгармаган бўлса...

— Акамнинг рақами борми сенда? — ҳаяжондан Заранинг томоги қуриб қолаёзди. — Телефон-чи? Қандай қилиб у билан боғлансан бўлади?

Низомжон кулимсираб чўнтағидан Абу Сайдининг эски телефонини чиқарган чоғида қиз қувончдан қичқириб, йигитнинг маҳкам бағрига босди:

— Бунчалар яхшисан? Кечир мени, бунчалик яхши одам эканингни олдинроқ билмаганим учун!

Низомжон қизнинг бу илтифотидан ўзини йўқотиб қўйганди. Шу боис қўлида телефонни ушлаганча бир зум серрайиб қолди. Аммо Зара фавқулодда чаққонлик билан телефонни юлиб олди.

“Муқадас халифалик давлати”да алоҳида алоқа тизими шаклланмагани учун Ироқ ва Суриядаги мавжуд операторлар хизматидан мунтазам фойдаланилар, фақат муттасил ҳаво зарбалари туфайли бу тизимда узилишлар тез-тез кузатиларди.

Хайриятки, ҳар икки рақам битта оператор — “Сириател” компаниясига тегишли бўлгани учун Зара акаси билан бир уринишда боғлана олди.

Зара акасининг овозини дарров таниди.

— Бирая, ту ку дере? Да ку эз Зара<sup>1</sup>!

Гарчи ақа-сингилнинг сұхбати бегона тилда бораётган бўлса-да, қизнинг дардли овози, тўхтовсиз кўз ёшлари Низомжоннинг юрак-бағрини тилкаламоқда эди. Телефондаги сұхбат тугаганидан кейин ҳам Зара анча пайт ўзини йифидан тўхтатолмади.

<sup>1</sup>Ақа, қаердасиз? Бу мени Зараман! (Курд)

— Сенинг олдингда бир умрлик қарздорман, — деди Зара ниҳоят ўзини қўлга олиб. — Худога шукр, акам тирик экан. Отамни ўзи билан Хасекега олиб келибди. Бечора отам икки йилча олдин қанд қасалига чалинганди. Ҳозир аҳволи анча оғир эмиш. Мен... уни кўришим керак.

Низомжонни чақмоқ ургандек бўлди. У айни дамда Заранинг ҳар қандай илтимосини бажаришга ҳозир эди. Аммо... бу хоҳишни бажариш камида икковларидан бирининг ўлими билан натижаланиши аниқ эди. Ахир, бунинг учун Зара озод этилиши керак. Бу ҳуқуқ фақат акасида. Заранинг озод этилиши учун яқинларига “давлат” ғазнасига бир неча ўн минг доллар миқдорида пул тўлашлари керак бўлади.

— Илтимос, — ёш қуримаган кўзларини Низомжонга тикди қиз. — Мени қўйиб юбор. Акамни, отамни бир марта кўрсам бўлди.

— Биринчидан, — синиқ жилмайди Низомжон. — Сенинг ихтиёринг менда эмас. Ўзимга қолса бир кун ҳам сени ушлаб ўтирмасдим. Иккинчидан, сени бу ердан чиқариб юборганим билан кўчада ҳар қадамда изғиб юрган миришаблар сени албатта тутиб қамаб қўйишиди.

— Демак... мени қўйвормайсан? — қизнинг овозида недир яширин шиддат бор эди. Аммо айни дамда у йигитнинг аҳволини тушунмасди.

Йигитнинг мавҳум чеҳрасидан бирор маъно уқолмаган қиз кўз ёшларини енгига артди-да, нариги хонага ўтиб кетди. Тавба, у нима қилмоқчи ўзи?

Мана, у яна қайтиб чиқди. Фақат негадир елкасига оппоқ чойшаб ёпиниб олибди. Қўлида эса... ошхона пичоғи.

— Агар мени бу ердан чиқармайдиган бўлсанг, мана шу пичоқни юрагимга санчаман, — деди қиз алам билан. — Агар қўйиб юборсанг... — шундай дедию, елкасида турган

чойшабни бир четга ирғитди. Низомжон қарисидаги латофатли ва ... уятли манзарадан тош қотиб қолди.

— Нега қараб турибсан? Ўзинг танла! Мен учун бу ҳаётнинг ҳеч қандай маъноси қолмади. Мен сенинг ихтиёрингдаман, истаганингни қил, фақат мени қўйиб юбор. Отам ўлим тўшагида! Уни лоақал сўнгги бор кўришимга имкон бер!

Зара шундай дея ўкириб юборди. Қалин киприклари орасидан тошаётган марварид томчилар унинг қорамағиз ёноқларидан пастга, мармардек тиниқ бўйни, урён вужуди бўйлаб пастга томон оқар, қиз эса бунинг фарқига бормаётгандек эди.

Шунда Низомжон илкис ҳушига келди ва ерда ётган чойшабни олиб, қизнинг елкасига ташлади. Кейин унинг ҳалқа-ҳалқа зулфларани меҳр билан сийпалади:

— Тентак, мени шунчалик ҳам пасткаш деб ўйладингми?  
— деди ич-ичидан ғалаён қилаётган қарама-қарши ҳислар туғёнини енгишга уриниб. — Шарманда қиз. Бор, кийиниб чиқ! Бирор йўлини топармиз.

Зара бир қўли билан елкасидаги чойшабни тутаркан, иккинчи қўли билан юзини беркитиб, яна нариги уйга чопқиллади.

Низомжон бу қизга қанчалик боғланиб қолганини ўзи ҳам билмайди. Олти ойдан бери давом этиб келаётган дарбадарлик, айниқса, сўнгги ҳафталар ичida кўрган даҳшатлари унинг ҳаётини тобора қуюқ зулмат сари бошлаб бораётганга ўхшар, фақат бу қоронфиликнинг чекка бир бурчагида биргина чироқ милтиллаб турар, бу Заранинг ғамгин ва латофатли сиймоси эди.

Ҳа, Зара бу хонадонга келган илк куни у ётган хонага ўғринча кириб, қизнинг очиқ баданига сук билан тикилгани эсида, ўшанда уйғониб қолмаганда, қандай ишга қўл уриши мумкинлигини Низомжон

яхши биларди. Аммо ҳозиргина акаси ва отасини бир мартагина кўриш учун жонидан ҳам, ифратидан ҳам кечишга рози бўлган асира қизнинг ҳаракатлари унинг сезгиларини бир зумгина фалажлаб қўйганди.

Рост, Зара унинг ихтиёрида. Истаган пайтда эга чиқиши мумкин. Аммо Низомжон буни истамайди. Уз яқинлари билан тезроқ топишиш учун "пора" сифатида кўрсатилажак илтифотни ҳам у қабул қилолмайди. Йўқ, ҷамаси, Зарага у истаган нарсани бера олмайди. Чунки қизнинг қалби нафрат, алам, ғазаб ва қадар билан лиммо-лим. Ҳозир бу юракка муҳаббат учун заррача жой йўқ.

Бу қизни баҳтли қилишнинг биргина йўли бор: уни яқинлари бағрига қайтариш. Лекин қандай қилиб?

Худди шу онда Низомжоннинг қўлидаги телефон фириллаб қолди. Қаради: боя ўзи терган рақам.

— Зара, аканг қўнфироқ қиляпти!

Ичкари уйдан Зара бояги кийимларини кийиб югуриб чиқди. Телефонни олиб дераза олдига борди-да, ўз тилида нималарни дир гаплашди. Гап орасида уч-тўрт марта Низомжон тарафга қараб қўйганидан сездики, гап ўзи ҳақида бормоқда.

Қиз суҳбатни тугатиб, яна Низомжоннинг ёнига қайтди.

— Акам командири билан гаплашибди. Сўраган пулингни беришмоқчи. Бу ерда ишончли одамлари бор экан. Эртага ўша одамдан пулни жўнатишади. Сен эса мени жўнатасан. Бўладими?

Боя Зара ўз яқинларига қовушиш учун Низомжонга бутун борлигини ҳадя этмоқчи бўлганида, Низомжоннинг юраги алланечук бўлиб кетганди. Энди чапараста жаҳли чиқди.

— Аканг билан икковинг мени ким деб ўйляпсанлар?  
— дея энди гап бошлаганида, Зара унинг лабларига кафтини оҳиста босди.

— Сенинг қанақалигинги мен биламан. Лекин акам учун бу ердагиларниң ҳаммаси бир хилда каллакесар, талончи, босқинчи. Улар мени гаров эвазига озод қилишади, деб ўйлашяпти.

Бу усул “давлат” ҳудудида қонуний тус олган, ҳар куни ўнлаб асиirlар минг-минг доллар товоң пули эвазига чегараларда ўрнатилған айирбошлиш шохобчаларида ўз яқинларининг қўлига топширилар, бироқ бунинг учун айрим расмиятчиликлар талаб этиларди. Масалан, бунинг учун жориянинг қонуний эгаси (яъни Исомиддин) масъул мутасаддиларга ўз қўли остидаги “мулки” (яъни Зарани) гаров пули эвазига яқинларига қайтариш хақида ариза ёзиши, гаров қиймати ҳам ваколатли идора томонидан белгиланиши, олинган пулнинг тўртдан уч ҳиссаси газнага тушиши лозим эди.

Бироқ Зара ҳозир бу расмиятчиликка дош беролмасди. У ёқда отаси бир аҳволда ётибди. Ҳатто акасининг ҳам ҳар куни хавф-хатар ичида кечади. Вақтнинг ўтиши фақат уларниң зиёнига ишлайди, холос.

— Нима қиласиз қофозбозлик қилиб? Акам жўнатган одам сен айтган жойга келади. Сен мени жўнатиб юборасан, тамом-вассалом. Наҳотки, менга биргина яхшиликни раво кўролмасанг?

Бу сўз Низомжонниң қулогига “наҳотки одамгарчикликини умуман унутиб юборган бўлсанг? Наҳот қалбинг шу қадар тошга айланиб қолган бўлса?” дегандек эшитилди. Ҳа, зулм ва зулмат ошиб тошган бу диёрда у ҳам эзгуликдан юз ўгирса... Нимани қизғаняпти? Бу қиз ундан ўз эркини, ўз яқинлари қучоғига қайтиш ҳуқуқини сўраяпти-ку? Нимадан қўрқяпти? Бугун бўлмаса эртага барибир ё ўққа учиб, ё минага тушиб, ё бомбанинг остида қолиб ўлади-ку?

— Мен розиман, — деди чуқур уҳ тортиб. — Аканга ҳозироқ қўнғироқ қилиб айт. Ишончли одам жўнатса бас. Пулни мен нима қиласман?

\* \* \*

Низомжон эртаси кунни бир амаллаб кеч қилди. Бир томондан хурсанд эди: ахир, унинг қалбига муҳаббат шамчириғини ёққан қиз, ниҳоят, озодликка чиқади. Ўз яқинлари қошига учади. Тўғри, ўз Ватанини, тинчлигини, волидасини йўқотгани ҳолда бу қизни мукаммал баҳтли бўлади дейиш қийин. Аммо ҳар қалай, бу зулмат диёрини тарк этади-ку! Иккинчи томондан кўнглиниning бир четда алланечук нохуш ҳиссиёт кемиради. Йўқ, у жавобгарликдан қўрқмайди. Ўлим унинг учун ўз маҳобати, даҳшатини йўқотиб бўлган. Илло, бундан буён кунлари Зарасиз кечишини ўйласа, кўз ўнги қоронғилашиб кетади.

Яхшиям, кеча Амарга “бу телефонга бошқа қўнғирқ қилма” деб уқтириши. Чунки Абу Саидга қўнғироқ қилиб, бу ҳақда гапириб қолса, қўлга тушиши ҳеч гап эмас. Ваъдага кўра, соат ўн иккidan ошганда, қора “Пежо” улар яшайдиган уйнинг орқасидаги автобус бекатига етиб келиши керак.

Зара ўзини қўярга жой тополмасди. Унинг ҳолатини тушунса бўлади. Ахир, у ҳадемай акаси, отаси билан дийдорлашади. Низомжон-чи? Унинг онаизори бундан минглаб чақирим олисларда қолиб кетди. Энди у билан дийдорлашув қиёматга қолган бўлса керак. Шўрлик она. Бутун умр эшикка тикилиб ўтади. Ҳатто умрининг сўнгги дамларида ҳам “ҳадемай болаларим келади” деб кўзлари нигорон бўлади. Бу борада Зарага ҳавас қилса арзийди.

Айтилган вақтда икковлашиб, уйдан чиқиши. Машина келишилган жойда турарди. Руслами ҳам, рақами ҳам ўша. Қизиқ, мужоҳидлар ўзларича, сарҳадларимиздан қуш ҳам учиб киролмайди, деб ўйлашса керак. Мана, уларнинг

ашаддий душманларидан бўлган курд партизанларининг битта вакили bemalol шаҳар кўчаларини кезиб юрибди-ку!

Низомжонга бу ерда кўраётганлари гоҳида узоқ ва қўрқинчли театр томошаси бўлиб қўринади. Ўзи бу қурама “давлат”нинг тегасида ким турибди? Ундан ким кўпроқ манфаатдор? “Муқадлас халифалик давлати” деб ном олган бу қонли салтанат ўз номига заррача бўлсин муносиб эмас-ку! Ахир, унинг нимаси муқадлас? Наҳотки, зулм, зўравонлик, хунрезлик “муқадлас” иш бўлса? Қанақа “халифалик”? Ахир, “халифалик мендан кейин ўттиз йил давом этади” деб ислом пайғамбарининг (с.а.в.) ўзлари марҳамат қилганлар-ку? Нимаси “давлат?” Ахир, “давлат” адолат, тенглик, ҳуқуқ сингари тамойиллардан ташкил топмасмиди?

— Мендан рози бўл, — деди Зара Низомжоннинг кўзларига тикилиб. — Сени бағримга босгим келяпти. Лекин... майли бошқа сафар! Сени Яратганинг ўзи асрасин! Энди қайта қол, “исковуч”ларнинг назарига тушиб қолмайлик.

Бир зумда Зара ўтирган қора машина зулмат ичига кирдию, фойиб бўлди. Энди Низомжон ҳувиллаб қолган каталакка қайтиши керак. Энди бу уй бўсағасида ҳеч қачон уни Зара қарши олмайди. Энди бу метин деворлар орасида ҳеч қачон унинг нафис кулгиси жарангламайди. Энди ҳеч ким унга ифори димоғни қитиқлайдиган селагали пишириб бермайди...

Худди тош боғлагандек оғирлашиб қолган қадамларини гурсиллатиб, акасининг квартирасига кириб борди ва тўғри Зара беш кун меҳмон бўлган хонага бош суқди. Оҳ, ҳамон унинг муаттар ҳиди бу хонани тарқ этмабди. Мана, кечаги чойшаб. У кеча биргина мана шу чойшабни ёпиниб, Низомжоннинг ёнига нажот истаб борганди... . Беихтиёр чойшабни қўлига олиб, юзларига босди ва

ўкириб юборди. Фақат йигиси босилгач, оғи тагида ётган түрт буклоғы қоғозга күзи тушди. Шошиб қофозни ёйди. Инглиз тилида, майда тәжакдор ҳарфлардаги битикни ҳижжалади:

“Азизим. Биламан мени қўйиб юборгинг келмаяпти. Мен ҳам айни лаҳзаларда бу хавфу хатарга тўла маконда сен билан то сўнгги дамларимгача бирга қолгим келяпти. Аммо мен язидийман. Ўз ҳисларимни қавмим, эътиқодим, яқинларим олдидағи масъулиятдан устун қўёлмайман. Сен мени яна бир карра ўлимдан асраб қолдинг. Бордию, сен кеча менинг аҳмоқона таклифимни қабул қилганингда, отам ва акамни сўнгги бор кўриб, кейин барибир ўзимни ўлдирадим. Чунки менгача ҳам кўп қизлар шу йўлни танлашган. Сен эса менга ўз ҳаётимни, номусимни қайтариб бердинг.

Бу билан “менга нисбатан кўнглида ҳеч қандай туйфу йўқ экан” деб ўйлама. Ўтган беш кун ичида мен сенга қаттиқ боғланиб қолдим. Қанийди, мен ҳам сенинг юрtingда, сенинг динингда, сенинг халқинг орасида туғилиб, сен билан учрашганимда эди. Бутун умр сенинг содиқ жориянг бўлишга тайёр эдим. Афсус, бизнинг ақидага кўра, язидий бўлиб туғиладилар ва шу эътиқодда ўладилар.

Лекин барибир бир ҳақиқатни эътироф этмасдан кетолмайман. Мен сени севаман! Бутун умр сенинг ёдинг билан яшайман. Балки бу ердан чиқиб кета олсанг, мени излаб топарсан. Балки, дўстона муносабатларимиз ҳали давом этар. Ҳархолда мен шунга умид қиласман. Сенга ҳар эҳтимолга қарши, ўз электрон манзилим ва “Фейсбуқ”даги саҳифамни ёзиб қўйдим. Сенга мингдан-минг раҳмат, жоним!”

Мактуб остида миттиган юракча ва бўсага узангандар лаблар тасвири чизилганди.

\* \* \*

Мана, у қўрққан иш содир бўлди: тонг отгунча бутун шаҳар оёққа турган кўринади. Фақат бир нарсадан хурсанд эди: Зара ва уни машинасига миндириб кетган ҳайдовчи чегарани ёриб ўтиб, курдлар ҳудудига ўтиб кетибди.

Ниҳоят, у шариат маҳкамасида ўзидан уч-тўрт ёшлар чамаси каттароқ турк йигит – “амният” идораси терговчиси фавқулодда босиқлик ила уни сўроқ қилмоқда. Суҳбат Низомжон яхши тушунадиган, терговчининг она тилида борарди. Саволлар ҳам таҳдид эмас, билъакс дўстона оҳангда янгарди. Мана ўша саволлар:

- Сиз Зара Ордоханни қачондан бери биласиз?
- Акангиз қаерга кетган?
- Жория билан яқинлик қилдингизми?
- Зарани гаров эвазига қайтаришдан аввал ваколатли мутасаддиларга мурожаат қилдингизми?
- Зарани қайтариш эвазига қанча пул сўрадингиз?
- Уни олиб кетгани қанақа машинада келишди?
- Сиз курдлар билан қачондан бери алоқа қиласиз?
- Уларга қандай маълумотларни етказгансиз?

Низомжон бу саволларга бирма-бир жавоб қайтараркан, эҳтиёткорлик билан терговчига юзланди:

– Биродар, мен динимизда назарда тутилган гуноҳи кабираларнинг ҳеч бирига қўл урмадим. Мен акам совға қилган жорияни озод қилиб, ўз яқинларига қайтардим. Шариатда бу ишга ҳеч қандай тақиқ йўқ, тўғрими?

– Тўғри, – деди терговчи мулојим кулимсираб. – Бунинг учун сизни айболмаймиз. Аммо сиз курдлар билан махфий алоқа боғлаб, ички маълумотларни, ҳарбий ва давлат сирларини уларга етказишда гумонланасиз.

## Рустам ЖАББОРОВ

“Ўладиган ҳўқиз болтадан тоймас” деганларидек Низомжоннинг қалбидаги заррача қўрқув ё хавотир йўқ эди.

— Хўш, бордию, сиз айтган айбловлар ўз тасдифини тоиса, менга қандай жазони раво кўрасизлар?

Терговчи яна мийифида кулимсиради.

— Энг юксак жазо!

— Ўлим! Шунақами?

— Сиз ўлимни энг олий жазо деб биласизми? — елка қисди терговчи йигит. — Йўқ, биродар, чин мусулмон учун ўлим жазо бўлолмайди. Аслида бизнинг давлатимиз ер юзида ҳар бир мусулмон орзу қиладиган, у яши, курашиши керак бўлган энг олий маскан. Бу диёрга келган ҳар бир мўъмин икки дунё саодатига эришади. Ундан қувилганлар энг бадбаҳт, баҳтиқаро кимсалардир. Сиз бу айбларни бўйнингизга олиш билан ана шу мудҳиш жазога лойиқлигингизни исботлайсиз.

“Нималар деяпти бу ўзича? Ё устимдан куляптими?”

— Тушунмадим, — деди Низомжон қархисидаги йигитнинг кўзларига қаттиқ тикилиб.

— Нимасига тушунмайсиз? Ҳар куни чегараларимиз оша дунёning турли ҳудудларидан юзлаб муслиму муслималар келаётган бир пайтда “муқаддас давлатимиз”идан бадарға бўлиш ҳар бир иймон эгаси учун энг оғир шармандаликдир.

“Ё тавба! Бу нима, Яратганинг кутилмаган инъомими? Бу Худо қарғаган диёрдан қандай чиқиши билмай юрган бир пайтда худонинг ўзи унга йўл очиб бердимикин? Алдамаяптими? Йўқ, алдов — исломда гуноҳ! Лекин буларнинг мантиғига кўра, “давлат” ҳудудидан қувилиш чиндан оғир шармандалик бўлиши мумкин-ку?”

— Агар... мен бу айбни бўйнимга олмасам-чи? — сўради Низомжон қархисидаги терговчининг қув кўзларига зимдан тикиларкан.

— Аввало биз айбингизни исботлашига ҳаракат қиласиз, бунинг иложи бўлмаса, сиз узок муддатга қамалишингиз мумкин.

Низомжон икки ўт орасида қолганди. Нима қилмоқ керак? Ўзининг бегуноҳлигини айтиб, оёқтираб олгани маъқулми ё... Агар терговчи айтган гап рост бўлса, уни “давлат” ҳудудидан чиқариб юборишади. Бир амаллаб, элчихонага етиб олса, у ёғи бир гап бўлар. Ҳар қалай, қамаладиган бўлса, ўз ватанида қамалгани маъқул. Бу зулмат диёрининг қамоқхонасидаги вазиятни у яхши билади. Агар иккита қамоқхонадан бирини танлаши лозим бўлса, табиийки, ўз юртидагисини танлайди. Ҳеч бўлмаса, худди Зарага ўхшаб, ўз яқинларини, онажонини кўра олади-ку?

Низомжоннинг ич-ичидан кутилмаган шодлик фаввораси отилганини пайқади. Бундай имконият бошқа бўлмаслиги мумкин.

— Ҳа, — деди овозини баралла кўтариб. — Мен ўзим билган ҳамма маълумотларни битта дафтарга ёзиб, уни Зарадан бервордим.

— Нима? — терговчининг кўзлари ёниб кетди. — Қанақа маълумотлар?

— Асосан, қамоқхонадаги маҳбуслар ҳақида. У ерда қанча маҳбус борлиги, қанчаси язидийлар ва курдларга мансуб экани ҳақида билганларимни ёздим.

— Маъқул, — деди терговчи унинг гапларини диктофонига қайд қиларкан, қўлига бир варақ қофоз ҳам тутқазди. — Ҳар эҳтимолга қарши, шу гапларингизни ўз қўлингиз билан қофозга битиб, имзо чексангиз.

\* \* \*

— Ахмоқ, — бақириб юборди Исомиддин укасининг гапини эшитиб. — Эсингни еб қўйибсан, ука, шунақаям

нонкүрлик қиласанми? Наҳотки, ўз динингни иймонингни ўша гайридин, иблиц малайларига сотган бўлсанг? Уларнинг ҳаммаси кофир, товуспарат мушрик, ҳаромилар-ку! Мен бу манжалақи бошингни айлантириб олишини билганимда, ўлсам ҳам уни сенга тортиқ қилмасдим. Унақалар сен билан менинг нафсимни қондириш учун яратилганини, наҳотки, тушунмадинг?

Низомжон жазавага тушаётган акасининг аҳволини кўриб ичида кулиб қўйди. Ҳа, унинг қарашлари Низомжоннидан кескин фарқ қиласди. У ўзича ҳақ. Укасини ҳақиқий жинояткор деб ўйляяпти. Эртага Низомжонни чегарадан чиқариб юборишса ҳам, “укам энг оғир жазога лойиқ кўрилди” деб ич-этини еб юриши аниқ.

“Эҳ ака, ака! Сиз менинг юрагимдан ўтаётган гапларни ўқий олмайсиз. Ахир, мени олдинда Ватан кутмоқда. Сизни шунча пайт бу зулмат диёрини тарқ этишга унладим – кўнмадингиз. Энди имкон туғилганда, ундан воз кечиш фикрим йўқ. Мен сизнинг бу “ватанингиз”дан хоин, муртал сифатида ҳайдалишга ҳам розиман. Аслида мен ўз виждонимга, иймонимга мувофиқ иш тутяпман. Сиз мана шу газандалар ичида қолишини ўзингиз танладингиз. Бундан бу ёғига йўлимиз айро экан”.

Исомиддин, табиийки, унинг маҳзун кўзларига боқиб, қалбидан кечаётган фикрларни ўқий олмасди.

– Ука, мен ҳаракат қиласман, Абу Абдуллога айтаман, унинг қўлидан бир иш келмаса, Абу Умаргача бораман. Керак бўлса “амир ал-мўъминин”нинг ўзларига айтаман. Фақат берган кўрсатмангни қайтариб ол.

– Энди кеч, ака, – леди ерга тикилиб Низомжон. – Мен кўрсатмани бериб, имзо чекиб бўлдим. Ҳукмни ҳам чиқариб бўлишган.

– Низомжон ука, – Исомиддин қўллари орқасига

қайрилиб борган укасининг елкасидан қучиб, бағрига босди. — Мен тирик эканман, сени ҳеч кимга бериб қўймайман. Фақат аризангга “менинг ҳеч қандай айбим йўқ, курд разведкасига маҳфий маълумотларни бермаганман, мени терговчининг ўзи мажбур қилди” деб ёзив бер. Қолганини ўзим тўғрилайман.

Низомжон кўз олдида кўзлари катта-катта, мулойим, самимий чеҳрали турк терговчи келди. Агар уни ёлғончилик ва зўравонликда айбласа, терговчи бечорани нима қилишаркин? Йўқ, ҳамма ўзининг гўрида ўзи ётиши керак.

— Ака, мен энди гапимдан қайтмайман. Терговчи ҳам менга тазийқ ўтказмади. Майли мени хоин, сотқин сифатида мамлакатдан қувиб чиқаришсин. Мен шу шармандаликка лойиқман.

— Ука-а-а, — ўйлади Исомиддин кўзларидан шашқатор ёш оқиб. — Сени қувиб чиқаришмайди. Нақ каллангни олишади-ку!

Акаси алаҳсираяптими? Балки укасини синааб кўрмоқчиидир? Ёки унга қандай “олий жазо” берилишини билмасмикин? Йўқ, бўлар иш бўлди. Энди кўрсатмасини ўзгартиргани билан барибир ҳукм ўзгариб қолмайди. Ўзининг ҳам қарори қатъий. Майли, юзига қора суртиб, эшакка терс миндириб шаҳар айлантиришса ҳам, фақат унга ўз юртига қайтиш ҳуқуқини беришса бас.

— Вақт тугади, — деди қисиқ кўзли зобит боя Исомиддин ўз укаси билан сўнгги бор дийдорлашиб олиши учун бўшатиб берган ҳужрасига қайтаркан. — Биродар, энди бу ёғига бардам бўласан. Укангни худо ургани шу.

“Мени эмас, Худо сенларни уриб қўйибди-ку” ўйлади Низомжон зобитга истеҳзоли илжайиб, қора танли соқчининг олдига тушаркан.

Исомиддин қайтиб келгунига қадар Абу Абдулло мавжуд вазиятдан хабардор бўлиб улгурганди. Икки кун илгари Раққада юз берган бу хиёнат аллақачон "ҳукумат" даражасидаги масалага айланганди.

Бир соатча илгари Раққа шаҳар қозиси ҳукмга муҳр босди. Бу ҳукм аср намозидан илгарироқ, доимий жазо майдонида ижро этилиши лозим эди. Инфоз маросимида барча олий рутбали мужоҳидлар қатори Абу Абдулло Ўзбакий ҳам қатнашиши шарт. Унгача ўз ваколати доирасидаги ишларни битириб қўймоғи лозим.

Абу Абдуллонинг мавқеи кундан-кун юксалиб бормоқда эди. Айниқса, Найнаво волийсининг "кирдикорлари"ни фош этганидан кейин, унинг обрўси бирмунча ошиши кутилмоқда эди. Агар шутахлит ҳалол хизмат қилиб турса, "амир ал-мўъминин"нинг энг яқин мулозимларидан бирига айланиши мумкин.

Фақат язидийларга сотилган соқчи билан Исомиддиннинг aka-ука эканлиги унинг кўнглини ғаш килди. "Юқори"дагилар "дин ва миллат хойни" бўлган бир кимсанинг акаси қўл остида ишлашидан хабар топишса, унга бўлган ишонч ва эътибор сўнмайдими? Балки бу муртаднинг акасини ҳам бир ёқлиқ қилиш керакdir? Ҳар куни ҳарбий қўмондонлар икки-уч нафар хулкуш "шаҳид" сўраб турган пайтда, Исомиддинни шартта ўнглаб, бу муқаррар балодан қутулса яхши бўлармиди? Йўқ, бошқачароқ чора топиш керакка ўхшайди, токи сих ҳам, кабоб ҳам куймасин. Дафъатан миясига урилган фикрдан Абу Абдуллонинг кўнгли ёришиб, мамнун жилмайиб қўйди.

Исомиддин кириб, укасининг барча айбни ўз бўйнига олганию, тавба қилишдан бош тортаётганини айтганида, Абу Абдулло киприк қоқмади.

— Бунда муртадларнинг қалбини Яратганинг ўзи муҳрлаб қўяди, — деди Абу Абдулло файласуфларча чуқур мулоҳаза билан. — Сен бу муртадга шафқат сўраб, ўзингга жабр қиляпсан. Ё сенинг ҳам у билан тилинг бирми?

— Астағфируллоҳ! — ёқасига қўл юборди Исомиддин.  
— Тақсир, бутун умримни шу давлатнинг барқарорлиги, динимизнинг устуворлиги йўлида тикканман.

— Буни майдонда исботлайсан.

\* \* \*

Ҳар доимгидек қатлгоҳ одамлар билан тўлиб тошганди. Дастреб, бу ерда илк бор “давлат” байроғи қадалганда, одамларни қатл томошаларини кўриш учун ҳайдаб келиш хийла қийин кечарди. Аммо икки йил ичида одамларнинг кўзи анча пишиб қолгандек. Илгари “асаби заиф” лигини пеш қилиб, бунақа томошалардан олиб қочадиган баъзи одамлар ҳам кимнингдир қатл этилишини эшитиб, шу тарафга ошиқадиган бўлишиди.

Томошабиниларнинг асосий қисми мактаб ўқувчиларидан иборат бўларди. Агар қатл тушгача ижро этилса, яқин атрофдаги мактаб раҳбарлари дарсларни тўхтатиб, қўл остидаги барча ўқувчиларни тўплаб қатлгоҳга жўнатишарди. Ҳар қалай, бўлажак мужоҳидларнинг кўзи ҳозирдан бошлиб, қонга, шафқатсизликка кўникмоғи лозим.

Ўқувчи ва талабалар бундай томошаларни катта қизиқиши ва интиқлик билан томоша қилишарди. Мана, бугун ҳам ҳали маҳкумни олиб келишмаган бўлса-да, аллақачон оломон “мудҳиши томоша”ни илҳақ кутмоқда. Аҳён-аҳёнда “Аллоҳу акбар” садолари янграйди.

Нихоят, соқчилар жонланиб қолишиди. Оломон ҳалқасининг бир тарафидан тирқиши очиб, ҳайъат

## Рустам ЖАББОРОВ

вакиллари кириши учун жой ҳозирлашиди. Минбар ва кунда ҳамишаги жойла турар, шу пайгача ўнлаб одамлар осилган эски дор ҳам барчага таниш эди. Ҳатто бундан кейин рўй беражак ҳодисалар кетма-кетлигини ҳам томошабинлар ёддан билишади. Фақат ҳар гал бу “томуша”нинг бош “қаҳрамонлари” ўзгаради, холос. Энг қизифи, бу ролни ҳар қандай “маҳорат”ли қаҳрамон ҳам бир мартадан ортиқ ижро этолмайди.

Низомжон бехавотир қадамлар билан майдонга, оломон халқаси ичига киаркан, дор ва кундани кўриб, сесканиб тушди. Бир пайтлар бу майдонда қанчадан-қанча маҳкумлар ўлдирилганини у яхши эслайди. Ўлимидан олдин ҳақиқий ислом ва террор ўртасидаги фарқни Низомжоннинг онгига қуйиб кетган ироқлик фақиҳ мана шу дорга тортилган, анави кунлада Низомжон билан бир муддат ҳамроҳлик қилган Маратнинг боши чопилганди.

Наҳотки уни ҳам..

Йўқ, бўлиши мумкин эмас, бу ерда шунчаки ҳукмни ўқиб, оломон ичида сазойи қилишса керак. Эҳтимол, одамлар унинг юзига тупурав. Балки қилган иши чиндан ҳам оғир жазоға лойиқдир? Аммо энг муҳими унинг қалби сокин. Ўзини ҳеч кимнинг олдида айбдор деб билмайди. Нари борса, бир асирани озодликка чиқарибди.

Бироқ Низомжоннинг қалбидаги хавотир тумани тобора қалинлашмоқда эди. Нега одамлар бунча ғазабнок ҳайқирмаса? Нега ҳамманинг нафрати унга қаратилган? Булар ким ўзи? Наҳотки, одамлар шу қадар шафқатсизлашиб, бағритош бўлиб бораётир?

Мана, бир пайтлар у билан елкадош бўлиб ишлаган соқчи йигитлар яна атрофдаги одамларни тинчлантириш, тартибни сақлаш билан банд. Бундан икки кун илгари ўзи ҳам улар қаторида эди. Ким билсин, яна бир неча

кундан кейин бу соқчилардан бири маҳкум “роли”ни ижро этар? Нега мунча қалтирайди? Ахир, хурсанд бўлиши керак!” Ҳадемай, озодликка чиқади. Улар “энг олий жазо”ни қўллаб, бу “ашаддий жиноятчи”ни “шармандали” тавқи лаънатга дучор қилишлари керак. Лекин мунча ҳаяллашмаса?

Мана, бир ойча илгари Раққа шаҳар волийси этиб тайинланган ҳабаш Абу Ҳошим Тунисий чиқиб араб тилида нималарни дир гапирди. Сура ҳам тиловат қилди. Қўлини дуога очиб, юзларини самога қаратиб, бир нималарни сўради ва юзига фотиҳа тортди.

Ҳукмни эса... акасининг раҳбари, бир пайтлари уларни ўз қанотлари остига олган Абу Абдулло Ўзбакий ўқирди. У ҳукмнинг арабча нусхасини ўқиб бўлгач, кутилмаганда ўзбекчалашга ўтди. Ҳукмда унинг сўнгги бир ҳафтада қилган ишлари тўлиқ ўз аксини топган эди.

Ҳа, ҳаммаси худди анави турк терговчи айтганидек бўляпти. Мана, ўша куни ўз қўли билан ёзиб берган жумлалар: “Язидий қизи воситасида курдлар билан алоқа боғлаган, Раққа қамоқхонасида сақланаётган язидийлар ва уларни қўриқлаётган ҳарбийлар ҳақида ҳамма маълумотларни ёзма тарзда душман қўлига бериб юборган” ва ҳоказо...

— Мана шу кечирилмас гуноҳларнинг маҳкум тарафидан сўzsиз эътироф этилганини эътиборга олиб, Раққа шаҳар маҳкамаси Абу Ҳусайн Ўзбакийнинг бошини танасидан жудо қилишга ҳукм этади. Ҳукмни барча ибрат бўлмоғи учун маҳкумнинг қондош акаси Абу Ҳасан Ўзбакий ижро этади. Ҳукм — қатъий. Шикоятга ўрин йўқ. Қасос — Ҳақдандир!

Яна атроф-жавонибни оломоннинг ваҳший ҳайқириғи тутди. Бу ҳайқириқ ичида ўзининг ҳам овози борлигини Низомжон бирданига англаб етмайди. Шовқин-сурон тинганда ҳам йигитнинг ич-ичидан тошиб келаётган узлуксиз фарёд тўхтамаганди.

— Ўчир овозингни! — унинг орқасида турган ағон соқчи қўлидаги автомат қўндоғи билан Низомжоннинг елкасига туширди.

Низомжон айни шу дамдагина бир ҳақиқатни англаб етганди: Уни алдашибди! Қилган “гуноҳи”ни янада оғирлатиш учун терговчи йўқ айбларни унинг бўйнига қўйиб, алдаб-авраб қўл қўйдирган экан-да! Наҳотки уни ана шундай пасткашлиқ ва номардлик илачув тушириши?

Аввалига бор овози билан ҳайқириб, ҳукм нотўғри эканлигини айтгиси, терговчи уни алдаганини, бу ердан кетиш учунгина шу ёлғон айбномага қўл қўйганини айтиб, ҳайъат вакилларидан йиглаб кечирим сўрамоқчи бўлди. Бироқ шу заҳоти қалбининг аллақайси пучмоғида уйғонган бир ўжар ҳис уни бу йўлдан қайтариб қолди.

Нима қилмоқчи ўзи? Шу нокасларга ялиниб, шафқат сўрайдими? Энди унинг гапларига ишонишадими? Ишонган тақдирида ҳам ҳозир, айни дамда ҳукмни ўзгартиришадими? Йўқ, албатта! Ундан кўра ўлимни худди Марат сингари миқ этмасдан мардана қарши олгани тузук эмасми?

Унинг рўпарасига тиз чўкиб камерага олаётган операторга ўйчан тикилди. Бир неча соат ё дақиқадан кейин унинг қатл саҳнаси интернет тармоқларига тарқалади. Бу саҳнани балки Низомжоннинг танишлари, дўстлари-ю қариндошлари... ҳатто онаси ҳам кўриши мумкин. Ўз жигарбандининг ерда думалаб ётган бошини кўриб, шўрлик онаизор ақлдан озмасмикин?

“Мени кечиринг, ойижон, — дея ожиз шивирлади унинг қуруқшоқ лаблари. — Гуноҳкор бандангни ўзинг кечир, Тангрим!..”

Ие, ҳаммадан қизифи, жаллод ҳам бегона эмас! Ўз акаси! Ҳа, аслида жаллод учун нима фарқи бор? Ўз акасими, отасими, онасими — ўлдираверади. Унга амр қилишса

бўлгани. Бу “давлат”нинг энг шафқатсиз қонунларидан бири ҳам шу – маҳкумни ўз яқинларининг қўли билан қатл этишади.

\* \* \*

...Аввалига Исомиддин қулоқларига ишонмади. Ўз жигарини ўлимдан озод этиш учун хожасига қилган илтимоси ўз зиёнига ишлаганди. Абу Абдулло “Сен динимизга иснод келтирган бир осийнинг гуноҳини сўраб, ўзинг ҳам Яратганинг ғазабини қўзитяпсан. Агар ўзингни ҳақиқий мусулмон деб билсанг, бу муртадни ўзинг жаҳаннамга жўнатмоғинг шарт” деб туриб олгач, у нима ҳам қиласди?

Мана, Исомиддин қаршисида тиз чўккан ўз ийисининг, Низомжоннинг тепасида қилич яланғочлаб турибди. Рост, бу қўлига илк бор қилич тутиши эмас. Аксинча, у кейинги пайтларда қон ҳидига анча кўнишиб қолган, боши узилиб, жон талвасасида типирчилаётган жуссаларни кўриб алланечук завқ оларди одатда. Аммо фалакнинг гардиши билан у айни онда ўз укасини ўлдирмоғи шарт. Ортида раҳбарлари ундан кўз узмай ўтиришибди.

Нега бунча қалтираяпти? Ахир, Абу Абдуллоҳ айтди-ку, “Ҳазрати Иброҳим Яратганинг ами билан ўз ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилишга рози бўлганлар, бу ҳам иймонинг қанчалик мустаҳкамлигини синовчи бир имтиҳондир!”

Рост, аммо ҳазрати Иброҳим Ҳақнинг пайғамбари эдилар. У эса оддий бир гуноҳкор банда. Яратган Эгам Исмоилнинг бадалига жаннатдан бир жонлик юборганди. Аммо Низомжоннинг бадалига бошқа бир қурбон фойибдан юборилмайди – буни Исомиддин яхши билади.

Илкис... ака-уканинг кўзлари тўқнашиди. О, Исомиддин бу нигоҳлардаги мунг, ҳасрат ва нафратни тоабад унутолмаса керак. Кошкийди, Низомжоннинг ўрига унинг ўзини ўлдиришса? Қанийди мўъжиза содир бўлиб, укаси билан ўрин алмашиб қолса? Ахир, бу ҳаётда ҳар не содир бўлиши мумкин-ку! Бир дақиқадан сўнг нима бўлишини Аллоҳдан ўзгаси билармиди?

— Укажон, мени... мени кечир! — пицирлади Исомиддин.  
— Сени... сени қутқариш учун қўлимдан келганини қилдим. Аммо...

Низомжоннинг қиёфасида ўлим олдидағи тазарру ёки даҳшат ифодаси сезилмас, чамаси, у ўта хотиржам ва сокин эди. Ҳа, бундан олти ойча илгари ота уйларида, хонтахта устида қўлкурашда куч синашиб турган чоғларида ҳам Низомжон ҳозиргидек хотиржам эди.

“Ака, айтдим-ку, барибир сизга кучим етмайди, деб...”

Ҳа, ўшанда акаси бир зарб билан укасининг билагини қайирган онда, укаси кулиб туриб шундай деганди. Ҳозир ҳам ўша ондагидек куляяпти.

— Эсингдами, — Исомиддиннинг овози титради.  
— уйимизда хонтахта устида... ўшанда сизга кучим етмайди... деганимидинг?

— Алдагандим! — Низомжоннинг овози алланечук қуруқ ва дагал эди. — Атай енгилгандим. Сизни аягандим!

— А! — Исомиддиннинг қўллари бўшашиб, қилич ерга тушишига оз қолди. Орқадан Абу Абдуллонинг ғазабнок овози келди:

— Ортиқча гапни йигиштир! Шартта узиб ташламайсанми калласини!

— Нега қараб турибсиз? — яна телбавор илжайди Низомжон. — Менга ўхшаган муртаднинг бошини олиб савобга қоласиз! Қани, бўлинг!

Исомиддин эс-ҳушини тўплаб, кўзларини чирт юмди, қилични азот кўтарди ва...

— Қифф иъдама<sup>1</sup>!

Алҳол маҳкумнинг боши танасидан узилиб қай томонга юмалаб кетишини тахмин қилаётган оломон энг сўнгги лаҳзада даврага дарғазаб амалдорнинг шитоб билан кириб келишини кутмаганди.

Абу Умар Ҳижозийнинг кутилмаган ташрифи Раққа волийси Абу Ҳошимни ҳам, “шариат кенгаши” вакили Абу Абдуллони ҳам шошириб қўйганди. Ҳатто аллақачон жонидан умидини узиб, калима қайтариб ўтирган Низомжон ҳам ҳайратда эди. Нималар бўляпти ўзи? Бу амалдор нима истайди?

Низомжон бу қорасоқол, нигоҳларидан қатъият чақнайдиган кимсани илгари Ҳалабдаги лагерда, кейин пойтахтдаги йирик митингларда бир-икки марта кўрганди.

Бир марта Абу Абдуллоҳ ҳам бу одам ҳақида гапира туриб, “сизлар амир ал-мўъминининг шахсий маслаҳатчиси Абу Умарнинг назарига тушиб қолибсизлар” демаганмиди? Энди бу одам нима қилмоқчи? Наҳотки, Низомжоннинг гуноҳини сўраб олмоқчи?

Мана, “жаноб маслаҳатчи” Абу Ҳошим билан нималарнидир баҳслашяпти. Абу Ҳошим қўлидаги ҳукмномани кўрсатиб унганималарнидир тушунтирумокда. Абу Абдулло эса бу мавҳум тортишувга аралашувни ҳам ўзига эп кўрмасдан бир четда жим турибди.

Ниҳоят, Абу Умар волий тутқазган ҳукмномани йиртиб, четга улоқтиргач, ҳамма оғир уҳ тортди. Бу чиндан ҳам Низомжон озод этилганини билдиради.

— Бу сенинг омадингми ё омадсизлигинг, билмадим,  
— деди Абу Абдулло ҳамон мук тушиб ўтирган Низомжоннинг елкасига қўлинин қўйиб. — Абу Умар сени Раққа ташқарисидаги қароргоҳига олиб кетиб, жиноятингни қайта кўриб чиқмоқчи. Агар айбинг тасдигини топса, ўзи каллангни узаркан.

<sup>1</sup>Катлии тўхтатинг!

Исомиддин ҳам укасининг қарисида чўккалаб, бошини кафтлари орасида сиқиб турар, бояги дудама қилич ака-укасининг ўртасида совуқ ялтираб ётарди.

Абу Умар оломон орасидан кимнидир чақирди. Жингалак соchlари узун бурاما соқоллари билан кўшилиб кетган қорамагиз йигит одамлар орасидан ажралиб чиқди-да, Низомжоннинг орқасига қайриб боғланган қўлларидан тутганча етаклади. Майдон четига тулаш йўлда қорамтири “Лэнд краузер” турарди. Низомжонни машинанинг олд ўриндигига жойлагач, орқа эшикни очиб, Абу Умарга итоат ила таъзим қилди.

Хозиргина ўлиши аниқ бўлган бир бандай ожизни муқаррар ажал чангалидан асраб қолган ўрта яшар мужоҳид мағрур қадамлар билан машинанинг орқа ўриндигидан жой олди. Машина зум ўтмай оломонни ортда қолдириб, шаҳарнинг марказий кўчаси бўйлаб, Жазра музофоти томон илгарилааб борарди.

Тавба, бандасининг эмас, Худонинг айтгани бўлади, леб шуни айтишаркан-да! Боягина умрининг сўнгги сонияларани ящаётганига заррача шубҳаси қолмаганди Низомжоннинг. Энди эса “давлат”нинг энг атоқли мулозимларидан бирининг машинасида қаёққадир кетиб бораётир. Аммо бу одам Низомжонни нима қилмоқчи – унга ҳали номаълум. Эҳтимол, ундан курдлар, язидийлар ҳақида кўпроқ маълумот олиб, кейин қатл этишмоқчидир? Э, унга барибир эмасми? Хозиргина ўлимнинг нақ оғзидан қайтиб чиқсан одам ҳеч нарсадан кўрқмай қоларкан.

Мана, Фурот дарёси устидаги Жиср ал-жадид – Янги кўпrik ҳам ортда қолди. Пойтахт худди шу нуқтада интиҳо топади. “Халифалик”нинг йирик мулозимлари шаҳар ташқарисидаги қароргоҳларда туришини Низомжон яхши биларди. Ким билсин, балки уни шахсан “амир ал-мўминин”нинг ўzlари билан рўпара қилишар?

Машинадаги учовлон худди оғзига толқон солиб олгандек миқ этмай борарди. Боя уни оломон орасидан етаклаб чиққан жингалаксоч йигит худди акаси сингари Абу Умарнинг шахсий қўриқчи ва ҳайдовчиси бўлса керак. Қизиқ, елкасига осиб олган оғир автомат машинани бошқаришига халал бермасмикин? Дарвоқе, бу ерда бир олтин қоида бор. Мужоҳид қуролидан бир қарич ҳам йироқда бўлмаслиги керак.

Шу топ йўл устида турган “УАЗ” – “Патриот” ҳарбий машинаси ва икки нафар кулранг кийимли ҳарбий кўриниши билан ҳайдовчи сергакланди. “Тўхтатайми?” деган маънода Абу Умарга ўгирилди. Тасдиқ жавобини олди, шекилли, машинанинг тезлигини пасайтириб, ҳарбийларнинг шундоқ ёнгинасида тўхтатди. Уларнинг кийимлари мужоҳидларникуга ўхшамасди.

Низомжон аскарлардан бирининг кўкрагидаги нотаниш нишонни кўриши билан қонқонга тушишганини англади. Ҳайдовчи елкасидаги автоматни ҳалиги ҳарбийларга ўнглаб, ҳужумга шайланётган пайтда машина ойнасидан ҳарбийлардан бири тўппончали қўлинни суқди-да, йигитнинг чаккасига тираб, тепкини босди...

Орқа ўриндиқда ўтирган Абу Умар фавқулодда хотиржам ва босиқ эди. У индамасдан машинадан тушиб, “УАЗ” томон юрди. Ҳозиргина ҳайдовчи йигитнинг миясини парчалаган мўйловли зобит унинг жасадини пастга тушириб, ўрнига ўзи ўтириди:

– Менга қара, ука, – деди у рус тилида. – Бахтинг бор экан, омон қолдинг. Агар озодликка чиқаман десанг, бу ёғига бизнинг айтганимизни қиласан!

Низомжон лол бўлиб қолганди. Булар ким ўзи? “МХД”га қарши жиҳодчи гуруҳларданми ё Асад армиясиданми? Абу Умарни нима қилишмоқчи? Нега у хотиржамлик билан нариги машинага бориб ўтириди?

## Рустам ЖАББОРОВ

Мана бу мўйловли ҳарбийнинг мақсади нима? Нега у Низомжонга озодлик ваъда қилипти?

— Нима қилишим керак? — сўради мажхул товушда Низомжон. Унинг саволидан “мендан нима истайсизлар ўзи?” деган оҳангни ҳам уқиш мумкин эди.

— Ҳозир Дамашққа кетамиз. У ердан сени Москвага юборишади. “Шереметьево”дан учадиган самолётда сени Тошкетга олиб кетишади. Бу ёғига пешонангда борини кўрасан, йигит!

Зобит шундай дея машинани ўт олдириди.

— Ука, ҳали жуда ёш экансан, — деди зобит оғир хўрсиниб. — Мана шу машинани ҳайдаб келган йигит ҳам.... Шуни айтишади-да, йигитта бало йўқ, ўзини ўзини ўтга уради, деб.

Дамашққача бўлган қариб икки соатлик йўл давомида у бошқа бир оғиз ҳам гапирмади.

...Орадан уч соатча вақт ўтиб, Дамашқдаги ҳарбий штабда соқол мўйловига оқ оралаган қайсиdir ҳарбий қўмондоннинг қабулида ўтирган онда, телевизордан таниш манзараларни кўриб, ҳайратдан донг қотди. Инглиз тилидаги хабарлар дастурида Раққа марказидаги Инфаз майдони Асад кучларининг ҳаво зарбаларига учрагани ва йигирмадан ортиқ муҳоҳид, шунингдек, бир қанча тинч аҳоли вакиллари ҳам нобуд бўлгани ҳақидаги лавҳа берилмоқда эди. Лавҳа тугаши билан сариқ сочли сухандон қиз Раққа яқинида “Халифалик”нинг раҳбарларидан бири Абу Умар Ҳижозий номаълум қуроли турӯҳ томонидан гаровга олинганини илова қилди.

Низомжоннинг боши саволлардан фувиллаб кетганди. Нималар бўляпти ўзи? Низомжонни олиб чиқиб кетишганидан кейин, Инфаз майдони бомбардимон қилинган бўлса, акасига нима бўлди? Ахир, у ҳам ўша ерда эди-ку? Наҳотки, боягина унинг боши узра ялтираб турган ажал қилиши акасини олиб кетган бўлса?

У айни онда ўта мубҳам, тушуниксиз бир кайфият қуршовида эди. Атайин қутқариб қолишдими ё буларнинг ҳаммаси баҳтли тасодифми? Ҳарбий кийимдаги, унга русча гапирган бояги одам ким бўлди? Нега уни Москвага олиб кетишади?

Йўқ, бу мўъжизанинг худди ўзгинаси эди. Яратганинг ўзи унинг оҳу нолаларини эшиганди. У муқаррар ажал чангалидан қтулиб, ўз Ватанига кетмоқда. У ерда Низомжонни нималар кутаётгани қоронғи. Аммо битта нарсани аниқ биладики, худди Раққадаги каби ҳалқнинг кўз ўнгидаги бошини сапчадек узишмайди. Эҳтимол, уни ўз юртида қамоқ кутаётгандир? Аммо ҳаммаси унинг фойдасига экани аниқ эди.

\* \* \*

Мана, ниҳоят, “Шереметьево”дан биқинида Ўзбекистон байроғи тасвири тушириган ҳаво лайнери ҳавога кўтарилди. Уч ярим соатдан сўнг у Ватанида бўлади. Ишонгинг келмайди. Наҳотки, шунча даҳшатлар ортда қолган бўлса?

Икки кундирки, унинг кўз ўнгидан Абу Умар ва уни Дамашққа олиб келиб, ҳарбий қўмондонликка топширган зобит кетмаяпти. Абу Умарни гаровга олишмагани аниқ. Чунки Абу Умар йўлдаги ҳарбийларни ўта хотиржам қарши олди. Уларга заррача қаршилик кўрсатмади. Ҳеч нарса бўлмагандек уларнинг машинасига ўтиб кетди. Наҳотки у ҳам Маратга ўхшаб...

Яна ким билсин? Нима бўлганда ҳам, агар шу иккови бўлмаганда, Низомжон ё Марат сингари бошидан айриларди, ё ҳаво зарбасининг кўп сонли қурбонларидан бирига айланарди. Яна Низомжоннинг хаёли акасига кетди. Унинг яланғоч шамширни боши узра иҷор қиёфада кўтарган ҳолати Низомжоннинг кўз олдига келиб, юраги алланечук бўлиб кетди.

Уни Узбекистонга олиб кетишияпти. Дамашқдан келган учоқдан чиқишигач, ҳамроҳлик қилган капитан Низомжонни аэропортдаги маҳсус хоналардан бирига олиб кирди-да, шу ерда уларни кутаётган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги, фуқаролик кийимидағи бошқа бир ходимга топширди. Бу хонадаги айрим ёзув-чиズув ишлари тугагач, ходим Низомжонга қаради:

— Кўринишдан тушунган, ақлли йигитга ўхшайсиз? У ерларда нима қилиб юрибсиз?

Низомжон ҳеч нарса деёлмай ерга термилди. Томоғига ҳадеб нимадир қадалар, гапиришга имкон бермасди...

...Мана, самолёт паға-паға бўлутлар бағрини ёриб бормоқда. Бутун борлиқ булутларнинг оппоқ пардасига ўралгандек гўё. Нихоят самолёт пастлаб, уйлар, кўчалар, экинзорлар кўзга ташланба бошлади.

Самолёт ерга кўнаркан, Низомжоннинг қалбида туғён қилаётган ҳисларни сўз билан таърифлаб бўлмасди.

### *2016 йил, март, Самарқанд...*

Қумри хола шифти ва деворлари оч ҳаворангга бўялган палатада кўзларини очди. Унга нима бўлди ўзи? Чап кўксидаги бир нима чирсиллаб, узилганию, кўз олди коронфилашиб, ҳушини йўқотаётганини аранг эслайди.

Кейин оқ кўйлакдаги ёшроқ йигитнинг охирги гаплари қулоғига узоқ-узоқлардан эшитилгандек бўлди:

— Холажон, ўзингизни қўлга олинг! Фарзандларингиз Сурияга ўтиб кетишиган экан. Катта ўғлингиз, Исомиддин ҳукумат кучларининг ҳаво зарбалари натижасида ҳалок бўлган. Кичик ўғлингизни бир амаллаб ортга қайтаришга муваффақ бўлдик...

Кейин иккита ўғлининг ҳовлида талашиб-тортишиб юрган пайтлари жонланди. Мана, Исомиддин онасини бағрига босиб, унга тасалли бермоқда:

— Узоги билан бир йилда қайтамиз, ойижон! Кейин албатта ўзингиз топған қызға уйланаман.

Кейин шуурида нимадир портлаб, бутун атроф қуюқ тутун ичидә қолди. Яна орадан асрларга тенг фурсат ўтиб, қулоғи остидан кичик ўелининг таниш овози жаранглади:

— Ойижон, сизға нима қилди? Кўзингизни очинг!

Овоз қаердан келяпти? Ахир, бу... Низомжоннинг, кенжатойининг ўзгинаси-ку?

— Болам, сенмисан?

Низомжон оҳиста эгилиб, онасининг торгина кўксига, қоқсуяқ елкасига бошини қўйди.

— Мени кечириңт, ойижон! Тентак ўғлингизни кечириңт, — йигларди Низомжон кўз ёшлирини тўхтата олмасдан.

— Аканг... акангни нега онкелмадинг, болам? Аканг қани, жон болам?! — аёлнинг заифгина фарёди хонани тутиб кетди. — Вой чимилдиқ кўрмай кетган болам!

— Юриңг, ҳозир ойингизга ҳаяжонланиш мумкин эмас, — дея оқ ҳалат кийиб олган бош шифокор Низомжоннинг қўлтиғидан олди.

— Ойим... ойим тузалиб кетадиларми? — умид билан бош шифокорга термилди Низомжон йўлакка чиққач.

— Хавф ортда қолди, — деди шифокор хайриҳоҳлик билан. — Лекин энди онангизни жуда авайлаш керак. Инфаркт билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Икки нафар сержант қуршовида туман шифохонасидан чиқаётган Низомжонни ташқарида ички ишлар бошқармасининг маҳсус машинаси кутиб турарди...

## ЁШЛИК БЕБОШЛИК ЭМАС

...Кичик бир шаҳарчанинг кичик ҳудудини эгаллаган, ихчам, бироқ замонавий услугда қад ростлаган бу бинода унчалик кичик бўлмаган жамоа таълим-тарбия олади. “Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик колледж” номини олган бу масканда мингдан зиёд ўғил-қиз таҳсият кўради. Гарчи вилоятнинг энг чекка ҳудудида жойлашган бўлса-да, ёшлар учун ҳамма шароит бор.

Колледж дарвозасидан кириб келган, ёши қирқларга бориб қолган, жингалак соchlарига оқ оралаган бўлса-да, қадамлари шахдам, истараси иссиқ, чаққонгина йигит таълим масканинг ҳар-ҳар бурчагида ғуж бўлиб, бир нималарни муҳокама қилаётган ёшларнинг эътиборини тортмай қўймади. Йигитнинг ортидан кимдир ҳавас, кимдир истеҳзо, кимдир кибр билан кузатиб қолди.

Йигит салом берганларга тавозе билан алик олди, менсимаганларга эътибор ҳам бермади. Қадам суръатини ўзгартирмасдан асосий бинога кирди ва директор эшигини чертиб, ичкарига қадам босди.

Тўрда тепакал бошини чангллаганча, аллақайси ҳужжатларни кўздан кечириб ўтирган директор Асадулла Ҳожиевич йигитни кўриши билан ўрнидан туриб, унинг саломига алик олди, ўтириш учун жой кўрсатди:

— Адашмасам, Азизбексиз? — леди директор йигитга бошдан оёқ разм солиб чиқаркан. — Сизни анчадан бери кутаётгандик. — Директор шундай дея пахтагулли чойнакдан чой қуйиб йигитга узатди.

Азизбек унга жавобаи кўкрак чўнтаgidаги гувоҳномасини кўрсатиб, яна жойига солиб қўйди ва хотиржам чой ҳўплади.

— Гап бундоқ, ука, — леди директор стержени яримлаб қолган шаффоф ручкани бармоқлари орасида хаёлчан ўйнатаркан. — Биласиз, ҳозир ёшларнинг таълим-

тарбиясига ҳар қачонгидан күпроқ эътибор қаратиляпти. Ҳукумат ҳар йили улар билим олсин, ҳунар ўргансин, соғлом ўссин деб миллиардлаб маблағ ажратяпти. Биз ҳам зыммамиздаги вазифаларни қўлдан келганча адо этишга уриняпмиз. Фақат...

Гарчи директор гапни узоқдан бошлаган бўлса-да, Азизбек босиқлик билан уни тинглаб ўтирас, ора-орада чой ҳўплаб қўярди.

— Биласиз ёшларга, ўтиш даврида жуда жиддий эътибор бериш керак. Бу пайтда улар худди янги унаётган ниҳолга ўхшайди. Шамол қайси тарафдан эсса, ўша тарафга эгилади, уларни букиш ҳам, синдириш ҳам осон. Лекин ҳозир асосийси — уларни соғлом ўсиб, бақувват дарахтларга айланиши учун кўмаклашиш. Уларга битта гап кам, иккитаси ортиқча бўлиб қолади.

Азизбек директорнинг нутқи чўзида бошлаганидан хийла безовталанса-да, сир ой бермади, кулимсираганча бўшаган пиёлани қайтариб, қўл соатига қараб қўйди, холос. Директор бу ҳаракатнинг мазмунини тушуниб томоқ қирди:

— Биламан, ука, шошиб турибсиз. Гап шундаки, битиравчи гуруҳларимиздан бири анчадан бери бизни ташвишга соляпти. 666-гуруҳ. Бу гуруҳни шумтакалар ҳатто “Иблис гуруҳи” деб номлашган ҳам. Гуруҳдаги болаларнинг аксарияти билан кўпчилик ўқитувчилар чиқишолмайди. Мен ўзим ҳам уларнинг бир нечтасини хонамга чақириб уришиб бердим. Ота-онаси билан ҳам гаплашдим... Хуллас, нима десам экан сизга... — Директор кенг пешонасидаги тер резаларини қўлидаги рўмолчаси билан артиб олди. — Хуллас, шу гуруҳга бирор тайинли раҳбар тополмаяпмиз. Ўзимиздаги ўқитувчилар ўша гуруҳга кириб, бир-икки “пара” дарсини ўтишга ҳам безиллаб қолишган. Четдан чақирилган ўқитувчилардан бир-иккитаси бир ойдаёқ “кетаман”га тушиб қолди. Шу сабабли вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасига ёрдам

сўраб мурожаат қилдик. Сизни тавсия этишди. Энди, ука... бор умидимиз сиздан, шу гуруҳимизни ўзингиз қўлга олсангиз...

— Муаммо нимада ўзи? — сўради Азизбек. — Ахир, битта гуруҳда ўртача йигирма-йигирма бешта ўқувчи бўлади. Наҳотки, уларнинг ҳаммаси безори, такасалтанг? Ўқишига, касб-ҳунарга қизиқалиган ёшлар ҳам бордир?

Директор енгил хўрсениб, столининг бир четида ўюлган йигмажилларни олдига сурди:

— Гуруҳда йигирма тўрт ўқувчи бор, — деди у жилларни бирма-бир очиб кўраркан. — Биласиз, бизнинг коллежимиз ҳамма интиладиган, тиббиёт, ҳуқуқ ёки педагогикага йўналтирилган коллежмас. Олатда бошқа коллежга киролмаганларни, тўққизинчи синфи битириб, “ўқимайман” деб туриб олганларни мажбураи бизнинг коллежимизга юборишади. Ҳамма муаммо шунда. Айрим ўқувчиларимизнинг ота-онаси савдога, тижоратга берилиб кетган. Боласини ҳам ўқитиш фикридан йироқ. Аммо ўқитмаса бўлмайди. Шунинг учун хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам уларни ўқитишга мажбурмиз. Мана масалан... — у шундай дея битта папкани Азизбекка узатди. — Манави болага бир қарант.

Азизбек маълумотномага кўз ташлади: “Бобожонов Комронбек Улуғбек ўғли. 1996 йил 12 марта туғилган”. Маълумотномадаги суратда ҳам боланинг ўзига бино қўйгани, димоғидан қурт ёғишини англаш қийин эмас.

“Зарари йўқ, бу билан ҳам тил топишиб кетармиз” — мийигида кулимсиради Азизбек.

— Бу бола мактабда ўқиб юрган пайтларида математика бўйича вилоят олимпиадасида биринчи ўринни олган, Республикагача чиққан. Аммо мактабни битириб ўқишига умуман қизиқмай қўйган. Сабаби, отаси катта бой. Хитойдан мол опкелиб сотади. Онаси ҳам бозорда савдо қиласи. Коллежга ҳам “Каптива”да қатнайди. Ота-онаси

“пул бўлса, чангалда шўрва” дейдиганлардан. Керак бўлса университет дипломини ҳам пулга сотиб оламиз, деб ўйлашади. Оилада шунақа тарбия кўргач, юқори синфлигига Комрон умуман ўқишга қизиқмай қўйган. Дарсга ҳам фақат болалар билан валақлашиш, ўзини кўрсатиш, вақт ўтказиш учун келади. Ўқитувчилар ҳам унинг дастидан дод дейишади. Баъзида унинг дарсга келмаганидан хурсанд бўлишади. Салтинчроқ бўлади-да шунда. Чунки групдаги номаъқулчиликларнинг бошида асосан унинг ўзи турди. Ота-онаси билан гаплашиб ҳам кўрдим. “Боламизниң бўлгани шу, агар у сизларга ёқмайдиган бўлса, ўқитмай қўя қолинглар, ўзимиз унга керакли нарсани ўргатиб олаверамиз” дейишган. Лекин ўзингиз биласиз, у дарсга келмаса биз ҳам жавобгар бўламиз.

Директор Комроннинг жилдини Азизбекнинг қўлидан олди ва иккинчи жилни узатди.

— Мана шу қизимизнинг юриш-туриши ҳам бизни анча ташвишга солади. Исми Шаҳризода. Онаси билан яшайди. Отаси уларни ёшлигига ташлаб кетган. Она кўпинча уйда бўлмайди. Уйига кеч қайтади. Аллақайси хорижий фирмада ишларкан. Қизи кўпинча уйида ёлғиз бўлади. Унинг кийиниши, юриш-туриши коллежимизда кўп муҳокама бўлган. Мен ўзим ҳам “қизим, кийинишингга қара, бу ер таълим маскани. Бу ерда кийинишининг ҳам ўз тартиблари бор” деб бир неча марта танбех бердим. Тавба қилдим-у, менга қараб “устоз, кийимимни нимаси сизга ёқмади?” деб сузилади-еъ! Отаси тенги одамман-а! Агар менгаки шунақа гапирса, ўз синфдошлари билан... Хуллас, унинг бунақа очик-сочиқ юриши бошқаларга ҳам ёмон таъсир қиласди. Бир марта онасини ҳам чақирдим. “Қизингизнинг кийиб келган кийимини қаранг, наҳотки, уришмайсиз?” десам, “вой, бу шайтон қиз ўқишга мани юбкамни кийиб келгани учун роса уришдим”, дейди. Мана сизга тарбия!

Ишқилиб то коллежни тугатиб кетгунча бирор ножүя иш қилиб қўймасин деб қўрқаман...

Азизбек "пиқ" этиб кулиб юборди, бироқ директорнинг хуноб кайфиятда кўриб, юзига жиддий тус берди. Директор тортмасидан аллақандай дори қути олди-да, битта таблеткани тилининг тагига ташлади. Азизбек беихтиёр қўлидаги маълумотнома суратига кўз ташлади. Ҳатто суратда ҳам унга ишва билан "намунича ёмон қарайсиз?" деётгандек туюлди унга.

— Манави боланинг исми Маъмур. Отасининг қўли гул уста. Бизнинг ҳам коллежимиз миллий ҳунармандчиликка ихтисослашгани учун Маъмур уйида ясаган ўймакорлик буюмлари амалий санъат хонасига ҳам қўйилган. Лекин кейинги пайтларда дарсларга кам қатнайдиган бўп қолди. Сўрасак, "менга билим олишининг кераги йўқ, устачиликни отамдан ўрганавераман" дейди. Отаси ҳам худди шу фикрда. Битта акаси Россияга кетган. Ишқилиб, отаси бу ўғлини ҳам ўша ёққа жўнатвормаса деб қўрқаман.

— Манави йигитнинг исми Ҳамиджон, — директор шундай деб унга кейинги жилни узатди. Суратда соқол-мўйлаби сабза ура бошлаган ўспирин қовоқ уюб турарди. — Отаси бир пайтлар ўзимиз қатори оддийгина одам эди. Қаергадир ишга кетди-да, соқол қўйиб, бошига ҳожидўппи қўндириб, эгнига яктак илиб қайтди. Бир пайтлар бирор тўйга бориб қолгудек бўлса, ичиб жанжал кўтармаса бўлмайдиган бу ошнамизни ўзимиз ҳам танимай қолдик. Рост, сиз ишонмайсиз-да, кимдир уйида тўй қилмоқчи бўлса, "шу... тўйимизга овора бўлиб бориб ўтирмасангиз ҳам хафа бўлмаймиз, камига яна жўнатамиз", деб унинг уйига гўшт, ароқ, майда-чуйда ташлаб келишарди. Албатта, худо тўғри йўлга бошлаган, хатосини англаб, қуюлиб қолгани яхши. Лекин ҳозир ўзингиз кўриб турибсиз-ку, саждадан боши узилмайдиганларнинг ҳаммасининг ҳам кўнгли тоза,

нияти пок деб бўлмайди. Қизиги, ўша ошнамизнинг гуруҳда ўқийдиган ўғли ҳам хийла ўзгариб қолган. Болаларга ҳам «мени Ҳамил эмас, Абдулҳамил деб чақиринглар» деганиши. Бир-иккита дарсда ўқитувчилар билан ҳам диний мавзуда тортишиб қопти. Шу болага ҳам эҳтиёт бўлишимиз керак.

Директор жилларни саралашда давом этарди. Иккита-учта жилдни хийла бефарқлик билан четга сурди-да, улар ичидан яна биттасини ажратиб олди.

— Мана шу йигит ҳам бизни анча куйдирди. Мухтор Ашурев. Ичиш-чекишдан, айрим бемаъни ишлардан қайтмайдиганга ўхшайди. Бир-икки марта коллежнинг орқасида сигарет чекаётганини кўриб қолиб, роса уришдим. Куни кеча физкультура ўқитувчиси ҳам спорт залидан битта “бичок” топволиб, болалардан “бу кимники” деб сўрапти. Мана шу Мухтор “ҳеч кимникимас, bemalol чекаверинг” деганиши. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясида рўйхатда туради. Бир марта қўшнисининг эчкисини ўғирлаб, милицияга тушиб қолган. Фақат иккита қўшни ўзаро келишиб, болани чиқариб олишган. “Битта эчки учун яхши-ёмон бўлмайлик” дейишган бўлишса керак. Лекин гап битта эчкида эмас, бугун эчкини ўғирлаган бола, эртага бутун бошли банкни тунамаслигига ким кафолат беради?

Азизбек олдида уюлиб қолган жилларга қараб аянчли бош чайқади:

— Наҳотки, бу гуруҳда йигирма тўртта боланинг ичиди илм олишга, маърифатга интиладиган, иқтидорли ўғил-қизлар бўлмаса?

— Бор, — директор битта жилдни олиб унга кўрсатди.  
— Мана, Отабек Жаъфаров деган бола. Жуда интилувчан, иқтидорли йигит. Китобдан бош кўтармайди. Ҳамма фанларни яхши ўзлаштиради. Лекин гуруҳдаги болалар билан ҳеч чиқишлоғмайди. Ўқитувчилар ҳамма болага Отабекни ўрнак қилиб кўрсатаверганидан кейин,

## Рустам ЖАББОРОВ

синфдошлари уни ёмон кўриб қолишиган. Бир куни танаффус пайтида синфдошлари билан гапга боришиб “сенлар одам бўлсин деб, ҳукуматимиз шунча пул сарфляяпти, ҳамма шароитларни яратиб қўйибди, ҳайф сенларга мана шундай таълим масканлари” дегани учун болалар уни роса дўппослашибди. Қизлар менга келиб айтишиди. Иккита ўқитувчи билан бориб, бола бечорани аранг ажратиб олдик.

Азизбек суратда ғамгин жилмайиб турган йигитчага қараб, унга нисбатан ич-ичидан ғойибона бир илиқлик туйди.

Директор ҳамон уни бўлажак шогирдлари билан танишириша давом этарди.

— Мана бу қиз Умида, гуруҳ сардори. Энг иқтидорли ўқувчиларимиздан бўлгани учун уни сардор этиб тайинлаганмиз. Лекин барибир синфдошлари ундан кўра Комронга қулоқ солишади, ўшанга эргашишади. Биз тарафларда одамлар бошқачароқ фикрлайди. Қиз болани имкони борича мактабни битириши билан турмушга бериб юбориш пайида бўлишади. Шунинг учун ота-онаси унинг ўқиши, интилишлари билан қизиқишимайди. Умида қизимизнинг қалами жуда ўткир. Ёзган шеър ва ҳикоялари туман газетасида чиқсан. Битта шоир унинг шеърларини ўқиб, хат ҳам ёзворибди. Бундай ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш керак. Хуллас... Азизбек, қолган болалар билан дарсда, таълим жараёнида батафсил танишиб оларсиз. Сизга гуруҳ ҳақида қисқача бўлса-да тушунча бериб ўтдим. Хўш, биз билан ишлашга розимисиз?

Азизбек бош ирғади.

— Вазифамиз шу. Қаерда бўлмасин, ёшларимизга тўғри таълим-тарбия бериш. Умид қиласанки, бу гуруҳ билан ҳам тил топишиб кетармиз.

Йўлакнинг охиридаги 101-хона худди тўзиб ётган ари уясини эслатарди. Биринчи “пара”да дарс йўқлиги, ўқитувчининг дарсга келмагани сабаблими, ўқувчилар тўп-тўп бўлиб, алланималарни гаплашишарди.

— Эй, бозорни бас қилларинг ҳамманг!

Комроннинг ҳукмфармо, жарангдор овозидан сўнг синфда хийла жимлик чўкди.

— Менга суюнчи берларинг, сенларга битта янги устоз “заказ” қилгандим, боя ўшани жўнатворишибди. Ҳозир ўзиям кеп қолса керак.

— Ие, олдинроқ айтмайсанми? — деди Мухтор енг шимариб. — Бозордан бирорта қўй-пўй опкелиб, оёғининг тагига сўйворардик.

— Қўй шартмас, қўшнинг Илёс пилтанинг эчкисини ўғирлаб келсанг ҳам бўлаверади, — деди ҳамманинг қитиқ патига тегмаса туролмайдиган Мансур бир пайтлар унинг милицияга тушганига ишора қилиб.

Курсда гурр кулги кўтарилди. Ортиқча гап кўтаролмайдиган Мухтор иккита партанинг устидан ҳатлаб ўтиб, Мансурнинг ёқасига чанг солганида ўргадаги партада ўтирган қизлар қий-чув кўтаришди.

— Э, отставить! — “команда” берди ўз стулида ястаниб ўтириб олган Комрон. — Сен бу “клоун”ни гапига қулоқ солма, “Муха!” Ўғирликни ҳам эплаган қиласди. Қани ўзи ҳеч бўлмаса, битта жўжани ўғирлаб кўрсин-чи!

Боядан бери охирги партада ҳаммани сокин кузатаётган Абдулҳамид ўридан туриб қироат билан гап бошлади.

— Эй Комрон, ҳар гапни ўйлаб гапириш керак. Ўғирлик гуноҳи кабиралардан бири ҳисобланади. Сен нега одамларни ўғирликка даъват этяпсан? Билсанг, каломуллода “ўғри эркак бўладими, аёлми, қўлини кесинглар” дейилган!

## Рустам ЖАББОРОВ

— Вой, вой, вой чаламулла-ей, — Мухторнинг асаби Қўзиди. — Бунақа гапларни гапиришдан олдин таҳорат-паҳорат қилволганмисан?

— Алҳамдулилоҳ, мен ҳар доим покиза бўлиб юраман, — тўнгиллади Абдулҳамид.

Яна синфда кулгу портлади. Ҳатто Абдулҳамидинг ўзи ҳам қизарганча кулиб юборди ва “астағфирулло” деб қўйди. Ана шу пайтда эшик очилиб, синфга директор Асадулла Ҳожиевич Азизбекни бошлаб кирди.

Синфда ўтирганларнинг аксарияти ўрнидан турди. Ўқувчилар наридан-бери салом берган бўлишди. Директор бир зум ўқувчиларнинг тинчланишини кутди. Кейин томоқ қириб гап бошлади:

— Ҳурматли... — у орқа партада ҳамон пиҷирлашаётган қизларга таҳдидли қўл силтади, — ... ва ҳурматсиз ўқувчилар! Бугундан бошлаб, мана шу аканглар сизларга гуруҳ раҳбари этиб тайинланди... Менга қара, Санобар, сенга неча марта айтдим, ўзингни ҳадеб суратга олаверма деб, — директор шундай дея Азизбекка ўгирилди. — Ҳозирги ёшларнинг қилиқларига қойил қолмайман-да, шу “зулфи” деганлари ҳам жа жонга тегди-да!

— Домла, “зулфи” мас, сельфи! — тузатиш киритди қорачадан келган, озғингина қиз Санобар телефондаги суратига яна бир марта қараб, кўнгли тўлмаганидан уфтортаркан.

— Турдиев, яна бўйнингга онангнинг “трос”ини тақиб келдингми? — директор энди олд қаторда ўтирган, сочи елкасига тушган, кўкрагида бош чаноги ва устма-уст тахланган болдир суюкларининг тасвири туширилган футболкадаги Комронга ўдағайлади. — Ҳали қулоғингни тешиб сирға ҳам тақарсан? Балким эртага сочингни ҳам ўриб келарсан? Камолов, сақич чайнашни йиғишиштир! Тошматова, лабингни нимага бунақа қип-қизил қилиб бўяб олдинг? Бобоҷонов, отангнинг чорбоғида ўтирибсанми ялпайиб? Э, Абдурайимов, ўтган сафар

коллежга соқол билан келсанғ, сочинг билан қўшиб қиртишлаб опташлайман, дегандим. Уфф... – Асадулла Ҳожиевич афтни буриштириб, чап қўкрагини ушлади.

– Домла, сиз бораверинг, – деди Азизбек директорга хийла ачиниш билан қараб. – Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Биз болалар билан ўзимиз яхшилаб гаплашиб оламиз. Тўғрими, болалар!

– Ўроқдек тўғри, – мазаммат билан илжайди Комрон.  
– Ҳақ гап, – донишмандларча бош иргади Абдулҳамид.  
– Домла, сиз билан битта “сельфи” тушсак бўладими?  
– сўради Санобар телефон фотоаппаратини созлаб.  
– “Инстаграм”га қўйиб қўяман, “бизнинг янги гуруҳ раҳбаримиз” деб.

Азизбек бир зум гуруҳдаги, турли кийимдаги турфа феъл-атворли болаларни кўздан кечирди. Унинг бу синчковлиги бошқаларга ҳам ғалати туюлдими, зум ўтмай ҳамма жимиб қолди.

– Азизларим, – деди босиқ, мулојим оҳангда. – Мен бугундан бошлаб, сизларнинг гуруҳингизга раҳбарлик қилиш баробарида, сизга она тили ва адабиётидан дарс бераман, – бироз пауза билан гапида давом этди. – Бир ривоятни эшитганмисизлар? Алишер Навоий ҳазратлари отда кетаётганларида битта ёш болани кўриб қоладилар. Шунда ул зот отларидан тушиб, ҳалиги болага салом берадилар. У кишининг бу ҳаракатларидан таажжуланган ҳамроҳларига қараб, “бу бола устозимнинг ўғли бўлади” деган эканлар.

Азизбек бу ривоят кимга қандай таъсир қилганини билмоқчи бўлдими, бир зум жим қолди. Синфда баланд-паст изоҳлар янграй бошлади.:

– Жа камтарин бўлган эканлар-да бобомиз.  
– Устоз – отангдан улуғ, деганлар-да!  
– Ким айтди шу гапни? “Устоз отангдек улуғ” дейилади, ўқимаган.  
– Устоз, сизам ўғлингиз билан таништириб қўйинг,

## Рустам ЖАББОРОВ

кўча-пўчада кўрсам, “Каптива”мдан тушиб салом берардим!

Азизбекнинг хиёл ранги ўзгарди, ҳаммани дикқат билан эшитиб бўлгач, яна болаларга юзланди:

— Мен сиздан бунақа эҳтиромни кутаётганим йўқ. Устозлар ўз шогирдидан фақат бир нарсани — яхши билим олиб, ҳунар ўрганиб, ҳаётда ўз йўлини топишни кутади. Бир оғиз раҳмат айтиш ё айтмаслик, кўчада дуч келиб қолсангиз, салом бериш-бермаслигингиз виждонингизга ҳавола. Ёшлик худли шамолдек бир пасда ўтади-кетади. Вақти келиб, жуда кўп бойлик орттирасиз, лекин дунёнинг жами хазиналари эвазига мана шу олтин дамларни қайтара олмайсиз. Шунинг учун вақтингизни беҳуда ўтказманг. Ер юзидағи не-не мамлакатларда болалар савод чиқарсин деб, ота-оналар топган-тутганини сарфлайди. Чунки уларда таълим олиш пулли. Шу боис айрим мамлакатларда аҳолининг катта қисми саводсиз. Бизда ҳукуматимиз ҳар йили сиздек ўғил-қизларнинг ўқиши, таълим олиши учун жуда катта маблағ ажратади, мана шундай чиройли биноларни қуриб беряпти. Миллионлаб нусхада дарсликлар чиқяпти. Сизлар эса бу ерда устозларни менсимасдан, уларни эрмак қилиб ўтиришингиз инсофдан эмас.

— Бағоят таъсирли, — Комрон эринчоқлик билан керишганча, қўлидаги телефонни олди. — Эшитдира-рингми, қўзичноқларим! Бу гапларни қулоғингизга қуйиб олинг!

Азизбек бир-бир қадам ташлаб, Комрон ўтирган партага яқинлашди. Эгилиб унинг қўлидаги телефонни олди-да, уни ўчириб яна ўзига қайтарди:

— Комронбек, бу гапим сенга ҳам тегишили, — кейин бошқаларга юзланди. — Кани, ҳамма ҳозироқ телефонини ўчиресин. Таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тақиқланган. Қонун ҳаммага баробар. Агар яна бир марта телефон ишлатганингизни кўрсам, уни

олиб қўяман. Фақат ота-онантизгагина қайтараман. Маъқулми?

Азизбекнинг салобати боғсани учунми, ўқувчиларнинг аксарияти телефонларини ўчириб сумкага солишиди. Фақат Комрон бепарволик билан телефонни қайтадан ёқиб олди:

— Муха, сенда “Май крафт”нинг янги версияси бормиди? Менга ўтказиб юбор. Панд-насиҳат жонга тегди.

Орқа партада ўтирган Мухтор телефонни ковлаштиришни бошлаган пайтда Азизбек бир суз демасдан ҳар икки боланинг қўлидан телефонини чаққон юлиб олдида, ўз жойига қайтди.

— Болалар, мен битта гапираман: энди телефонингизни фақат отангиз ёки онангизга қайтараман.

Мухтор ўрнидан туриб, ҳаммани ўзига қаратиш учун бир-икки томоқ қирди.

— Устоз, а так, ҳали сиз ҳали “новичок” бўлганингиз учун ҳали бизнинг болаларни яхши билмабсиз. Бу қилингиз билан бизни ёмон “унижать” қилдингиз-да! Бу “поступка”ларингиз учун “отвечать” қилишингизга тўғри келадими, деб қўрқаман! Телефонни дадам ёки онамга эмас, ўзимга, ҳозироқ қайтарасиз! Если что...

— Муха, отставить, — дея шартта унинг гапини қоқ белидан кесди Комрон ўрнидан туриб. — Ниче, устозни ҳали ўзимиз яхшилаб тарбиялаб қўямиз. Фақат тоқатлари етса... Телефон масаласига келсак, менинг ота-онам битта телефон учун ҳамма ишни йиғишириб сиз билан пачакилашгани олдингизга келиб ўтирмайди. Так что, шу телефон сизга “подарка”! Фақат, бунинг эвазига мени, умуман, гуруҳдагиларни тинч қўясиз. Дарс кимга керак бўлса, ана, дарсликдан ўқиб олаверади. Сиз кириб-чиқиб ойлигингизни олиб кетаверасиз. Билим, одоб-ахлоқ, одамгарчилик деб ўзингизнинг ҳам, бизнинг ҳам бошимизни қотирмайсиз. Агар тушунмаган

бўлсангиз, ташқарида эркакчасига гаплашиб олишимиз мумкин. Маълумот учун, каратэ бўйича “чўрни пояс”ман. – Комрон устозга виқор билан кўз ташлаб, кейин гуруҳдошларга ўгирилди. – Хўш, нима дейсанлар? Тўғрими гапим?

Гуруҳда яна қий-чув кўтарилди. Кимdir Комроннинг гапини маъқуллади, кимdir унга қарши чиқди. Яна бирор овозга қўйишни таклиф қилди. Аммо Азизбекнинг “жимлик” деган хитобидан сўнг яна негадир ўз-ўзидан сукунат чўкди.

– Комронбек укам, – У қўлидаги “айфон 4”ни ҳавода силкитди. – Менга бунақа совғанинг кераги йўқ. Лекин эртага отанг ё онангни барибир ёнимга бошлаб келасан. Бунга ишончим комил. Агар бошқа гап-сўз бўлса, марҳамат дарсдан кейин ташқарида гаплашамиз. Фақат шу шарт биланки, ҳозир менинг дарсимга бирортанг халақит бермайсан.

Комрон бу шартни сўзсиз қабул қилди ва дарс тугагунча бир оғиз ҳам гапирмади.

Азизбек эса синфи хотиржам айланиб, ўзи ҳақида, дарс жадвали, иш тартиби ҳақида аниқ-равон тушунча бериб ўтаркан, ҳар бир ўқувчини зимдан кузатишга тушди.

– Синглим, “сельфи” нималигини мен жуда яхши биламан, – деди боягина директор билан тортишган қорамағиз қиз олдида тўхтаб, – Лекин бунақа иш сайд-саёҳатга чиққанда, тўй-ҳаннамларда, қувончли кунларда қилинса, зарари йўқ. Лекин ҳар қадамда ўзини суратга олиб, интернетга жойлаштириш ақлли қизларнинг иши эмас.

– Ақлсиз қизлар сельфига тушса бўлаверадими? – луқма ташлади унинг ёнида ўтирган Шаҳризода хийла сузилиб.

Азизбек боягина кўрсатилган фотосуратни эслаб, уни дарҳол таниди. Чиндан қиз ёшига номуносиб тарзда

пардоз-андоз қилган, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари ҳам уни ўз ёшида анчагина катта кўрсатарди.

— Умид қиласанки, бу гуруҳда ақлсиз қизларнинг ўзи йўқ, — деди Азизбек мулойимлик билан. — Сиз ҳам, Шаҳризода, жуда ақлли қизга ўхшайсиз. Фақат, эсиңгизда турсин, ёшликтининг ўзи дунёдаги энг бебаҳо пардоз. Уни сунъий упа-эликлар ортига яшириш керак эмас. Кейин... — устоз қизнинг қалта, ялтироқ кўйлаги, баланд пошнали туфлисига имо қилди, — бу ер таълимтарбия маскани. Тўй ёки дискотека эмас. Колаверса, сиз ҳали жуда ёшсиз. Эртага битта хонадонга келин бўлиб тушасиз. Лекин бунақа юриш-туришда унча-мунча отона сизни ўз уйига келин қилиб туширишни истамаса керак.

— Вой усто-о-о-з, — деди Шаҳризода гапни нозли оҳангда чўзиб. — Битта эр бўлса топиб оларман, сиз бу ёғидан фам еманг. Нима қилайлик, камбағалчилик, кенгроқ, узунроқ кўйлак тикиришга мато етмаяпти-да!

Гуруҳда кимдир унинг гапига кулган бўлди, яна кимдир гапига яраша луқма ташлади. Азизбек ҳам у билан тортишиб наф тополмаслигини англадими, индамай нари кетди ва Отабекнинг партаси олдида тўхтади. Парта устида турган китобни қўлга олиб варақлади:

— “Граф Монте Кристо” — яхши китоб, — деди Отабекнинг елкасига кафтини қўйиб. — Инсонни жасоратга, сабр-тоқатга, ор-номусли бўлишга ундейди. Лекин бу китобни дарсан ташқари пайтда ўқиганингиз яхши. Бу асар колледж ўқув ластурига киритилмаган. Маъқулми?

— Хўп, устоз, — деди Отабек қўлинин кўксига босиб.

— Хўш, сиз қайси китобни ўқияпсиз? — Азизбек Умиданинг партаси тарафга қўл узатди. — Аҳа, “Бобурнома” денг? Жуда фойдали асар. Ўзбек насрининг бебаҳо дурдонаси. Ҳали бу ҳақда дарсларимизда батафсил

тўхталамиз. Қанийди, бошқа курсдошлирингиз ҳам сизларга ўхшаб китобга, адабиётга меҳр кўйса...

— Домла, — гап келса отасини ҳам аямайдиган Мансур бу гал ҳам тили учидаги гапни тутиб туролмади. — Ўхшатмаса учратмас, дегандек, шу Уми билан Оташ жа бир-бирига мос-да! Савоб йўлига шуларнинг бошини қовуштириб қўйсак. Битта мулла, уч сўм пул, бир калла қанд... Айтганча, мана, мулла ҳам ўзимизда бор, — шундай дея бир парта олдинда ўтирган Абдулҳамиднинг елкасига қўлини қўйди.

— Бирорвга никоҳ ўқитгунча ўзингни ўқитволгин, — дея орқадан гап ташлади кимдир. Яна шовқин кўтарилиди. Фақат бу шовқинда Отабек билан Умидагина аралашмасдан қизариб-бўзариб ўтиришарди.

Азизбек Умидга ва Отабекка “хафа бўлманглар” дегандек хайриҳоҳлик билан бош ирғаб, кейин Мансурга ўтирилди:

— Яхшигина қобилиятингиз борга ўхшайди. Балки коллежни битирганингиздан кейин циркка ишга киравсиз. Лекин дарс пайтида бачканга ҳазилларни йигиштирган маъқул. Дурустми?

— Ие, устоз, бунинг “клоун” эканини сиз ҳам билармидингиз? — илжайиб гап ташлади Шаҳризода.

Азизбек бу беўхшов ҳазилларни ҳам жавобсиз қолдирганча, кейинги парта тарафга юрди. Ҳар доим сочининг ўртасидан фарқ очиб, бошига дўппи кийиб келадиган Нигинанинг муқовасида “Уммон” гуруҳи йигитларининг сурати туширилган дафтарини олди:

— Мен ҳам санъатни, мусиқани, қўшиқ тинглашни ёқтираман, қайсиидир хонанданинг мухлисиидирман. Лекин мухлисликда ҳам чегара бўлади, синглим. Дафтар муқовасида ўқишига, таълим-тарбияга, илм-маърифатга алоқадор суратлар бўлгани маъқул. Унда “Уммон”, Ишани ёки Пўлат Аламдорнинг суратидан кўра, Беруний, Ибн

Сино, Амир Темурга ўхшаган боболаримизнинг расми бўлгани маъқул, тушунарлими?

...Азизбек деярли ҳар бир ўқувчи билан шахсан танишиб, унинг ўқиши, юриш-туриши, кийиниши билан боғлиқ тавсиялар берди.

Чамаси, биринчи дарёда ёк ўқувчиларнинг аксарияти бу ёш муаллимнинг феъл-атвори аввалгилардан фарқ қилиши, у билан анча эҳтиёткорона муомала қилиш кераклигини тушуниши. Аммо Комрон, Мухтор, Шаҳризода сингари ўқувчиларнинг наздида эса у ўқитувчи ҳам бошқалар сингари бир-икки ойда папкасини қўлтиқлаб қайтиб кетадигандек эди.

\* \* \*

Азизбек коллеж биносидан чиқиб, "Матиз" машинаси турган майдонча тараф одимларкан, сал нарироқдаги "Каптива"га суюниб турган уч йигитчани кўриб, қадамини секинлатди. Тушунарли. Демак, боягина дарсда дакки олган Комрон ўзининг икки шотири – Мухтор ва Мансур билан унинг йўлини пойлаб туришибди.

Азизбек имкон даражасида ўзини қўлга олиб, йигитлар томон юрди.

– Дарслар тугади, йигитлар, бу ерда нима қилиб турибсизлар?

– Устоз, чекишдан борми? – ўртоқларидан бир қадам олдинроққа чиқди Мухтор.

– Чекмайман, – деди Азизбек ўқувчисининг кўзига тик боқаркан.

– Чатоқ қиласиз, устоз, – деди Мухтор чўнтагидан бир қути сигарета чиқариб. – Начора, сизда бўлмаса ўзимизнидан чекамиз-да!

Мухтор қутидан бир дона сигарета суғуриб олишга.

улгурмади. Ярим сонияда бир қути сигарета қандай қилиб устозининг қўлига ўтиб қолганини ҳам тушунолмади.

— Бир грамм никотин отни ўлдиришини биласанми?  
— сўради Азизбек сигарета қутисини бармоқлари орасида эзғиларкан.

— Лекин эшакка ҳеч нарса қилмайди, устоз, ваҳ-ҳаҳ-ҳа! — ўз ҳазили ўзига нашъа қилиб қаҳ-қаҳ отди Мансур.

— Ўчир! — қичқирди ўртоғининг ўринсиз ҳазилидан гаши келган Мухтор унга тиш қайраб, кейин эса ўқитувчига ўтирилди. — Жа “крутой” экансизми, ус-сто-о-з-з? Пачкаси ўн минг туради бунинг, биласизми?

— Яхши, эртага отангни чақириб келганингда, телефонингга қўшиб, шу ўн минг сўмни ҳам бервораман,  
— деди бамайлихотир Азизбек. — Яна нима гапинглар бор?

— Менга қаранг, домулла, “номер”ларингиз бу ерда ўтмайди, — Мухтор кутилмагандан шимининг орқа чўнтағидан тугмали пичоғини олди. Лекин негадир Азизбек чўнтақ пичоғининг қуёшда ялтираган ингичка тифига парво ҳам қилмади. Фавқулодда чаққонлик билан Мухторнинг пичоқ тутган билагидан тутиб, бир қисганида, пичоқ унинг қўлидан чиқди, фақат ерга тушишга улгурмади. Азизбек туфлисининг учи билан ерга тушаётган пичоқни бир тепганди, у қўлига келиб тушди. Кейин пичоқни айлантириб томоша қиларкан, унинг ёрлиғидаги битикни ўқиди:

— “Made in China”, — шундай дея бир-икки пичоқ тугмасини босиб кўрди. — Бунақа ўйинчоқларни олиб юриш сизларга ярашмайди. Буни ҳам телефонингга қўшиб, отангга қайтараман, маъқулми?

Унинг фавқулодда чаққонлиги болаларни лол қилиб кўйганди. Ўзини кўрсатмаса бўлмаслигини тушунган Комрон машғулотда ўрганган усулларини ишга солди. Аммо Азизбекнинг елкасининг мўлжаллаб тепган ондаёқ ўзини унинг оёқлари остида кўрди.

— Тур ўрнингдан, ёмон тушмадингми? — Азизбек йигитчани ўрнидан турғизиб, ҳатто чант теккан елкасини қоқиб ҳам қўйди. — Аниқ нишонга олишни билмас экансан. Вақт топиб, спорт залига кирганимизда ўзим яхшилаб ўргатиб қўяман. — Шундай дея Мансур тарафга одимлади. — Хўш, укам, сен ҳам бирор нима демоқчимидинг?

Шерикларининг аҳволини кўриб, етарлича хуласа чиқарган Мансур ўзини Мухторнинг панасиға олишга уринди

— Ие, устоз.. қойил... ўзи бу болаларга айтувдим, “устоз яхши одам эканлар, жаҳлларини чиқармайлик” деб. Тўғрими, Комрон... айтдим-ку? Ҳалиги... жа чаққон экансиз, лекин...

— Бекор санғимасдан, тез уйга боринглар, — деди Азизбек ва “Каптива”га имо қилди. — Ишқилиб, ҳайдовчилик гувоҳноманг борми, Комрон?

— Ҳа, бор, бор, отаси туғилган кунига совға қилган, — масхараомуз тиржайди Мансур.

— Э, отставить, — Комрон шимининг олди-орқасини қоқишириди-да, машина ойнасидан қўл суқиб, ҳужжатини олиб кўрсатди. — Мана, автомактабни кечки гуруҳини яқинда битирганман.

Азизбек кинояли кулимсираб, машинасиға ўтиради. Учовлон то “Матиз” кўздан йўқолгунча унинг ортидан оғизлари очилганча қараб қолишиди.

— Нима бало, қўли темирданми дейман? — деди шу пайтгача дами чиқмаган Мухтор қўлини шалвиратиб. — Кўзимдан ўт чиқиб кетди-я!

— Ўзи бу олифтани бир уриб сулайтириб қўярдим-у, яна... — деди Комроннинг паст кетгиси келмай.

— Раҳминг келдими? — сўради Мухтор истеҳзо билан.

— Ҳа-да, раҳми келганидан оёғининг тагида ётволди, вах-ҳаҳ-ҳа, — эрмаклади Мансур.

— Э, отставить, дедим, — шеригининг елкасиға

мушт туширди Комрон. — Кучини ўзидан кичкинага кўрсатмоқчи бўлган-да, ҳали дадам келсин, ўзи яхшилаб гаплашиб қўяди бу билан.

\* \* \*

Эртаси куни дарс бошланишидан ярим соатча олдин Азизбек ўқитувчилар хонасида икки ўқувчи ва уларнинг оталари билан ўтиради.

— Эртага отанг ё онангни барибир олдимга бошлаб келасан, демаганмадим? — кулимсираб Комронга тикилди Азизбек, кейин сумкасидан иккита смартфонни чиқариб оталарнинг олдига қўйди. — Келганингиз яхши бўпти. Буларни кеча ўғилларингиздан тортиб олгандим. Уларга тушунтиридим. Дарс пайтида телефондан фойдаланиш қатъян тақиқланган. Кейин сизлардан илтимос, бу ёшли болаларнинг ҳар қадамидан кўз-қулоқ бўлиш керак. Кеча ҳар икковининг ҳам дарс пайти ўзини тувиши менга умуман ёқмади. Ҳозир уларнинг тарбиясига жиддий қарамасак, кейин кеч бўлади.

— Мен сизга ўғлимнинг телефонини қайтариб беринг, деб келганим йўқ. — деди қирқ ёшлардаги, ўзига бино қўйгани кўриниб турган, олифтанамо кийинган эркак — Дилюд Азизбекка кибр билан тикиларкан. — Хоҳласам, ўғлимга бунақа телефондан ўнтасини олиб бераман. Мана сиз — ўқитувчисиз, ёшларга тарбия беришингиз керак. Менимча, ўқувчиларни уриб, калтаклаб ўқитиш сизларнинг касбларингга тўғри келмасди шекилли? Лекин кеча сиз бизнинг болаларимизга куч ишлатибсиз. Тўғрими, Мурод, гапирсанг-чи? — шундай дея ёнида ўтирган шериги, Мухторнинг отасини туртиб қўйди. Мурод ҳам “тўғри” дегандек бош иргади.

— Аввало болалар катталар билан қандай муомала қилишни билиш лозим, — Азизбек шундай дея кеча Мухтордан тортиб олган пичоқни стол устига қўйди. —

Сизнинг ўелингиз отаси тенги одамга пичоқ ўқталса, уришта, тепишига чөғланса майли, лекин ўқитувчи ўқувчисидан калтак еб жим қараб ўтириш керак, түғрими?

Мурод ака ўелига еб қўйгудек қараб қўйди. Мухтор безрайганча бир нуқтага тикилиб ўтиради.

— Менга қаранг, — Дилшод ўелининг телефонини бармоқлари орасида айлантириб ўйнаркан, Азизбекка энсасини қотирди. — Болани қандай тарбиялашни ўзимизга қўйиб беринг. Сиз бугун борсиз, эртага йўқ. Сиздан аввалги ўқитувчилар ҳам дарсини бериб, ойлигини олиб кетаверарди. Агар бизнинг болалар сизга тўғри келмаса, марҳамат, бошқа жойдан иш қидиришингиз мумкин. Бу ер — бизнинг ҳудуд. Аллақаердан келволиб, болаларимизни қўрқитишингизга қараб туролмаймиз. Кароче, ёшларга эркинлик бериш керак. Ҳозир айнан ўйнаб куладиган, шўхлик қиласидиган пайти.

— Кечирасиз, — Азизбек унинг гапини шарт кесди.

— Агар ҳамма оталар сизга ўхшаб фикр юритганида, ёшларнинг келажагидан умид қилмаса ҳам бўларди. Тўғри, ёшларга ҳамма шароитни яратиб бериш керак. Лекин бу уларнинг тизгинини бўшатиш, кўнглига келганини қилишга имкон бериш дегани эмас. Майли, бугун сиз уларни ўз ҳолига қўйиб бердингиз, дейлик. Эртага уларнинг бири кимнидир уриб ўлдириб қўйса, яна бири кимнингдир қизининг номусига тегса ё бошқа бирор ножӯя ишга қўл урса ҳам индамай ўтираверасизми? Балки “пулимиз, таниш-билишларимиз билан қутқариб қоламан” дерсиз? Борингки, бир марта қутқарапсиз, икки марта. Агар ҳозир буларни бу йўлдан қайтармас экансиз, вақти келса, ўзингиз бошингизни чангллаб қоласиз. Ўшанда менинг ҳақлигимни ўзингиз тушунасиз. Энди эса мен дарсга киришим керак.

Азизбек шаҳд билан туриб, хонадан чиқиб кетди.

Ўша куни 666-гуруҳга учинчи дарс Азизбекники эди. Негадир дарс кечагидан кўра жонлироқ ўтди. Комрон, Мухтор ва уларнинг изидан эргашадиган айрим “бузуқбоши”лар ҳам бўлар-бўлмасга луқма ташламасдан, устознинг гапини бўлмай ўтиришди.

Гуруҳ Азизбек ўйлаганидек асосан “безорилардан”дан-гина иборат эмас экан. Отабекнинг, Умиданинг, яна уч-тўрт ўқувчининг ҳозиржавоблиги, теран фикр юритишини кўриб, Азизбекнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Дарс ниҳоясида гуруҳ раҳбари ҳар бир ўқувчига дарсларга пухта, астойдил қатнашиш кераклиги, устозларни ҳурматлаш лозимлигини ҳам уқтириб ўтди.

Танаффус пайтида ҳамма ташқарига ошиқсан маҳалда Отабек қўлида қалин муқовали дафтар билан Азизбекка яқинлашиди.

- Устоз, икки дақиқа вақтингизни оламан.
- Бемалол, — хонани тарқ этмоқчи бўлган устоз изига қайтди.
- Бугунги дарс учун раҳмат! Бобур шеъриятини жуда яхши тушунтириб бердингиз.
- Сизлар ҳам дарсга яхши қатнашдиларинг.

Отабек нимадир демоқчи бўлдию, негадир индамасдан қўлидаги дафтарни устозга тутқазди.

— Нима бу? — сувқоғоз билан жилдланган дафтар саҳифаларидағи ҳусниҳат билан битилган шеърларга кўз ташлади. Баъзиларини пицирлаб ўқишига тушди. Отабек унга халал бермаслик учун жимгина кузатиб туради:

*Кўзларингни соғинганда дил,  
Исмингни бот, такрор айтса тил  
Десалар “қўй, уни унугил”,  
Сен ҳам мени унумисан?*

Бардош бермай йиғласа осмон,  
 Ниж үлми бу қадар осон,  
 Орзуларим айламай хазон,  
 Йұлларимга күз тутармисан?  
 Йиғлармисан мендайин ҳар күн?  
 Ҳижеронларга бұлғанча тутқун,  
 Үйқу нима, унудиб маҳзун,  
 Сен ҳам мендай қон ютармисан?

Азизбек шеърни үқиркан, зимдан Отабекка күз ташлади. Негадир боланинг юзи худди лахча чүңдек қизариб кетганди.

— Кимники бу дафтар? — сүради йигитта синчков тикилиб.

— Нима, сизга ёқмадими? — саволга савол билан жавоб берди Отабек.

— Нега энди? Чиройли шеър! Түғри, сал содда, жүн үхшатишлар бор. Лекин барибир жуда самимий, жонли ёзилган. Лекин буни сен ёзмагансан, түғрими?

— Ҳа, — Отабек ерга қаради. — Дафтар Умиданики. Үзи жуда тортингочқ қиз. Истеъдоди бор. Аммо ана шу истеъдод ўз-ўзидан йүқолиб кетмаса...

— Истеъдод туғма бўлади, — деди Азизбек дафтарни ҳамон варакларкан. — У ўз-ўзидан йүқолиб кетмайди.

— Биласизми, — ўйланиб қолди Отабек. — Бизнинг дўппидеккина шаҳарчамизда ота-оналар қизларини ўқитиши унча исташмайди. Тезроқ тенгини топиб, турмушга узатиш пайида бўлишади. Умиданинг, кўриб турибсиз, иқтидори бор. Ўзига қолса, коллежни битириб, университетга кириш орзусида. Шеърлари ҳам марказий газета-журналларда чиқишини истайди. Лекин... бунинг учун уни кимдир қўллаб-қувватлаши керак. Уйидагилар унинг ижоди билан, иқтидори билан умуман қизиқишимайди. Билишимча... — Отабек бир зум

## Рустам ЖАББОРОВ

тўхтаб, ютиниб олди. — Уйидагилар уни узатиш пайида юришган эмиш.

— Умиданинг ўзи қандай фикрда?

Отабек нимадир демоқчи бўлдию, лекин ҳали унчалик синашта бўлмаган устозига ҳар гапни айтгиси келмагандек, мавҳум елка қисиб қўя қолди.

— Яхши, Отабек, — Азизбек ўқувчининг хийла қизариб турган юзларига қувлик билан тикилиб қолди ва уни ноқулай вазиятдан қутқариш учун гапни бошқа тарафга бурди. — Хўш, ўзинг ҳам бирор нима ёзиб турасанми?

— Йўқ, менда бунақа қобилият йўқ, лекин адабиётни жуда яхши кўраман. Кўп китоб ўқийман. Ҳар қалай шунга яқинроқ бирор соҳада ўқишини давом эттираман.

— Жуда яхши, — Азизбек дафтарни сумкасига солиб, ташқарига чиқди.

\* \* \*

Азизбек коллежда иш бошлаганига бир ҳафтача бўлиб қолди. Бу пайт ичида у ўз гуруҳдаги ўқувчиларнинг ҳар бири билан яқиндан танишиб ҳам олди.

Тўгри, гуруҳдаги тарбияси оғирроқ болалар билан ишлаш ҳалиям унга бироз қийинчилик туғдиради. Гарчи Комрон ва шериклари билан ўша кундан кейин жиддий зиддиятга бормаган бўлса-да, ҳар гал йигитчанинг ёвқарашидан сергак тортади. У гуруҳдаги ҳар бир ўғил-қизнинг юз-кўзида хайриҳоҳлик, самимиятни кўришни истайди. Аммо негадир коллеж директори алоҳида “таништирган” ўқувчилар билан етарлича тил топиша олмаётгани уни ўйлантиради.

Айниқса, Абдулҳамид...

Азизбек уни зимдан кузата бошлиди. Албатта, ёшларининг дин, эътиқод ҳақида етарлича тушунчага эга бўлиши яхши. Аммо бу боланинг юриш-туриши, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари хийла шубҳали...

Тунов куни мумтоз адабиёт дарси ўтилаётганди. Азизбек Абдулҳамидни турғизиб, ундан Фузулий ижоди түғрисида сўради.

— Устоз мен Фузулийни ҳам, умуман бадий адабиётни ёқтирмайман, — деди алланечук қироат оҳангиди.

— Сабаб?

— Адабиётда асосан аёлларнинг қош-кўзию қадди-коматлари таърифланади. Олдинги домлаларимиз айтгандилар “ғазал сўзининг маъноси хотинларга хушомад” деб. Ростдан ҳам қайси ғазалнинг туб моҳиятини олиб қарасангиз, барибир инсоннинг нафси, шайтоний истаклари ётади. Бундай байтлар инсонни иймон-эътиқоддан чалғитади. Фаҳшга бошлайди. Фузулий ҳам шунақа шоирлардан биттаси.

— Бирорта исботинг борми? — Азизбек уни тоқат билан тинглаб, вазминлик билан сўради.

— Ҳа бор. Масалан “Қурбон ўлам” деган бир ашула бор...

Худди шу пайтда орқа партада ўтирган Мансур масхараомуз хиргойи бошлади.

— “Барқ уриб ойинадек сийнаи софинг кўрунур”. Шумиди?

— Ўтири жойингга, — буюрди Азизбек Мансурга қарата.

— Сендан сўралган пайтда жавоб берасан. — Кейин Абдулҳамидга ўтирилди. — Биринчидан бу ғазалнинг Фузулийга ҳеч қанақа алоқаси йўқ.

— Алоқаси бор, — деди Абдулҳамид ўжарлик билан. — “Қадлу бастингга тасаддуқ бу Фузулий қила жон” деган жойи бор-ку?

— Бу масалага мен ҳам қизиққанман. — деди Азизбек.

— Мен Фузулий ижодини жуда яхши кўраман. Унинг шеърларида сен айтган енгил-елпи хушомад, инсонни бузуқликка бошлайдиган маънолар учрамайди. Сен айтган ғазални Фузулий номидан ўқишича ҳам, унинг шу пайтгача чоп этилган ҳеч бир китобида бу шеър

учрамайди. Ҳар битта шоирнинг ўз услуби, “имзоси” бўлади. Сен айтган қўшиқ матни Фузулий услубидан умуман йироқ. Шунинг учун жуда кўп олимлар бу шеър Фузулийни эмас, леб таъкидлашади. Қолаверса, Фузулий ғазалларида асосан оддий севги эмас, Оллоҳга бўлган ишқ куйланган. Хуллас, бу ҳақда узоқ гапириш мумкин.

Бироқ бу гаплар Абдулҳамидинг қарашларини ўзгартиrolmasligini у яхши биларди. Азизбек битта нарсадан қўрқади. Ишқилиб, бу бола турли заарли оқимлар таъсирига тушиб қолмаган бўлса бас. Чунки шу ёшида ўғил-қизларни худди ёш ниҳолни буқкандек ҳар тарафга қараб эгиш осон бўлади.

Унинг оила аъзолари, яқинлари билан яхшилаб гаплашиш керак. Бордию, нотўғри йўлдан бораётган бўлса, дарҳол ортга қайтариш лозим.

Азизбек гуруҳдагилардан суриштириб билдики, Абдулҳамид кўпинча гуруҳдошлиар ўртасида диний масалаларда жуда кўп баҳслашар, қизларни иложи борича ёпиқроқ кийиншга, ўғил болаларни ҳам шаръий кўреатмаларга мос ҳаракат қилишга чақирап экан.

Албатта, Азизбек ислом динининг эзгуликка, бағрикенгликка, ҳалолликка чақиришини яхши билади. Ўз навбатида қонун ҳам ҳар бир инсоннинг виждон эркинлигини ҳимоя қиласди. Шундай экан, Абдулҳамидни чин эътиқод йўлидан қайтаришга ҳам маънан, ҳам қонунан ҳаққи йўқ. Лекин бугун атрофда динни ўзига никоб қилиб олган, одамлар, айниқса, ёшларни ўз ортидан эргаштиришга интилаётган ёвуз кучлар кўп. Азизбек уларнинг асл ниятларини яхши билади: пул, ҳокимият, мансаб... Уларнинг тузофига тушган ёшлар кўр-кўrona эргашиб, ўз раҳнамоларининг чиркин мақсадларига эришиш йўлидаги воситага айланиб қолаверадилар.

Наҳотки, Абдулҳамид ҳам шундай кимсаларга дуч

келган бўлса? Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, биргина хато туфайли эндиғина вояга етаётган ёш йигитнинг бутун ҳаёти барбод бўлади. Бу ҳам камдек ўзига ўхшаган қанчадан-қанча тенгдошлирининг онгини ҳам заҳарлаши мумкин.

Нима қилмоқ керак? Аввал Абдулҳамидинг ички дунёсига йўл топиш лозим бўлади. Бирданига бу йўлдан қайтариш қийин. Қўрқитиши, тақиқ, дўқ-пўписа билан иш битмайди. Фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат керак бўлади.

Куни кеча у Абдулҳамидни дарслан кейин олиб қолди. Аввал унинг оиласи шароити, бўш вақтини нималарга сарфлаши билан қизиқди. Лекин Абдулҳамид ҳадеганда очилавермади. Кейин устози билан суҳбатга анча киришиб кетди.

Азизбек боланинг ҳар бир гапига диққат билан қулоқ солар, айрим фикрларни бош ирғаб тасдиқларди. Худди унинг ўзи устоз қаршисида турган шогирдек, айрим фикрларни илк марта эшитаётгандек ҳайрат ила қабул қиласиди.

— Устоз, сиз сўраган баъзи нарсаларни мен ўзим ҳам тўлалигича билмайман. Лекин бу масалаларга албатта жавоб олиб беришга ҳаракат қиласман.

Устози мамнуният билан бош ирғади.

\* \* \*

Одатий кунлардан бири эди. Катта танаффус пайтида кимдир коллеж ошхонасида тамадди қилмоқда. Яна бир қанча бола стадионда тўп тепиш билан банд.

Фақат Комрон нимагадир хаёлчан. Айниқса, янги гуруҳ раҳбари келганидан бери тинчи йўқолган. Тўғри, аввал бу гуруҳга раҳбар бўлиб келган ўқитувчилар билан ҳам бунақа можаролар юз берарди. Аммо бирортаси

гурӯҳни батамом қўлга ололмаганди. Уларнинг ҳеч бири Комронни ўз измига солмаган.

Ўқув йилининг бошида пединститутни эндиғина битирган бир йигитни уларга раҳбар қилиб тайинлашганди. У ҳам ўзича бутун гурӯҳга ўз ҳукмини ўтказишга уринди. Бир-икки марта Комронни тартибга чақирмоқчи ҳам бўлди. Аммо Комрон иккита-учта шериги билан ҳалиги йигитчани четга чақириб, унинг ўзини “тартибга солиб” қўйди. Шу-шу ҳалиги “раҳбар” бу гурӯҳни қўлга ололмаслигини англадими, дарров бошқа коллеждан иш топиб кетди.

Комрон оиласда битта ўғил бўлгани учунми, ҳаммаси у хоҳлагандек бўлишига кўнишиб қолганди. Ҳатто отонаси ҳам унинг гапини икки қилишмайди. Айтган нарсасини бирнасда муҳайё қилишади. Шаҳарда пайдо бўлган сўнгги русумдаги ҳар қандай кийимни биринчи у кийиши керак. Унинг “эркалиги”ни коллеждаги гурӯҳдошлари, ҳатто ўқитувчилар ҳам кўтаришга мажбур. Шу пайтгача бундан бошқачароқ бўлишини у тасаввурига ҳам сиғдирмаганди.

Бироқ янги гурӯҳ раҳбари у ўйлагандек эмасди. Аввалига уни руҳан синдиришга уриниб кўрди, бўлмади. Мухтор ёрдамида қўрқитишга уринди. Иш бермади. Каратэда ўрганган усуслари ҳам панд берди. Комроннинг отаси ҳам Азизбек билан гаплашиб, уни “қайириб” беролмади. Индамасдан бошқа коллежга ўтиб кетай деса, гурури йўл бермайди. Унда енгилганини тан олган бўлиб қолади. Бу эса Комроннинг табиатига зид.

Хуллас, у бир қарорга келганди. Ҳа, ҳали бу келгинди ўқитувчини бир бурини ерга ишқаламаса...

Комрон ўзи тузган режанинг ўзи истаган оқибатини кўз олдига келтириб, мамнун ишшайиб қўйди ва коллеж ҳовлисидан тўғри ошхона тарафга одимлади. Ошхонада сомса еб ўтирган қизлар орасида Шаҳризодани кўриб, уни ёнига имлади.

Шаҳризоданинг табиати унга маълум. У билан исталган мавзуда очик-ойдин гаплашиш мумкин. Кейин ҳою ҳашамга, ялтири-юлтирга ўч. У билан ҳар қандай қалтис ишда ҳамкорлик қилса бўлади. Фақат қизнинг шартини бажарса бўлгани.

...Улар бир неча дақиқадан сўнг коридор сўнгидаги кутубхона залида ниманидир астойдил муҳокама қилишарди. Залда улардан бошқа бирор бўлмаса ҳам. Негадир пиширлашиб ўтиришибди.

— Йўқ, Комрон, бу ишинг менга тўғри келмайди, — кескин бош чайқади Шаҳризода. — Тўғри, мен жуда Эркин ўсганман. Замонавий кийинишини ёқтираман. Сизлар мени сал енгилроқ деб ҳам ўйлайсизлар. Аслида мен ҳам жа сизлар ўйлагандек...

— Шаҳризода, сени бирор ёмон қиз деяптими? — мулойимлик билан уни аврашда давом этди Комрон. — Ҳеч нарса бўлмайди. Иш сен ўйлаган даражага бормайди. Ахир, бу ишни фақат сен қила оласан. Гуруҳимизда энг чиройли қиз сен бўлсанг, ҳар қандай йигитнинг ақлини оласан.

— Оҳо, ростданми? — бу мақтов унга ёқиб тушганди.  
— Жа “комплимент”га уста бўп қопсанми? Лекин бу... яхшимас-да, барибир. Бирорга туҳмат қилиш...

— Телефонингни ҳалиям алмаштиrmадингми? — Комрон нимагадир гапни бошқа тарафга бурди. — Ҳозир “Самсунг Эс 4”ни лўлилар ҳам ишлатмаяпти-ку? Ўзингга мосини тутмайсанми? Масалан, “Айфон 7” деганларидек...

— Жа оласан-да, манга унақа телефонни катта холам олиб берадиларми? Ё ўзинг совға қилмоқчимисан?

— Ҳа, агар гапимга кўнсанг, унақа телефон сендан айлансин! — Комрон ўқи мўлжалга қараб бораётганини пайқади.

Шаҳризода қўлидаги телефонига бир зум термилиб турди:

## Рустам ЖАББОРОВ

— Менимча, ўзимнинг телефоним ҳам ёмонмас. Ичида деярли ҳамма функциялари бор. Лекин агар... сен айтган “нарх”га яна “Шанел эксклюзив 22” қўшилса...

Комрон голибона ишшайди.

— Битта атир экан-ку? Шунга шунчами?

— Унақаси бизга етиб келмаган, янги чиқипти. Интернетдан “заказ” қилиш керак. Икки юз грамлиси беш юз “бакс” туради.

Комроннинг қошлари хиёл тугилди.

— Ҳм-м... сал қимматроқ эканми, ўшанақа атирниңг сал кичикроқ флакони ҳам бордир? Йигирма-ўттиз граммли...

— Ўл, қурумсок, — Шаҳризода овозини хийла кўтарди.

— Керакмас, бўлдими? Мени бунақа шилта ишларингга аралаштирма!

— Бўлди-бўлди, — Комрон “жим” дегандек бармоғини лабига босди. — Мен розиман. Фақат режа амалга ошганидан кейин...

— Аванс! — Шаҳризода шундай дея қўлини олдинга чўзди. — Биласан-ку, насяни ўғрига чиқарган. Тем более, жуда хавфли ишга тортяпсан мени. Риск қилишимга тўғри келади.

Комрон афтини буришириб чўнтақ ковлади ва битта кўкиш купюрани чиқариб унинг кафтига босди.

— Ҳозир бори шу! Ҳали ишни бошлайвер, кейин ўйлаб кўрамиз!

\* \* \*

Азизбек машинасида уйга қайтаркан, йўл-йўлакай фақат янги ўқувчиларининг феъл-атвори, тақдири, муаммолари ҳақида ўйлаб келди. У шаҳардан ўттиз чақиримча масофадаги янги қурилган турар жой даҳасида яшайди. Яқин йилларда урфга кирган замонавий уй-жойлардан бирида ўзи ва аёли Мафтунадан иборат кичкина оиласи билан истиқомат қилади.

Мана у ҳали машинасидан тушмай, замонавий услубда қурилган ихчамгина ҳовлиниң дарвозаси очилди-ю, ўрта ёшлардаги, истарали аёл күринди.

...Азизбек Мафтуна билан танишиб оила қурганига ҳам ўн беш йилдан ошли. Ўн беш йилдирки, бу икки инсон бир-бирига сұяниб, ишониб яшаб келади. Уларни дунёдаги энг намунали, энг баҳтли, энг түқис оила атамоқ мүмкін бўларди, агарда... қисмат уларга биргина тирноқни раво кўрганида.

Ўн беш йилки, улар тақдирнинг кутилмаган иноятига умид қилиб яшашади. Йил сайин уларнинг қалбидаги умид шуъласи пасайиб бораётган бўлса-да, бир-бирига таскин-тасалли бериб яшайди.

Шу пайтгача эр-хотин учрамаган шифокор қолмади. Кимдир айб Мафтунада эканини айтди, бошқа бирори Азизбекнинг ўзидан нуқсон топди. Ҳар иккисини айлаганлар ҳам бўлди. Иш шу даражага бориб етди...

— Ёш умрингизни хазон қилманг, — деди ана шундай умидсиз кунларнинг бирида Мафтуна аранг. — Мен розиман, уйланинг. Балки бошқа бир аёл сизга оталик баҳтини тухфа эта олар?

Азизбек унга бир неча дақиқа сўзсиз тикилиб қолди:

— Мафтун... — деди юракни әзадиган ғамгин товушда.

— Агар оталик баҳтига эришиш учун сендан воз кечишимга тўғри келса, менга бунақа баҳтнинг кераги йўқ...

Тамом! Шу билан бу ҳақда Мафтуна ҳам қайта оғиз очмади. Азизбек ҳам бу мавзуга қайтмади. Чунки уларнинг ҳар иккиси бир-бирининг кўнглига озор беришни истамайди...

Мафтуна ўн йилга яқин боғчада тарбиячи бўлиб ишлаб келди. Аммо ўнлаб болалар ичидаги фарзандсизлик азобини ҳар лаҳза ҳис этиб яшаш унинг ўзига ҳам хуш келмади, буни эри ҳам сезди. Намунали уйлардан бирига

## Рустам ЖАББОРОВ

---

кўчиб ўтишгач, Мафтунанинг ўзи ҳам уй ишларидан ортмай қолди. Ҳовлида мол-қўй, парранда боқиши учун етарлича шароит бор. Ҳовли саҳни анвои гулларга тўлиб тошган. Қолаверса, бу ҳовлини саранжом-саришта қилиб ўтириш, эрининг хизматини қилиш, ҳар куни уни ширин-ширин таомлар билан қарши олишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис Мафтуна ишдан бўшаб, ўзини фақат уй-рўзғор ишларига бағишлаганди.

Азизбек ҳовлига кириши билан димогига голланд атиргулларининг хушбўй ҳиди урилди.

...Мафтуна тайёрлаган лазиз таомдан сўнг ўз хонасига кириб, компьютер қархисига ўтирган Азизбекнинг биринчи қиласиган иши Умиданинг дафтаридағи учтўртта шеърни кўчириш бўлди. Айрим жойларига таҳрир киритди.

Соҳаси бевосита адабиётга дахлдор бўлгани учун бир қанча адабий-бадиий журналларининг муҳаррирлари, ходимлари билан ижтимоий тармоқлар орқали мулокот қиласиди. Шу пайтгача ўзининг ҳам бир қанча адабий ўйлари, жаҳон адабиётидан қилинган таржималари марказий газета ва журналларда чоп этилганди. Ўқувчиси Умиданинг ҳам шеърларини оқقا кўчираркан, беихтиёр кўз ўнгига Отабекнинг қизарган қиёфаси жонланди.

Азизбек инсон юзига қараб туриб, унинг фикрларини ўқиши сирларидан яхшигина хабардор. У мана шу мисраларни ўқиркан, қиз ва йигит ўртасида нечукдир соғ туйғулар борлигига амин бўлганди.

Беихтиёр ўз ёшлигини, талабалик йилларини эслага олди. Мафтуна педагогика институтида бир курс пастда ўқирди. Ўшанда Мафтунани бир кўришдаёқ ёқтириб қолган, лекин икки йил дардини ошкор этолмай қийналганди.

Балки Умида билан Отабек аллақачон бир-бирини қалб сирларидан воқиф этишгандир? Ахир, ҳозир

замона ўзгарган, бугунги ёшлар кечагиларидан кўра анча журъатли, тезкор...

Нима бўлганда ҳам, Умида ва Отабек бир-бирига жуда мос. Лекин ҳали-вери турмуш қуриш ҳақида ўйламасликлари даркор. Аввал мустақил ҳаётга ҳар жиҳатдан ҳозирланишлари, ўқишини битириб, ўз йўлларини топа олишлари керак...

Лекин Отабек айтганидек, қизни дарров узатиб юборишса-чи? Унда... ҳар икки ёшнинг қалбларида жўш ураётган мусаффо ҳислар ҳам, бир олам орзу-умидлар ҳам худди қаҳратонда қолган ўрик гуллари мисоли қуриб-қовжираиди...

Азизбек ниҳоят, энг оммабоп адабий журналлардан бирининг бош муҳаррири билан ижтимоий тармоқ орқали боғланиб, унга Умиданинг шеърларини жўнатиб юборди ва уни нарги хонада интизор кўтиб ўтирган Мафтунанинг истиқболига ошиқди...

\* \* \*

...Тун ярмидан оққан бўлса-да, Отабекнинг кўзига уйқу келмайди. Наҳотки, ҳаммаси рўёга айланади энди? Ҳаёт бунчалик бешафқат бўлмаса?

У Умидани коллежга эндинигина келган пайтидаёқ ёқтириб қолган. Умида гуруҳдаги шунча йигитлар орасида фақат у билангина очилиб-сочилиб гаплаша оларди. Чунки бошқа гуруҳдошлари орасидан фақат у билангина қизиқишлари бир нуқтада кесишарди.

Гоҳида дарсдан кейин аудиторияда қолиб, соатлаб ўзлари ўқиган китоблар, қаҳрамонлар, ёзувчи ва шоирлар ижоди ҳақида баҳслашишар, уларнинг бу самимий мунозаралари кўпинча бемаъни синфдошларининг мазах ва таъналарига сабаб бўларди.

Айниқса, ҳамма “клоун” деб чақирадиган Мансур учун

## Рустам ЖАББОРОВ

Умида ва Отабекнинг муносабатлари яхшигина мавзу  
вазифасини ўтарди.

— Умида, битта таклиф бор: паспорт столига бориб,  
исмингни ўзгартириш ҳақида ариза берсанг... — деганди  
у бир куни ҳамма курсошларининг ичиди. — Масалан,  
Умидамас, Кумуш...

— Нега энди? — дея тегиши Комрон баъзилар гап  
қаёққа қараб оғаётганини билса-да.

— Икковинглар Отабек ва Кумуш бўлардинглар!

Гуруҳда чала-ярим кулги кўтарилиганди ўшанда.

...Отабек ёлғиз қолган кезлари ширин хаёллар қанотида  
орзулар осмонида сархуш парвоз этарди. Қанийди  
Умиданинг ота-онаси рухсат беришса-ю, улар иккиси  
мамлакатнинг энг лонгдор университетларига бориб  
ҳужжат топширишса... Агар астойдил ҳозирлик кўришса,  
албатта кириш имтиҳонларидан ўтиб, талабалар сафига  
қўшилишарди.

Умида ҳам у билан жон-жон деб катта шаҳарга, ўқишга  
борган бўларди. Аммо...

Бир ҳафтача олдин Умида коллежга нохуш янгилик  
 билан келди. Тўғрироғи, дарс тугаши билан аудитория  
бўшаб қолган паллада Умида “ёрилди”: Уни...  
узатишаркан. Холасининг ўғлига!

Отабек шаҳарча марказидаги супермаркетда иш  
бошқарувчи бўлиб ишлайдиган Жамшидни яхши  
танийди. Бу супермаркет унинг отаси ва амакиларига  
тегишли. Жамшид ҳам худди Комрон сингари “Каптива”  
машинасида, фақат қорамас, оқ рангдагисида юради.  
Унча-мунча одамни оёқ учида кўрсатадиганлар хилидан.

Умидадан бу “янгилик”ни эшитган Отабекнинг  
бошига бирор гурзи билан туширгандек бўлди. Кўз олди  
аввал қоронғи тортгандек бўлди. Кейин бу қоронғилик  
хийла ёришиб, Жамшидинг масхараомуз илжайган  
башараси кўз олдига келди.

— Баланд дорга осилай дебсан-да!

Отабек шу гапни айтишга айтдию, хато қилганини англаң, тилини тишилди. Ахир, у бечорада нима айб? Ион-ихтиёри ўзида бўлмагач...

— Шу гапни сен гапиряпсанми? — ўпкаланди қиз. — Нима ҳали сен мени...

Отабек худди катталардек ҳорғин уф тортди:

— Биламан, сен буни истамагансан. Жамшид катта бойнинг ўғли. Ҳашаматли машинаси, данғиллама ҳовли-жойлари бор. Тўйларинг ҳам ҳар қалай “Кошона” тўйхонасида ўтса керак. Эҳтимол, тўйда Озодбек билан Гулсанам хизматда бўлар? Ахир, қайнотанг кимсан, шаҳардаги энг катта бойлардан бири. Асал ойларинг ҳам ё Кариб оролларида, ё Гавайида ўтса керак? Ҳеч бўлмаганда Бали ё Малайзияда...

— Отабек! — қизнинг катта-катта хумор кўзларида ёш ҳалқаланди.

— Тўғри-да, мени ота-онанг бошларига уришармиди? Ҳали иккита акам уйланмасдан сўққабош бўлиб юришибди. Отам оддийгина шифокор, онам ҳамшира бўлса... Акаларимдан аввал уйланган тақдиримда ҳам, барибир ота-онанг сени менга беришмайди, бу аниқ. Фалак тескари айланиб, сенга уйланган тақдимирда мен “Кошона”да дабдабали тўй қилиб беролмайман. Сени “Каптива”да сайр қилдиролмайман. Ҳатто отамнинг эски “Жигули”си ҳам акаларимдан ортмайди. Гавайига ҳам...

— Бас қил, дедим!

Қизнинг кутилмаган ўқтам хитоби йигитчани ўзига келтирди. Қархисида кўзларидан шашқатор ёш оқаётган Умидани кўриб, яна бир карра уф тортди.

— Наҳотки, сен ҳам мени мол-дунёга, ҳою ҳавасларга муккасидан кетган пасткаш, очкўз одамлардан деб ўйласанг? Ахир, менинг қандайлигимни, орзу-умидларимни ҳеч ким билмаса ҳам сен билардинг-ку?

Отабек оғир юқ остида қолганди гўё. У бечора ҳам нима

қиылсия? Ота-онасига “Умидани эрга бервөришяпти, совчиликка боринг” десинми? Қай тил билан айтади? “Үелім тегирмон навбати билан, ҳали акаларингизни бир ёқлик қиласып, сал нафсингизни тийинг” дейишса нима деган одам бўлади?

Қолаверса, Содиқ “миллион” ўзи тенгилар билан қуда бўлишни истайди. Божаси ҳар жиҳатдан улар билан тенглаша оладиган бадавлат одам. У қизининг орзу-ҳаваслари билан ҳисоблашиб үтирармикин? Ким билсин! Чиқмаган жондан умид, деганлар...

— Мен ота-онам билан гаплашаман, — леди Отабек руҳсиз оҳангда. — Сен ҳам уйдагиларга тушунтириб кўр...

Ўша куни Отабек минг бир истиҳола билан онасига дардини айтганди. Онаси эса отасига... Қодир дўхтири ҳам оғир ўйга толди... Орадан икки кун ўтиб, отаси Отабекни ёнига чақириб. Ўнга насиҳат оҳангизда сўз қотди:

— Ўслим, сени тушунаман, тақдириңгни ўзинг ёқтирган, сенинг қадрингга етадиган қиз билан боғлашингга қарши эмасман. Лекин... Содиқ “миллион” бизнинг тенгимиз эмас. Биринчидан, у ноқонуний доллар олди-сотдиси билан шугулланади. Иши жуда шубҳали. Бир кунмас-бир кун бу ишининг орқасидан панд ейиши турган гап! Кейин ўзининг ана шу шубҳали иши билан жуда катта давлат ортирган. Бой бойга бокар, сув сойга оқар, деган гап бор. Шундай бўлса ҳам, кеча бозордаги дўконига кириб, бир муддат гапни айлантирдим. “Шунақашунақа, болаларимизнинг бир-бирига кўнгли бор экан” деб гап бошлишим билан тутаб кетди. “Агар ўзича хоҳлаб эрга тегадиган бўлса, менинг унақа қизим йўқ, Қодир ака, мен божамга лафз қилиб қўйганиман, биласиз, шу пайтгача мен ҳали бир гапимни икки қилмаганман, бу гапни бир айтидингиз, қайтиб оғзингизга олманг” деб дўконидан қувиб чиқаргудек бўлди. Онинг ҳам кеча бир маъракада Содиқнинг хотинига сал гапнинг учини чиқарган экан, “туя ҳаммомни орзу қилибди-да” деб

ҳамманинг олдида бечорани изза қинти. Биласан, Содиқ “миллион”нинг биттагина қизи бор, холос. Улар бизни ўша данғиллама уй-жойга эга чиқмоқчи деган хаёлга боришигани аниқ. Мен бунақа гапни кутаролмайман, биласан. Вақти келса, сенгаям ўзимиз тенги бирор оиланинг ақлли-хушли қизи топилиб қолар...

Эртаси куни Отабек эрталаб хаёлларга берилганча, коллежга бораётганида оппоқ “Каптива” шундоқ унга тегиб кетгудек яқинликда ўтиб кетди-да, бир неча қадам нарида тўхтади. Отабек ҳеч нарсага эътибор қилмасдан кетмоқчи эди, баланд сигнал товушидан сесканиб тушди:

— Менга қара, ука! — Машина ойнасидан соchlари калта қирқилган, қоп-қора кўзойнак тақиб олган калла чиқди. — Бир дақиқага мумкинми?

Отабек Жамшидни кўча-куйда, таниш-билишларининг тўйида кўп учратган бўлса-да, ҳали бир марта ҳам у билан ҳамсуҳбат бўлмаганди. Ўзига бино қўйган, ҳар ким билан ҳам чиқишиб кетмайдиган, ўзидан беш-олти ёш катта бу такаббур йигитни жини сўймас, Жамшид ҳам чамаси у билан ҳатто сўрашишини ўзига эп билмасди. Ҳозир эса... Отабек истар-истамас ортига қайтди. Негадир Жамшидинг таклифига сўзсиз бўйсуниб, унинг машинасига чиқди.

— Ука, — деди Жамшид қора кўзойнаги оша. — Мен ошимга пашша тушишини ёмон кўраман. Шунақа экан, Умиданинг атрофида учиб қўнавермасанг, ўзингга яхши...

— Мен пашша эмасман! — деди Отабек бошини тик тутиб. — Умида ҳам сиз учун ош эмас. Унинг ўз эрки ўзида.

— Менга қара, — Жамшид кўзойнагини олиб, унга қаттиқ тикилди. Тавба, унинг бир кўзи шарқقا, иккинчиси фарбга қараб турарди. — Кел, “маска”сиз гаплашайлик. Биламан, Содиқ “миллион”нинг қизига осиладиган кўп.

## Рустам ЖАББОРОВ

Умид ёлғиз қиз. Ҳовли-жой ҳам, иккита машина ҳам, дўконлар ҳам барибир унга қолади. Сен ҳам шундан умид қилгансан, тўғрими?

— Нотўғри! — деди Отабек чидолмасдан.

— Кел, яхиси келишайлик. — Жамшид тилла тишларини кўрсатиб илжайган бўлди. — Биламаң, пул ҳеч кимга ортиқчалик қилмайди. Оғзингга сиққанини сўра! Финг деган номард. Фақат инсоф билан, маъқулми?

— У шундай дея чўнтағидан бир даста доллар чиқарди.

Отабек шаҳд билан ўрнидан турди ва машинадан ерга сакради. Эшикни қарсиллатиб ёпганча, коллеж тарафга югорди...

Нафақат ўз ҳис-туйғулари, орзулари, балки отонасининг иззатини ҳам оёқости қилишгани учун Умидага заҳрини сочмоқчи ҳам бўлганди. Аммо қизнинг қизарган кўзлари, сўлғин юzlари, тушкун кайфиятини кўриб, фикридан қайтди. Афтидан Умиданинг ғамандуҳи ўзига етарли эди

Катта танаффус пайтида изма-из кутубхонага йўл олишиди. Кенг ва сокин ўқув залига китобхонлар жуда кам кирап, кўпинча бир-бирига кўнгил қўйган йигит-қизлар учрашиб, пи chirлашиб ўтиришарди. Негадир кутубхоначи, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди Ойша опа ҳам “майли, шулар бир-бирининг дийдорига тўя қолсин” деб индамас, гоҳида директор ё бирор қаҳри қаттиқроқ ўқитувчи кириб қолсагина “севишиғанлар” учун сичқоннинг ини минг танга бўларди.

Хайрият, бу гал ҳам қироатхона бўм-бўм экан. Ҳатто Ойша опа ҳам фаррош хотин билан лақиллашгани нариги хонага чиқиб кетипти.

Умиданинг ҳам уйидагилар роса “пўстагини қоқишибди”. Онаси “шунча йиллик орзу-ҳавасларимни қаро ер қилмоқчимисан” деб қарғабди. Отаси эл-юрт орасида юзи қаро бўлаёзганини айтиб дийдиё қилибди. Хуллас, еру осмон ўртасидаги ҳамма нарса шу икки

мушиғиқ дилнинг орзулари амалга ошмоғига монелик қиласидигандек эди.

— Балки... бирор ёқса қочиб кетармиз!

Отабек бу иш қўлидан келмаслигини билса-да, ўзини noctor қўрсатмаслик мақсадидагина шу гапни аранг тилига чиқарди.

— Бўладиган гапни гапирсанг-чи, — кўз ёшидан намланган бурнини тортди Умида. — Қаерга борамиз? Кейин... мен ҳеч қачон ота-онамнинг юзини ерга қаратмайман.

— Бошқа... қўлимидан нима ҳам келарди. Отанг дадамни, онанг бўлса ойимни ҳамманинг олдида ер билан битта қилибди. Наҳотки, инсоннинг қадри, орномуси, шаъни фақат пул билан ўлчанмаслигини улар тушунишмаса?

Отабекнинг бу гапи қизга хийла оғир ботди:

— Бу билан нима демоқчисан? Сенинг ота-онанг одаммас демоқчимисан? Мен шу ота-онанинг боласиман. Балки мен ҳам сенга муносиб эмасдирман?

— Мен унақа демоқчимасман, Уми! Шунчаки... Уфф, нима қилишга ҳайронман, — шундай дея у пешонасига муштлади.

— Балки... янги келган устоздан маслаҳат сўрасак-чи?

Отабек ялт этиб Умидага қаради.

— Эсинг жойидами? У нима қилиб берарди? Сенга совчи бўлиб борармиди?

— Ҳар қалай, жуда ақлли, ҳар қандай мушкул масалани ечадиган одамга ўхшайди-ку, — яна умидсизликка берилди Умида. — Яна ўзинг биласан! Унда... мен ота-онамнинг раъйига кўниб кетавераман. Сен ҳам... вақти келиб, бирортасини топарсан.

Умида шартта ўрнидан туриб, ўқув залидан чиқиб кетди.

Отабек ана шу мунозарадан сўнггина Умиданинг дафтарини устозга бериб, унинг тақдирини ҳақидаги

## Рустам ЖАББОРОВ

гапнинг бир учини чиқарганди. Лекин... барибир бундан бир иш чиқишига унинг кўзи етмади.

Лекин чиқмаган жондан умид, дейишади-ку!

...Отабекнинг эрталабга яқин кўзи илинди...

\* \* \*

Абдулҳамил тун ярмидан оққанига қарамай, ўз хонасига қамалганча, компьютеридан бош кўтармасди.

У дастлабки диний тушунчаларни отасидан ўргангани рост. Тўғри, бир пайтлар унинг отасининг дастидан бутун маҳалла дод дерди. Айниқса, ичиб келган куни бутун оиласидан қиёмат қўпар, ҳовлига кириши билан қилдан қийик ахтариб, жанжал кўтарар, хотинини арзимас сабаблар билан дўппослар, олтита боласи ҳам унинг важоҳатини кўриб, бурчакка биқиниб олишарди.

Лекин қарийб ўн йилдирки, у бутунлай бошқа одамга айланган. Каттиқ тақвога берилди. Кўп ўтмай ундаги ўзгариш бутун оилага таъсир қилди. Хонадонда исломий муҳит ҳукм суро бошлади. Шу билан бу хонадондан кунда-кунора эшитиладиган жанжал-тўполон овозлари ҳам тинди.

Бир пайтлар тўй-маъракада ичиб ким биландир ёқалашмаса, кўнгли жойига тушмайдиган Мажидвойнинг ўзи ичкилик бор давраларга бош сукмай қўйган. Ҳатто бу хонадондаги исмлар ҳам бошқача жаранглайдиган бўлди. Мажидвой ўрнига Абдулмажид, Каримбой эмас, Абдулкарим. Ҳатто ўртанча ўғли Ҳамиджоннинг исмини ҳам паспорт олиш пайтида Абдулҳамил тарзида ёздириб олди. Чунки Ҳамид, Карим, Мажид — булар бари Яратганинг сифатлари. Бандасини бу сифатлар билан атаб бўлмайди. Фақат ана шу сифатларга эга бўлган парвардигорнинг қули деб аташ жоиз...

Бу хонадон ҳақида атрофдагилар турлича фикрда юришади. Кимлардир Мажидвой аллақандай ақидапараст

гурухларга қўшилиб, оиласини ҳам шу йўлга киритган деса, яна кимдир уни “ўз уйда яширин ҳужра очиб, диний мавзуда йигинлар ўтказармиш” дейишгача боришиди...

Аслида бу гапларнинг ҳаммаси беҳуда эди. Абдулмажид чиндан ҳам эски хурмача қилиқларидан воз кечиб, аҳли аёлинни ҳам тақво йўлига бошлаганди. Унинг ҳеч қандай “экстремист” танишлари ҳам, шубҳали даромад манбалари ҳам йўқ, уйда яширин ҳужра ҳам очмаган. Шунчаки фарзандларининг ҳалол-покиза, имон-эътиқодли, диёнатли бўлиб ўсишини истарди, холос...

Бироқ ёш боланинг онги худди эндиғина қўкка бўй чўза бошлаган ниҳолни эслатади. Шамол қай тарафдан эсса бўйин эгиб кетаверади. Диний тарбияга мойил ёшларни бу мавзудаги суҳбатлар, учрашувлар, баҳс-мунозаралар қизиқтириши тайин. Бу биринчи навбатда динни ўзига ниқоб қилиб олган ёвуз ниятли кимсаларга қўл келади. Улар аввал чиройли жумлалар, ҳикматли сўзлар, ибратли ривоятлар, ҳаётий мисоллар билан ёшларнинг эътиборини тортишади. Кейин эса...

Абдулҳамид ҳам худди ана шундай ёшлардан бири эди. Қаерда диний масалада бирор гап-сўз қулоғига чалинса, дарров ўша даврага қўшилар, баҳсга киришар, билганини ўртага ташлаб, билмаганини ўрганишга тиришарди.

Отаси билан акаси унинг туғилган кунига компьютер совға қилишганди. Кейинги пайтларда ана шу магоҳ унинг энг яқин ҳамроҳига, овунчогига айланди. Бўш вақти топилди, дегунча хонасига қамалиб, диний йўналишдаги қўшиқларни тинглайди, шу йўналишдаги фильмларни томоша қиласи. Ана шундай мазмундаги сайтларни беармон кезади. Турли мавъизаю маърузаларни тинглайди.

Илгари бирорта керакли китобни топиш учун кўчамакӯча, уйма-уй юриб излаш керак бўлса, энди интернетнинг қидирув тизимида ўша китоб номини киритиш кифоя.

## Рустам ЖАББОРОВ

Бир неча сонияда электрон нусхасини юклаб олиш мүмкин. Мана, Абдулҳамидинг компьютерида ўилаб ана шундай китоблар сақланади.

У ижтимоий тармоқлар орқали маслаги ва қарашлари мос келадиган жуда кўп танишлар орттирган. Уларниң ҳар бири тармоққа ўзлари ёқтирган фотосуратлар, ҳикматлар, ибратли расмлар ва сайтларниң ҳаволаларини жойлашади. Унинг “виртуал” оламдаги танишлари коллеждаги гуруҳдошлидан тамоман фарқ қиласди. Улар орасида Комронга ўхшаган мутакаббир, мақтанчоқлар ҳам, Мансурга ўхшаган бетайин масхарабозлар ҳам, Мухторга ўхшаган кazzоб йигитлар, Шаҳризодага ўхшаган енгилтабиат қизлар ҳам йўқ. Ҳаммаси бирбиридан ақлли, имонли, мулоҳазали.

Абдулҳамидинг Рукниддин исмли ўзидан ўн-ўн беш ёшлар чамаси каттароқ йигит билан танишиб қолганига уч ойдан ошиди. Рукниддин аслида қўшни вилоятдан бўлиб, тўрт йилдан бери Россияда, Питерда яшаркан. Шаҳарниң мусулмонлар кўпроқ истиқомат қиласидиган қисмида битта кафени ижарага олиб, юргизаркан. У ерда фақат шарқона, ҳалол таомлар пиширилар, ичкилик мутлақо яқинлаштирилмас, шу боис у ердан тақволи инсонларниң қадами узилмас экан.

Рукниддин ўзининг хушмуомалиги, ақл-идрохи, акаларча ғамхўрлиги билан Абдулҳамидин ўзига боғлаб олганди. У диний тушунчаларни дастлаб отасидан, ўз уйида ўрганган бўлса, Рукниддиннинг кўмагида билимларини мустаҳкамлаб борарди. Шу пайтгача уни қийнаб келган саволларниң жавобини айнан Рукниддин орқали топа олди. У туфайли дилидаги шубҳа-гумонлар тумандек тарқалиб, қарашлари тиниқлашди, тушунчалари сайқал топди.

Абдулҳамид энди ҳаётга бошқача кўз билан қаарди. Назарида оиласида ҳам, кўча-кўйда ҳам, мактабда ҳам жуда кўп нарсалар хато тушунчалар устида қурилгандек,

ҳамма нарсага жиддий таҳрирга, тузатишга муҳтожлек туулаверарди.

У то ҳозирга қадар отасининг имон-эътиқодли, қалби тоза, тақвадор деб биларди. Рукнидин унинг “кўзини очгандек” бўлди. Йўқ, отаси ҳам жуда кўп нарсаларда адашган экан.

Отаси унга “ўғлим, ҳар доим ҳалол билан ҳаромни фарқлаб юрсанг, ота-онангга, ватанингга сидқидилдан хизмат қилиб, уларнинг дуосини олсанг, фаҳшдан, бироннинг ҳақидан, ноҳақ қон тўкишдан, парвардигор манъ қилган ишлардан ўзингни тийсанг, шунинг ўзи етарли” деб уқтиради. Аммо инсон ўзини чин мусулмон деб ҳисоблаши учун яна кўп нарсалар керак бўларкан. Буни Рукнидиннинг ўзи унинг миясига қаттиқ қўйганди...

У Рукнидин эшитган гапларни дарров отасига етказишга ошиқмади. Чунки отасини яхши билади: ҳар доим дуога қўл очиши билан “юртимиз тинч бўлсин, Ватанимизни ҳар турли балолардан Ўзинг асра” деб тавалло қиласди. Лекин Рукнидиннинг ишонтириб айтишича, бу оламда Ватандан, ота-онадан ҳам муҳимроқ нарсалар, уларга хизмат қилишдан-да савоблироқ юмушлар бор.

Абдулҳамид коллеждаги дарслардан ҳам қониқмасди. Ахир, дарсликларда ҳам фақат отасидан, радио ёки телевизордан эшитган нарсалари ҳақида ёзишади. На тарих, на адабиёт, на одобнома дарсларидан унинг кўнгли тўлади. Тўғри-да, аллақандай Зардуштийлик динию “Авесто”даги ўгитларни, хотинларнинг қошкўзлари мақталган ғазаллару аллақайси Том Сойер, Робинзон Крузоларнинг нима кераги бор? Одам Атонинг қандай яратилганини шарҳлаб бериш ўрнига алмисоқдан қолган эволюцион назарияни ўқитишадими-ей! Ўзига қолса умуман шу коллежга қадам босмасди-я! Лекин ота-онаси, акалари қўйишмайди-да!

## Рустам ЖАББОРОВ

У коллеждан, ўқишдан, синфдошларию ўқитувчиларидан тамоман кўнгли совиб бораётганди. Синфдошлари ҳар хил гаплар билан масхаралаб, нафратини қўзғар, ўқитувчилар унинг фикрларини кескин қоралаб, ўзини боплаб уришиб беришарди. Аммо коллежга янги келган ўқитувчи Азизбек Асқаров мутлақо бошқача чиқди.

Уни ёнига чақириб, дунёқараши, қизиқишлини сўраб-суриштириди. Диний ва дунёвий билимларини синовдан ўтказди. Айрим фикрлари ҳатто Азизбекни ҳам лол қолдирди.

Рукниддин виртуал мулоқот пайтида унга жуда кўп тайинларди. “Бирони даъват қилишдан аввал унинг сенга муносабатига эътибор қил, эҳтиёт бўл, сен ҳақингда тегишли жойларга етказиб қўймасин. Дину иймонни тушунадиган, фикрларингга майл билдирган одамларга секин-аста бизнинг гояларимизни тушунтири, атрофингда ўзингга ўхшаган фикри тиник, қарашлари ўткир ёшларни тўпла”, – дерди. Абдулҳамид таниган-бильганлар ичida уни тушунадиган, англайдиганлар йўқлигидан куюнарди. Чамаси, янги ўқитувчи билан тил топишадигандек.

Кеча Азизбек унга “сен айтган гоялар тўла-тўқис ифодаланган китоб ёки дисклар борми?” деб сўраганди. Абдулҳамид компьютеридаги ҳамма матнли, аудио ва видеофайлларни тўплаб, Азизбекнинг электрон почтасига юборди.

\* \* \*

Маъмурнинг анчадан бери боши қотганди. Ўзига қолса, дарсларга тўлиқ қатнаб, бирор олий ўқув юртига ҳозирлик кўрсам дейди. Аммо уйидагилар...

Бир пайтлар бутун шаҳарда унинг отаси уста Иброҳимга тенг келадиган дурадгорнинг ўзи йўқ эди. Икки ўғлини

ҳам шу ҳунарга озми-кўпми ўргатди. Дарсдан бўш пайтларида таниш-билишларнинг иморатини тиклашга отаси ва акаси билан қатнашиб ҳам юрганди.

Болалар катта бўлгач, ташвишлар ҳам кўпаявераркан. Қолаверса, энди отасининг ҳам аввалги куч-қуввати қолмаган. Ака-укалар энди рўзгор ташвишларини ўз елкаларига ортмасалар бўлмайди. Шаҳардаги бойваччалар кейинги йилларда уйни уста чақириб тиклашдан кўра, йирик қурилиш ташкилотлари билан шартнома тузиб, замонавий услубда иморат тиклашни одат қилишган. Ўртаҳол одамлар берадиган хизмат ҳақидан кўнгил тўлмаса...

Шундай бўлса-да, отаси ўғлиниң бекор юришини истамадими, бир танишининг эшик-дераза чиқарадиган утахонасига ишга жойлаб қўйди. Кейинги пайтларда коллежда ҳам камнамо бўлиб қолганинг сабаби шунда. Устахонада эртадан кечгача иш тинмайди. Ўқишига, дарс қилишга вақт йўқ...

Акаси икки ойча илгари хорижда ишлайдиган бир танишининг таклифи билан ишлагани жўнаб кетди. Шу пайтгача беш-тўрт танга жўнатди ҳам. Ҳарқалай бу ерда юрганида шу пул ҳам йўқ эди.

Акаси яқинда телефон орқали ўша ердан янги танишлар орттириб бошқа шаҳарга ишга кетаётганини айтди. Беш-тўрт киши билан бўлиб битта катта қурилишни “ноль”дан тиклаб беришга келишиб олишибди. Қўшимча кучлар керак бўлгани учун Маъмурни ҳам ёнига чақиряпти.

Бу гапга биринчи бўлиб онаси қарши чиқди:

— Битта болам бағримдан узилиб кетди, иккинчиси ҳам кетсинми? Ҳали ўн саккизгаям тўлгани йўқ. Боламни юбормайман, — деб туриб олди.

— Сен эркакларнинг ишига аралашма, — деб уришиб берди отаси. — Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмайди. Эркак киши юрт кезиши, яхши-ёмонни ажратиши, куч-қуввати, малори борида пул топиши керак. Менга ўхшаб

ёши қайтганида хотинининг ёнида танчага тиқилиб ётаверади.

Маъмур икки ўт орасида қолганди.

Бу ёқда ҳали коллежни битирганича йўқ. Илгари директор икки-уч марта хонасига чақириб “дарсларда қатнашиб тургин, отангга ҳам айт, ҳали пул топадиган ёшдамассан” деб койиб берганди. Энди янги ўқитувчи ҳам уни чақириб анча танбеҳ берди. Жуда ақли, меҳрибон, оқкўнгил одам экан. Унга уйидаги шароитни ётиғи билан тушунтирганди, ҳаммасини тушунди. Лекин барибир дарс, ўқиш биринчи ўринда эканини уқтирди. Эҳ қанийди, ўзига қолса, бир кун ҳам дарс қолдирмаган бўларди.

Куни кеча отаси унинг олдига масалани узил-кесил кўйди.

— Ўғлим, аканг билан гаплашдим, “самолётга ўтқизворсангиз бўлди, ўзим аэропортда кутиб олиб, тураг жойимизга опкетаман, насиб этса, ҳар ой минг доллардан жўнатамиз” деяпти. Бунақа имконият ҳар доим бўлавермайди. Икки-уч куннинг ичida жўнайсан.

— Ҳали коллежни битирмадим-ку? — ажабланди Маъмур. — Ўқитувчиларимиз рухсат беришмайди.

— Ўқитувчингдан сўраб ўтирасанми? — қизишиди уста Иброҳим. — Нима, четга ишлагани кетаётганлар орасида сен тенгилар йўқми? Ана, Норматнинг ўғли, сендан бир ёш кичкина. Ушаем бир йилдан бери Россияда. Уйига ҳар ой отнинг калласидек пул жўнатади. Сен олим бўламан, деб коллеждан бери келмасанг, эртага сени ким уйлантиради? Мен ўз тўйимга ўзим пул тўплаганман, билдинг?

Отасига гап қайтаришга ўрганимаган Маъмур бу гал ҳам индамай бош эгди. Фақат устозининг олдида нима деган одам бўлади? Ахир, Азизбек билан охирги марта гаплашганида унга бундан-буён дарсларга мунтазам қатнашиши ҳақида ваъда берганди. Бу ёғи қандай бўларкин?..

\* \* \*

Бир ҳафтадирки, Шаҳризода Комрон тузган режа бўйича ишга киришган. Аммо бирор тайинли натижа кўзга ташланмаяпти.

У ўзининг чиройига ишонади. Агар истаса, ёшидан қатъи назар ҳар қандай эркакнинг ақли ҳушини олишга қодир. Ўзиям уни кўрганлар ҳали коллеж ўқувчиси эканига ишонмайди. Юриш-туришлари, пардоз-андози ўзидан тўрт-беш ёш катта қиз-жувонларнига тортади.

...Шаҳризода ота тарбиясини кўрмаган ҳисоб. Онаси билан отаси орани очди қилишганидан бери орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди. Отаси ўтирган уйини хотини билан қизига ташлаб, бошқа шаҳарга жўнаворди. Айтишларича, ҳозир иккита ўғли ҳам бормиш. Лекин қизи ўн саккизга киргунича алимент тўлашни унугани йўқ.

Онаси аллақандай косметик фирманинг шаҳардаги дилерлик бўлимида ишлайди. Энг сара, энг қиммат воситалар биринчи бўлиб унинг қўлидан ўтади. Онаси жуда ишбилармон, пулни пулга уриб ўргангандай аёл. Қизининг тарбиясидан кўра, молдий тўқислигига кўпроқ эътибор беради. Коллежга қандай кийимда боради, кун бўйи ким билан, қаерда юради, олган пулларини нималарга сарфлайди – бу билан онанинг умуман иши йўқ. Бу эса Шаҳризода учун жуда қўл келади. Тўғри-да, у энди ёш боламас, қандай яшашни ўзи яхши билади.

Гоҳида директор ёки коллеж хотин-қизлар кенгаши мудираси уни чақириб панд-насиҳатни бошласа, энсаси қотади. Шунаقا пайтларда Лондон ёки Париждаги туғилиб қолмаганидан афсусланади. У ерда қиз бола балоғатга етдими – эркин қуш! Истаган тарафга уча олади. Бирор унинг шахсий ҳаётига аралашиб кўрсин-чи? Агар ҳақ-хуқуқларини чегаралаб қўядиган бўлса, ота-онаси билан

## Рустам ЖАББОРОВ

ҳам судлашиши мумкин. Бу хақда Шаҳризода жуда күп хориж фильмларини томоша қилган. Баъзида қанот боғлаб ана ўша эркин ва озод ўлкаларга учгиси келади...

Аввалига Комроннинг таклифи унинг учун ўта таҳқирли туюлди. Нима, у шу қадар енгилтак, беҳаё қизмидики, отаси тенги ўқитувчига қош қоқиб, йўлдан уришга ҳаракат қилса... Бироқ сочига оқ ораласа-да, худди ёш йигитчалардек лиркиллаб юрадиган бу олифта ўқитувчи билан ўзининг ҳам ҳисоб-китоблари бор. Неча марта дарс пайти гуруҳдошлари олдида танбеҳ бериб, изза қилди. Айниқса, тунов куни ойиси олиб берган қимматбаҳо кофта-юбкани кийиб борганида олифта гуруҳ раҳбари аввалига бунақа кийим таълим стандартларига тўғри келмаслигини айтиб, дакки берди. Яна фалсафа сўқишига бало борми?

“Дунёда шундай инсонлар борки, устида кийими йўқ, шундай кийимлар борки, ичида одами йўқ”. Бу унимадегани ўзи? Кимнингdir устида кийими бўлмаса Шаҳризода айбдор бўладими? Ичида одами йўқмиш. Шуям гапми? Чамаси, домла дўконда маникенга кийидириб қўйилган кийимларни кўрган бўлса керак. Хуллас, ҳар дарсида бу маҳмадана домла уни гап билан бир чимдига қўймаса бўлмайди.

Бошқа ўқитувчилар бир оғиз гапирса, ўнта қилиб қайтарар, ўша устознинг ўзи гапирганига пушаймон бўлиб, мум тишлаб қоларди. Лекин Азизбекнинг салобати борми ёки унинг ҳар гапи тош босадими, ҳар қалай унинг гапига жавоб топиб беролмайди.

Комроннинг режаси амалга ошса, шу баҳона домланинг ҳам тилига тушов солиб олармиди? Қолаверса, анчадан бери янги “айфон”га ишқи кетиб юрганди. Устига-устак, янги чиққан энг замонавий атири. Бунақаси ҳатто онаси ишлайдиган дўконда ҳам йўқ.

Гоҳида Шаҳризоданинг аллақаерида нимадир санчиб

қўйғандек бўлади. Ахир, бу иш нотўри-ку? Абдулҳамид айтгандек, ҳар бир ишнинг эртага ҳисоб-китоби бўлади... Яна ким билсин, энди ортга чекиниб бўлмасди.

Келишувнинг эртаси кунидан бошлаб, у Азизбекни жиддий куз остига олди. Ёши катта бўлса ҳам, ўзига қараб юрадиган, келишган эркаклигига ичидан амин бўлди.

Ҳар куни дарс пайти Азизбекдан куз узмайди. Унинг нигоҳларини тутиб олган пайтда жонсўз табассум узатиш пайида бўлади. Устози ниманидир сўраб қолса, имкон қадар илтифот ва назокат билан жавоб қайтаришга уринади. Лекин ҳали устоз бирор марта унга эркак кишининг нигоҳи билан қараганини сезмади. Унинг қараашлари ҳам, муомаласи ҳам, эътибори ҳам гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи учун бир хил.

Икки кун илгари учинчи даредан кейин Азизбек ёлғиз ўтирган чоғида саллона-мастона кириб борди. Қошкўзларини сузиб, вақтлироқ кетиш учун рухсат сўради.

— Сабаб? — гуруҳ журналидан бош кўтармасдан сўради Азизбек.

— Бошгинам ёммон оғрияпти-да! Иситмам ҳам бор. — Киз пешонасини ушлаб, юзига хаста тус берди. — Мана битта ушлаб кўринг пешонамни!

Азизбек бошини кўтариб, Шаҳризодага синчковлик билан тикилди. Лекин пешонасига қўл теккизмади.

— Кўринишинг бинойидек, сенга ҳеч нарса қилгани йўқ, баҳона қилмасдан қўя қол!

Киз ўзини бечораҳол кўрсатганча, устозига яқинлашиб, чап кўксини чангллади.

— Юрагим ҳам ғалати бўп кетяпти, усто-оз, нима қиласай?

Устоз журнали ёпиб, ўрнидан қўзғалди.

— Афсус, юрагингни эшитиб кўришим учун фонендоскоп йўқ, сенга ҳеч қанақа жавоб ҳам йўқ.

Азизбек шундай дея ўрнидан турди-да, Шаҳризодага бир ўқрайиб, аудиториядан чиқиб кетди.

У чиқиб кетиши билан аудиториянинг тўрида, қўшни хонага олиб чиқиш учун қурилган, лекин кўпинча ўқувчилар дарс пайтида муаллимларнинг кўзини шамғалат қилиб “қўённинг расмини чизиш” учун хизмат қиласидиган эшик очилди-ю, аввал Комроннинг, кейин Мансурнинг порози башаралари кўринди.

Комроннинг имоси билан Мансур йўлак эшигини ёпиб қайтганидан кейин учовлари орқа парталарда, бир-бирига юзма-юз ўтириб олиши.

— Ёмон, — деди Комрон бош чайқаб. — Жудаям ёмон. Бир ҳафтадан бери битта эркакни ўзингга қаратолмайсан, — шундай дея у Мансурга ўгирилди, — қани бу ёқقا ол-чи?

Мансур итоаткорлик билан смартфон ичидан керакли файлни топиб, Комронга кўрсатди. Экранда бундан бир неча дақиқа олдин суратга олинган ҳолатлар акс этарди. Мана, Азизбек журналдан бошини кўтармасдан, бир нималарни ёзяпти. Шаҳризода эса эшилиб буралиб, ундан уйга кетиши учун рухсат сўраяпти. Азизбекнинг унга қарагиси ҳам йўқ.

— Бўлмайди, — Комрон жаҳл билан “ўчириш” тугмасини босди. — Шунча ҳаракатларимиз бекор кетди.

— Ие, нега ўчиридинг? Юрагимни ҳовучлаб, туйнуқдан мўралаб, аранг кадрга туширгандим, — афсус билан бош чайқади Мансур.

— Бу кадрлар ўзимизни фош қиласи, тушуняпсанми? — тутақиб кетди Комрон. — Лоақал бошини кўтариб қарамади-я, тўнка! Бу ерда устозинг эмас, Шаҳининг ўзи уни “ўраётгани” яққол билинаяпти.

— Ишқилиб, — Шаҳризода афтини ғалати тарзда буришиди. — “анавинақа” масмикин?

Йигитлар бир-бирига маъноли қараб қўйиши.

— Ҳар балога ақлинг етади-я, Шаҳи? — кулимсиради Комрон.

— О, қош-күзлари попукдек, лаблари ғунчадек, сенга яна нима керак? — Машхур кинокомедия қаҳрамонига хос тарзда Шаҳризодага тегишиган бўлди Мансур.

— Отставить! — деди Комрон.

— Э, йиғишири масхарабозликини, — Шаҳризоданинг энсаси қотди.

Унинг кайфияти тушиб кетгани сезиларди: ахир, шу пайтгача бир қарашида манаман деган йигитни домига илинтириб, истаган мақомида йўргалата оламан, деб ўйлаб юрган қиз битта ёши ўтиброқ қолган муаллимнинг эътиборини торта олмаса.

— Бошқачароқ баҳона топмадингми? — тагин асабийлашди Комрон. — Бошим оғрияптимиш. Боши оғриётган одам сал касалга ўхшаши керак-да! Туришингни қара!

— Туришимга нима қипти? — Шаҳризода ўзига бошдан-оёқ разм солди.

— Худди Хуррам Султоннинг ўзисан-ку, — пихиллади Мансур. — Любойини чочиб ташлайман, деб турибсан.

— Ажаб бўпти, — лабини бурди Шаҳризода ва Комронга ўгирилди. — Нима дейишим керак бошқа? Юринг музқаймоқ егани борамиз ёки кинога кирамиз, дейми?

— Наҳотки шу ишни эплолмасанг? Қиз боласан-ку? Ноз-карашма, макр-ҳийла... сал маҳоратингни ишга солсанг-чи?

Шаҳризоданинг айёrona кулган қиёфаси бирдан жиддийлашди.

— Э, унақа “маҳорат”ни, ана, автовокзалнинг орқасида кечаси ўндан кейин тизиладиган қизлардан сўрайсан, тушундингми? — у жаҳл билан сумкасини елкасига осди.

— Менга атиринг ҳам, “айфон”инг ҳам керакмас. Бунақа шилта ишларингга мени аралаштирма.

— Тўхта! — амирона буюрди Комрон бир қўлини кўтариб. — Дарров жаҳл қиласвермагин, Шаҳи! Менда бошқа фикр туғилди.

## Рустам ЖАББОРОВ

— Ўғилми, қиз? — ҳар ерда кулги чиқармаса туролмайдиган Мансурнинг бу ҳазили эътиборсиз қолди.

— Гапимга яхшилаб қулоқ сол...

...Комроннинг таклифини эшитиб, Шаҳризода кескин бош чайқади.

— Йўқ, бас, етар, бунақа иш қўлимдан келмайди. Яхиси... айтдим-ку, бошқа бирортасини ёллай қол шу ишга. Бир-иккита шаддод дугоналарим бор, истасанг...

— Сен қилолмаган ишни дугоналаринг қандай эплайди? — орага бурун суқди Мансур. — А, так унақа “дугоналар” Комроннинг ўзида ҳа...

— Отставить! — шеригини тутиб қўйди Комрон ва шимининг чўнтағидан яна битта ғижимланган кулранг купюра чиқарди.

— О, юз “бакс”, — Мансурнинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Қиз бола бўлганимда, “устоз”ни ўзим ўраб ташлардим бу пулга!

— Между прочим, — Шаҳризоданинг юзига қув табассум югурди, — бу масалани яхшилаб... — У Комроннинг қўлидаги пулни олиб, кафтининг орасида ғижимлади, кейин чаққонлик билан сумкасига ташлади.

— Ўйлаб кўрамиз.

...Ҳалигача ўйлаб ўйига етолмади Шаҳризода. Баъзида виждони ҳам қийналиб кетади. Майли, Комроннинг гапига кириб, шу ўқитувчининг юзини ерга қаратди, шарманда қилди ҳам дейлик. Шу тариқа Комрон ундан ўчини олар, балки коллеждан бўшаттиришга ҳам муваффақ бўлар. Лекин Шаҳризодага нима наф? Қилган “хизмат”и эвазига олган атири икки-уч ой сенар, телефонни бир йил, икки йил ишлатар. Кейин нима бўлади? Вақти келиб, кўз-кўзга тушганида...

Чамаси, Шаҳризода бу қалтис ўйинга аллақачон кириб бўлган, энди бу ишнинг охирига етмасдан ортга қайтиб бўлмасди.

\* \* \*

Шаҳарнинг ғарбий қисмидаги бу хиёбон бир пайтлар анча гавжум бўларди. Болалар аттракционлари, музқаймоқ павильонлари, кабобхоналар... Хиёбон марказидаги кўлда қайиқ ё катамаранда сузиш учун одамлар навбатда туришарди.

Аммо кейинги пайтларда хиёбоннинг ҳам файзи йўқолган. Кўлни қуритиб, ўрнига икки қаватли супермаркет тиклашиди (Ҳа, ўша, Жамшиднинг отасига тегишли, икки қаватли супермаркет). Дараҳтларни кесиб, ўртадан асфальт йўл қуришиди. Аттракционлар ҳам ишламай занг босиб қолди. Фақат аҳён-аҳёнда боғ четидаги ўриндиқларда шахмат ёки қарта ташлаб ўтирган чолларни, тоҳида учрашувга чиқсан бўлажак келин-куёвларни ҳам кўриш мумкин. (Чунки шаҳарда бундай бошқа учрашадиган жойнинг ўзи йўқ).

Умида ўзига таниш бурчак томон одимларкан, аввал ён-атрофга хавотирли аланглади. Хайрият, бирорта таниш-билиш кўринмаяпти. Отабек эса айтилган жойда аллақандай журналини варақлаб ўтиради. Умидани кўриши билан дик этиб ўридан турди.

— Уми, бир соатдан бери кутаман, хайрият келдинг-а?

Умида тушкун кайфиятда унинг ёнига келиб ўтириди.

— Ўйдагилардан аранг бир соатга рухсат олдим, — кейин журналиниг четини кўтариб, муқовага кўз ташлади. — О, “Юлдуз”-ку? Янги сонми? Нималар чиқипти?

— Умидабону деган ёш, чиройли шоиранинг шеърлари чиқипти, — Отабек қизнинг кичкина сурати билан шеърлари босилган саҳифани кўрсатди.

— Во-ой, — Умиданинг шаҳло кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди. — Менинг шеърларимми? Ахир, мен журналга юбормагандим-ку?

## Рустам ЖАББОРОВ

---

— Менга бергандинг-ку! Ҳарқалай сўроқсиз таҳририятга юборганимиз учун биздан хафа эмасмисан?

Умиданинг хафа эмаслиги унинг қувончдан чақнаган кўзларидан яққол кўриниб турарди.

— Биз? — янада ҳайратга тушди Умид. — Кимлар билан устимдан яширинча иш қилиб юрибсан?

— Устоздан илтимос қилгандим, журнал муҳаррири таниши экан. Бунинг устига шеърларинг таҳририятдагиларга жуда ёқибди. Қара, муҳаррирнинг ўзи сўзбоши ёзган.

Умид бир муддат қувонч билан журналнинг шеърлари босилган саҳифасига кўз югуртириб чиқди. Кейин очиқ осмонни бирнаслада булат қоплагандек авзойи ўзгарди.

— Э, журналда чиққани билан, барibir мендан шоира чиқмайди, — у журнални ёпиб, енгил уҳ тортди. — Раҳмат, шунча овора бўлганинг учун.

— Кейин... устозга ҳаммасини тушунтирудим. Сенинг хоҳишинингга қарши узатишашётганини ҳам айтдим.

— Бирор фойдаси бўллими? — умидсиз бир нуқтага термилди қиз. — Нима кераги бор ҳаммага жар солишининг?

— У билан гаплашиб кўр, леб ўзинг айтгандинг-ку?

— Кейин ўйлаб кўрдим, бундан фойда чиқмас экан.

— Устоз бугун отанг билан гаплашиб кўрмоқчи эди. Ахир, сен ҳозир коллежда ўқияпсан. Ҳали коллежни битирмасдан сени узатишга ота-онангнинг ҳақлари йўқ. Тушуняпсанми? Устоз гуруҳ раҳбари сифатида улар билан гаплашиб кўрмоқчи.

— Отамнинг қанақаликларини билмайсан, — ҳамон ўша умидсиз оҳангда гапиришда давом этди қиз. — Қайтага устознинг ҳам кўнглини синдириб жўнатишади.

— Уми, икковимиз ҳам жимгина тақдирга бўйин эгиб кетаверамизми? — Отабек бошини қуйи солди. — Агар, “мени тинч қўй, тақдирга тан бераман, пешонамдан

кўраман, ўша холаваччам билан баҳтли бўлиб кетишимга ишонаман” десанг, ҳозироқ ҳаммасини тўхтатаман. Сенга чурқ этган номард, Уми!

— Нимага ярамга туз сепаверасан? — куюнди Умида.  
— Ўзимнинг дардим ўзимга етмайдими? Баъзида дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетади. Ҳатто... айтсам ишонмайсан, ўзимни бир нима қилсаму, ҳаммасига нуқта қўйсам дейман. Шунда ҳамма мендан, мен эса ҳаммадан қутуламан.

— Ўйлаб гапиряпсанми? — қўрқиб кетди Отабек. — Бу гапни хаёлингга ҳам келтирма, тушундингми?

— Ҳадемай ҳаммаси — ўқиш, орзу-умидлар, ёшлик, севги... ортда қолишини ўйласам ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Мен шу пайтгача Жамшидни худди акамдек кўриб келардим. У билан эр-хотин бўлишимиз... ҳеч тасаввуримга сифмайди бу. Лекин ота-онам барибир мени тушунишмаяпти. Онамга айтсам, “менам отангга тегмайман деб роса тўполон кўтарганиман, мана йигирма икки йилдан бери балодай яшаб келяпмиз” дейдилар.

— Балки, отангга ётиғи билан тушунтирилса, унаштирувни бекор қилишар?

Умида гапчи сиртида Отабекнинг бу ташаббусини қўлламагандек кўринса-да, ич-ичидан сўна бошлаган умид шуъласи яна порлай бошлаганди. Ахир, бу ҳаёт кутилмаган тасодифларга, тақдир тухфаларига тўла-ку?

У баъзида ўз кайфиятини ҳам тушунолмай қолади, сал нарсага таъби хира тортса тамом, худди бу ғашлик қофоз устидаги сиёҳ доғидек ёйилиб, катталашиб бораверади. Бирор яхши гап эшитса ҳам, кайфияти ўз-ўзидан кўтарила бошлайди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Аввало бу ишга устозининг аралашгани, кейин мамлакат миқёсидаги машҳур журналда шеърларининг чоп этилиши бир неча ҳафтадан бери юрагини ғаш қилиб келаётган ҳислардан бироз

узоқлаштириди. Аммо олдинда уни кутаётган муқаррар иохушликдан бутунлай кутилишига кўзи етмасди.

Тўғри, ҳар бир ота-она үз фарзандининг камолини, ҳеч кимдан кам бўлмай умр кечиришини, баҳтлисаодатли, бекаму кўст яшашини истайди. Шу боис, ўғил-қизлар вояга етиши билан ўзига тўқ, бадавлат оила билан қуда бўлиш ҳаракатига тушиб қолишиди. Лекин фарзандларнинг кўнгли, ҳис-туйғулари, орзу-мақсадлари уларни кўп-да қизиқтиравермайди. Ахир, моддий фаровонлик инсоннинг баҳтли бўлиши учун ҳар доим ҳам аскатавермайди-ку?

Йўқ, ота-онаси Умиданинг ҳар томонлама баҳтли яшашини исташади. Чунки уларнинг Умидадан бўлак зурриёди йўқ. Шу пайтгача қизларини кафтларида, ҳеч кимдан кам қилмай ўстиришди, егани олдида, емагани орқасида бўлди. Бунинг учун ота-онасида тоабад миннатдор. Аммо бўйи етиб, мустақил ҳаётга қадам кўяман деб турганида...

...Кечки овқатдан сўнг идиш-товоқларни ювгани чиқиб кетаётган қизини Содиқ ака тўхтатиб қолди:

— Ўтир, — деди ёнидан жой кўрсатиб. Умида отасига сўзсиз бўйсунди. — Ўтган сафар анави Қодир дўхтир дўконимга бориб, бошимни оғритганида, бир амаллаб этагимни тортгандим. Энди аллақайси тупканинг тагида турадиган “малимча” бошимга келиб, “амри-маъруф” қилиб кетди. Ким ўзи у?

— Менинг хабарим йўқ, дада, — Умида нигоҳларини бир четга бурди.

— Сен қиздаям кўп гап бор-да ўзи! — дарров гапга қўшилди Сожида. — Фунажин кўзини сузмаса буқа ипини узмайди. Сенга минг марта айтдим, ўша Отабегинг бизнинг тенгимиз эмас. Бориб тошини терсин, деб. Тунов куни онасини яхшилаб тузлагандим, сабоқ бўлмантими? Бет деганиям тоғора экан-да ўзи!

— Қизим, мени биласан-а? Айтганимдан қайтмайдиган

одамман. Менга муаллими тугул, авлиёсими олиб келмайдими? Қиз менини, ҳеч ким менга хўжайинчилик қилолмайди. Кейин божамга қилган лафзимни бузиб, субутсизга чиқиб қолишни истамайман. Сен ҳам ўша синфдошингга айт, агар тинч қўймайдиган бўлса, урупуруғи билан шаҳардан кўчиртирвoriшга ҳам кучим етади. Кўрипасига қараб оёқ узатсан!

— Одамлар ҳам индамаса, жа бошингга чиқволарканда, — Эрининг қўлтиғига сув пуркашда давом этди Сожида. — Икки қават данғиллама участка, машиналар, дўконлар... кимга ёқмайди бунақа имконият? Кўзингни оч, қизим, бу бола сенга эмас, мен билан отангдан қоладиган мана шу молу мулкимизга ошиқ бўлган. Битта у эмас, тўртта аёлнинг ичига кирсам, гапни сенга буришади. “Қизингизни қачон узатасиз” деб ҳол жонимга қўйишмайди. Яхшиям, опам билан нон ушатиб қўйганимиз. Унда эшигимизнинг турумини бузиб кетишармиди? Ҳозир замон шунақа, “келин қилсан ҳам, фақат бойдан қиласан” дейишади.

“Ойижон, Отабек сиз айтган йигитлардан эмас, уйланса ҳам бу уйдаги битта чўпга қарамайдиган йигит. Менга ҳам бу мол-давлатнинг кераги йўқ, фақат ўз ихтиёrimни ўзимга берсангиз, бас. Барибир сизларнинг қизингизман, ўла-ўлгунимча хизматингизда бўламан”.

Бу Умида айтиши лозим бўлган, аммо айтмаган гап. Ҳар гал ана шундай аччиқ ва очиқ гапларни ота-онасига баралла тўкиб солгиси келади. Аммо фарзандлик бурчи, ор-номуси, андишаси устунлик қиласи. Фақат ич-ичидан ота-онасига Яратгандан тавфиқ ва инсоф сўрайди.

— Жамшиднинг нимаси ёмон? Ойдек йигит! — эрига чой қуийб узатаркан, гапида давом этди Сожида. — Унга қизимни бераман деб юрганлар сон мингта эди. Жуда ишнинг кўзини биладиган, топармон-тутармон йигит. Бир умр зарга кўмилиб яшайсан, қизим. Сенинг онаси қурумсоқ синфдошинг-чи? Ҳалиям амакилари билан

битта ҳовлида сиқилиб яшашиди. Катта ўғиллари ўттизга боряпти, ота-онанинг қурби етмайди шуларни уйлаб қўйишга. Сен-чи, эрга тегаман деб ўн йил кутасанми?

Умида керак бўлса, ўн йил, ҳатто умрининг охирига қадар кутишга тайёр. Лекин жондан азиз ота-онасининг орзу-ҳаваслари билан унинг кўнгли ҳисоблашишни истамаса нима қилсин!

— Майда-чуйда гапнинг кераги йўқ, — чойни бир кўтаришда бўшатиб, мунозарага якун ясади отаси, — мен божам билан ишни пишитиб келдим. Тўйнинг тараддудига киришган. Кейинги ойнинг бошларида тўйни ҳам ўтказиб юбораверамиз. Бўладиган ишнинг бўлгани яхши, — шундай дея у дастурхонга фотиҳа қилди. — Омин, оллоҳу акбар.

Умида ошхонада ўтириб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Тамом, Энг сўнгги умидлари ҳам пучга чиқди. У Отабексиз ҳаётини, келажагини тасаввур қилолмасди. Келгусидаги барча орзу-ҳаваслари, режалари у билан чамбарчас боғлиқ эди. Шу лаҳзага қадар отаси ё онаси фикрини ўзгартириб қолишидан умид қилиб яшаганди. Аммо афтидан иккови ҳам оёқларини бир этикка тиқиб олишибди. Қизларини ўша Жамшидга узатишмаса кўзлари жойига тушмайдиганга ўхшайди.

Умида ишларини битириб, иккинчи қаватга, ўз хонасига югорди.

Шоша-ниша стол тортмасини қаради. Мана, жойида турган экан.

Кейинги пайтларда кам уйқу бўлиб қолгани сабабли коллежда тиббиётдан дарс берадиган ўқитувчидан маслаҳат сўраганли. Дилафрўз опа унинг қон босимини ўлчаган, бундай уйқусизлик ўтиш давридаги қизларда кўп учрашини айтиб, бир-икки хил дорини тавсия қилганди.

— Фақат бу дорилардан жуда эҳтиёт бўлиш керак, дозаси ошиб кетса, ёмон оқибатларга олиб келади.

— Қанақа, масалан? — қизиқиб сұраганди үшанда Умида.

— Аслида ҳар қандай дорини ичишдан аввал мутахассис билан маслаҳатлашиш керак. Меъёридан орттан дорилар заҳарға айланади. Заҳар эса одамнинг ҳаётига зомин бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Умида ушбу дорини сотиб олаётганда ҳам, таниш сотувчи аёл “бир кунда яримта таблетка ҳам етали, жуда кучли дори” деб уқтирганди. Ростдан ҳам, гоҳида турли нохуши хаёлар уйқусини ўғирлаб, ухломай қийнала бошлаганида, яримта хабдорини тилининиг тагига ташлаб, икки-уч дақиқада тошдек қотиб қоларди.

...Мана, қўлида кичкина шишачадаги дориларни томоша қилиб ўтирибди. Негадир бутун борлигини аллақандай хотиржамлик, сокинлик қамраб олган...

\* \* \*

Кейинги пайтларда Азизбекнинг ишлари анча кўпайиб қолди. Бир томондан дарслар, иккинчи томондан гуруҳдаги ўқувчиларнинг шахсий ҳаёти, муаммолари...

Ҳа, коллеж директори айтганича бор экан. Ҳар бир ўқувчи бир олам. Ҳар бир оламнинг паст-баландлари, қувончу ташвишлари, ютуқ ва муаммолари бор.

Дастлаб, Азизбекка “сапчиб кўрган” Комрон ва унинг атрофидаги иккита-учта “шотирлар”ку анча тинчиб қолишган. Ҳатто дарсларга ҳам бинойидек қатнашаяпти.

Коллежда анчадан бери ишламай турган спорт залини тумандаги тегишли ташкилотлар билан гаплашиб, зарур спорт инвентарлари билан тўлдирди. Гуруҳда бинойидек спортчилар бор экан-у, кўпчилик уларга етарлича эътибор қаратмаётган экан. Масалан, Динора деган қизнинг бир пайтлар шаҳматда бутун вилоятда донғи кетган, гуруҳ йигитлари футболда деярли ҳамма

## Рустам ЖАББОРОВ

---

коллажлар билан беллашиб ғолиб чиқишиган. Азизбек спорт залини эпақага келтиргач, гуруҳ спортчилари анча жонланиб қолишиганди.

Икки йил олдин вилоятдан коллажга чет элдан либосларга гул босадиган дастгоҳлар келтирилган, аммо уни ишлатиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаган экан. Азизбек дарҳол интернетдан ушбу дастгоҳларнинг тилини биладиган мутахассисларни топиб, чақиртириди. Шу тариқа коллаж қошида ўн беш-йигирма нафар қизни қўшимча иш билан таъминлайдиган ёрдамчи корхона очилди.

Лекин уни ўйлантираётган, юрагини жаздек ачишираётган кўнгилсиз ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Масалан, Маъмурнинг отаси билан гаплашиб, уни ўқишдан узоклаштирмасликни сўраганди. Уста Иброҳим пешонасини тириштириб “ўйлаб кўраман” деганди. Бир ҳафта олдин ўқувчилар гап топиб келишиди: Маъмур акасининг таклифи билан поездга ўтириб, Россияга жўнабди. Шунча ҳаракат, илтимос, гап-сўз зое кетибди.

Мухторни эса вилоят марказида йирик савдо марказида телефон ўғирлаётганда ушлаб олишибди. Аввалига ўзини ҳар тарафга уриб, айбсизлигини исботламоқчи бўлибди. Аммо унинг қинғир ишлари кузатув камерасига тушиб қолган экан.

Ҳозир Мухторни тергов ҳибсхонасида сақлашяпти. Терговчи Азизбекнинг ҳам олдига келиб кетди. Унинг коллаждаги юриш-туриши, хулқ-атвори ҳақида суриштириди. Афсуски, Азизбек бу коллажга ишга келишидан анча аввал Мухтор ана шу қинғир йўлга кириб бўлган экан. Эҳтимол, қонунга биноан тегишли жазосини олса, балки ақли жойига кириб қолар...

Азизбекни Абдулҳамиднинг ҳам тақдирни, тарбияси, унинг руҳиятидаги ўзгаришлар қаттиқ ташвишга соларди.

Ҳаммаси ўйлаганидек бўлиб чиқди. Почтасига шогирди

жүнатган файлларни диққат билан күриб чиқди. Ҳар бирида ақидапаастлик хиди уфуради. Бундай ҳолатда қандай йул тутиш кераклигини билса-да, барибир икки ўт орасида қолғанди.

Наҳотки, Абдулҳамид ана шу кимсаларнинг жирканч тузогига илинган бўлса? Уни сақлаб қолишининг, орта қайтаришнинг иложи бормикин?

У ўйлай-ўйлай ҳуқуқ-тартибот идораларидан бирида ишлайдиган эски қадрдони Дилшод билан боғланишга қарор қилди. Зарур гапи борлигини айтгач, Дилшод у билан учрашишга рози бўлди.

Азизбек учрашув белгилашга белгиладио, яна тараддуға берилди. Бордию, Абдулҳамидинг бирор грухга аъзо экани ўз исботини топса, унинг тақдиринима кечади? Суд қилишадими? Қамашадими? Наҳот, ўн гулидан бир гули очилмаган, ёнгина ўспирин умрининг энг гуллаган пайтини панжара ортида ўтказиб қайтса? Энг ёмони, ўқувчисининг қамоққа тушишига ўзи сабабчи бўлиб қолса... Ахир, Абдулҳамид унга ишониб, ичидагини тўкиб сочмадими, дуст билиб бор сирасорини у билан баҳам кўрмадими?

Йўқ, балки, онги тўла-тўқис заҳарланиб улгурмагандир? Эҳтимол, жўнатган маълумотлар у қадар хатарли эмасдир? Буни ҳарқалай мутахассисларгина аниқ айта олишади. Бу борада Азизбек ҳам ҳато қилиши, қош қўяман деб кўз чиқариши мумкин.

Нима бўлганда ҳам Азизбек орта чекинмаслиги керак. Агар бу ҳолатга эътиборсиз қаралса, нафақат Абдулҳамидинг ўзи, балки у билан бирга яна қанчадан-қанча ёшлар тубсиз ботқоққа чўкиб кетиши мумкин.

Азизбек ҳамма материалларини олиб, йўлга тушди. Улар хилватроқ бир қаҳвахонада кўришдилар. Анчадан бери кўришмаган қадрдонлар аввалига ёшлиқдаги саргузаштларни эсга олиши, эски танишларни, қувноқ

## Рустам ЖАББОРОВ

вокеаларни хотирлаши. Эски қадрдони соатига биринки қараб қўйганини пайқаган Азизбек мақсадга ўтди.

Дўстининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаётган Дилюшод у узатган материалларни бирма-бир кўриб чиқаркан, қиёфаси тобора жиддийлашиб бораётганини кўриб, Азизбекнинг юрагини ғашлик чулгади.

— Ўртоқ, ростини айт, мабодо... Абдулҳамидни қамаб қўйишмайдими?

Дилшод жавоб беришга шошилмади. Қўлидаги ҳужжатларни яна бир қайта кўздан кечириб, мавҳум қиёфада бош чайқади.

— Олдиндан бир нима дейлмайман. Бу биринчи навбатда боланинг ўзига боғлиқ. Агар жиноят кодексида назарда тутилган ҳаракатларга қўл урмаган бўлса, нега уни қамаб қўйишаркан? Хатосини тушуниб, ортга қайтса, ўзига яхши бўлади.

— Шунақа де? — Азизбекнинг юзидағи хавотир янада қуюқлаши. — Илтимос, кел, икковлашиб, шу йигитчани йўлдан қайтарайлик, бутун келажаги, ҳаёти барбод бўлмасин. Ахир, ҳозир уни шартта ушлаб, қамаб қўйган билан фикри, дунёқараши ўзгариб қолмайди-ку? Унинг қарашлари янада қатъийлашиши мумкин. Бирор чораси топилар?

— Эҳтимол, — елка қисди Дилюшод. — Биринчи навбатда Абдулҳамид ким билан алоқада эканини яхшилаб ўрганиш керак.

...Ўшандан бери Азизбек ётса ҳам, турса ҳам шу болани ўйлайди. Дарсларда ҳам унинг ҳар бир харакатига эътибор беради, ҳар бир гапини таҳлил қилишга уринади. Ахийри Абдулҳамид билан муттасил боғланадиган “раҳнамо”си кимлигини билишга ҳам муваффақ бўлди. У ўзини Рукниддин деб таништирган.

Азизбек “Фейсбуқ” орқали ўша “раҳнамо”нинг саҳифасини излаб топди. Ундаги фикрлар, суратлар, ҳаволалар билан танишди. Бир қарашда бу саҳифада

шубҳали нарсанинг ўзи йўқ эди. Ҳаммаси турли сувратлар, оят ва ҳадислар, ҳикматлар, халқаро сиёсат мавзусидаги турли сайтларниң ҳаволалари...

Ҳарҳолда бундай кимсалар ҳамманинг кўзи тушиши мумкин бўлган жойларга шубҳали нарсаларни қўймаслиги аён. Унинг асл баҳарасини, кирдикорларини қандай фош қиласа бўларкин? Яхиси, бу билан керакли одамлар, ўз ишининг усталари шуғуллангани маъқул.

Азизбек ҳаммасини Дилшодга айтдию, барибир ичидаги ғашлик тарқамади. Анчагача уйқуси келмади. Албатта, Абдулҳамид жавобгарликка тортиладиган бўлса, бунда унинг қўли борлигин ҳеч ким, ҳатто боланинг ўзи ҳам билмаслиги мумкин. Лекин барибир... Абдулҳамид хато йўлдан қайтса бўлгани...

Эрталаб ишга отланаркан, жиринглаб қолган телефони экранида Отабекниң рақамини кўриб, сергак тортди. Ўқувчилари унга бекордан-бекорга қўнгироқ қилмаслиги маълум. Ишқилиб тинчлик бўлсин.

Йўқ, ўйлаганидек тинчлик эмас экан. Отабек айтган совуқ хабар уни даҳшатга солди. Иш бу даражага бориб этиши унинг хаёлига ҳам келмаганди.

Йўл-йўлакай костюмини елкасига илганча, шошилиб машинага ўтирди.

Шаҳар томон елиб боряптию, кўз ўнгидан Умиданинг мунис, беғубор чеҳраси кетмайди. Наҳотки, шу ишга қўли борган бўлса унинг? Ахир, бу...

Жин урсин! Асабийликданми, паришонлик сабабми машина йўлдан чиқиб кетишига сал қолди. Эс-ҳушини тўплаб, шаҳар шошилинч ёрдам маркази томон йўл олди.

Тор йўлак бўйлаб, тўғри бош шифокор хонаси томон юрди. Оқсоқ ҳаким аллақандай қоғозларни ташвиш билан кўздан кечираётганида шиддат билан кириб келди. Чала-ярим саломлашган бўлиб, Умиданинг ҳол-аҳволини сўради.

— Кўп миқдорда уйқу дори ичиб қўйибди, — деди

## Рустам ЖАББОРОВ

---

шифокор. – Ошқозонни ювдик. Яхшиям, вақтида олиб келишибди. Акс ҳолда... Ҳозирча аҳволи қониқарли. Балки бир-икки кунда уйга рухсат берворармиз...

Йўлакда бошини қуи солиб ўтирган тепакал эркак – Содиқ “миллион”ни бир қарашида таниди. Уч-тўрт кун илгари бу эркакнинг салобатидан от ҳуркарди. Ҳозир худди сувга тушган мушукдек шумшайиб ўтирибди.

Азизбекни кўриб, дарҳол ўрнидан туриб сўрашиди. Кейин унинг орқасидан вестибул томон одимлади.

– Содиқака, ёшларнинг ҳис-туйғуларини менсимаслик яхшиликка олиб келмайди, демаганмидим? – деди Азизбек куюнчаклик билан. – Ўзингиз ёш бўлмаганмисиз? Ҳеч кимни яхши кўрмаганмисиз? Ҳалиям, Худога шукур, Ўзи асрабди.

– Бунақа бўлишини туш кўрибманми, ука, – деди Содиқ миллион чуқур хўрсиниб. – Оғир-босиқ, мен билан онасининг гапидан чиқмайдиган қиз эди. Бирдан бунақа гап-сўз... Божам ҳам бу гапни эшитиб, фотиҳани қайтарди. Энди эл-юртнинг ичида қандай бош кўтараман, ҳайронман!

– Нега ҳайрон бўласиз? – ажабланди Азизбек. – Тўғри, ота-оналар ҳис-туйғудан кўра кўпроқ ақлга бўйсуниб иш тутади. Бола фақат оёғининг тагини кўрса, ота-она юз қадам олдинда нима борлигини кўриб туради. Қизингиз тўғри йўл тутди, деёлмайман. Аммо катталар ҳам фақат ўз орзу-ҳавасини ўйлайвермасдан, ёшларнинг ҳам қалбига қулоқ тутиши керак. Мен қизингизни яхши биламан. Жуда иқтидорли, интилувчан қиз. Агар унинг ўқишига изн берсангиз, келажакда ундан иқтидорли, олий маълумотли мутахассис чиқиши мумкин. Илтимос, унинг йўлига ғов бўлманг. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмай туриб, эрга берсангиз, рўзгор ташвишларига ўралашиб, умри тўрт деворнинг ичида ўтиши мумкин. Ахир, инсон ҳаётга бир марта келади. Ҳаёт сиз ўйлагандек, фақат тўкин-сочин, тўқ-фаровон

яшаشدан иборат эмас. Турмуш севги пойдевори устида қурилмас экан, бундай оила мустаҳкам бўлолмайди.

Содик "миллион" бир зум номаълум нуқтага қадалганча жим қолди.

— Узим ҳам бу ҳафта анча ўйланиб қолдим. Ахир, мен ҳам, онаси ҳам шу қизимизни деб юрибмиз. Ортимиздан йиғлаб қоладиган биргина зурриёдимиз шу.... Майли, яна бир маслаҳатлашиб кўрайлик...

Азизбек Умида ётган палатага кирганида, у онаси билан нималарнидир гаплашаётган экан. Ўқитувчини кўриб, қўзғалмоқчи эди, Азизбек "шартмас" дегандек имо қилди.

Сожида у билан қисқача сўрашди-да, негадир ўрнидан қўзғалди.

— Мен сени ақлли қиз десам...

Умида уялинқираб кўзларини юмди. Жипслашган қалин киприклари орасидан икки томчи ёш сизиб чиқди.

— Кечиринг, устоз! — деди пи chirlab. — Ёшлик қилиб қўйибман. Ота-онамни ҳам, сизни ҳам ташвишга қўйдим.

— Қайтиб бунақа номаъқул ишни хаёлингга келтирма, — Азизбек елкасидан сирғалиб тушаётган оқ халатни тўғирлаб қўйди. — Жиннивой, сенга бир гап бўлса, ота-онангнинг ҳоли нима кечишини ўйладингми? Қара, ҳали ҳеч нарса бўлмай, шўрликлар қай аҳволга тушиб ўтиришибди. Уларнинг сендан бўлак фарзандлари йўқ. Шундай экан, фақат ўзингни ўйлаб, узил-кесил қарор чиқармаслигинг керак.

— Тўғри, лекин... Орзуларим амалга ошмай ўтиб кетаманми, деб қўрққандим, — шивирлади Умида. — Энди ундей қилмайман, устоз. — Кейин юзига мулойим табассум юргургандек бўлди. — Айтганча, журналда шеърларимни чиқартирганингиз учун раҳмат.

— Арзимайди, — Азизбек кетиш учун чоғланди. —

## Рустам ЖАББОРОВ

Айтганча, тил ва адабиёт бўйича вилоят олимпиадасига йўлланманг бор. Тайёргарлик кўриш эсингдан чиқмасин. Агар мамлакат миқёсида биринчи ўринни олсанг, университетга имтиҳонсиз кирасан, биласан-а!

Умида кулимсираб бош иргади. Азизбек у билан хайрлашиб коридорга чиқди. Узун йўлак бўйлаб ташқарига йўл оларкан, остоида ранги қув ўчганча ниғорон бўлиб турган Отабекни кўрди:

- Юр, дарсга, — деди унинг елкасига қўлини ташлаб.
- Ҳар ёмоннинг бир яхиси бор дейишган. Буям яхшиликка бўлсин!

\* \* \*

Азизбек коллеждаги режалаштирилган ҳамма ишларий битириб, уйга эндиғина кириб келганида кеч тушиб қолганди. Кийимини алмаштиришга чоғланганида, дафъатан қўл телефони жиринглаб қолди. Нотаниш рақам. Ким бўлдийкин?

— Алло, устоз, бу менман!

...У Шаҳризоданинг ноз-истиғно йўғрилган овозини дарҳол таниди. Ишга кирган кундан бошлиб, ўзининг саллона-мастона юришлари, фамзали гап оҳангига билан уни ўзига қаратишга уринган бу қиз ҳам Азизбекни анча ўйлантириб келарди.

Коллеж директори Асадулла Ҳожиевич ишга келган илк кунлардаёқ бу қизнинг сажъияси, аҳволи руҳияси ҳақида етарлича тавсиф бергани боис, у билан алоҳида муомала қилишини дилига тукканди. У ўн етти йиллик педагогик фаолияти давомида ҳар хил тоифадаги ўқувчиларни кўрган. Ҳар бири гуруҳда битта-яримта ана шундай шаддол, эркин, ўзига ишонган қизлар учрайди. Улар орасида кейинчалик босилиб, ўз йўлинни, тенгтўшини топиб кетган қизлар ҳам, йўлдан адашиб, кейин бир умр пушаймон қилиб юрганлар ҳам бор.

Азизбек Шаҳризоданинг иккинчи тоифага тушиб қолмаслигини чин дилдан истарди. Рост, Шаҳризода жуда чиройли қиз. Гоҳида шўх, эрка қилиқлари унинг ҳам қалбидаги алланечук ёввойи ҳисларни қўзғагандек бўлади. Аммо ҳам касбий, ҳам инсоний бурчини ўйлаб, шайтонга ҳай беради. Шаҳризода эса худди унинг ичидаги қарама-қаршиликни яққол ўқиб тургандек, атайнин унинг ҳислари билан ўйнашаётгандек туюлади.

— ...Ҳа, тинчликми? — сўради овозига бироз дағал тус бериб.

— Безовта қилмадимми? — Шаҳризоданинг овози янада қувноқ, янада ишвали жаранглади.

— Тезроқ гапира қол, мен уйдаман. Ҳали овқатланганим ҳам йўқ.

— Устоз, хўп десангиз бирга овқатланарди-ик!

— Эсинг жойидами? — Азизбекнинг қошлари чимирилди. — Қачондан бери мен билан овқатланадиган бўлиб қолдинг?

У асабийлашиб телефонни ўчириб қўймоқчи ҳам бўлдию, негадир шошилмади.

— Мен ҳозир “Динозавр”даман. Сизга муҳим бир гапни айтмоқчи эдим.

Азизбек “Динозавр” шаҳардан бир неча ўн километр узоқда, магистрал йўл ёқасидаги кўзга кўринган кафелардан бири эканини яхши билар, аммо бирор марта ҳам у ерга бормаганди. Ўқувчиси у ерда нима қиласпти?

— Ёнингда ким бор? — сўради бироз эҳтиёткорлик билан. Чамаси Мафтуна ошхонада эри учун дастурхон тузаш билан овора эди.

— Битта ўзим, сизни кутиб ўтирибман.

— У ерда бир ўзинг нима қиласпсан? Тез уйингга қайт. Вақт бемаҳалда кўчаларда юрма.

— Бир ўзим қайтишга қўрқаман, усто-ооз, — деди Шаҳризода чўзиб. — Келсангиз мени олиб кетардингиз.

“Тентак қиз! Ўзи Умидадан кўра шуни тезроқ тенгини топиб узатвориш керак шекилли”, – ўйлади Азизбек Эндиғина ечган костюмини қайтадан елкасига иларкан.

Уйдан иш кийимида қайтиб чиқаётган эрини кўриб, Мафтунанинг ҳайрати ошди:

– Овқатни сузиб қўйгандим, тинчликми?

– Мени бир жойга чақириб қолиши, – деди Азизбек узрли оҳангда. – Ярим соат, бир соатларда қайтаман. Сен хавотир олма!

Орадан чорак соат ўтиб, Азизбек катта йўл ёқасида тикланган ҳашаматли “Динозавр” қаҳвахонаси қарисида туради.

“Тавба, топган номини қара, “Динозавр”миш... – Азизбек бинога кўз ташлаб, уни миллион йиллар аввал қирилиб кетган улкан жонзотлар билан ўхшаш жойини топишга уринди.

\* \* \*

– ...Бу сафар ҳам қовун туширсанг, ўзингдан кўр, – уқтириди кўзига қора кўзойнак қўндириб, ёқасини кўтариб, бошига кепкасини бостириб кийган Комрон.

– Комрон, шу ишларинг менга умуман ёқмаяпти, – ҳорғин уф торти Шаҳризода. – Кейин мен унинг юзига қандай қарайман? Ахир, у менга зигирча ёмонлик қилмаган бўлса?

– Жинни, сен уни “подставка» қилаётганинг йўқ, – қизни кўндиришга уринди “валинеъмат”ига монанд равишида кийиниб олган Мансур. – Шунчаки устозинг билан “улфатчилик” қилиб ўтирганингни бир-иккита “бемаза” билмасдан суратга олиб қўядио, беихтиёр “фейс”га ё “телеграм”га қўйворади. Бу жиноятмас, шармандаликомас, ҳатто чаламулла Ҳамид айтганидек “гуноҳи кабира” ҳам эмас. Шунчаки, ўша маҳмадона яна

“маънавияту маърифат”дан маъруза ўта бошласа, тилини “азгинча” қисиб қўйиш учун омбирча бўлади, холос.

— Мен сизлар учун “специально” вальсга буюртма бериб қўяман, — ялииз ҳидли узун сигаретасини симиаркан, шифтга қараб ингичка тутун пуркади Комрон. — Қадрдон ўқитувчинг билан бир рақсга тушсанг тушибсан-да, Шаҳи!

Шундай дея у Мансурнинг енгидан тортиб, аввалдан буюртма берилган, нимқоронғи бурчакдаги столга бошлади. Энг чеккадаги стол бўлгани учун у ерда одам ўтиргани бир қарашда кўзга чалинмас, кўринганда ҳам уларнинг башарасидан танишнинг асти имкони йўқ эди.

Ниҳоят, ҳамма кутган пайт келди. Эшикдан костюм-шим, бўйинбоғ билан кириб келган Азизбекни қаҳвахона хизматчилари тавозе билан кутиб олишди. Азизбекнинг кўзи кимнидир олазарак қидиради. Мана, унинг нигоҳлари бир қарашда ҳар қандай эркакнинг эътиборини торта оладиган ёрқин либосда ял-ял ёниб ўтирган Шаҳризодани қидириб топди ва ўша томон юрди.

— Ассалому алайкум, — Шаҳризода худди ўпишиб кўришиш учун юзини тутаётгандай Азизбек томонга бошинги хийла эгди.

Стол устидаги ноз-неъматлар қатори бир шиша шампань виносини кўриб, Азизбекнинг таъби хира тортди.

— Бу нимаси? Нима қилиб ўтирибсан?

— Наҳотки, билмадингиз? — қизнинг юзида ясама табассум жилваланди. — Ахир, бугун менинг туғилган куним. Нима, йилда бир марта туғилган кунимни нишонлашга ҳаққим йўқми?

Азизбек нимагадир ўйланиб қолди. Шаҳризоданинг шахсий ҳужжатларига кўз ташлаганда туғилган кунига яхши эътибор қилмаган экан. Ростдан ҳам бугун унинг туғилган куними? Августда эмасмиди?

У шубҳасини юзага чиқармади.

— Табриклайман, — деди у қуруққина қилиб. — Лекин туғилган кун бу тарзда, қайсиdir овлоқ жойда эмас, уйда, оила даврасида, дўстлар билан бирга нишонланади. Бу нима ўтириш? Битта ўзинг... Юр, яхниси, сени уйингга олиб бориб қўяман.

— Уйимда ҳеч ким йўқ, — Шаҳризода аллақандай эркалик билан қош учирди. — Мен бу йил туғилган кунимни сиз билан нишонлашни ният қилгандим. Нима, сиз ўз шогирдингизга баҳт ва омад тиламайсизми?

— шундай дея у шампан шишисини қўлига олганида, Азизбек шартта тортиб олди ва ён томондаги бўш стол устига қўйди.

— Биринчидан, қиз боласан, иккинчидан, эндиғина ўн саккизга кирдинг. Учинчидан...

Уч-тўртта ширакайф йигит уларнинг ёнига келиб ўтириши билан Азизбек негадир гапидан тұхтади.

— Шаҳризода, мени чақирганинг, эътиборинг учун жуда хурсандман. Лекин ҳозир кетмасак бўлмайди...

Ён томондан йигитларнинг баралла суҳбати эшитилиб турарди:

— Қара, жа кетворган эканми? — деди йигитлардан бири. — Нақ ёндираман дейди-я?

— Вой дод, лабларини қара, нақ қирмизи гилос...

— Нима, манави галстук уни шунча ялинтиряптими?

— Келиб-келиб шу оқсоchnи танлабди-да, эсиз!

Уларнинг суҳбати Азизбекнинг қулоғига яққол кириб турган бўлса-да, ўзини эшиитмасликка олди.

— Официант қани? Тезроқ ҳисоб-китоб қиламиш-да, кетамиш бу ердан! Туғилган кунингни эртага дарсдан кейин гуруҳимиз билан бирга нишонлаймиз.

— Йў, йў, йў, — эркаланди Шаҳризода. — Мени хафа қиляпсиз-ку, устоз. Би-ир кунгина, бир соатгина ўтирайли-ий.

Шу çoқ ён столда ўтирган жингалаксоч йигит шартта туриб, Шаҳризодага яқинлашди.

— Асал қиз, шунга ялинасизми? Мана, биз билан ўтира қолинг! — шундай дея Шаҳризоданинг билагидан тутди.

Воқеа бу тахлит тус олишини кутмаган Шаҳризоданинг кўзлари олайиб, беихтиёр синфдошлари ўтирган бурчака қадалди. Бу пайтда Комрон билан Мансур секин ўринларидан туриб, эшик тарафга одимламоқда эдилар.

Азизбекни худди ток ургандек бўлди. Бундай ҳолатлар унда камдан-кам юз беради: кўзи қонга тўлиб, ўзини бошқаролмай қолади, бир неча сония ҳис-туйғулари ақлига бўйсунмай қолади. Ҳозир ҳам ана шундай “талваса” бошланаётганини сезган Азизбек нозик билакларни тутган дағал, кучли қўлни четга сурди.

— Менга қара, ука, бироннинг суҳбатига четдан суқилиш, кейин нотаниш қизга шилқимлик қилиш жуда ёмон одат.

Жингалаксоч қаршисидаги олифтадан бу тахлит журъатни кутмагани учун аввал бироз ажабланди, кейин шерикларига юзланди.

— Болалар, бу акамиз менинг кимлигини билмадилар шекилли? Ё ҳазиллашдилармикан? Биласизлар-а, мен бунақа ҳазилларни...

— Бу ёққа юр! — Азизбек кутилмаган шиддат билан жингалаксочнинг билагидан тутганча ташқарига бошлади. Шериклари бир зум бир-бирига қарагач, улар ҳам жингалаксочнинг ортидан югуришди.

— Устоз, керакмас, — кўнгли бир нохушликни сезган Шаҳризода ҳам уларнинг орқасидан чопди. Залда у ер-бу ерда ўтирган мижозлар ҳам бу томошанинг қандай тугашини билмоқчидек эшик тарафга қараб қолишганди.

Шаҳризода кафедан чиқиб ёрдам сўрагандек атрофга аланглади. Синфдошларидан ном-нишон кўринмас, чамаси, улар сирлари фош бўлишиданми, жанжалга

## Рустам ЖАББОРОВ

---

аралашып калтак еб қолишданми – нимадандир қүрқиб, жуфтакни ростлашганди.

Шаҳризода йигитлар ва Азизбекнинг ортидан кафенинг ён тарафидаги дарахтзорга қараб югурди. Шаҳризода уларнинг ортидан етиб келганида Азизбек билан бояги жингалаксоч бақамти турар, атрофида эса унинг тўртта шериги шайланганди.

– Устоз, – Шаҳризода кела солиб, Азизбекнинг қўлидан тортди. – Бўлди, юринг, кетамиз, мени уйга ташлаб ўтасиз.

– Шаҳризода, бор машинамда ўтириб тур, мен ҳозир бораман, – Азизбек чўнтағидан калит чиқариб қизга тутқазди.

– У ҳеч қаерга бормайди, – жингалаксоч чаққонлик билан қизнинг қўлидан калитни тортиб олди ва жевакчасидан тутиб, осилтирганча Азизбекнинг тушмуғига яқин келтирди. – Яхшиликча ўзинг жўнаб қол, олифта! Кўриб турибсан, биз беш кишимиз, бир ўзинг бизга бас келолмайсан. – Кейин қизга юзланди. – Исмингиз чиройли экан, Шаҳризода! Сиз билан бирор соат кўнгилхушлик қиласиз, кейин ўзимиз уйингизга кузатиб қўямиз, бўптими, асал?

Жингалаксочнинг беадаблик билан қизнинг кенг ёқаси томонга узатилган қўллари “манзил”га етмай туриб, кутилмаган зарба йигитни ерга қулатди. Икки-уч қадам нарига бориб тушган жингалаксочнинг кўзлари шокосасидан чиққудек бўлиб, шерикларига бақирди:

– Жавоҳ, Камол, нега қараб турибсанлар? Солмайсанларми?

Шундан сўнг... бошланди. Аввалига учала йигит бирин-кетин мушт еб букчайиб қолишиди. Кейин бараварига Азизбекка ёпишиб кетишиди. Ора-сирада Шаҳризоданинг ёрдам сўраган қичқириғи қулоққа чалинарди. Кучлар teng эмасди. Шаҳризода бир ўзи ҳеч нарса қилолмаслиги,

қараб тураваерса, беш йигит Азизбекни бир нима қилиб қўйишини ўйлаб, кафе томонга югурди.

Зум ўтмай кафедан беш-олти эркак чиқиб келди. Амаллаб, йигитларнинг чангалидан Азизбекни ажратиб олишди. Бу орада ёрдамга чақирилган милиция машинаси ҳам майдончага келиб тўхтаганди.

\* \* \*

— Ҳеч нарса қилмадими? — сўради машинага чиқишдан олдин Азизбекнинг чанг-тупроққа беланган кийимларини қоқаркан. — Мени кечиринг, устоз, бунақа бўлади, деб ўйламагандим.

Азизбекни яхшигини дўппослашган бўлса-да, юзини яхши ҳимоя қилгани учунми, кўзга кўринадиган ерига шикаст етмабди. Фақат бўйин қисми сал шилинган, холос. Ким билсин, агар кафедан одамлар чиқиб қолмаганида, тўғрироғи, Шаҳризода уларни чақириб чиқмаганида, бу тўқнашув янада оғирроқ оқибатларга сабаб бўлиши мумкин эди. Тиззаси, икки тирсаги, биқини сал ачишганини ҳисобга олмаса, Азизбек учун бу олишув безиён кечди, дейиш мумкин. Ҳарқалай, безориларнинг ўзи қаттиқроқ шикастланмаган бўлса, бас.

Милиция ходимлари келиб қолганини кўрган Азизбек иш анчага чўзилишини гумон қилганди. Шаҳризодани тезроқ уйга олиб бориб қўйиш кераклиги, қолаверса, уйда аёли илҳақ кутаётганини ўйлаб, ички ишлар ходимларига ўзига ҳеч қанчай жароҳат етмагани, болаларга нисбатан даъвоси йўқлиги, аммо уларнинг ота-онаси билан яхшилаб гаплашиб қўйишини сўраб, кетишига изн олганди.

— Оғримаяптими? — Шаҳризода рўмолчаси билан Азизбекнинг шилинган бўйинини артган бўлди.

Азизбек пешойна орқали қизга норози қиёфада бир қараб қўйди-да, машинани ўт олдирди.

Азизбекнинг бошқарувидаги оқ “Матиз” қоқ даланинг ўртасини тилиб ўтган текис асфальтдан елиб борар, машина салонидаги жимликни қизнинг пиқ-пиқ йифисигина бузарди.

— Мени кечиринг, — дерди у йифи арадаш. — Илтимос қиласман. Мени кечиринг, устоз! Мен... мени бунақа бўлишини истамагандим! Кечиринг!

— Ўтган ишга салавот, — деди ниҳоят Азизбек тезликни хийла камайтиаркан. — Сенга кўп айтганман, ёшлик бебошлиқ эмас. Бирнасда ўтиб кетади. Бу пайтда бирор жиддий хатога йўл қўйсанг, бутун умр афсусланиб ўтасан. Ҳалиям кеч эмас, эсингни йифиб ол! Бунақа бетамиз қилиқларни, bemavrid санғишлиарни бас қил! Яхшиям, етиб келганим. Бўлмаса...

Азизбек Шаҳризодани маҳалласининг бошида тушириб, ортига, ўз уйига қайтаркан, оёғи муттасил ачишиб, боши лўққиллаётганини ҳис қилди. Энди Мафтунага нима дейди? Ёши қирққа яқинлашганда қиз талашиб, кўчада безори болалар билан муштлашиб юрса... Тўғри, айб унダメас, ҳеч ким билан уришмоқчи ҳам эмасди. Вазият шуни тақозо этиб қолди.

“Ишқилиб, ҳалиги болаларни қамаб қўйишмаса яхшийди. Йигитчиликда бунақа ишлар учраб туради. Ўтириш, тўй-маъракада сал кўпроқ ичиб қўйишади-да, кейин кўнгиллари тусаган номаъқулчиликка қўл уришади. Эҳ ёшлар, ёшлар! Бу даврнинг ҳар дақиқаси олтинга тенг эканини, ундан унумли фойдаланиб қолиш лозимлигини билганингизда эди...”

\* \* \*

Эртаси куни дарслар одатдагидек бошланди. Кеча, шаҳар ташқарисидаги “Динозавр” кафесида юз берган

воқеалардан иштирокчилардан боңقا ҳеч ким хабар топмади.

Фақат дарслар тугаб, ҳамма уйига кетишга чөлантган дамда Шаҳризода охирги партада без бўлиб ўтирган Комрон ва унинг “қуролбардори” Мансур томонга оҳиста юрди. Қиз худди ўтган сафаргидек уларнинг қаршисидан жой олди.

— Кеча... устозинг билан яхши ўтирдингларми?  
— “қўрқсан олдин мушт кўтарар” дегандек гапни Комроннинг ўзи бошлади. — Анув “хира”лар планда йўқ эди. Гап кўпаймасин деб...

— Кўрдик, — истеҳзоли илжайди Шаҳризода. — Гап кўпаймасин деб қуённи расмини чизвордиларинг. Эр-как-лар!

Комрон қизариниб шеригига қаради. Мансур безбетлик билан кулимсиради.

— Майли. Бўлар иш бўлди, — томоқ қирди Комрон.  
— Кеча биз Мансур билан янгича режа туздик. Бу гал...

— Йиғиширларинг режа-нежангни, — Шаҳризоданинг шаҳдли овози йигитларнинг капалагини учирди. Яхиси, бориб устоздан кечирим сўра. Мен бу ўйиндан чиқдим. Сенлар ҳам бунақа пасткаш ўйинларингни тўхтатларинг.

— Ие, — Комрон ажабланиб аввал қизга кейин шеригига қаради. — Мансур, бу ёғи неча пулга тушди?

— Икки юз долларга, — сарфайган тишларини кўрсатиб ҳириналади Мансур.

Шаҳризода худди шуни кутгандек сумкасидан иккита фижим купюрани олиб, Комроннинг олдига ташлади.

— Ма, ол, пулинг бошингдан қолсин! Телефонинг ҳам, атиринг ҳам ўзингга сийлов, сен билан орамиз очиқ.

Қиз шахдам қадамлар билан эшик тарафга одимлаган онда Комрон жонҳолатда партадан сакраб ўтиб, унинг йўлини тўсди.

## Рустам ЖАББОРОВ

— Шаҳи, Азиз... анув... устозга ҳаммасини айтасанми?

Шаҳризода қаршисида мўлтираган бу йигит тиз чўкишга ҳам тайёрлигини кўриб, аввал ич-ичидан нафрати қўзиди. Кейин унга раҳми келди.

— Мен қиз боламан, — деди ҳар иккисига қаратা. — Лекин номард эмасман. Сенлар ҳам йигитсан-ку ўзингча! Сал... йигитга ўхшаларинг!

Комрон шалвираганча ортига, содик “мулозим”ининг ёнига қайтди.

— Бу... кеча Шаҳи устозингни эмас, устозинг Шаҳини тузоққа туширибди шекилли, а? — башааси тундлашган шеригининг ичига ўт қаламоқчи бўлди Мансур.

— Отставить, — деди Комрон чуқур уф тортиб. — Ўзимизам... нотўғри қилдик шекилли..

\* \* \*

Абдулҳамид ўзини тушунадиган инсон топганидан хурсанд эди. Азизбек нафақат ўзи дарс берадиган фанни яхши билар, диний тушунчалардан ҳам яхшигина хабардор экан. Куни кечадар сўнг устозининг хонасида бироз гаплашб ўтиришди.

— Бунақа мавзууда бу ерда гаплашишимиз яхшимас, дам олиш куни уйимга борсанг, шу соҳага қизиқадиган яна бир дўстимни меҳмонга чақирганман, сен берган материаллар юзасидан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчи. Борасанми?

Абдулҳамид елка қисди.

— Майли, инишооллоҳ, борамиз.

Мана, устози айтган манзилга ҳам етиб келди. Ҳовлига кириши билан анвойи гулларни кўриб, баҳри дили очилди, димоғига атиргулларнинг ёқимли ҳиди урилди.

Абдулҳамид уй кийимидағи устозни бир кўришда танимайди. У Азизбекни ҳар куни оқ кўйлак, қора костюм-шим, бўйинбоғда кўриб ўргангани учунми,

футболка ва трико кийиб олган устозни кўриб ичида кулиб ҳам қўйди.

Меҳмонлар учун ажратилган маҳсус хонада, дид билан тузалган хонтахта ортида яна бир меҳмон йигитчани мулозамат билан қарши олди.

— Қани, тўрга ўт, — Абдулҳамидни меҳмоннинг олдига ўтқазди Азизбек.

Анча пайтгача дастурхон атрофидаги сұхбат коллеж ҳаёти, об-ҳаво, футбол сингари мавзуларда кечди. Паловхонтўра келтирилган лаганинг таги ярқираса ҳамки, Абдулҳамидни қизиқтирган мавзуда сўз очилай демасди.

Ниҳоят, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Азизбек меҳмонларни бир-бирига таништирган бўлди.

— Абдулҳамид, бу киши менинг синдошим, яқин дўстим Дилшодбек бўлади! Диний илмлардан яхшигина хабардор. Сен билан бир гаплашиб олиш ниятида юрганди.

Абдулҳамид “хўш, эшитаман” дегандек ҳалиги йигитта қаради.

— Сиз “Қуръони карим”нинг ўзбек тилидаги таржимасини ўқиганмисиз? — дабдурустдан сўради Дилшодбек.

Абдулҳамид бироз ўйланиб қоли. Тўғри, у жуда кўп оятларни Рукнилдин юборган файлларда ўқиган, эшитган, аммо бу китобнинг тўлиқ таржимасига кўзи тушмаган экан.

— Унда мана бу китобни аввал яхшилаб ўқиб чиқинг.

— Дилшодбек ўзи билан бирга олиб келган, токчада турган китобни авайлаб қўлига олди ва йигитчага тутқазди. Абдулҳамид ялтироқ, нақшинкор муқовали китобни олиб, кўзларига суртди. — Буни мен бир неча марта ўқиб чиққанман. Бу китоб минг тўрт юз йилдирки инсониятни эзгуликка, меҳр-оқибатга, ёруғликка ундан келади. Китобни юксак билимга эга уламоларимиз

## Рустам ЖАББОРОВ

ўзбекчага таржима қилишган. Мен бу китобнинг бирор оятида беҳуда қон тўкиш, зўравонлик, қотилликка бошлидиган фикрларни учратмадим.

— Учратмайсиз ҳам, — деди Абдулҳамид уни қўллаб-қувватлаб. — динимизда зулм, ноҳақ қон тўкиш ҳаром қилинганд.

— Яшанг, — деди Дилшод қониқиши билан. — Чин мусулмон инсон тугул, ҳатто бир жониворга ҳам озор бермаслиги лозим. Кейин инсонларни динга, иймонга даъват қиласидиган одамнинг ўзи ҳам чин мусулмон бўлиши, диннинг барча арконларини пухта билиши ва ўзи ҳам шунга амал қилиши кераклигини биласизми?

— Ҳарқалай... — Абдулҳамид мужмалланди. — Шунақа!

— Битта ҳикоят эсимга тушди, — сұхбатга аралашиб Азизбек. — Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳузурларига бир киши фарзандини опкелиб, “устоз, ўғлим жуда кўп хурмо сяпти, унга зарар қиласими, деб қўрқяпман, боламга бир насиҳат қилиб қўясизми?” дебли. Шунда мавлоно “бир ойдан кейин келасиз” дебдилар. Ҳалиги одам бир ой ўтиб яна ўғлини етаклаб келибди. Бу гал мавлоно боланинг бошини силаб “болам, хурмони кўп ейиш ҳам зарар, камроқ егин” дебдилар. Ота бу гапдан сўнг “устоз шу гапни нега бир ой олдин айтмадингиз?” деса, мавлоно “бир ой илгари ўзим ҳам жуда кўп хурмо ердим, ўзим хурмо еб, бошқаларни бундан қайтаришга маънавий ҳаққим йўқ эди, бир ойда хурмони ейишни ташлаб, энди ўғлингга ҳам шу маслаҳатни бердим” деган эканлар.

Абдулҳамид “бу гапларнинг менга нима дахли бор?” дегандек бир устозига, бир меҳмонга аланглади.

— Сен менга юборган ҳамма материалларни ўқиб чиқдим, видеотасвирларни, маъruzаларни эшийтдим, — деди Азизбек жиддийлик билан. — Биласанми, дин ўткир тифга ўхшайди: у ҳунарманднинг қўлига тушса, гўзал санъат асалари яратади, ёвуз ниятли кимсалар эса

ундан қурол ўрнида фойдаланишиди. Мен ҳам айрим жойларига тушунмай, билими мендан кўра чуқурроқ бўлган дўстимга кўрсатгандим. У сенинг интернетда топган “устозинг” ҳақида анча-мунча маълумотлар тўплабди.

Абдулҳамид бирдан қалқиб кетгандек бўлди. Унинг кўзларида қўрқув ва даҳшат акс этарди.

— Демак, сиз... сиз... — Жойидан сакраб турган боланинг устозига қадалган кўзларида ғазаб ва нафрат акс этарди.

Азизбек босиқлиқ билан Абдулҳамидни жойига ўтқазди.

— Аввал манавиларга бир қара, — Дишод хонтахта тагида турган ноутбуқни чиқарди ва тугмасини босди. Кейин монитордаги папкалардан бирига кирди.

Зум ўтмай экранда вайрон бўлган уйлар, мажақланган машиналар, парчаланган жasadлар кўзга ташланди. Қора соқоли кўксига тушган, қурол тутган жангариilar жазавага тушганча алланималар деб бақирмоқда.

Бу манзараларни кўриб, Абдулҳамид сесканиб кетди. Ҳалиги жангарилардан бири унга таниш кўринди. Кўп ўтмай иккинчи лавҳага ўтилди. Бу ерда ҳам худди шундай манзара, фақат бошқа мамлакат, бошқа сана... Вайроналар, бетон бўлаклари орасида юз-кўзлари қонга беланган гўдак чирқираб йиғлади. Аёллар, ҳимоясиз кексалар тирик қолиш учун тум-тарақай қочмоқда. Бу гал Абдулҳамид автоматдан тирқиратиб ўқ отаётган одамнинг юзини аниқ кўрди. Бу ўша Рукнилдин эди. Яна бир лавҳада у бошини кундага қўйган, қўли орқасига боғланган ўрта ёшли одамнинг тепасида узун қиличини азот кўтараяпти. Мана ҳозир қилич зарб билан пастга инади-ю...

Абдулҳамид кўзларини чирт юмиб олди. Унинг аъзойи бадани дир-дир титрарди.

— Сен уни танийсанми? — сўради Азизбек лавҳа намойишини тугатиш учун керакли тугмани босаркан.

## Рустам ЖАББОРОВ

— Рукниддин ака эмас бу, — беихтиёр шивирлади. Абдулҳамид. — Ахир, у жуда билимли, раҳмдил, меҳрибон инсон.

— Тўғри айтдинг, у Рукниддин эмас, — деди Дишод босиқлик билан. — Унинг исм-фамилияси бошқа. Сенга ўхшаган ёшларни мўмин-қобил, марҳаматли, тақводор инсон қиёфасида тузоққа туширишга интилиб келади. Аслида 1999 йилда 16 февралда Тошкентда уюштирилган терактларда иштирок этиб, ўзи қочиб юриди. Ўшандада сен уч ёшли гўдак бўлгансан. Эҳтимол, ўшандада қанча бегуноҳ одамлар ўлиб кетганидан хабаринг йўқдир? Бу кимсанинг мараз ишлари шу билан тўхтаб олмаган. У Афғонистонда, Тожикистонда, Чеченистонда ҳам жуда кўп хунрезликларни амалга оширган. Ҳозирда Ироқда жангарилар эгаллаган ҳудудда туриб, интернет орқали ёшларни шу груҳга жалб этиш билан шуғулланиб келмоқда.

— Мумкин эмас, — ҳамон Абдулҳамидинг лаблари титради. — Ахир, у...

— Сен ҳам шу кимсага ўхшаб, бегуноҳ одамлар яшаётган уйларни портлатгинг, болалар, аёлларни ўққа тутгинг, одамларнинг калласини узгиңг келяптими? — сўради Дишод бироз қизишиб. — Ёки тасаввур қил, ана шундай жангарилар сен яшаётган уйни портлатишса нима қиласан? Онанг мана шу экрандаги ожизадек зор қақшаб йиглашини истайсанми? Жиянинг, уканг худди шу болалардек ўқ ёмғири остида қолишини-чи? Ёки ўша жангарилар отангнингми, акангнингми бошини кундага қўйиб...

— Бас! — Абдулҳамид бошқа чидолмай ҳўнграб юборди.  
— Бўлди, мен у билан умуман алоқани узаман, устоз!  
Мен... мен адашибман...

Азизбек шогирдини бағрига босди:

— Э укагинам, сен-ку, хатойингни вақтида тушуниб, тўғри йўлга киравсан, аммо ҳали қанчадан-қанча ёшлар

билиб-билмай ана шу йўлга кириб, охир-оқибат икки дунёси куйиб қоляпти. Билиб қўй, Яратган зулмни, золимларни кечирмайди. Буларнинг мақсади өзгулик бўлганида, ўз Ватанига хиёнат қилиб, бегуноҳ одамларни ўлдириб, хорижга қочмасди. Агар динни, иймон-эътиқодни чуқур ўрганаман, десанг, ўзимизда қанчадан-қанча мадрасалар, олий ўқув юртлари бор. Ана ўша ерларга бориб ўқи, излан, билимингни, тажрибангни ошир. Лекин бундай малъун, хоин, ватангдоларнинг даъватларига учмагин, болам!

\* \* \*

Эртаси куни анча тетик, бардам кайфиятда коллежга кириб келаётган Азизбекни асосий корпус олдида Уста Иброҳим қарши олди. Ҳа. Ҳудди ўша, бир неча ҳафта илгари Азизбекканинг маслаҳатларини бепарволик билан эшишиб, “ўйлаб кўраман” дея охир-оқибат ўғлини Россияга жўнатиб юборган Уста Иброҳим.

— Тинчликми, уста ака? Маъмурдан хат-хабар борми?

— Э, тинчликмас-да, ука, — уста Иброҳимнинг юзида хавотир акс этарди. — Ўшанда сизнинг гапингизга кирмай чакки қилган эканман. Иккита ўғлим Россияда бандитларнинг қўлига тушиб қолган кўринади. Бир ой ишлатиб пулларини беришмаганини етмагандек, паспортларини тортиб олишибди. “Уйинглардан минг доллардан пул жўнаттирасанлар, бўлмаса, ҳаммангни тириклай кўмворамиз”, деб қўрқитишашётганиши. Кеча ярим тунда катта ўғлим бир амаллаб телефон топиб, шу ҳақда хабар қилди. Ўзи устачиликнинг орқасидан амалтақал кун кечириб юрган одамман, — уста кўзига ёш олди. — Бунча пулни кимдан, қаердан оламан? Кимдан маслаҳат сўрашни билмай охири сизнинг ёнингизга келдим, укажон...

Азизбекнинг ичидан нимадир узилгандек бўлди. Уана

## Рустам ЖАББОРОВ

шундан қўрққанди. Бироқ вақти келиб, ўқувчисининг отаси йиғлагудек аҳволда ёнига бош эгиб келишини ўйлаб кўрмаганди.

“Одамзот қизиқ, гоҳида муқаррар хавф-хатарни кўриб турса ҳам таваккал қиласди. Бошқаларнинг қисматидан тегишли хулоса чиқармайди. Ўзи кўрган, эшигтан нохуш ҳолатлардан суғурта қилинганман, деб ўйлайди. Оқибатда эса...”

Азизбек кўнглидан кечганини тилига чиқармади. Зотан, бундай ҳеч бир наф йўқ эди. Қаршисидаги отанинг минг ерига пичоқ сукса, бир томчи қон чиқмайди. Унинг ўз дарди ўзига етарли, фақат унга имкон қадар ёрдам бериш керак.

— Ўғилларингиз қайси шаҳарда? — сўради Азизбек.

— Аввал катта ўғлим Краснодарда бинойидек ишлаб юрувди. Кейин Новосибирскдан иш чиқиб қолди, укамни ҳам жўнатинг, бирга яхшигина пул топамиз, деб қолди. Бир номарднинг қўлига тушиб қолишини каердан билибман? — Уста Иброҳим йиғлаб юбормаслик учунми, кўзларини чирт юмиб, юзини беихтиёр четга бурди.

— Уста ака, сиз бехавотир уйингизга бораверинг. Мен бирchorасини излаб кўрарман. Насиб этса, ҳаммаси яхши бўлади...

Бу илиқ сўзлар устага қандай таъсир қилди — билмайди. Ҳарқалай, “бор умидим сиздан, укажон” дея уни алқаб изига қайрилди.

Азизбек кун бўйи тўртта гуруҳга дарс ўтса-да, хаёли фақат Маъмурда эди. Шўрлик бола. Ҳали ўн саккизга тўлиб-тўлмаган, ота-она меҳрига тўйиб улгурмаган бу бола ёт ўлкаларда, ўзгаларнинг қовоқ-тумшуғига қараб, қандай кун кечиради, қандай яшайди — буни вақтида катталар ўйлаб кўриши лозим эди.

Танаффус пайтида у яна ўртоғи Дилшодга сим қоқди.

— Эшитаман, — гўшакдан ўртоғининг ҳар доимгидек тетик овози янгради.

— Ўртоқ яна бир масалада ёрдаминг керак бўлиб қолди... — шундай дея ўқувчиси Маъмур билан боғлиқ ҳодисани қисқача баён қилди.

— Бу анча мураккаб масала, — деди Дилшод хийла мулоҳазадан сўнг. — Чунки ҳодиса бизнинг юртимиздан ташқарида юз беряпти. Одам савдосига қарши кураш бўйича идоралараро комиссияси билан боғланиб кўраман. Сен ўша бола ҳақидаги маълумотларни менга жўнатиб юбор. Отасидан болалар турадиган манзил, уларни ишга жойлаган одамлар, иш берувчининг кимлигини суриштири. Агар манзили аниқ бўлса, ишимиз анча осон кечади.

Қадрдонининг бу гапи унга анча руҳий далда бўлди. Шаҳар бедарвоза эмас. Давлат фуқароларини ўз ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам ҳимоялашга қодир.

Азизбек вақтни ўтказмасдан, Маъмурнинг шахсий жилдини очиб, унга тегишли маълумотларни қидиришга тушди.

...Орадан икки кун ўтиб, Дилшоднинг ўзи Азизбекни йўқлаб сим қоқди.

— Биз Новосибирскдаги консулхонамизга хабар бердик. Бу ишдан ўша шаҳар ички ишлар ходимлари ҳам хабардор. Тез орада ўқувчингни топиб, жўнатишса керак.

\* \* \*

— ...Нақ етти ой илгари сиз билан худди мана шу алфозда ўтириб, суҳбатлашгандик, — коллеж директори Асадулла Ҳожиевич ўша, таниш пахта гулли чойнагидан чой қуйиб, Азизбекка узатди. — Қаранг, вақт ҳам бирпастда ўтиб кетавераркан-да, а?

— Ҳа, нимасини айтасиз, — Азизбек чой ҳўплаб давом

этди. — Болалар билан энди тил топишиб, муаммоларни бартараф этдик, деганимда ўқув йили ҳам тугаб қоляпти. Ўз укамдек, синглимдек булиб қолган ўқувчиларим билан тез орада хайрлашишимни ўйласам, кўнглим бўшаб кетяпти.

— Очиги, сизни илк бор кўрганимда, кўзимга жуда кўнгли бўши, соддадил бўлиб кўрингандингиз. Бу йигит ҳам “иблис гуруҳи”ни уdda қилолмай, бир ойда сурворса керак, деб қўрққандим, — ўз гапи ўзига нашъа қилиб, кулиб борди Асадулла Ҳожиевич.

— Биласиз-ку, ҳеч бир инсон онадан ёмон бўлиб туғилмайди. Болани қуршаб олган муҳит, ташқи таъсирлар уни ўзгартириб юбориши мумкин. Ҳар бир бола бир олам. Ҳар бирининг тарбиясига индивидуал ёндашиш керак.

— Чиндан бу гуруҳда ҳақиқий истеъдодлар бор экан-у биз билмаган эканмиз. Кичик корхонани ҳам гуркиратиб юборишиди. Айтганча, анув тикувчи қизимиз бор эди-ку, Соҳибамиди, шу қизни йашга олиб қоламиз. Ҳалиги чет элдан келтирилган дастгоҳни бинойидек бошқаряпти қурғур. Бошқаларгаям ўргатяпти.

Азизбек чой ҳўплаганча, етти ой ичилада ўзига бириклирилган гуруҳдаги ўғил-қизлар эришган ютуқларни кўз олдига келтирди.

Умида яқинда Дўрмонда ўтган ёш ижодкорлар семинарида қатнашиб қайтди. Биринчи китоби давлат ҳисобидан йигирма минг нусхада чоп этиляпти. Айтганча, унинг отаси Содик ака қизини Отабек билан унаштиришга розилик берди. Нон ҳам синдирилган. Ҳозир Отабек билан бирга ўқишга кириши учун тайёргарлик кўришяпти. Ўқиш масаласини ҳал этиб олишгач, оила қуришмоқчи.

Унинг гуруҳида олти нафар ўқувчи “Умид ниҳоллари”нинг вилоят терма жамоасига қабул қилинган. Эрта-индин Бухорода бўладиган мамлакат

босқичига йўл олишади. Азаматлар “биринчи ўринни олиб, битта “Дамас” билан қайтамиз” дейишяпти. Майли, омадларини берсии.

Абдулҳамид ҳам бутунлай ўзгарди. Дарсдаги ҳар хил бўлмағур даъватнамо гапларини йиғиширган. Интернетда турли бетайин сайтларни “кезинш”га ҳам вақти йўқ. Хайрият, сал боши айланиб қолган бўлса-да, айтарли номаъқул ишга қўл урмаган экан. Бундан буён ўзини тақводор кўрсатиб юрган ҳар қандай кимсаларнинг гапига қулоқ осмасликка сўз берди.

Унинг ҳам қарори қатъий: қандай бўлмасин, шу йил Ислом университетига ўқишига кириб, келажакда шу соҳада ёшларга чуқур таълим бериб, оқни қорадан фарқлашга ўргатадиган етук мутахассис бўлиш. Унинг бу қарори уйдагилар, хусусан, отасига ҳар тарафлама маъқул келди. Эртаю кеч ўқишига кириш учун ҳозирликни бошлаб юборган.

Маъмур билан боғлиқ муаммо ҳам изига тушиб кетди. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари уни акаси ва бошқа йигитлар билан бирга Новосибирскдаги бир ертўладан топиб, уйга жўнатишиди. Уларни мажбуран ишлатиб, яна пул талаб қилган жиноий груп қўлга олинган. Бу груп бир неча йилдан бери мухожирларни қулликда сақлаб, ана шундай жиноятларга қўл уриб келишаркан. Ҳозир бу иш билан Россия федерал прокуратураси шуғулланяпти.

Маъмурниң ўзи эса ўқишини битириши билан давлатдан кредит олиб, тадбиркорликни бошламоқчи. Бир пайтлар ўзи ишлаган устахона сингари эшик-дераза ромлари чиқарадиган цех очиши ниятида.

Шаҳризода ҳам тадбиркорлик қилиш орзусида юрибди. Шаҳар марказидан гўзаллик салони очмоқчи. Унга қўшилиб, бир қанча йигитлар ҳукумат томонидан бериладиган кредит танловига ҳужжат тўплаб юришибди.

Комрон ҳам кейинги икки ой ичida бутунлай бошқа болага айланган. Ўқишига ұнусабати ҳам бошқача.

## Рустам ЖАББОРОВ

---

Тошкентга бориб Иқтисодиёт университетига ўқишга кирмоқчи. Ўз билими билан университетга кириб кетишига ишончи комил. Олдиндан математика бўйича унга етадигани йўқ эди. Тил ва адабиётдан Азизбек зарур қўлланмаларни топиб берди. Чет тилидан репетиторга қатнаяпти.

Қизиқчилиги билан ҳаммани кулдириб юрадиган Мансур ҳам ниҳоят жиддий қарорга келган кўринади. Унинг нияти Ўзбекистон маданият ва санъат институтига ўқиши кириб, келгусида комик актёр бўлиш. Ҳозирги пайтда вилоят “Қувноқлар ва зукколар” клубининг фаол аъзоларидан бири саналади.

Фақат Мухторнинг қамалиб қолгани чатоқ бўлди. Балки буям яхшиликкадир? Яқинда у Азизбекка хат ёзибди. “Устоз, вақтида сизнинг ўгитларингизга амал қилмаган эканман. Бу ерда ўтириб, кўзим очилди. Тез орада чиқиб қоламан. Коллежда ўқишини давом эттириб, бирор касбнинг бошини тутаман. Ҳаётда инсон бирор мақсадни кўзлаб яشاши керак экан”.

Майли, ҳечдан кўра кеч дейишади-ку, Шояд, бундан бу ёғига Мухтор ҳам ҳаётда ўз йўлини топиб кетса...

— Бугун гуруҳимга охирги дарсни ўтаман, — деди Азизбек бўшаган пиёлани директорга узатаркан. — Эртадан имтиҳонларга тайёргарликни бошлаймиз. Энди менга рұксат, ҳадемай дарсга киришим керак. Болалар кутиб қолишимасин.

Азизбек мамнун қиёфада йўлак охиридаги 101-хона тарафга юрди.

## **МУНДАРИЖА:**

Зулмат диёрида .....	3
Ёшлик бебошлиқ эмас .....	178

*Адабий-бадиий нашр*

**Рустам ЖАББОРОВ**

# **ЗУЛМАТ ДИЁРИДА**

*Қиссалар*

Масъул мухаррир: А.Коржовов

Мухаррир: О.Қанаев

Тех.мухаррир: Н.Қодирова

Бадиий мухаррир: Р.Ташматов

Саҳифаловчи: Г.Курбанбаева

Босишга берилди 15.12.2016. Қофоз бичими 60x84 1/<sub>16</sub>.

“Virtec Times Uz” гарнитураси.

Шартли босма табоги 16. Нашр босма табоги 16,5.

Адади 3000. Буюртма № 48.

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрға тайёрланди.

Нашриёт лицензияси: AI №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй

11,500



ISBN 978-9943-994-38-6

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-994-38-6.

9 7 8 9 9 4 3 9 9 4 3 8 6